


Dunyo
adabiyoti
kutubxonasi

Шарль ЛОРАН

НАПОЛЕОННИНГ
ЖОСУСИ



Т а р и х и й р о м а н

Шарль ЛОРАН

НАПОЛЕОННИНГ
ЖОСУСИ



УЎК: 821.БЗ.1-311.6

КБК: 84(4Фр)

Л - 780

Лоран, Шарль

Наполеоннинг жосуси: роман. Шарль Лоран / Рус тилидан
Рустамжон Умматов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди,
2016. – 288 б.

ISBN 978-9943-27-801-1

Француз адиби Шарль Лораннинг мазкур асари ўқувчини XIX асрнинг бошлари – Наполеон Францияси даврига сайр эттириб, буюк саркарда Наполеон Бонапарт, жосус Карл Шультейтер ва соҳибжамол Берта ҳамда улар қармоғига олган, томирида қироллар қони оқаётган асранди бола Ганс каби қаҳрамонларнинг тақдири ва ички кечинмалари орқали урушнинг суронли онларига олиб киради.

Нафақат бадиий завқ, балки 1805 йилдаги Франция-Австрия ўртасидаги зиддиятларга оид тарихий маълумотлар билан етарлича танишиш имконини ҳам берувчи ушбу асар ўқувчининг суюкли китоблари қаторидан ўрин олади деб умид қиламиз.

УЎК: 821.БЗ.1-311.6

КБК: 84(4Фр)

Рус тилидан
Рустамжон Умматов
таржимаси

ISBN 978-9943-27-801-1

© Шарль Лоран, «Наполеоннинг жосуси»: «Янги аср авлоди», 2016 йил.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЖОСУС ҚЎЛГА ТУШДИ

– Энди яна муқаллид бўлиб, баджаҳл чолнинг афтини кўрсатиб берасан-да, а?

Саккиз яшар қизалоқ ана шундай деди ва қўлидан тутган отаси томон оёқ учида тикланишга интилди. Унинг қалин сочлари олтинранг бўлиб, паришон кокиллари елкасида тебранарди. Қизча қора барқут жиякли қизил юбкача кийиб олган, торгина карсети остидан оппоқ кўйлагининг енги ва бурмалари кўри-ниб турибди.

Унинг бу ўтинчи дадасининг нариги қўлидан ушлаган акасининг жигига тегди. У синглисидан уч ёш катта эди.

– Лизбетанинг айтгани бўлмайди, – деди у. – Бизга бошқачароқ муқаллид бўлиб, яхшиси аскарга айлана қол. Эслагин, охирги марта тақлид қилгандинг-ку.

Лизбета биркесар қизлардан эмасди. Унга қолса, эрмакнинг эски-янгилиги аҳамиятсиз, фақат хурсандчилик бўлса бас. Инчунин акасининг таклифига жон дея қолди.

– Тўғри, тўғри, аскар... Ганс биледи-да. Урушга кетаётган жангчи...

Ота кулимсиради ва «маъқул» дегандай, икковига бош ирғади. У болаларининг қўлини кўйиб юборди-да,

бир неча қадам нарироққа кетди. Ака-сингил йўлнинг ўртасидан ёнма-ён юриб бораверишди. Иккови ундан кўз узмай, чексиз қизиқиш билан кузатар эдилар.

Бу киши зоҳиридан оддий шаҳарлик бўлиб, келбатли ва бақувват кўринарди. Уст-боши ва мулойим чеҳрасидан страсбурглик савдогарга ўхшатиш мумкин эди. Эгнидаги тўқ жигарранг сюртукнинг тугмалари темирдан, бўйинбоғи калта ва қора, этиклари ипли эди. Қоп-қора барра телпагининг гардиши қайрилма, усти ясси, пешонаси соябонли. Кўлида ваҳимали гаврон тутган бўлса-да, пашшага ҳам озор бергудай феъли йўқ эди. Бироқ уни ҳамиша ҳам хушфеъл деб бўлмасди. У кундузлари бир зумдаёқ важоҳатини бошқалай олишини болалар кўп бор кўришган. Бундай дақиқаларда овозини таниб бўлмагани устига кўзларининг туси ҳам ўзгариб кетарди. Ака-сингил ҳарчанд уринсалар-да, бу сирнинг тагига етолмасдилар.

Мана ҳозир ҳам болаларга илтифот қилиб, қиёфасини батамом «янгилай» кетди. У кўлининг оҳиста ҳаракати билан сюртукнинг қайирмаси ва кўтарма ёқасини росмана ҳарбий бичимга келтирди. Панталонини сал юқорилатиб, чаккасида селкиллаётган қизғиш-малла сочларини қулоқлари ортига силлиқлаб таради. Телпаги эса кўзбойлогичнинг сеҳрли таёқчаси теккандай кивер¹ шаклига кирди, гавдасини роз қилиб, мундир кийган ҳолга келди. Ранг-туси номаълум ола-була чулкиси гўё этик кийгандай ўта эпчил ҳаракат билан ғойиб бўлди. Болалар қийқириб юборишди:

– Бу жандарм-ку! Ҳа, ҳа, жандарм!

Икковининг шодон ва беғубор чуғурлаши тинмасиданоқ жандарм ўрнида қуролланган гренадёр на-

¹ Кивер – жандармлар бош кийими. (Романдаги барча изоҳлар таржимон қаламига мансуб.)

моён бўлди. У ҳозиргина қилич мисоли ерда судраб юрган таёқ биқини ва елкага тиралиб, қилт этмаётган милтиққа айланди. Кивер ўрнида эса мўйна телпак пайдо бўлди.

Болалар ҳайрат ичра чапак чалиб юборишди. Ўша заҳотиёқ ака-сингил қошида соябонсиз чарм фуражка-ли егеръ пайдо бўлиб, сюртук қўққисдан қисқарди-да, егеръ энди доломан¹ кийган гусар қиёфасига кирди. Ҳар бир тақлиддан сўнг бу одамнинг юзини ҳам мутлақо таниб бўлмасди. Хурпайган сочлари «ювош» тортиб, итнинг қулоқларидай шалпайиб қолар ёхуд кокил тусини олар эди. Бежирим мўйлови диккайган йигирма яшар суворий жангчи ўша ондаёқ тунд юзини шопмўйлов эгаллаган кекса ҳарбий бўлиб қоларди. Кўзлари бир кулгили кўринса, бир чақчаяди. Юзида гоҳо қатъият ва бир зумда бешафқатлик зухур этади. Алқисса, у ўзи тақлид қилаётган шахсларни чуқур ўрганган ва муқаллидлик санъатида камолотга эришган эди. Шуниси ҳам борки, унинг бу камолоти фақатгина юз ҳаракатидаги маҳоратдагина эмас, тақлид учун танланган шахснинг феъл-атворини, қурол тутгандаги сохт-сумбатини ифодалашда ҳам сезилиб турарди.

Қўққисдан ўйиннинг белига тепишди. Ака-сингил бир сўз демасдан олға томонга ишора қилишди. Ота ортига ўгирилиб, олдиндаги булутдай чанг-тўзонга тикилди, олисроқда ҳам чанг кўринарди. Тўзон ора-лаб чопаётган отлар ва улар судраган одам тўла аравага кўзи тушди. Аравада нимадир ярақларди, чамаси қурол-аслаҳа бўлса керак.

У болаларни йўл четидаги ўт-ўлан қоплаган ёндамага олиб ўтди. Бу ер шамол ва чанг-чунгдан холи бўлиб, ўткинчиларни бемалол томоша қилиш мумкин эди.

¹ Доломан – тугма ўрнига чилвир-ип ишлатиладиган, тик қотирма ёқали куртка. У гусарлар мундирининг асосий унсурларидан бири бўлган.

Энди яқинлашаётган аравалар ва отларнинг дукурлаши яққол эшитила бошлади. Гулдурос кулгулар орасидаги узук-юлуқ аскар кўшиқлари кейинги аравалардаги бақир-чақирга уйқашиб, мислсиз шовқин-суронга айланарди. Ўн чоғли овоз ҳарбий сафар маршини баланд пардаларда куйламоқда.

Кувониб кетган болаларнинг кўзлари чарақлаб, тутинган оталарига мамнун назар солишди: улар мана-ви қувноқ манзара унга қандай таъсир қилаётганини билмоқчи бўлишарди.

Яшиндай яқинлашиб келаётган карвон ўзида фақат чексиз шодлик ва гулдурос кулгиларни мужассам этганди. Ака-сингил эса йўловчиларни яхшироқ кўриш учун бир-бирига ёпишиб олганди.

Бу Саверн атрофида кенг тарқалган оддий экипаж эди. Қизил юзи чўғдай чақнаган аравакаш йигит дярли тик туриб олганди. У ҳарбий ҳамроҳларининг тўхтовсиз хандаларидан шунчалар жўшиб кетгандики, қамчиси ҳам гўё кўшиқ оҳангига мутаносиб қарсилларди. Бошидаги мўйна қалпоғи чаккаси томон қийшайиб, тулки тумоғи белигача осилиб қолган, ечилаёзган бўйинбоғи елда ҳилпирарди. Ўн икки аскар араванинг ўнгу сўлига ўтириб олишган. Ўртада қиличлар, милтиқлар, мўйна қалпоқлар уюми. Уларнинг тамаки бурқситиш ва ашула айтишдан ўзга ҳеч бир ташвиши йўқ. Орқадаги араваларда ҳам шу аҳвол, фақат улардаги кучерларнинг шашти биринчидагидек эмас.

Хуллас, бири-биридан баттар тупроққа ботган «хонанда» аскарлар тўла қирқта арава ўқдай учиб ўтди. Бу генерал Удинога қарашли гренадёрлар батальони эди. Аррасдаги алоҳида дивизия энг сара жангчилардан ташкил топгандики, Наполеон ҳам қойил қолиб, уларни ҳатто ўз гвардиячиларидан ҳам забардаст деб

биларди. Мазкур дивизия Булондан Страсбурггача ва Па де Калэдан Рейнгача бўлган олис ва сермашаққат йўлни босиб ўтишганди.

Аскарлар Англияга жўнатишар деб ўйлашганди, бироқ буйруқ Германия томонга бўлди – сабаби номаълум. Фақат энг тажрибали жангчилар Наполеоннинг ҳийласини билишларидан лоф уриб, мақтаниб қўйишарди. (Биринчи консул даврида Маренго жанги бўлиб тарихга кирган ҳарбий юриш, шунингдек, Наполеон бошчилигидаги Миср экспедицияси уларнинг ёдидан чиққан эмасди.) Улар ўзларига аён режани тубандагича шарҳлашарди:

– Кўриб турибсизларки, Ламаншдан ўтишда бизга қалқон вазифасини адо этувчи Вильнев флоти келмади ва энди бекорхўжа бўлиб ётибмиз. Чўмилиш мавсуми ўтиб кетди, бинобарин, император шамоллаб қолишимизни истамайди ва шу боис бизни Рейн тарафга йўлламоқчи. Афтидан, у ерда руслар билан австрияликлар бизнинг йўқлигимиздан фойдаланиб, бир балони бошлаш тадоригида: бориб, улар билан икки оғизгина гаплашиб қўямиз. Унгача адмирал Вильнев бир амаллаб Булонга етиб келади ва биз ҳам у ерга баҳорда қайтиб борамиз.

Гап шундаки, Наполеоннинг фармонига биноан гвардиячилар, арраслик гренадёрлар ва бошқа аскарларни Па де Калэдан кемаларда эмас, бутун Франция ҳудуди бўйлаб араваларда ташилмоғи зарур. Ҳамма бекатларда бунинг учун отлар шайлаб қўйилган бўлиб, ҳарбийлар пошналарини едириб тупроқ кечмасдан ғарбдан шарққа қараб бетўхтов йўл босадилар. Бу ҳақда газеталарга ёзиш тақиқлаб қўйилди.

Тўғри, ҳар куни аравадан-аравага ўтавериш аскарларнинг жонига оз-моз тега бошлаганди. Улар бақувват отлар қўшилган пикардияликлар уловида юриб

кўришди, аргумоқлар ўқдай учиб, адирларга ҳам қийналмай тортаверарди. Иль де Францга етгач, у ердаги шарабанларда¹ ўтириш қулай бўлсада, отлар огир юкка дош беролмай имилларди. Аммо йўл азоби – гўр азоби деган мақолнинг бор ҳақиқатига Бри, Суассон ва Шампанда мубтало бўлишди: бу ерлардаги икки гилдиракли аравалар жуда расво эди. Ҳарбийлар Эльзасдан бошлаб эркинроқ нафас олишди, аравалар соз, походни аямай тўшашган, кучерлар дилкаш ва хушчақчақ эди. Ана энди жангчиларга жон кириб, томоқ йиртиб куйлай бошладилар.

Тўхташ ва дам олиш жойини белгилашга масъул мансабдорлар колоннадан анча олдинроққа ўтиб кетишган. Лекин чангга беланган бир гуруҳ зобитлар экипажлар теварагини назорат қилиб боришарди. Командир карвоннинг охирида – ем-хашак ортилган сўнгги арава ортида келаётган эди. У чорпахил, юзи буғриқиб кетган, кўзлари тийрак, аммо беғубор боқарди: нигоҳи йўл ёқасидаги болаларга тушди ва алланимани эслади шекилли, жилмайиб қўйди. Эҳтимол, уйда кутаётган, анави икки болакайдай ўз фарзандлари ёдига келгандир. Яна ким билсин?

Кеч кирди. Чанг-тўзон босилди. Йўлга аста-секин сукунат чўқди. Кўрганларидан кўнгли чоғ Ганс ва Лизбетанинг энди уйга қайтгилари келиб, ота бўлмишга қарашди.

У эса ҳарбийлар ўтиб бўлгунча миқ этмай кузатди. Гўё бекор тургунча бекор ишла деганларидай уларни санаб чиққанди. Бироқ зарҳал мундирли генерал ҳам сафланиб ўтаётган аскарларини зоҳиран бўш-баёв мана шу одамчалик синчковлик билан кузатмасди. Ҳамма аравалар кетиб бўлгач, у ёндафтарини олиб ёза бошлади:

¹ Шарабан – бир отли арава.

«1805 йил 24 сентябрь. Ҳозиргина беш юз кишилик гренадёрлар батальони Саверндан Страсбург томонга ўтиб кетди. Ҳарбийлар кўринишига қараганда, соғлом ва қатъий интизомда. Менда алоҳида таассурот қолдирган хусусият шуки, сочлари қайчиланган, лекин у па сепилмаган аскарларни бугун илк бор кўрдим. Шунинг учун ҳам уларнинг энгил-боши хийла тоза эди, демоқчиманки, агар сочларига у па сепилганда кукуни уларнинг қизил ёқасини ўта кир қилиб юборарди. Айтишларича, ушбу янгилик Франция ҳарбийлари учун тўла-тўқис жорий этилар экан.

Мана шу ярим минг жангчи Келнинг муқобилида саккиз кундан буён кўр тўкиб ётган ўттиз беш минглик қўшиннинг бир қисмидир. Страсбург тарафдага вазиятдан хабарим йўқ, лекин эшитишимга қараганда, Мангейм, Спир ва Майнцада сон-саноксиз аскар тўпланаётган эмиш. Таниш қўмондонлардан ҳеч кимни учратолмадим. Бонапарт тўрт кун бурун жасур жангчиларини «Фахрий легион» ордени билан тақдирлаб, сўнгра Булонга қайтибди. Афтидан, у кетиш ниятида эмас. Ҳатто дабдабали зиёфатлар ташкил этмоқда. Шунга қарамасдан, мен тилга олган катта қўшин жамланиши бежизмас, бунда жиддий бир гап бор ва уни яхшироқ билиб қўйиш керак. Валинеъматининг махфий топшириғи билан Германия сафарига кетган Кавалерия генерали, маълум ва машҳур Мюрат ҳалигача қайтгани йўқ. Кунни кеча генерал Бертран қайтиб келди, унга ҳам хуфёна буйруқ берилиб, иттифоқчиларнинг қўшинлари хусусида муҳим маълумотларни аниқлаш топширилганди. Улар шунчалар нўноқлик билан ниқобланган эдики, қандай қилиб душман қўлига тушиб қолмади – шунисига ҳайронман.»

Бизнинг бўш-баёвгина шаҳарлик ана шуларни қайд этгач, дафтарчани киссасига жойлади ва овозини кўтарди:

– Қани, болажонлар, энди қайтамиз!

Улар шаҳар сари йўлга тушдилар.

Бироқ ярим мил юрмасданоқ ўзлари икки соатгина бурун ўтган жойни таний олмай қолишди. Йўлнинг уч юз метр олдиндаги кўҳна тепаликка туташ қайирмасида кавланаётган ертўлаларни кўриб, ҳайрону лол қилдилар. Учовлон чумолидай қайнаётган одамлар устидан чиқишганди.

Бу ерда бояги араваларда ўтган гренадёрлардан бўлак аскарлар ҳам жуда кўп эди. Улар олис йўлда увишган оёқларининг чигалини ёзиб, югуриб-елган кўйи ўзларига қўналга ҳозирлашарди. Отлар бўша-тиб олинган аравалар йўл ёқасига тартиб билан те-риб қўйилган, ранго-ранг гренадёрлар ёнидан жой олган бошқа қисмлар ҳам қудрат ва интизом бобида улардан қолишмасди.

Алқисса, қуролли аскарлардан иборат тошқин шаҳар остонасигача ёйилиб кетганди. Атрофда инсонлардан ташкил топган тўлқинни томоша қилгани келган ҳар нарсага қизиқувчан болакайлар гоҳ олға, гоҳ орқага чопқиллар, жойлашув жараёнидаги ҳарбийлар галаси мана шу шумтакалар кузатуви остида ҳавас қилгудай орасталикка эришаётганди.

Ваниҳоят чодирлар тикилиб, гулханлар ёқилди. Аравалар «эшаги»даги милтиқлар устига байроқлар ўраб қўйилган, гўё найзалар бешикка белангандек эди. Само сокин, дуд булутлар сари ўрлайди. Тутун билан вазмин гангур-гунгур садолари ҳам шаҳар осмонига тараларди.

Бу ерда батальон ёки бригада эмас, ҳатто дивизия, балки бутун бир армия жойлашганди!..

Болаларни етаклаган киши бундай манзара рўпарасида ҳайратдан донг қотиб, таққа тўхтаб қолди. Шунчаликки, у ака-сингилнинг саволомуз нигоҳла-

рини ҳам пайқамади. Ахийри бир қарорга келиб, катта йўлгача чўзилган жонли девор орасидан ўтиб кетавермоқчи бўлди.

– Мумкин эмас! – қичқирди соқчи, у артиллериячи бўлиб, қиличини қинидан суғурди.

– Нега мумкин эмас? Ахир мен ўз уйимга бораётган бўлсам-чи? Страсбург фуқаросиман, болаларим билан сайрдан қайтиб...

– Жудаям афсусдаман, муҳтарам дадавой, аммо менга шундай буйруқ берилган. Паркимиз¹ анави ерда, жудаям яқин, шу боис йўл кечга қадар ёпилди.

– Қўйсангиз-чи, биродар, манави гўдаклардан хавфсираманг, замбаракни мажақлай олишмайди. Келинг, мени ўтказиб юборинг, ишончим комилки, буйруқ бизга татбиқ этилмаса ҳам бўлаверади.

– Бўлиши мумкин. Лекин менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Ана зобит, истасангиз ўзидан сўраб кўринг...

Посбон ишора қилган зобит худди буюргандай батальон командири эди. Икки жажоки болакайнинг тўхтатилиб, жангчига ҳайрон боқиб турганига унинг ҳам эндигина кўзи тушганди. Ёнидаги ҳамроҳи эса капитан экан. У тилласоч кичкинтойларни эслади ва соқчидан сўради:

– Нима гап ўзи?

– Командир, манави киши болалари билан шаҳарга ўтиб кетмоқчи.

– Страсбургликмисиз, – сўради зобит. – Кимсиз, отингиз нима?

– Шутьмейстер, Карл, Людовик, де-ла-Месанж кўчасидан, баққолман, тамакифурушлик қиламан.

– Ҳарбийда бўлганмисиз? Ёшингиз нечада?

– Ўттиз бешга кирдим, командир жаноблари.

¹ Парк – қўшин таъминотига тааллуқли кўчма ҳарбий омбор.

– Нега жавоб бермайсиз, аскарлик хизматини ўтаганмисиз?

– Полковник Савари мени шахсан билади...

– Демокчисизки, полковник Савари танишингиз эди?..

– Ие, у ўлдими?

– Йўқ, у ҳозир дивизия генерали, жанговар жандармлар командири ва разведка хизматлари бошлиғи. Сиз бари бир саволимга жавоб берганингизча йўқ.

– Мен аскарликда бўлган эмасман, командир.

– Нима учун? Кўринишингиздан тоғни урсангиз талқон қиласиз-ку?

– Франциялик эмасман-да.

– Унда қаерликсиз?

– Янги Фрейштатдан.

– У қаёқда ўзи?

– Страсбургдан тўрт милча масофада, Рейннинг нариги соҳилида.

– Шунақа экан, бу ерда нима қилиб юрибсиз ва Саварини полковник чоғидан қандай танийсиз?..

Яқиндагина болаларни кулдириб қувонган, сиёқидан ниҳоятда мўмин-қобил ва соддадил кўринган одамнинг асаби бу савол-жавобларга зўрға чидаётганди. Бир неча бор жеркиб ташлагиси келса-да, ўзини босди. Сўнги саволгина унинг сабр-бардошини адоий тамом қилди. У батальон раҳнамосининг кўзларига тик боқди-да, шундай жавоб қайтарди:

– Генерал Моро Рейн дарёсидан ўтар чоғи французларга катта хизмат кўрсатгандим. Шу хизматимнинг мукофоти ўрнига бу жойда яшаш имтиёзини беришган. Тўғри, кўлимда милтиқ ва қилич бўлган эмас, бошимда мўйна телпак ё оёғимда шпорлар йўқ эди, бироқ, башарти мен бўлмаганимда, Гогенлинден остонасида немислар устидан қозонилган зафар чип-пакка чиқиши ҳеч гапмасди.

— Вой-бўй, менинг қаҳрамоним! – деди командир истеҳзоли оҳангда. – Агар гапларингиз чин бўлса, ҳазилакам саркарда эмассиз. Лекин айна ҳолда сиздаги ватанпарварлик жудаям гаройиб: ахир сизнинг кўмагингиз билан Моро янчиб ташлаган немислар ватандош оғаларингиз-да. Хўш, ватанингиз у ёқда эканига ўзингиз иқрор бўлмадингизми?

Зобит шундай деб, шарқ томонга қўл чўзди.

– Киши ўзини қадрлаган мамлакатга мансуб ва ўзи хоҳлаган мамлакатга хизмат қилади.

– Эҳтимол шундайдир. Бироқ шахсан мен ўз юртини севмагани ҳолда унинг ёвларига хизмат кўрса таётган кимсаларга ишона олмайман. Қани, ҳой тўртовинг, бу ёққа келларинг! – буюрди командир.

Аскарлардан бир нечтаси командирнинг буйругини бажаргани келаркан, ҳалитдан бери миқ этмай кузатиб турган капитан Шульмейстер томонга юра бошлади. Боши ғавғода қолажагини пайқаган Шульмейстер яшин тезлигида ҳаракат қилди: у қўлларини сюртук бурмалари орасидан чиқариб, болакайни эркалаган мисоли боши ва елкасига енгил қоқиб қўйди. Айна ҳолда зийрак киши синчковлик билан қараса, бунда бир сир борлигини пайқай оларди. Шундан кейин Шульмейстер қилт этгани йўқ. У анавиларнинг кўзига тап тортмай тик боқди, шубҳасиз, уларга ўзини ҳибста олиш буюрилганди. Болакайнинг кўзлари гўё шундай дерди: «Дада, кўнглингни тўқ қилавер! Сен менга ишониб топширган нарсани олдириб қўймаслигим зарурлигини тушундим... у курткамнинг ёқаси остида турибди. Кўздан ғойиб бўлишим биланоқ уни яхшилаб яшириб оламан. Қўрқма! Хотиржам бўл!»

Лизбета бўлса, унга ёпишиб, қўрққанидан йиғлаб юборишга шай эди.

– Командир, – мурожаат қилди Шульмейстер, у кейинги лаҳзаларда мутлақо ўзини босиб олганди,

– менинг тақдирим хусусида қандай буйруқ берганингиздан хабарим йўқ. Аммо умид қиламанки, шўрлик гўдақларимни қўналга ортидаги шаҳар дарвозасига элтиб қўйиш ҳақидаги буйруқни дариф тутмасангиз керак. Агар иккови ўша ерга етиб борса, кўнглим тўқ бўларди, чунки ака-сингил у ёғига уйни топа оладилар.

– Дарҳақиқат, бундан осони йўқ, – таъкидлади командир. – Капитан, айтинг, кичкинтойларни уйга обориб қўйишсин. Мен иккови бирор корҳолга йўлиқишини сираям хоҳламайман... Сиз эса, дўстим, мен билан юринг.

Ранги бўзарган, кўзлари чақноқ йигитча ўтакаси ёрилган сингисининг қўлидан тутганича сержант кузатувида йўлга тушиб, кўздан гойиб бўлди. Айти шу дамда де-ла-Месањж кўчасининг баққоли ғамгин бош эгган ва қўллари шалвираган алфозда тўрт аскар қуршовига тушиб, қўмондонлик қароргоҳи томон борарди.

БЕРТАНИНГ ХАВОТИРИ, МАРШАЛНИНГ ТАҲДИДИ

Месањж кўчасидаги дўкон эшигида турган мунис ва мафтункор аёлнинг қадду қомати пештахтадаги тамаки ё атторликка хос лаш-лушларнинг ношоирона муҳитига мос келмасди. Унинг олтиндай жилваланаётган сочлари ўртасидан фарқ очилган бўлиб, икки тарафдаги кокиллари чаккасидан айлантириб ўриб қўйилганди. Дераза ортида кўрғазмага қўйилган ширинлик ва тамаки, лента ва газмол, темир ва мис, майда-чуйдалар ёнидаги аёлнинг қаймоқдай чехраси, қоп-қора шахло кўзлари, олтин-кумушу зеб-зийнатлардан холи ва эльзасча одми кастюмдаги нафис жуссаси дўконни янада безаб турарди. Унинг латиф қомати гўзал бир жонли ҳайкал эдики, дўкон бўсағасида ҳозиргина қад ростлаган деяверасиз.

Зоҳиран йигирма яшар кўринса ҳам, аслида йигирма беш ёшда эди. Ҳусну латофати ўтган-кетгани шунчалар сеҳрлаб қўйгандики, аёлнинг ёшини суриштириш ақлга сифмасди. Шунингдек, унинг боши очиқ қиз ёки оилали жувон экани ҳам ҳеч кимнинг хаёлида йўқ. Барча унинг беҳад гўзаллигига қалбан иқрор бўлиб, шунинг ўзи етарли эди.

Айни дамда Бертанинг нигоҳи кўчанинг қарши тарафида, Брольи хиёбони сари интизор боқарди. У саломлашган қўшнилари таъзимларига ним табассум билан жавоб қилар, тўпланганларнинг бугунги янгиликлар ҳақидаги гап-сўзлари ҳам қулоғига кирмас эди. Ҳарбийлар ташрифи туфайли бошланган гайриоддий бесаранжомликни ҳамсоялари қатори Берта ҳам кўриб турарди, албатта. Бир неча соатдирки, кўчалар гала-гала жангчиларга тўлиб-тошганди, лекин уларнинг қиёфаси ва мундирлари шаҳар аҳлига мутлақо нотаниш эди. Дақиқа сайин уни бундай бесамар кутишдан чалғитаётган харидорларнинг хизматига Берта Шульмейстер аранг улгурарди. Мудҳиш ва азоб тўла бир ғусса юрагини эзиб, мавҳум ваҳима лабларига гўё қулф солиб қўйганди. У ҳатто янги мижозларнинг хушомадинию нимагадир харидор бўлганини ҳам эшитмасди. Ундаги бу паришон кайфиятни жонкуяр қўшнилари сезишди ва улардан энг яқини кечки пайт суриштириб қолди:

– Шульмейстер хоним, бугун жа-а камсухан кўри-нализми?

– Эрим келмаяпти, – деди у, – болалар билан кетганига анча бўп қолди. Улар ҳарбийлар орасидан шаҳар томонга ўта олишмасмикан деб ташвишдаман.

– Бу иккаласи сизни кўп ҳалак қиладиган бўлди-да! Башарти туққан болаларингиз бўлгандаям бунчалик қийналмасдингиз! Ўзи нимадан қўрқяпсиз?

– Билолмадим. Тўғри, Карл эҳтиёткор ва бақувват, лекин қизиқувчан, ҳар нарсани яқиндан кўраман дейдида. Мен худди шунисини ўйлаб...

– Қўйсангиз-чи! Эрингиз юлдузни бенарвон уради-ку! Ҳозир кўрасиз, сиз ўнг томондан келишини кутасиз, у эса сўлдан келиб, «воҳ» дейди...

Савдогар йигит дўкон бекасига гап уқтириб бўлгач, қаҳва олишга кирган харидор аёл ҳам суҳбатга қўшилди:

– Менинг кичкинтой болаларга жоним ачийди. Ахир ота-оналари шўрлик жажжиларни оломон орасида судраб юришади-я! Бечоралар оёқ остида қоп кетса нима бўлади?

Улар суҳбатга андармон экан, эшиқдан кираётган заиф ёруғни кимнингдир гавдаси батамом тўсиб қолди: остонада бўйчан бир одам пайдо бўлди.

У келишган ва забардаст киши эди. Ўрмон мисоли қалин ва қундуздай сочлари чаккасида селкиллар, кулоқлари кўриниб-кўринмасди. Уст-бошига қараганда, нотаниш меҳмон давлатманд савдогарга ўхшарди. У эгнига катта ёқали узун сюртук ва оёғига панталон устидан қайтарма қўнжли этик кийганди. Бармоқларига қимматбаҳо узуклар тақиб олибди. Унинг қиёфасидан хушфёъл қатъият, бепарво дадиллик ва хийла калондимоглик сезилиб турарди. Тилига қараганда жанублик бўлса керак. У навжувон дўкондор хонимга ўта мулойимлик ва айни дамда ҳукмфармолик билан сўз қотди:

– Соҳибжамол бўтам, шу ерда темир-терсак билан савдо қилувчи... исмини ҳозир айтаман... шошманг-чи!.. Ҳа-а, Карл... Карл Мейстер яшайдими?.. Мейстердан олдин нимадир бор эди, аммо ёдимдан... Умуман, кимни сўраётганимни ўзингиз билмайсизми?

– Маъзур тутасиз, тақсир, бу уйда темир-терсак билан савдо қиладиган одам йўқ... Тўғри, менинг эримни Карл Шультмейстер дейишади, лекин унинг тижорати...

– Э-э, унинг тижорати билан нима ишим бор?.. Мен унинг эл кўзини бўяш учун қилаётган машғулотини айтдим. У эски темир-терсакларни сотарди, энди эса кўриб турибманки, алламбало олхўрию тамакига ўтибди, булар мени тариқчаям қизиқтирмайди. Бироқ уни кўришим ва бўлак масала устида бир дақиқа гаплашиб олишим керак. Айтишларича, у божхонага панд бериб, контрабанда билан шуғулланаркан. Ҳатто шундай гаплар борки, эрингиз божхона ходимларини гоҳо ўққаям тутармиш. Худди мана шулар хусусида у билан суҳбатлашмоқчиман. Мен атайин ўзим ёлғиз келдим: аввало, уни чўчитгим йўқ, қолаверса, кийинишга бориш... ва шерикларимни... бошлаб келиш учун вақтим зое кетарди... Эрингиз қарда? Хўш!..

– Бирортаям сўзингизга тушунолганам йўқ, тақсир, – деди хавотирдан юраги увишган Берта. – Ҳозир ўзим ёлғизман... Малол келмаса, сал кечроқ...


– Ие, кечириб қўядилар! Ҳали у келгани йўқ демоқчимисиз?.. Бўпти, кутиб ўтиравераман.

Жувон эътироз билдирмоқчи бўлди:

– Бироқ, тақсир...

– Бас! Муғомбирликни йиғиштиринг, хонимча! Юпунгина дўконингизга ташрифидан қувонинг, бу ерда жиндай ўтириб, тин олиш ўзимгаям ёқиб тушди... Қолаверса, менга шунисиям хуш ёқдики, бағоят соҳибжамол экансиз!.. Агарда мен ахтарган кимса эрингиз бўлса, сизга муносиб қаллиқ бўлиш учун Аполлонга ўхшамоғи зарур...

Бу ўзига бино қўйган ва дақаббур зот бунақадки хушомадлардан аллақанчасини бошқа жойларда ҳам



«хотамтойларча» улашган бўлса ажабмас. Аниқки, ўзи илтифот қилган ҳар қандай аёлнинг бахтиёрликдан терисига сизмай қолишига ҳам унинг ишончи комил. У Берта Шультмейстерга боқаркан, гўё кўзлари тилга кирарди: «Наҳотки, марҳаматли эмасман! Ахир оқил одамман-ку! Мени рад этиб бўлти!» Аммо унинг бу қарорлари аслида гўллик бўлиб, масхарага арзирди, холос.

Шу аснода Шультмейстер хонимнинг ранг-рўйи мутлақо бўзариб кетганди. Нотаниш киши кирган дамдаёқ харидорлар дўконни тарк этиб, Берта у билан ёлғиз қолганди. Манави қўпол ва сурбет хушомадлар ниқоби ортига фитна-фасоднинг ҳар турини тўқувчи устаси фаранг шахс яширинганини Бертанинг кўнгли сезиб турарди. Бироқ бундан аввал унинг аёллик гурури тугён кўтарди:

– Мен ўзимнинг уйимдаман, ёлғиз қолишга ҳаққим бор... Қолаверса, кеч бўлди, дўконни ёпишим зарур. Марҳамат қилиб, бу ерни бўшатиб қўйсангиз?

Нотаниш киши яйраб кулиб олди. Эшитганларига ақл бовар қилмасди, бу ҳайратланарли ва гайриодатий эди. «Кетинг» дейишга журъатнинг топилганини-чи!.. Афтидан, бу аёл сўзининг одобдан эмаслигини хаёлига ҳам келтирмасди. Кетиш... Ундан кета қолишни сўради, ҳатто буюрди-я!.. Энди унинг қора кўзлари аёлга яна ҳам қизиқиброқ тикилди. Шунчалар сулув, шунчалар латиф бўла туриб, меҳмонни қувиб солмоқчи!..

– Азизам, сиз мени умуман танимадингиз, энди бунга шубҳам қолгани йўқ. Бунга ишониш қийин бўлса-да, бари бир тан олиш керак. Мана энди гап топилиб қолди! – овозини кўтарди у. – Аммо анави овсар Бертраннинг айтишича, мен ўз суратимни ўзгартира олмас эмишман!.. Наҳотки сиз менинг кимлигимни билмасангиз? Худо шоҳид, бундай вазиятда қолишим

етти ухлаб тушимга кирган эмасди! Келинг, яхшироқ разм солинг-чи!.. Хўш?.. Бари бир танимаяпсиэми?

У яна хандон уриб хохолай кетди.

– Аммо, тақсир, – деди Берта тушунарли қилиб, – модомики сизнинг номингиз мен хоҳламасам-да, уйимда тунаб қолишингизга далил бўла оларкан, бўпти, қани кимлигингизни айтингчи! Отингиз нима? Агарда айтишни истамасангиз, марҳамат, дўконимни бўшатиб, қолаверса, мен эшикни полиция талаб қилганидай кечикмасдан беркитишим зарур.

– Эй гўзалим, ростини айтсам, бу мулоҳазаларингиз билан фариштага ўхшайсиз! Полиция хусусида хавотирланманг. Мабодо келиб қолса, ўзим пешвоз чиқаман ва кўнглингиз тўқ бўлсинки, минбаъд бошингизни огрита олмайди.

– Бўлса бордир, тақсир, бироқ эшитиб қўйингки, ҳомийлигингизга мутлақо зормасман! Менга хиралик қилишингиз ақлдан эмасди, энди эса хафа қила бошладингиз. Агар дарҳол кетмас экансиз, ёрдамга чақираман.

– Жин урсин! Бўтам, ахир ўзим сиз сўраган ўша нажоткорман-ку! – у аёл қаршисида бўй-бастини ростлади. Унинг айни ҳолдаги сиёқи артистона бўлса-да, унда сир ва салобат яққол намоён эди. – Эрингизни кутиб ўтиришимга ижозат бериш учун кимлигимни билдингиз келяптими? Марҳамат, била қолинг. Мени Мюрат дейдилар!

Берта унга бепарво назар солди-да, такрор савол берди:

– Мюрат?

– Ҳа, Мюрат – империя шаҳзодаси, Франциянинг ҳам адмирали, ҳам маршали. Наполеоннинг куёви, биринчи даражали «Фахрий легион» ордени нишондори. Энди менинг бу ерда қолишимни маъқул кўрарсиз, сулув қиз?

– Шаҳзода, куч-қудрат ва шон-шуҳрат бобида қанчалар зўр бўлсангиз, сиздан кетишингизни сўраётган аёлга зўравонлик қилиш ҳуқуқингиз шунчалар кам деб биламан! Бироқ Франция маршали бу оқшом ўз қўналғасини мана шу дўконга кўчирмоққа саъй қилгудай бўлса, унга қандай туйғулар етовида жой берганимни ўзи бемалол тушуна олади... Хуллас, мен кета қоламан.

– Ие, сулувхон, ҳали шаҳзодаларга тоб-тоқатимиз йўқми, а?

– Мен уларни тан олсамгина ҳурмат қиламан. Илтимос, ўзим кета қолайин...

– Йўқ, йўқ, ўтинаман! Мени ташлаб кетманг! Ажабо, шундай аёлсизки, маҳвашдек соҳибжамоллик устига дадил бетгачопарлигингиз ҳам бор ва буни хаспўшламайсиз ҳам... Кетишни хаёлингизгаям келтирманг, жин урсин!.. Мени сеҳрлаб қўйдингиз, аладоқибат бу ерга нима учун келганимниям унутдим. Ҳеч қиси йўқ, каминага биргина табассумингиз кифоя, эрингизни афв этаман.

– Эримни?.. Нима демоқчисиз ўзи? Унинг боши хатардами? Гуноҳи нима?

– Уми? Деярли бегуноҳ. У Францияга душман бўлганларнинг жосуси, бор гап шу! У қўшинларимиз ҳаракати ҳақида австрияликларга маълумот бериб турган. Баварияда бизнинг анчагина дўстларимиз бор, эрингизнинг хоинлигига далил-исботни ўша ерда топдим. Бу тўғрида императорга маълум қилдим, уни отиб ташлашни буюрса ажабмас!.. Бай-бай-бай қўрқитиб юборганим кўриниб турибди. Сизни безгак тутяпти-ку! Ахир нега жағимни очдингиз, жин урсин!..

У беихтиёр далда бериш учун аёлнинг ёнига ўтди. Бу ҳаракат аввалгидай шунчаки хушомад бўлмасдан, аксинча, чинакам жонкуярлик эди. Ҳар аёлга ошиқ бўлувчи бу жигарсўхта шу тобда самимий йигитга айланиб қолганди.

– Бу кип-қизил тухмат, – деди Берта уни кўксидан итариб. – Эрим – фариштадай покдомон инсон. Ҳа, фариштадай, билиб қўйинг! У – энг оғиркарвон, содда ва ҳалол одам. Сиз унинг бошидан мағзава тўкяпсиз, у эса икки етимчани сайр қилдириб юрибди, биз бу шўрлик болаларни фарзанд қилиб олганмиз, бағримизни очганмиз... Сиз келганда учовларини кутаётган эдим... Қанақасига у жосус бўлади? Нега ундай дейсиз!.. Сизга айтдим-ку, у болаларга ҳарбийларни кўрсатиш учун оп кетди!..

– Етар, аслида сизга индамасам бўларкан. Бу ҳақда ортиқ бош оғритманг, мен ўзим тафтиш қиламан, ўзим тагига етаман. Эрингиз душманга хабар бераётгани ҳақида мени ишонтиришганди, агар бу тасдиқланмаса, асло хавотир олманг. Маршал Мюрат ваъда берадики, унга ҳеч нарса бўлмайди.

Бертанинг ўтинч ва ишонч тўла кўзлари умид билан боқаркан, маршалнинг қалбида гасконияликларга хос жўмардлик уйғонди-да, актёрчасига тантанавор хитоб қилди:

– Мен сизга Франция шаҳзодаси сўзини бердим!

Шунинг устига гўё унинг акс садосидай, кўкқисдан шодон қаҳқаҳа жаранглади. Остонада икки олтинсоч болакай кўринди ва жувон улар томон отилиб, севинганидан қийқириб юборди:

– Хайрият! Келишди-я!

Таассуфки, уни яна қайғу босиб қолди! Ахир иккови холос-ку! Уларни олиб келган кичик зобит зинада турганча аёлга разм соларди.

– Эрим қани? – сўради у остонадаги кузатувчидан.

– Билмадим, хоним. Менга иккала болани олиб келиш буюрилган. Ўйлайманки, буларни етаклаб юрган одамни командир ҳибсга олди.

– Тушунтириб гапир! – Мюратнинг гулдурос овози жаранглади. – Ундан аввал қаддингни ғоз тут ва дарҳол айт, қаёқдан келдинг?

Сержант дўконга кирди. У ўзини бунчалар сўроққа тутаётган оддий кийимдаги ғалати одамга бир сидра разм солди. Сўнгра пошналарини бир-бирига уриштириб, ўзини ростлади-да, чаптастлик билан кўлини чаккасига тегизиб, орасида «ҳа, маршал», «йўқ, маршал» деганича, нимаики кўрган бўлса, мухтасар айтиб берди.

Аслида у тузукроқ тушунтиролгани ҳам йўқ. Сержантнинг сўзича, қандайдир томошаталаб киши тақиқланган кўналға оралаб ўтишга интилибди. У ўша ондаёқ франциялик эмаслигини тан олибди. Тўхтатилгач, қаршилиқ ҳам кўрсатмабди.

– Ажнабий эканига ўзи иқроп бўлдимми?

– Ҳа, маршал.

– Қайси давлатдан?

– Немис эди шекилли.

Ганснинг ранги ўчиб кетган бўлса-да, шаҳд билан унинг сўзини бўлди:

– Карл дадам уларга шу ерда яшашга рухсати борлигиниям айтди.

– Жудаям зўр! – деди маршал ва ён дафтарида бир вараққа нималарнидир ёзиб, сержантга тутқазди: – Қўмондонга манави буйруқни берасан. Зудлик билан жўна!..

Мюрат дўконга кирганидан буён илк бор ўзини шаҳзода сифатида намоён этди ва батамом ғурбатда қолган жувонга тасалли бериш учун деди:

– Хоним, эрингизни қўйиб юборишади ва қайтиб келади. Эртага эрталаб менинг бош штабимга борсин, уни кутиб тураман. Сиз бу гапимни эрингизга етказасиз деб умид қиламан, гаплашиб олишим керак. Унга дахлдор ҳамма нарсадан хабардор бўлишим зарур. Ўзингиз мард ва эътимодли аёл экансиз, сизга мутлақо

ишондим. Ўйлайманки, сиз билан бундай муомалада бўлаётганим яхши ниятда эканини ўзингиз мушоҳада қила оласиз... Ахир дарҳол чора кўришга ҳаққим бўлгани ҳолда, бу ишни тўхтатиб туришим ҳазилакам гап эмас. Бироқ энди кечиктираман: бу сизга етказган азиятим эвазига мен тўлаётган товонки, афсусдаман. Ўзимга номуносиб бу ишни Рейннинг нариги ёғида бошлаб, бугунги оқшомда якунламоқчи эдим. Бунақа машгулот каминага мутлақо синашга эмас, зеро, мен душман билан доимо фақат жанг майдонида тўқнашган аскарман. Буни ҳализамон қайтиб келадиган бадбахтга уқтириб қўйинг. Жуда қаттиқ тайинлангки, энди ҳар қандай найрангбозлигининг бозори касод, Худо кўрсатмасин, қочиб қутулишни ўйласа, бу тентаклиги фақат ўзига зарар. Менинг яхшилигим шуки, шу ерда тураверишига имкон бераман, аммо унинг шахси шубҳалардан батамом холи бўлмагунча ҳар бир қадами назоратда бўлади. Агарда мен бўлакча йўл тутсам, император ва ҳарбийлар наздида ўзимга хоин маршал деган тавқи лаънатни орттириб оламан. Яхши қолинг, хоним, хафа бўлманг ва ҳар бир сўзим қулогингизда турсин!

У бекага таъзим қилди ва чиқиб кетди, маршалнинг алп қомати қоронғилик қўйнида ғойиб бўлди. Аёл эса кутилмаган шумхабар зарбидан гарангсиб қолаверди. У иккала норасидани қанотига олганича жиққа ёш кўзларини бир нуқтага тикиб, таёқдай қотганди.

ЭР ВА ХОТИН

Салдан сўнг Берта эс-хушини йиғиб олди. Анқайиб туравергани билан бўлмасди-да. Одатий ташвишлар уни аста-секин овунтирди. Дўконни қулфлаб, чироқларни ўчирди ва болаларни овқатлантиргач, жой-жойига ётқизди.

Лизбета ухлаб қолди ва Берта энди чиқиб кетмоқчи эдики, Ганс гивирлай бошлади. У қўлини чойшаб устига чиқариб, курсига ташланган кўйлагига узатди-да, ниманидир олиб, ёстиги остига яширди. Берта ундан сўраб ўтирмади, сабр қилмоқчи бўлди. Ҳеч қанча ўтмасдан Ганснинг кўзлари юмилди. Икковини ҳам ўз фарзандидай севган Берта Ганснинг хуфёна ҳаракатидан ташвишланиб, бола эҳтиёткорлик билан яширган нарсани оналарча жонсараклик билан ёстиқ остидан олди ва эрининг ёндафтарчасини дарҳол таниди. У бирор бор варақлаб кўрмаган эса-да, муқовасини биларди. Ўша ондаёқ унинг шуурида нимадир ялт этди: нега буни Ганста бериб қўйибди? Ёмон хаёлга борди: наҳотки Мюратнинг айтганлари ҳақиқат бўлса?..

Унинг вужудини титроқ босди, сирли дафтарни олиб, ҳамма эшиқларни беркитди. Сўнгра шоша-пиша бошидан-охиригача варақлаб чиқди. Шунда унинг айрим саҳифалари йиртиб олинганини пайқади. Хўш, нега? Карл уларни йиртиш билан далилни йўқотган... ё айблашаётганидек, ўзини ёллаган душманга берган бўлса-чи?

Мавжуд варақларга мутлақо аҳамиятсиз гаплар ва қандайдир иероглифлар ёзилган бўлиб, Берта тушунолмади. Умуман, дафтарчада аёлдаги шубҳаларни тасдиқловчи ҳеч нарса йўқ бўлиб, биророрта аниқ исбот бўлгудай маълумот ёзилган эмасди!

У ана шу мушоҳадалар билан сўнгги саҳифани очди.

Мана энди ҳаммаси равшан. Хоинлик содир бўлгани аниқ. Рад этишнинг иложи йўқ. Аёл кўзи кўриб турган ҳақиқатни рад қилишга қанчалик интилма-син, манави сатрлар унинг бу уринишини чиппакка чиқараверарди:

«Валинеъматининг махфий топшириғи билан Германия сафарига кетган кавалерия генерали, маълум

ва машҳур Мюрат ҳалигача қайтгани йўқ. Куни кеча генерал Бертран қайтиб келди, унга ҳам хуфиёна буйруқ...»

Бертран!.. Мюрат ҳозиргина афтидан шу номни тилга олганди шекилли? Ўша! Энди аёнки...

У давомини ўқий кетди:

«Улар шунчалар нўноқлик билан ниқобланган эдики, қандай қилиб душман қўлига тушиб қолмади – шунисига ҳайронман.»

– Айғоқчи! Жосус!..

Аёл ғам-аламда ўйга чўмди: ўзи суйган, жондай эъзозлаган эри жосус экан...

– Ҳибсга олишаётганда ёндафтарини болага бериб хўб иш қилибди-да, – хаёл сурди у. – Анави ёзувлар тайёр далил бўларди-қоларди!.. Шубҳа йўқки, ушбу маълумотларни холис ниятда қоғозга туширмаган, билъақс дафтарини бунчалар яширмаган бўлур эди.

Бертанинг кўзлари жиққа ёшга тўлиб, миясига қон тепди. Салгина бурун ўзи билан суҳбатлашган машҳур қўмондоннинг улугвор сиймоси кўз олдида жонланди.

– Ҳалиги кишидай ҳарбий асло сотқин бўлиши мумкин эмас! – кўнглидан кечирди у. – У ганим устига тикка босиб бораркан, ортидаги аскарлари кўрсин учун мағрур кўксига олтинранг нишонларини тақиб олади. Айтишларича, ҳеч қачон калта қиличдан бошқа қуроли бўлмас экан, унинг ҳам узунлиги ов милтигидан ортиқмас. Жангчилар боши узра кўтарилган ана шу шпагадан маршални танир эмишлар. Аслида унинг бу яроғи ҳеч маҳал ажал тиғи бўлмаган. Мюрат урушни бошқаради, зафар йўлида изланади, лекин душманни ўлдиришни бошқаларга ҳавола этади...

Унинг эри эса!..

Бертанинг ақли ўзига келиб, анчагина шубҳали нарсаларни эслай бошлади. Хўш, товар олишга бор-

ганини ёки қай бир идорадагиларнинг бюрократлиги туфайли кечикканини баҳона қилиб, ярим тунгача қайларда юрарди ўзи? Ёки айтайлик, чегара минтақасида яшовчиларнинг ҳаммаси озми-кўпми контрабандага қўл ургани каби, Мюрат тўғри таъкидлаганидек, Шульмейстер ҳам божхонанинг кўзини шамғалат қилиб, уларга қарши ҳийла ё қуролни ишга солган бўлса-чи? Аммо унинг машғулоти фақат контрабанданинг ўзимикан? Эҳтимол, у тун пардаси остида душманларга маълумот бераётгандир? Дарвоқе, қарзларни тўлаш ва алламбало совғалар учун пулларни қаёқдан олмоқда?

Ана шу дамда Берта ўзини хиёнаткорнинг ҳамтовоғидай ҳис этди...

Бироқ яхшиямки қалбларни туташтирувчи оловли ришталар бирданига, дарҳол узилиб кетавермайди. Бертанинг шуурида ақл бовар қилмас иснод ва тенги йўқ лазиз хотираларнинг ўзаро кураши бошланди...

Бу хотиралар унга шунчалар яқин эдики, болдай таъмини ҳамиша қалбида туярди! У садоқатли ва севикли ёрини оқловчи далилларни топа кетди. Бертанинг марҳума опасидан қолган етимларни фарзандликка олишда Шульмейстернинг олийжаноблигини унутиб бўладими? У болаларни ўз фарзандидай кўрмаяптими? Иккови билан ўйнайди, ўқиш-ёзишни ўргатади, уларнинг келажаги устида оталарча қайғуради. Аёлини чин ошиқлардай суюдики!..

– Сотқин? – куйиб кетди Берта. – Ахир у эр ва ота эди-ку! Йўқ, бу ақлга сиғмайди ахир!

Шу пайт эшик очилиб, Шульмейстер кириб келди. Аёлининг бўзарган ва аламнок чеҳрасини кўриб, бу ўзи туфайли деб ўйлади:

– Сен бечорани ташвишга қўйдимми, а? Болалар келишдими?

Берта қўли билан имо қилди:

– Улар хонасида, ухлаб қолишди.

– Худойимга шукур! Зўравонликни қараб қўй! Ақлинг бовар қилмайди... Ие, сенга нима бўлди ўзи? Намунча ҳаяжонланмасанг?

Берта ўзини тиклади ва нигоҳи эрининг кўзлари билан тўқнашмаслиги учун ерга боққанча ёндафтарни узатди.

– Бунда ёзилганларни ўқиб чиқдим, – деди у. – Илк бор шундай қилишим, аввал дафтарчангни очган ҳам эмасдим. Бироқ шу биринчи ножўя ишим мени суюнтиргани йўқ. Мен ўзимча тушуниб... қўрқиб кетдим. Айт-чи, мени овунтира оласанми? Ўз қўлларинг билан битилган гапларни тушунтириб бергин-чи. Агарда бунга бегоналарнинг кўзи тушгудай бўлса, не хаёлларга борарди?.. Мен, ўз жуфти ҳалолнинг, Шулмейстер деган номингни жон деб қабул этган ва бор садоқатини сенга бағишлаган бир аёл нима деб ўйлайин?.. Нега индамаяпсан? Айта қолсанг-чи, ахир сен бу маълумотларни хоинлик гаразида ёзган эмасдирсан, а? Ёлвориб сўрайман, буни душман давлат томонидаги кимгадир сотиш учун ёзмаганингни исбот қил!.. Оқшом чоғи сени ахтариб келишди... ҳибсга олиш учун.

– Ким келди? Гапир, гапира қол!

– Ие, ҳали бор гапинг, бор жавобинг шуми? Бошинг қанчалар хатарда қолгани ҳақидаги хабарни мендан эшитмоқчимисан? Лоақал менинг жонимга не кўргилик чанг солиши мумкинлигини айта олмайсанми? Ахир умид билан бир ёстикқа бош қўйган рафиқанг эдим-ку, Карл! Менинг қисматим сеники эди, сеники бўлиб қолаверади! Сен шуни, худди шуни эсда тут! Менимча, ёнингда жондай яқин одамнинг тураркан, у хусусида қайғуриш зарур. Сен ҳамиша менинг

хаёлимдасан. Наҳотки манави охири вой, машъум ва жирканч қилмишга қўл ураётиб, мен ва болалар сендан кўра кўпроқ жабр чекишимизни ўйлаб кўрмадинг? Сени ўлдириб қўйишлари мумкинлиги, биз эса қаровсиз, ҳамма юз ўгирган, иснодга ботган ҳолда ёлғиз қолишимиз, бу мамлакатдан бадарға бўлишимиз ҳам хаёлингга келгани йўқми? Мен бу ерларда муқим яшаб, бахтиёр ҳаёт кечирмоқчи эдим-ку!.. Карл, рафиқанг бўлишдан ор қилишим ҳам сенга бари бирми?

– Бу нима деганинг? – жавоб қайтарди Шульмейстер. – Сени қанчалар севишимни билмайсанми? Бу дунёда бошқа илинжим йўқ ва нимаики қилсам, фақат сен учун қиламан!

– Худди шуни билганимдан сенга ишонаман ва шунинг учун ҳам ҳозир мени уйда кўриб турибсан. Агар шубҳаланганимда, жинойт қилишга қодирсан ёки машъум бўлса-да, бирор узрли баҳона топа олмайсан деган хаёлга борганимда, қайтишингни кутиб ўтирмасдим. Ҳайё-ҳай деб, бошим оққан томонга кетворардим.

– Жинойт дейсанми?

– Бизга бағрини очган давлатга хиёнатни, бизни ризқига шерик қилган юртга сотқинлигингни оқлаб бўлади деб ўйлайсанми? Шунақами ҳали?

– Бу мамлакат – менинг ватаним эмас!

– Унда ватанинг қаёқда? Дарёнинг нариги соҳилидами? Германиями? Ахир ўзинг улар сенга кўп бадкорликлар қилишгани, уларни итингдан ҳам ёмон кўришингни, шу боис ҳам тўйимиз арафасида уларнинг додини бериб қўйганингга иқроп бўлмабмидинг? Шундайми ахир?

– Жуда тўғри.

– Бу юртларнинг барини сотаверсанг, ахийри мен қай ватанга бош ураман?

✱ – Берта, ҳаддингдан ошмаялсанми? Ўйлаб гапир.

✱ – Сен менинг ишонган тоғим, хожамсан, аммо ҳаётимда биринчи марта сенга беҳурматлик қилган бўлсам, бу менинг айбим эмас, Карл. Биласан, эр-хотин умрдошлик қиларкан, айнаи чоғда шодлик ва ғам-ғуссани ҳам ўзаро бирга баҳам кўришлари зарур. Бир ёстикқа бош қўйишгина кифоя қилмайди. Икков дўст, ўртоқ бўлиши керакки, икковнинг яқинлиги бир жон – бир танга, ор-номуси ҳам ягона бойликка айлансин. Сен-чи, Карл, номусимизнинг бошига не кунни солмоқдасан? Қонимизни, жонимизни нима қиласан?..

Шульмейстернинг тоқати тоқ бўлди ва қўл силтаб эшик томонга юзланди. Унинг бети лип-лип учар, бағоят ранжигани кўриниб турарди. Жувон ҳам эшик сари отилди ва эрининг йўлини тўсди.

– Йўқ, ҳеч қаёққа кетмайсан! – қичқирди у. – Бундай қилсанг пасткашлик бўлади, мен бунга йўл қўймайман, боиси сен пасткаш одамлардан эмассан. Қолаверса, қочиб қутуламан десанг, чучварани хом санайсан, негаки сен кузатув остидасан ва дарҳол қўлга тушасан – бу хусусда мени огоҳлантириб кетишди. Йўқ, – қўшимча қилди у, – ўз хатойингни менинг кўз олдимда тузатишинг шарт. Энди бас, Карл, бир неча дақиқа мард бўлгин-да, бор гапни очиқ-ойдин айтиб бер. Токи сен ҳаммамизни мубтало қилган хатардан қутулиш йўлини биргаликда ўйлайлик ва биргаликда ёруғликка чиқиб олайлик. Менга ишон ва иқроп бўл! Тез орада икковлашиб уринамиз ва бу иснод саҳифасини умр дафтарингдан чиқариб ташлаймиз.

– Сен фариштасан! – деди Шульмейстер ва аёлининг қўлини кафтлари орасига олди. – Сен менинг барҳаёт виждонимсан ва манави танбеҳу даккиларингнинг ҳаммаси айнаи ҳақиқат. Аммо нима учун мендан

ноҳақман деган иқрорни талаб қиласан? Ахир мен одамлардан ёмонликдан бошқа нарса кўрмадим ва алалоқибат, ёруғ дунёда ҳаммага қарши кафтимга туфлаб қўйгандим. Буни пул топиш ниятида қилганим ҳам тўғри, сен учун, болаларни деб, ҳар куни кўзим кўрган, қулоғим эшитган маълумотни пулга ўтказганман. На чора!.. Бу мушоҳадаларим учун мендан бунчалар қаттиқ ёзғирма! Буни изоҳлаш учун менда шундай бир узрли сабаб борки, уни сен билмайсан. Йўқ! Ўзимни оқлашга уринмайман. Модомики сен мени койир экансан, демак, мен ноҳақман! Сенга нима деб кетишган бўлса, билганингча уларни айтиб бер. Ўргат, мени тўғри йўлга сол. Жонгинам Берта, сенинг бахтиёрлигинг ва хотиржамлигинг учун қанча куч ва матонатим бўлса, барини сарф қиламан. Сени ишонтириб айтаманки, ўзимнинг жиноят содир этаётганимни билмасдим. Бари бир энди пинҳона касбни батамом йиғиштираман, лекин бу соҳада жа-а устаси фаранг бўп кетувдим. Сенга манзур бўлиш учун нима десанг, ҳаммасини уддалай оламан. Эшитиб қўй, ҳаммасини! Фақат сенга маъқул келса бас, барча нарсадан кечаман, исталган шартингни адо этаман менга ҳеч-ҳеч малол келмайди, оғирлик қилмайди. Буюр, – у хотинига юзланди, – сенга, фақат сенга бўйсунаман!..

Шульмейстер шундай деб, ягона халоскори қошида бош эгди. Унинг бу ҳолида ўз қадрини ерга уриш эмас, оғир бир ташвиш ва соддалик намоён эди. Шубҳа-гумонлар туфайли қалби озурда бўлган дарёдил аёл уни кечирди. Шульмейстер хотинининг юрагини ҳалигача тушуна олмаганини самимият билан англаб, ўзининг надомат чекаётганини ҳам далиллаб олганди. Эртага тонгда Мюрат ҳузурига бориб, бор ҳақиқатни очиқ айтишга ваъда берди.

– Ана ундан кейин келажакда нима қилишни ўйлаб кўрамиз, – кўнглидан ўтказди жувон.

Ва Берта ўзигагина хос латофат билан эрининг пинжига кирди, бошини унинг елкасига қўйди. Шульмейстернинг кўзлари шишгандай ва йиғлагандай эди.

Аммо минбаъд унинг кўз ёши тўкилмайди!

НАПОЛЕОН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Эртасига тонг чоғи Шульмейстер Мюрат қошига йўл олди. Уни префектуранинг¹ залига олиб киришди. Хонада икки киши бор эди: бири – Страсбург шаҳри префекти² Шее Шульмейстерга таниш бўлиб, наригиси зоҳиридан ҳозиргина олис сафардан қайтганга ўхшарди. Эғнидаги орден-медалсиз кавалерия полковниги либосини чанг-ғубор қоплаган бўлса-да, калон зотлардан экани кўриниб турибди. Одмигина нишон қадалган катта ва қора шляпаси столга ташлаб қўйилганди. Атрофидаги олий мартабали ҳарбийлар тик тургани ҳолда биргина у стулга ўтириб олган, ҳамма унга эҳтиром билан муомала қиларди. Шульмейстер унинг салобатли кўринишига дарҳол эътибор берди. У анави «касби» туфайли кишиларни зимдан кузатишга уста эди. Айниқса бу одамнинг тарошланган рангпар юзи, қўйкўзларининг ўйноқи ва ўткир нигоҳига диққат қилди-да, ўзига-ўзи савол берди:

– Бу ким бўлди ўзи?

Нотаниш зодагоннинг диққат билан, айнаи чоғда қилт этмай ўтириши уни қизиқтириб қолганди. Полковник мундирининг одмилиги унга кўрсатилаётган иззат-икромга сира мос келмасди. Унинг кимлиги ҳақида ўйлаб, Шульмейстернинг боши қотиб қолганди.

– Бу – қўмондон! Бу – бошлиқ!..

¹ Префектура – шаҳар ҳокимияти.

² Префект – шаҳар ҳокими.

Мюрат ва префект Шульмейстерга саҳнадаги совуқ ижрочилардай туюла бошлади.

Нотаниш амалдорнинг оппоқ ва ингичка қўллари столдан кўтарилди-да, сўроқни бошлашга имо қилди.

– Отингиз Карл-Людвиг Шульмейстерми?

– Ҳа, маршал.

– Қай жиноятда айбланаётганингизни биласизми?

– Ҳа, биладан.

– Хўш, бу ҳақда нима дейсиз?

– Ҳеч нарса дея олмайман. Бу – ҳақиқат.

– Бундан чиқдики, қўшинларимиз ҳаракати борасида эрцгерцог Фердинанд штабига маълумот бериб турганингизни тан оласиз, шундайми?

– Ҳа, тан оладан.

– Бу «бежирим» ҳунар билан қачондан буён шуғулланасиз?

– Сиз эрцгерцог қўшинлари ҳақида маълумот тўплаш учун Германияга кетган куни бошлаган эдим, маршал жаноблари.

– Ие, менинг ишим – бошқа масала-ку, ўйлайманки, бу борада мени айбдор қилмассиз...

– Йўқ, албатта! Бу гапни ўзимни оқлаш даъвосида айтмадим. Фақат вақтни аниқлаб олишингиз учун эслатдим, холос.

– Хўш, айнан қандай сирларни ёвларга сотдингиз? Сизни огоҳлантириб айтаманки, бу гапларнинг бир қисмини Баварияда қўлга олинган қоғозлардан билиб бўлганман.

– Кўзим кўрган ҳамма нарсани, – жавоб қайтарди Шульмейстер. – Масалан, қўшинларнинг олдинроқ Булонга йиғилган гуруҳи пайдар-пай Рейн бўйига кўчирилиши ҳақида хабар бердим. Дарё кечувларидаги аскарларнинг тахминий сони тўғрисида маълумот юборгандим. Страсбург томонларга келсак, бу

ерларни жуда яхши биламан, ҳарбий ҳаракатларни ўта яқиндан кузатиш ва ўрганиш имкониятим бор. Агар буни мен қандай амалга оширишим сизни қизиқтирса, мана қўлимда куни кеча битилган хуфянома турибди. Унга мен «юмалоқбошлар» аталувчи аррас гренадёрлар батальони кўчирилаётганини қайд этгандим. «Юмалоқбошлар»нинг энди сочларига упа сепишмаётгани, менимча жудаям соз. Айни хабарни ҳам биринчи имкон туғилиши биланоқ у ёққа ҳавола қилмоқчи эдим. Кеча мени ҳибсга олишган чоғи ҳам шу ёзув киссамда эди, уни мен дафтарчамдаги вараққа туширгандим.

– Ие, сизни тинтиб кўришгани йўқмиди?

– Албатта, чўнтақларимни титкилашди, бироқ мен уни ўғилчамнинг ёқаси қатига яширишга улгурувдим.

– Хўш, буни менга нима учун айтиб беряпсиз?

– Қилган ишимдан нечоғли пушаймон эканимни далиллаш учун... Француз қўшинларига зиён етказишим нотўғри қилмиш эканини билмасдим-да.

– Билмасангиз билиб қўйингки, бундай ишларда кейинги пушмон – ўзингга душман! Айғоқчи қўлга тушдимми – тамом: унинг иқдор бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, ё отилади, ё осилади!

– Чин дилдан иқдорлигимни инобатга олиб, осиш ўрнига отиб ўлдиришингиздан умидворман, холос.

Сўроқнинг ҳамма воситаларини сарфлаб бўлган Мюрат энди қандай савол беришни ҳам билмасди. Шульмейстернинг изоҳ ва иқдор сўзлари шунчалар қонуний ва батафсил эдики, тергов батамом якунига етганди. У индамасдан қўлидаги дафтарчани егерлар полковнигига узатди.

– Бас, Мюрат, – деди у, – бўлак гапингга ҳожат қолганиям йўқ!

Сўнгра у жосуснинг ёзувларига бир сидра назар солди-да, Шульмейстерга тикилиб қолди:

– Маълумотларингизни буюк герцогга қандай жўнатардингиз?

– Сўнггисини Ульмга юборувдим.

– Биласизми, етиб борганми, йўқми?

– Уч кун бурун қўлига теккан бўлиши керак.

– Охирги қоғозингизни у қачон олади?

– Бугун эрталаб.

– Унда нималар ёзилган?

– Французлар Рейндан ўтибоқ, Қора ўрмон дараси орқали аввал синалган ҳужум усулини қўллашмоқчи эканини ёзувдим. Қўшинлар ададини олтмиш минг чамалаган бўлсам-да, лекин...

– Лекин?.. Очиқроқ айтинг!

– Лекин иқрорманки, ўз хабарларимга энди ўзим ишонмаяпман.

– Хўш, нега?

– Шунинг учунки аввало, турли кечувлардан ўтадиган ҳарбийлар миқдорини айна чоғда бир ярим минг ҳисоблагандим. Қолаверса, бутун дунё аввал синаб кўрган жанг усулларини қўллашда генерал Бонапарт нечоғли устомон ва қув эканини энди-энди билиб турибман.

Шульмейстер ана шу сўзларни айтар экан, тепа сочи тикка бўлган префект қадини ростлади ва унга танбеҳ беришдан ўзини тия олмади:

– Ундай эмас, «император Наполеон ҳазрати олийлари» деб тилга олиш шарт!

Шульмейстер соддадиллик билан эътироз билдирди:

– Мен унинг номини Италия генерали эканлиги билан уйғун тилга олдим, зеро, французлар императорини камситиш ниятим йўқ эди.

«Жосуснинг бу сўзларидан полковникнинг силлиқ юзига табассум қалқди.

– Шундай экан, – деди полковник, – агарда ҳозир «Бонапарт»нинг асл режасини билиб олсангиз, ўша лаҳзадаёқ улуғ герцогнинг зобитларига хабар қилардингиз. Тўғрими? Манави одам гарчи мени танимаса-да, аммо режаларимни сезиб турса: бундай вазиятда ҳарбий ҳийлаларимни душман билмайди деб умид қилишим мумкинми ахир? Наҳотки ганимларни сохта маълумотлар билан чалғитиб юборишнинг ишончли воситаси бўлмаса!..

Наполеон Шульмейстерга қараб тутоқиб кетди:

– Сизга бу ерда пишириб қўйибдимми? Хўш? Ҳа-а, билардим!.. Қулоқ сол, Мюрат, ҳаммаси жонимга тегди!.. Айт, манавини кўзимдан йўқотишсин!

– Уни нима қилайлик, олампаноҳ, буюринг!

– Бўпти, кейинроқ... яхшиси, тўхтанглар! Уни оп кетишмасин, шу ерда тургани маъқул. Ундан ҳозироқ у-бу гап сўраб қоларман...

Наполеон иккиланарди. Айғоқчидаги зукколик унсурлари уни ўйлантириб қўйганди.

«Эҳтимол, ундан битта-яримта гап олиш мумкиндир. Хўш, нима тўғрисида? Иттифоқчи ёвлар қўшини хусусидами? Бу ўзига маълум-ку! Уларнинг қайларда экани-чи? Эрцгерцог Карлнинг юз минг жангчиси Италияда турибди, эрцгерцог Фердинанд ва генерал Мак қўмондонлигидаги саксон минг киши Ульмда жойлашган, Кутузов раҳнамолигидаги олтмиш минг рус аскарлари яна ўттиз кун йўл босибгина етиб кела олади. Ҳар ҳолда айни дамгача мана шулар аниқланган. Россия подшоси катта қўшин тўплаётган эса-да, у ҳали шунчалар олисдаки!.. Ундай бўлса, душманларнинг жанговар режалари-чи? Бироқ уларда бундай режанинг ўзи йўқ...»

Наполеон шуларни кўнглидан ўтказаркан, жосусдан бирон нимани суриштиришга эҳтиёж қолмаганини хулоса қилди. У елкасини қисди-да, Шеega маҳбусни шу хонада ушлаб, кўз-қулоқ бўлишни пичирлаб тайинлади. Префект ходимларига иш буюраётган аснода Наполеон виқор билан Мюратнинг қўлтиғидан олди-да, ўзига ҳозирланган ҳашамдор хосхонага отланди. Император остонадан ҳатлаш чоғи тағин тўхталиб қолди. Юлдузни бенарвон ургудай ўткир кўринаётган агентнинг орқасида экани унга асло маъқул келмаганди. Шу боис жосусга назар солди, лекин у жойида йўқ!

Бир дақиқа аввал ҳам қуёш нуридан ёп-ёруғ дераза олдида турган малла-қизғиш сочлари пахмоқ, зоҳиран нимжон ва бечораҳол шаҳарлик қаёққа гойиб бўлди? Ердан чиққандай унинг ўрнида қаққайган йигит эса девкелбат бўлиб, бошига нимдош парик, эгнига ҳарбийча мундирдай сирмаб тугмаланган сюртук кийиб олганди. Этигининг жуфтланган пошналари, бошини тўғри ва роз тутиши, жангу жадалларда тобланган қўрқмас ва матонатли ҳарбийларга хос ўткир ва қатъий нигоҳи – бутун қиёфаси кўпни кўрган аскарни эслатарди.

– Сизга бу ерда нима бор? – сўради Наполеон. – Ҳалиги киши қани? Наҳотки сизни префект юборган бўлса?

Шульмейстер ўз ишидан кўнгли тўлиб, мамнун жилмайди.

– Мен генерал Макни алдай олишга қодирлигимни сизга исботламоқчи эдим, холос, – деди у. – Модомики энг ўткир ва синчков инсоннинг кўзларини янглиштира олган эканман, демак...

Император таажубда қолганини яшира олмасди. У жосуснинг қошига бориб, атрофини бир сидра

айланди, аслида оддий кийим ўзгариши бўлган бу «туғилиш»ни текшириб чиқди. Наполеон Шультейстернинг жанговар афт-ангорини кузатиб турган лаҳзалардаёқ унинг юзига беозор ифода қалқиб чиқди, диккайган мўйлаби ҳам ювош тортди, ўқрайган кўзлари энди қувлик билан боқарди, манглайдаги ажинлар ғойиб бўлди. Шультейстер бир силтаниб, бошидаги қора парикни юлиб олди ва Наполеоннинг кўз олдига энди бояги баққолнинг ўзгинаси турарди.

– Тасанно! – деди император.

– Гап йўқ! – хитоб қилди Мюрат унга жавобан. – Бунақа томошани Франконанинг пантомима сахнасидагина кўрардик. Аммо калласи танасидан жудо қилинар чоғи қиёфасини нечоғли ўзгартира оларкин!?

– Тўхтанг! – деди беҳад қизиқиб қолган Наполеон. – Менимча, ҳамма сир ана ўша калланинг зўрлигида. Қани, мени у билан ёлғиз қолдирларинг-чи!

– Бу сиз учун хавfli бўлмасмикан?

– Йўқ, менга ҳеч қандай таҳдид йўқ, боринглар!

Мюрат маъқул кўрмаса-да, ноилож чиқиб кетди. Унингча, бундай шубҳали одамга ишониш ва у билан танҳо қолиш ақлдан эмасди. Устига-устак жанговар юришлар тақдирини ҳам унинг қўлига топшириб қўйиш бориб турган бемаънилик!.. Дейлик, у ақлли ва маккор киши! У Наполеоннинг заиф томонини аниқлаб, ўша тарафдан уни қўлга олди, лекин ўзига айнан шугина кераклигини ошкор этгани йўқ... У пасткаш бир югурдак, бирваракайига ҳам Павелга, ҳам Пётрга хизмат қилгандай бўлади-да, икковиниям доғда қолдиради. Бунинг сотқинлиги ҳам, жосуслиги ҳам иккиёқлама, у ўта ғаразли ва тубан, иккиюзлама-чи нусха! Имкон борича ҳар бир қадамини кузатиш зарур... Дарвоқе, бу кимсанинг хотини беҳад гўзалки!..

ЖОСУС ЖАНГ ҚИЛИШ ИШТИЁКИДА

Наполеон Шульмейстерни синчиклаб кўздан кечирди. Мюрат чиқиб, эшик ёпилгач, у яна ўтириб олди.

– Мен юборганимни айтиб, генерал Саварига учрайсан, – деди у. – Нега жонланиб қолдинг? Сен Саварини танийсанми?

– Ҳа, олампаноҳ. Мен... бир пайтлар унга ёрдам қилгандим, – жавоб қайтарди Шульмейстер.

– Унда янаям яхши! Генерал сенга олтин ҳисобида йигирма беш минг пул беради... Яна нимага чайқал-япсан?

– Пул керакмас демоқчи эдим.

– Ошиқма, у пул сенгамас, бошқаларга аталган.

– Унда майли.

– Энди сўзимни бўлмай турасан. Гапларимни обдан тушунишга ҳаракат қил. Сен шу бугуннинг ўзидаёқ яёв йўлга чиқасан. Қаёққа борсанг, истаганингча менга хиёнат қилавер, бунга рухсат бераман, ҳатто талаб қиламан. Тўхта, мана кеча ўзинг ёзган қоғоз, ундаги маълумотларни кўнглинг тусаганча фош этаверишингга ижозат. Аммо Ульмда шахсан ўзинг бўлишинг зарур. Мак билан учраштиришларини талаб қиласан. Қаттиқ уриниб, унинг ишончини қозонасан, шундан сўнг охирги хуфяномангдаги маълумотларни унга батафсил изоҳлаб бергин. Пул ана шунда керак бўлади. Унинг штабидаги разведкачилардан ўта ақлли бирортасини ёллайсан, у сен айтган гапларнинг ҳақиқатлигини тасдиқласин. Бугун – 26 сентябрь, сен шундай ҳаракат қилгинки, кечи билан 8 октябрга қадар менинг ҳарбий режаларим душман қўлида бўлсин. Ана ундан сўнг озодсан, тўрт томонинг қибла.

– Айтганларингиз жуда осон, зоти олийлари, бироқ шунисиям борки...

– Хўш-хўш?

– Яъни мен сизга арзимаган маълумотларниям юборавермасам демоқчийдим. Негаки улар менинг ортимдан кузатишлари аниқ, башарти алоқага чиқишга уринишим сезилиб қолса... Қўяверинг, оф-тоби олам, кўнглингиз тўқ бўлсин: янгилик топсам, уни жўнатиш йўлиниям топаман-да.

– Келишдик. Демак, гапларимга тушунибсан. Энди айтиб қўяй, ҳозир шу ерда турган префект бадарға этилганинг ҳақида буйруқ ёзиб беради. Хотининг ҳам бирга кетади, ишончимни оқлаганингдан сўнг иккаловингга рухсат бераман, қайтиб келарсизлар.

– Бироқ болаларим ҳам бор, ҳазрати олийлари, асраб олганман, ҳали жуда ёш, ўғил ва қиз.

– Бу тўғрида бошимни оғритиб нима қиласан? Улар ҳақида хотининг бош қотирсин! Хоҳлаган ерингда қолдириб кетишинг мумкин... Масалан, Қора ўрмон дарасидаги қишлоқлар ёмонмас. Нотинчлик йўқ, мутлақо бежавотир!

– Бош устига, олампаноҳ.

– Энди айт-чи, нега пул керакмас деяпсан?

– Унинг эвазига бошқа бир илтифотингиз...

– Нима?

– Жанг қилмоқчиман.

– Жанг қилмоқчисан? – таажубланди Наполеон.

– Ҳа!.. Кўриб турибманки, ҳазрати олийлари, ортингиздан эргашганларни покдомон, гоҳида эса қахрамон инсонлар дейишади, чунки қудрати етган ҳар қандай топшириқни дўндиришади. Ахир улар кучли-да, шунинг учун ғанимни ё ўлдирадилар, ё асир оладилар. Башарти заиф бўлганларида-чи? Душмандан доғда қолардилар. Ўйлайманки, бундай вазиятларда мен ҳам уларчалик иш кўрсата оламан ва буни жанговар синовдан ўтказсам дейман... Танҳо

Ўзим жонимни хатарга қўйиб, йўлларда ёлғиз дай-дир эканман, ушлаб олсалар ҳам ёки панд берсам ҳам, бири сотқин дейди, иккинчиси душман дейди ва икковиям мендан ҳазар қилади, нафратланади. Ахир бу «касб-кор» соҳибининг матонати жанг майдонидаги аскарниқидан камми? Қолаверса, пул эвазига хизмат қилишни кўнглим кўтармаяпти-да... Истардимки... лоақал иззат-икромга лойиқ бўлсам-да, ширин сўз билан муқофотласалар дейман.

– Вой жин ургурей! – койинди Наполеон, ўз кўнглидаги одамни учратганидан унинг кайфи ниҳоятда чоғ эди. – Аммо айтганингдай, аскарнинг хизматини «касб-кор» десак, бу «хунар» фидойилиқдан иборат. Унинг ўз юртини бегараз ҳимоялашдан бошқа муддаси йўқ. Жангчи яширинмайди, ошкора қон кечади, душман муқобилида афтини ўзгартириш унга бегона. Сен эса...

– Мен – танҳоман, улар эса минг, ўн минг, юз минг ва ҳаммаси биргалиқда урушга кирадики, сиз уларнинг номайи аъмолини билиб-кўриб, таниб турасиз. Тўғри, мен ўзимни танитмаслик учун уст-бошимни ўзгартираман, ниқобланаман, бироқ улар ҳам хавф тугилган заҳотиёқ ўзини панага олишмайдими? Жангчилар дарахтлар, уйлар орасида, тупроқ уюмлари ортида яшириниб, ажалга чап беришмайдими ва айтинг-чи, шунинг ўзи мендаги кийим алмаштириш ва ниқобланишга ўхшамайдими?

– Сен тентаквойнинг ақлинг бажо, – унга эътироз билдирди Наполеон. – Аммо ватан туйғуси ақлдан ҳам юксакларда туради. Хўш, французмисан? Унда нечун Францияга хиёнат қилувдинг? Энди эса менга Германияни сотмоқчи бўп турибсан.

– Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз ва хафа бўлмасангиз-да, шу хусусдаги арзимни айтсам.

Айнан сиз ва сиз каби биқинига қилич таққанларнинг «шарофати» билангина ватандан айрилиб, жосуслик касбига гирифтор этилганман. Ахир ўйлаб кўринг, мурғаккина гўдак чоғимдаёқ бири келса, бири кетадиган кўшинлар босиб олган ва кунпаякун қилган қишлоқларнигина кўрдим. Ёруғ дунёда кўз очиб-очмасимдан рўпарамда уруш пайдо бўлди ва у мени ҳамон таъқиб этмоқда. Қишлоқилар, аскарлар, зобитлар – ҳаммаси мени тўхтатар ва сўрар эди:

– Олдинда душман йўқ эканми? Ёвнинг сони қанчалигини билмайсанми? Унга қай томондан ҳужум қилса бўлади?

– Бунисиям етмагандай, баъзида уларга қулай манзилни кўрсатиб беришим учун мени судраб, бирга оп кетишарди. Ўшанда мени отбошига чилвирлаб, елкамга тўппонча қадаб олардилар. Оқибатда жоним ширин кўриниб, австрияликларга йўл кўрсатсам, мени французлар жосус деб лаънатлашарди. Ёки аксинча, найза ўқталган французлар хизматида бўлсам, австрияликлар «хоин» дея, қўлларини бигиз қилишган!.. Ана шундай муҳитда улғайдим ва ўша шароитда уйландим, бировнинг сирини бошқасига сотишдан қутулайин деб кўп уриндим. Бўлак бир тирикчиликнинг бошини тутиш қайғусида Палантинатдан Швабиягача, Эльзасдан Бавариягача излаб-қидириб кўрдим, афсус, урушдан бўлак даромадлироқ ва гуллаб-яшнаган бозорни тополганим йўқ. Жангу жадал бизнинг музофотларда бўларди, ҳозир ҳам етарлича бор. Биз унинг кўлами, катта-кичиклигига қараб, қандай ҳаракат қилишнинг ҳадисини олганмиз. Омад гоҳ унга, гоҳ бунга кулиб боқади, бироқ бу борада унинг ўзига хос нозик жиҳатларини ҳам билиб бўлганмиз-ки, сир олмоқчи бўлганлар тўхтовсиз бизга мурожаат қилавердилар. Хуллас калом, ана шу зайлда исти-

лоларнинг мажбурий иштирокчиси бўлдик-қолдик. Саргузашт-талаблик эса бизларни маккорлик билан ёлланган кўнгилли чақимчиларга айлантирдик, пул тўлашлари ҳам, суд қилиб, осиб юборишлари ҳам бор гап. Чегаралар эса сон-саноксиз аскарларингиз оёғи остида йўқ бўлиб, текислаб ташланган, энди ўша чи-зиқларни қандай топишни билмаймиз. Худди ана шу боисдан ҳам бизни гоҳ у тарафда, гоҳ бу тарафда кўра-сиз, алқисса, ким ёқиб қолса, ҳали унинг, ҳали бунинг ғалабасига хизмат қилаверамиз-да. Биздан жирка-нувчилар мутлақо ноҳақ, зеро, бўлак йўл тутиш учун ихтиёримизда бошқа чора ҳам йўқ.

– Бироқ мен шундай шахсларни ҳам биламанки, – эътироз билдирди Наполеон, – улар ўша «текислаб ташланган» деган чегарада ҳам адашиб қолганлари йўқ... Чунончи, Клебер страсбурглик эди, мен унга Франция маршали унвонини беришим мумкин ёки Келлерман ҳам ўша жойдан ва уни Вальма герцогига айлантириш ниятим бор!

– Зоти олийлари, гўстоҳлигимни маъзур тутасиз, ўша Клебер кўлингизда француз генерали бўлгунча, Австрия поручиги эмасмиди? Аммо мен на герцог ва на маршал унвонига асло даъвогар эмасман. Менинг ягона ўтинчим бор: башарти сизга маъқул бўлгудай жанговар хизмат кўрсата олсам, сиз олампаноҳ билан ёнма-ён турмоғимга ижозат этсангиз кифоя, унвон бе-расизми-йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Аммо беватан қолган бир бечораманки, мени ватанли қилмоғин-гиз керак. Мен ҳукмфармо эмасман, инчунин, шу лаҳзадан бошлабоқ фармонингизга бўйсунмоқ қал-бим амри бўлиб қолади. Шундай жангчи бўламанки, сизга, фақат сизга бор куч-ғайратим, садоқатим би-лан хизмат қиламан. Қуруқ мақтанчоқ эмаслигимни ва шаҳзода Мюратнинг ҳамма-ҳамма зафарлари ҳам

менинг шижоатимчалик руҳингизни кўтариб, юрагингизга қудрат бера олмаслигини тез орада ўзингиз билиб оласиз.

– Мюратни яхши кўрмайсанми? – сўради Наполеон.

– Мен камтарона жасорат ва абжир куч-қувватни яхши кўраман, олампаноҳ.

Наполеон эътироз билдирди:

– Абукирда¹ Мюрат душман устига шундай отилдики...

– Ахир у ерда одам ниҳоятда кўп эди ва ҳамма кўзлар уни кузатиб турарди-да.

– Мюрат Миср эҳромларида¹ ҳам, Маренгода¹ ҳам ҳазилакам жанг қилмаган.

– Унинг бунақа жасоратлари анчагина, тўғри айтасиз, ҳазрати олийлари. Лекин мен сизга шундай зафар гулчамбарларини оп келаманки, ҳалигача ўша Мюратингиз бундай галабаларни келтирган эмас.

– Эҳтиёт бўл! Ўйлаб гапир! Мюрат бу масалада гаров боғлашса, ютмай қўймайди!

– Менга худди шуниси керак!

Наполеон қизиқсиниб савол берди:

– Намунча уни ёмон кўрмасанг?

– Қайдам? – жавоб қайтарди жосус. – Сабабини ўзим ҳам билмайман. Эҳтимол, у кўркам бўлгани ва ўзимнинг овсарлигим туфайлидир.

¹ Абукир ва Миср эҳромларидаги тўқнашувлар Наполеоннинг Мисрга босқинчилик юришида (1798–1801) бўлиб ўтган. Маренгодаги (Шимолий Италия) жангда Наполеон қўшинлари австрияликлар устидан йирик галабага эришган ва шунинг натижасида французлар фойдасига Люневиль (Франциядаги шаҳар) сулҳи тузилган эди.

ИМПЕРАТОРНИНГ ҚАҲРИ КЕЛДИ

Кель яқинида бирлашаётган қўшинлар Рейнни кечиб ўтишдан олдин икки кун ҳордиқ чиқариши кўзда тутилганди. Бутун соҳил бўйини эгаллаган корпусларнинг қўмондонлари ўта махфий тарзда Страсбургга чақиртирилди. Император улар билан узоқ кенгашиб, қатъий қарорга келди: ҳеч қандай ҳарбий ҳийлага эҳтиёж йўқ. Душман шунчалар гафлатдаки, ҳужум бошланиб, дастлабки жанглар бўлмагунча французларнинг асл муддаосини англаб етишдан ожиз. Энди режанинг қандай амалга оширилишига келсак, буни император ўзигина билади. У бир ой бурунги мўлжалидан асло чекинмаган ҳолда бутун Европанинг фикрини мутлақо чалғитмоқчи эди. Ана шу ниятда Страсбург аҳли учун кечки зиёфат ташкил қилиб, ўзининг барча генералларини таклиф этди.

Бир неча соатдан сўнг Париждан Жозефина¹ етиб келди. Келин-куёвнинг асал ойи ўтиб бўлган бўлсада, энг шукуҳли тонглари мана энди отмоқда эди. Латофатли ва айни чоғда енгилтак креол қизи² Нотрдам ибодатхонасида эрининг қўлидан маликалик тожини кийганига бир йил бўлди. Лекин уруш-юришлар даҳоси бўлмиш зотнинг куч-қудрати ва закоси бахш

¹ Богарне Жозефина (1763–1814) – Наполеоннинг биринчи хотини. Жозефина аввал (1779–1794) генерал Александр Богарнега турмушга чиққан бўлиб, генерал Богарне сотқинликда айбланган ва 1794 йили қатл этилган. Наполеон Жозефинага 1796 йилда уйланиб, Австрия императори Франц I нинг қизи Мария Луизага никоҳланадиган бўлгач (1809) ажрашган. Ж. Богарне Наполеон Бонапартдан олти ёш катта эди.

² Креол қизи – европалик истилочиларнинг Америкадаги мустамлака мамлакатларда туғилган авлодларини креоллар деб аталарди. Айни ўринда Жозефинанинг Мартиникада (Кариб денгизидаги орол) таваллуд топганига ишора қилинмоқда.

этган ўшандаги мутлақо тасодифий буюклик лаззати ва ширин масрурлик ҳали ҳамон уни тарк этмаганди.

Жозефина ёшига нисбатан беҳад кўхлик кўриниб, бугун яна ҳам очилиб кетган унинг ҳусну жамолига соя солгувчи айрим чизгилар шоҳона салобатга уйгунлашиб, ўзига ярашиб турарди. Унинг иштироки Наполеон дадиллик ва журъат билан ташкил этган бугунги бални безаши тайин. Жозефинанинг Страсбургга учиб етиб келиши унинг базми жамшидларга ишқибозлиги ва дабдаба деса, ўзини томдан ташлаши туфайли эди. Малика ўзининг хиромон одимларию акобирларча нафосати билан энг навниҳол ва энг сулув хонимларни ҳам куйдира олишини биларди. Яна соҳир ва мафтункор табассуми ҳам бор. Буни у гўё атрофидагиларга беихтиёр ҳадя этар, аслида эса маликайи олия бу кулги билан ўзидаги чарчоқни ниқобларди. Ёш сарой хонимларини ҳаяжонлантирувчи ва ҳасадини кўзғатувчи энг асосий «жоду» унинг жисми ва руҳидаги табиий таманнолик эди.

Жозефинадаги ишваю истигно шунчалар мукамал эдики, бугунги тантананинг гултожи бўлиш унинг қонуний ҳаққи саналарди. Зеро, шундагина у императорнинг рафиқаси бўлган илк даврларда уюшган душманлар томонидан унинг маликалик тожига тажовуз қилиниши оқибатида юзага келган хавотирдан қутулгандай бўларди. У ёғидан келсангиз, Наполеон Жозефинадан бор-йўқ имконини ишга солиб, энг аъло даражада ясаниб, безанишини талаб қилар, бундан эркагу аёлнинг ҳасади келиб, ичи куйишини истарди. Ана шундай эъзоз оғушидаги маликанинг сеҳрли ва хушбахт табассумига қарши Австрия, Россия ва ҳатто кўшинидан кўра пули билан мақтанадиган Англия нима ҳам қила оларди?..

Кечки соат тўққизда офтобдай чарақлаган Жозефина Наполеон билан биргаликда префектура залига

кириб келди. Бошдан-оёқ шойи-барқут, қимматбаҳо тошлару олтин-кумушга бурканган, бежирим сочлари устидан жавоҳир тўла тож кийган маликанинг хусну тароватига гап бўлиши мумкинмасди! Наполеон ҳам табассумда. Унинг чақноқ ва ўйноқи нигоҳи зобитлар ва хонимлар оралаб, таниш чеҳраларни топди. Илк жанглардаги қуролдош биродарларига боқиб, император гўё ўтган кунларни эслаб дерди: «Ўн биринчи йил ёдингдан чиққани йўқми?», «Сен-чи, Тулондан кейин, Италия ва Миср юришларидан бери нима қилиб юрибсан?», «Ёнимда эканинг далда беради, умидим сендаги матонат ва садоқатдан!», «Эртага ҳам кечагидай бўш келма!»...

Ўнг томондаги бир гуруҳ меҳмонларнинг либоси байрамона эмаслиги дарровда Наполеоннинг назарига тушди. Уларнинг ўртасидаги биргина одам ясан-тусани билан алоҳида ажралиб турарди: кўкси зарбоф нишон ва аксельбант¹ билан безалиб, мўйна қалпоғига оппоқ йирик жиғалар тақилганди. Уни қуршаган зобитлар эса худди тил бириктиргандай оддий жанговар мундирларни кийишган. Уларнинг устида ҳарбий юришларда асқотадиган оғир шинель, шойи чулкисиз оёқларида эса жанг майдонлари «ёдгори» бўлмиш чанг-ғубор ҳам бор эди. Бундай базмларда кийиниш қондасига беҳад талабчан Наполеон шу тобда бундан ҳайрон бўлгани йўқ, ранжимади ҳам.

Аксинча, унинг чеҳраси янада яшнаб кетди: уларни бу қиёфада кўриб, кўзларида ишонч ва илтифот ҳислари нурланди. У қадамларини секинлатиб, маликага мурожаат қиларкан, овозини баланд кўтарди:

– Кўряпсанми, Жозефина, мана шу азаматлар олдида тўхтасанг, уларга тўйиб-тўйиб боқсанг арзийди. Мана бу тўртовлон империямни кўтариб турган

¹ Аксельбант – ҳарбийлар тақадиган зарбоф чилвир.

буюк устунлардир. Сен уларни кўргансан: эслагин, башанг мундирларда Тюильри қасрига ташриф буюргандилар. Қара, бугун душман қўлидан зафарни юлиб оладиган жанговар уст-бошлари билан келишибди!.. Мана бу Даву – Германиянинг додини берувчи йигирма олти минг кишилик учта корпуснинг раҳнамоси. Таниб ол: Сульт – тўртинчи корпус қўмондони, қўлида қирқ минг аскар бор. Бу эса Ней – ботирларнинг ботири, бор-йўғи йигирма тўрт минг йигит берганман, лекин унинг ёлғиз ўзи уларнинг ҳаммасига бас кела олади. Манави саркардамни Ланн дейдилар, уни Португалиядан Булонга чақиртириб олдим. Энди Страсбургдан Венага қадар ёнимдан жилмайди, нега десанг, унинг иштирокисиз мен буюк ишларни қила олмайман. Бундан ташқари Бернадот деган лочиним бор, Ганновердан йўлга чиқиб, ўн етти минг кўпни кўрган жангчиси билан учиб келмоқда. Мармон эса Голландияда эди, у ҳам бу ёққа отланган, тез орада йигирма минг аскарни байроғим остига қўяди. Бугун эрталаб ундан хабар олдим: шунчалар олис сафарда атиги тўққиз кишини йўқотибди, улар ҳам орқада қоп кетган экан. Яна бир Ожеро деганиниям билиб қўй: Бретанидан чақирдим, ўн беш минг кишилик фахрийлар қўшини билан саккиз кунда етиб келади... Мюрат тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас: уни залга кириб келаётгандаёқ кўргандирсан, қара, қанчалар кўркам, офтобнинг ўзгинаси-я! Азизам, жон дўстим, сен булардан икки оғиз қалб сўзингни аяма, айт, айтақол! Ахир Франциянинг тақдири мана шу дағал қўлларда! Булар – менинг таянчим, ишончим!

Шундан сўнгги воқеадан қалблар титради, юраклар ийиб кетди... Маликайи олиянинг сиймоси қандайдир бир дақиқа давомида Ватаннинг, бутун бир миллатнинг жонли рамзига айланмоғи керак эди.

(У зар чекилган оппоқ кўйлак кийиб, устидан мўйна қадалган қизил барқут мантия ташлаб олганди.) Жозефина Наполеоннинг қўлқопли бармоқларини салгина чимчилаб қўйди: бу билан гўё ўзини манави баҳодирларга яхшироқ таништириб қўйишни сўрарди. Саркардаларнинг сўник ва паришон нигоҳлари маликада: у эса бор эҳтироми ва шавқли ҳисларини жамлади-да, сарой аҳлига хос назокат ва улугворлик билан таъзим бажо қилди.

Ҳаяжонлар авжи шунчалик эдики, гўё айна дамда Франция ўз маршалларига бош эгарди.

– Офарин! Ташаккур! Ҳаммаларингизга бош эгаман! – деди малика қўмондонларга қараб ва аста тикланиб, қоматини ғоз тутди.

Жозефина уларнинг чанг-чунг мундирларига ҳам улуглик, ҳам илтифот билан боққанича катта зални узунасига кесиб ўта бошлади, атрофда ҳаяжонланган издиҳом ҳурмат билан бош эгиб турарди.

– Вой жин ургурей, – деди Ланн ёнидаги одамга шивирлаб, – бу жонивор чакки эмас шекилли, қотириб қўйди-ку!

Унинг қоп-қора митти кўзлари пирпиради ва миждаларидаги маржон томчиларни яшириш учун юти-ниб олди. Наполеон «Ҳарбийлар Ролани»¹ деб ном берган бу қўмондон (Ожеро йўқ кезлари) энг кўнгли бўш ва йиғлоқи одам эди.

Даву билан Султнинг муносиб таърифдан оғизлари қулоқда бўлиб, ҳузур-ҳаловатга ёлчиб қолишганди. Нейга келсак, унинг чехраси ял-ял ёнарди, бўйнидаги ажинлари ва оловранг сочлари гўё тилладай товланарди.

¹ Жан Мари Ролан (1734–1793) – Буюк француз инқилоби раҳнамоларидан бири, жирондистлар ҳукуматида ички ишлар вазири бўлган. Айна ўринда Наполеон томонидан маршал Ланн ана шу арбобга қиёсланган дейиш мумкин.

Мюрат эса... у эгнидаги ясан-тусаннинг мақтовини эшитди, холос.

Базм бояги тантанаворликни йўқотган бўлса ҳам, тезда жўшқин тус олди. Наполеон Жозефинани залнинг четроғидаги сарой хонимлари даврасида қолдириб, ўзи бошқа хонага ўтиб кетди.

Аммо Жозефина учун бугунги бал кекса ашрофлардан бўлмиш баъзи эски танишларини ўзига янада оғдириб олмоқ учун ўта муҳим баҳона эди. У атрофида ана шуларнинг, юлдузни бенарвон урадиган ёш ҳарбийлару янги зодагонларнинг парвона бўлишини ёқтирарди. Унинг ёнидаги кекса граф Коленкур ҳозиргина императорнинг тансиқ илтифотига муяссар бўлган маршалларга ошкора ҳавас билан боқиб қолганди.

– Қадрдоним герцогиня, – деди Жозефина ёнидаги Ларошфуко хонимга қараб, – де Коленкурнинг қўлидан тутинг-да, Ней, Ланн ва бошқа саркардалар қошига етаклаб боринг. Бу киши уларнинг номини эшитган, холос. Мени айтди денг ва улар билан таништириб қўйинг, – у ўзининг содиқ қўриқчисидан сўради. – Шундай қилсак сизга маъқулми, азиз дўстим?

Доимо хушчеҳра мўйсафид Коленкур эҳтиром билан таъзим қилди:

– Ташаккур! Уларни табриклаш мен учун катта шараф, зоти олиялари! Шундай буюк баҳодирларни фақат олисдангина кўра олишимдан доим армон қилиб юрардим.

– Менимча, сизга уларнинг дағаллиги малол келмас, а? Тўғрими? – сўради Жозефина. – Ахир била-сиз-ку, булар уруш ва матонат фарзанди, бинобарин, таманно давралардан кўра, жанговар қўналғаларда кўпроқ жавлон уриб ўрганишган.

– Ие, зоти олиялари, буни парвойимгаям келтирмайман. Биласиз, ўзим ҳам кекса ҳарбийман ахир.

Коленкур шундай деб, Ларошфуко хонимга илтифот билан қўл чўзди.

– Марҳамат қилиб, дастлаб маршал Ланн билан таништирсангиз, – деди у саркардалар томон боришаркан. – Бу киши менга жудаям ёқади. Асл ҳарбийларга хос қадди-қоматли, кўркам одам. Шунисиям борки...

– Нима экан у? – сўради Ларошфуко хоним.

– Сизга очиқ айта қоламан: у сочларига уша кўяди, бу унинг энг илтифотли, хушфеъл маршал эканидан далолат бўлса керак.

Герцогиня хоним бунга жавобан шўх бир гап айтмоқчи эди, бироқ муносиб сўз тополмади шекилли, индамай ўша томонга юраверди ва Ланнга таништирди:

– Ҳазрати олиялари каминага де Коленкур жанобларини топшириб, сизга таништирмоғимни тайинлаган. Бу киши кекса генерал, улуг хизматлари бор. Ҳамиша шон-шарафлар ишқибози бўлган бу зот кўпдан буён сиз билан кўришмоққа иштиёқманд эди.

Ланнинг чеҳраси мулойим ва қувноқ табассумдан ёришиб кетди, у Коленкурнинг қўлларини сиқиб, астойдил кўришди:

– Беҳад мамнунман, оқсоқол! Оқсоч қуролдошлар мен учун жуда азиз, зеро, улардан ҳамиша ниманидир ўрганиш мумкин. Айтинг-чи, сиз хизмат қилган қўшин икки оёқлимиди ё тўрт оёқлими?..

Таажубланган Коленкур қўққис йўтал хуружини тўхтатолмай қолдики, бу билан унинг ҳайронлиги ҳам билинмади.

– Оббо жин ургурей! – давом этди Ланн. – Афтидан, биз ибтидоий қироллик жамиятига тушиб қолганмиз шекилли?

Бу аснода Коленкурнинг дарди янада жунбушга келдики, маршал овқат тиқилган мисоли «оқсоқол»-ни енгил «дўппослаб» қўйди.

– Шайтон! Иблис! Нима бало, бу кўксов шекилли. Бунинг сабаби аён, бобой! Сабабини биламиз, бобой!

Коленкур газабини базўр жиловлаб олди. У аччиқланган бўлса-да, ўзидаги бу исённи енгиб, илжайди ва попукли қанд тўла қутичани маршалга тутди.

– Ие, зўр-ку! – кесатди Ланн. – Ҳали ширинликлариям бор экан-да!.. Ажабо, хоҳ ишонинг хоҳ ишонманг эски тузумнинг чирик зобитлари ўзларини сийлашга жа-а устакор-да.

Унинг оғзидаги-оғзида, бўғзидаги-бўғзида қолди, чунки адъютантларидан бири ёнига келиб, қулоғига алланималарни шивирлади. Маршал ўша лаҳзадаёқ бўлакча тус олди:

– Мени афв этасиз, Коленкур жаноблари. Икки баҳодир ўғилнинг отаси экансиз-ку! Улардан биттаси йигирма етти ёшдаёқ карабинерлар полкининг полковниги унвонини олибди... Шунинг ўзидан равшанки, сиз асл француз экансиз. Ватан ҳимоясига ўғлонлар улғайтирибсиз! Бировлар каби пулга ружу қўймабсиз, икковини ажнабийларга ёллантирмаганингиз жудаям зўр!.. Изн беринг, мен сизни бир ўпиб қўяй.

У ижозатни кутиб ўтирмасдан аристократнинг елкасидан маҳкам қисиб, бағрига босди...

– Шавкатли аскар! Беназир қўмондон! – дер эди Коленкур бир неча дақиқадан сўнг маликага. – Аммо, ё Парвардигори олам, гап-сўзи тантиқ, жудаям галати экан ўзиям...

Жозефина сўз қотди:

– Граф жаноблари, ҳаммадан кўра Ланн билан танишмоққа ошиққан ўзлари эмасмидилар?

– Шундоқ девдим. Лекин бирйўла башарамга маршалчасига упа-элик чапланиб, ўша ондаёқ кўзимга тупроқ сочилиши етти ухлаб тушимга кирган эмасди.

– Бошқаларга ҳам таништириб қўя қолишсинми?

– Ташаккур, ҳазрати олиялари, жиндай тўхтаб турайлик, мен ўзимга келиб олмасам бўлмайди. Ҳе йўқ, бе йўқ, унинг упа сепилган сочларини танлаб ўтирган-нимни қаранг-а!

Ларошфуко хоним оловга лампамой қўйди:

– Ҳали сиз Ожеро билан учрашганингизча йўқ!..

– Қанақасига? Демак, буниси ҳолва демоқчисиз-да, а?..

Кутилмаганда Наполеон кириб келди. Лекин бу сафар боягина Жозефина билан қўлтиқлашиб юрган хотиржам ва бахтиёр қиёфада эмасди. Унинг ранги оқарган, лаблари бўзарган, қошлари чимирилган. Нигоҳи маршалларни топди-да, секингина имлади. Издиҳом уларга йўл бўшатди. Ўша ондаёқ император кирган эшик бўсағасида калон зотлар тўпланишди. Наполеон ўзининг тилларда дoston бўлиб кетган мундирида, оқ шойи панталон ва чулки кийиб олганди. Даву, Ней, Сульт ва Ланн жанговар либосда, Мюрат эса байрамона ясанган. Маршал Дюрок ҳам шу ерда: у Пруссиянинг ёш қиролини Наполеон томонга оғдириш учун Берлинга бориб, қуруқ қўл билан қайтиб келганди.

– Иккиланяптими? – сўради император. – Менга панд бермоқчи эканми? Биламан, бир қарорга келиш учун аввал кимнинг зўрлигини аниқлаб олмоқчи!.. Бўпти, бу мени отни барвақтроқ қамчилашга мажбур қилади, холос. Мана энди ўзидан кўрсин! Бернадот ва Мармон унинг Анспахтадаги мулклари оралаб ўтишадди. Бунга яхшилиқча кўнса, дўстона ўтилади, билъакс, ёвларча ҳаракат қиламиз. Мен унга кўрсатиб қўяман ҳали! Мюрат, сен зудлик билан йўлга отлан, вақт

ганимат. Кечкуруноқ тезкор полклардан тўрттасини олиб, дарёни кечасан. Тун бўйи бетўхтов йўл босиб, икки авангард полк билан биринчи дефиледа¹ пайдо бўласан, полкларнинг нариги иккитаси кейинги дефилега боради. Аммо шундай ҳаракат қилгинки, гўё жанубий йўналишга кетмоқчи деб ўйласинлар. Душман кўринган заҳоти орқага чекиниб, йўлда давом этавер. Сендан олдиндагилар ҳам мана шу буйруққа биноан иш кўришлари керак. Ундан кейинги жанговар кўрсатмаларни бошқа полклардан бериб юбораман. Отлан!.. Дарвоқе, гапларимни қулоғингга қуйиб ол: ҳақиқий уруш бошланиб кетмасин! Жангга киришни тақиқлаб қўй!

Наполеондан фармойиш олгач, Мюрат жиғадор мўйна қалпоғини кийиб, ташқарига отланди. Барча хонимларнинг мафтун нигоҳлари унинг суқсурдай қоматига қадалди, бироқ Мюрат илк бор ўзини кўз-кўз қилишдан воз кечганди. У буюк бир қўшиннинг энг олдинги сафида байроқдор бўлиб жангга борардики, аёл зотига қараб қўйгани ҳам фурсати йўқ.

Бу орада Наполеон бошқа маршалларга ҳам буйруқ беришда давом этарди.

ЖОСУС ИККИ АСКАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРДИ

Эрталабки соат тўрт. Страсбург қаршисидаги понтон кўприк. Соқчибоши ҳозиргина қоғоз узатган малласоч кишини синчиклаб текширувдан ўтказди. Хужжатда тубандагилар ёзилган эди:

«Б у й р у қ:

Ушбунни кўрсатувчи Карл-Людвиг Шультмейстер янги Фрейштат (Германия) фуқароси бўлиб, зудлик

¹ Дефиле – ҳарбий атама, дара-тоғ йўли, камбар, ёлғизоёқ сўқмоқ.

билан Франция ҳудудидан чиқиб кетиши зарур. Бинобарин, хоҳ фуқаровий, хоҳ ҳарбий бўлсин, барча раҳбарлар Шульмейстерни оиласи ва юклари билан мутлақо монеликсиз ўтказиб юборсинлар! Бироқ шуни эътиборга олинсинки, Шульмейстер мазкур буйруқни 28 сентябрь тонгига қадар зинҳор кечиктирмай адо этмоғи лозим, билъакс, унга нисбатан бошқа жиддий чора кўрилади.

Префект Шее.

Дивизия генерали Савари.»

Зобит буйруқ билан танишгач, қоронғилик кўйида кўриниб-кўринмаётган аравага ишора қилди:

– Аравада нималар бор?

– Хотиним, ана ўзиям кўриниш берди, – шу дамда экипаж устидаги ёпқич сурилиб, Берта кўринди. – Орқароққа сомон тўшалган, устида болаларимиз ухлаб ётишибди.

– Рапорт ёзиш учун аравангизни текшириб кўрмасам бўлмайди.

– Текшираверинг! Фақат илтимос, болаларни уйғотиб юбормасангиз, сиздан беҳад миннатдор бўлур эдим.

Шу аснода катта фонар тутган аскар яқинлашиб, аравани кўздан кечири бошлади. Зобит ҳам ўз навбатида қараб кўрди, бироқ кичкина жомадон ва уйқудаги икки боладан бўлак ҳеч нарсага кўзи тушгани йўқ.

Берта ўгирилганда, унинг юзига ёруғ тушиб, латиф чеҳраси, олтин сочлари товланиб, худди нурчамбар оғушидаги малакнинг сиймоси намоён бўлди.

– Ёпирай, бунчалар соҳибжамол! – донг қотиб қолди зобит. – Бўпти, немис жаноблари, кета қолинглар, аммо минбаъд бу манзилда қорангиз кўринмасин!

– Ўтган ишга саловат, капитан! Умид қиламанки, худди шу ерда яна учрашамиз, фақат қўлимда мутлақо қонуний ҳужжатим бўлади!

Зобит бунга жавобан Бертанинг сулувлигидан кўнгли ийгани учунгина майин кулиб қўя қолди. Шультмейстер аравадаги ўриндиққа жойлашди ва отга қамчи босди.

Бир оз юришгач, хотин эрига сўз қотди:

– Ҳеч нарсани эшитаётганинг йўқми? Ўнг томонда туёқлар дупурлаб, қурол-аслаҳа жаранглапти шекилли.

Шультмейстер отнинг жиловини тортиб, диққат билан қулоқ солди. Дарҳақиқат, нарироқдаги катта йўлдан туёқларнинг бир маромдаги шовқини эшитилаётганди. Темирлар ҳам гўё бир меъёрдаги бу садоларга ҳамоҳанг жарангларди. Сурон олислаб бораётган бўлса-да, билгич одамга бунинг тагида не синоат борлигини пайқашни қийин эмасди.

– Камида бутун бир полк кетмоқда, – деди Шультмейстер ўзи билан сўзлашгандай ним овозда. – Жин ургур, улар қайси йўлдан юряпти ўзи? Афтидан, Фрейбург тарафга отланган шекилли... Энди билдим. Бу кўзбўямачилик, анавиларни... чалғитиш учун зарурий чора. Бу – ҳарбий ҳийла. Асосий ҳужум у ёқда бўлади, аммо суворийлар бу ёқда кўриниб туришадди. Йўлга! Ҳа, йўлга! Модомики тоғ ортига бемалол ўтмоқчи эканман, бирор дақиқаям кечикмаслигим шарт!

У жиловни қаттикроқ силтади. Бертанинг кўзлари саволомуз боқарди.

– Қулоқ сол, – деди Шультмейстер отни қамчилар экан, – тезда Оффенбургга етиб оламиз, дарё билан ораси нари борса ўн беш вёрста холос. Сени у ерда қолдириб, ўзим яёв кетавераман, тонг отмасдан нарироқ бориб олишим керак. Кеча эски қадрдонимиз Родекни огоҳлантирганман, уникида бирор ой турасан. Бу покдомон одам биздан кўп яхшилик кўрган ва

сениям, болаларниям жуда кўнглига яқин олади. Бундан ташқари, сенга уйдан жой бериб, зиён қилмаслигини ўзиям биледи. Учовингизни бағрига олишга шай эканини ўз кўзларинг билан кўрасан ҳали.

– Сен-чи?

– Менми? Жонгинам Берта, мен Ульмга боришим керак, зиммамдаги бурчим...

– Бурчинг... кимнинг олдида? Таассуфки, Карл, сенга берилган топшириқ яна аввалгидай кимнидир алдашдан иборат эмасми?

– Азизам, эй бедор виждоним, кўнглинг тўқ бўлсин! Мени хизматга олган инсоннинг марҳамати билан ҳаётни янгидан бошлаймиз ва уйқудаги икки норасиданинг эртанги тақдиридан хотиржам бўламиз. Мен жудаям муҳим вазифанинг ижросига жавобгарман, ёвга зарба бериш учун танҳо ўзим фақат олға боришим керак, душман кунпаякун бўлишига ишончим комил. Бўлак бирор кишининг қўлидан келмайдиган бу «хунар»ни менга юклашгани озодлик ва афв этилганим эвазига тўлайдиган бадалимдир. Мен буйруқни бажариб бўлгач, ўзинг кўрасан, хийла-найрангларимни, яшириниб юришларимни бас қиламан. Азиз рафиқам, менга ишонавер ва мард аёл бўлгин!

Берта дилсиёҳ ва хавотирланган кўйи жимиб қолди... Олдинда эрини мудҳиш хатарлар кутаётганига жувоннинг ақли етарди. Бу таҳдид уни ҳам ваҳимага соларди, ҳам орини келтирарди. Ақл-идрокининг олис ва пардали нуқтасида, фақат қалб кўзигина илғай олувчи бир бурчида васвасали фожеанинг қонли манзараси яққол намоён бўлди. Тасавурида бир рота жангчи милтиқ ўқталган ҳолда отишга шай турибди, уларнинг рўпарасида кўзлари боғланган одам, ерга тиз чўктириб қўйилган – бу маҳкум эри Карл... Унинг яқинида қадди баланд, зарҳал мундирда, шля-

пасига оппоқ жигалар қадалган суворий буйруқ беришга ҳозир у нозир, қўлидаги қиличини биргина силкиб қўйса кифоя...

Гилдирак тошга урилиб қарсиллаганда хаёли парижон Берта бир сапчиб тушди: у отишма бошланди деб ўйлаганди... Карл уни пинжига тортиб, ваҳимасини тарқатиб юборди, бундан аёл жилмайиб қўйди. Шмельмейстер шарқ уфқига ишора қилди:

– Қарасанг-чи, хотин, ахир янги кун бошланмоқда!

Қуёшнинг илк нурлари ҳали Швабиядаги Кичик Альпнинг узоқ чўққилари ортида эса-да, ёриша бошлаган тонг ёғдусида йўллар ғира-шира, водий тараф эса хийла равшан кўринарди. Сайхонлик зинапоя мисоли баландлаб, нишаб тоғ ёнбағрига туташади. У ёғига қуюқ Қора ўрмон бошланиб, унинг ортида Оффенбург қишлоғининг кулранг тахлити элас-элас кўзга ташланарди.

Унгача хийла йўл бормикан?.. Йўқ, аксинча, бизнинг сайёҳлар қишлоқ бўсағасига етиб келишганди. Йўлни узайтириб кўрсатаётган кўз алдамчилиги энди саробдай тарқалди. Похолга бурканиб уйқуни ураётган Ганс ва Лизбетани уйғотишга кўнгли бўлмаган Шмельмейстер аравадан ирғиб тушди. Жилонни қўлига олган Берта отларни қишлоққа бураркан, жосус қўли билан «хайр» ишорасини қилди. Шмельмейстер илонизи сўқмоқ бўйлаб олға интилди.

Жосус дилхуш кайфиятда ёндамага тирмашиб бораверди. Ўз ихтиёринг билан эмин-эркин юришдан, кўзлаган мақсадинг сари олға боришдан ортиқ ҳузур борми?.. Яширин сирларни сотувчи ёки хоин эмас, Наполеоннинг аскарлари ва қўшиннинг пешқадам чопари бўлиш қанчалар шараф, қанчалар ифтихор! У ўзини тавқи лаънатдан ярим-ёрти қутулгандай, юзи ёруғ бўлиб, кўкси кўтарилгандай сезарди.

Шульмейстер хушманзара сўқмоқдан тез орада росмана йўлга чиқиб, кўзига атроф янада гўзалроқ кўринди. Йўл – беназир ва ажойиб-да! У ҳаммага баробар: бой ҳам, камбағал ҳам, тунда ёввойи махлуқлар, кундузи паррандалар бемалол ўтаверади. Ўрмон дейсизми, водий дейсизми, уларнинг хўжайинчилик қиладиган эгалари бор. Йўл-чи, у доимо очиқ, хоҳлаган одам юриши мумкин. Бунинг чегараси йўқ, йўловчининг бардошига биноан ҳордиқ манзили олис ҳам, яқин ҳам бўла олади, ҳаттоки уфқ олдингизга тушиб кетаверади, яқинлашганингиз сайин ахийри ғойиб бўлади.

Шульмейстер илдам юриб, ҳар замонда ортига ўгириларкан, тонгги туман оғушидаги Рейн водийси тобора бепоеън ва нурафшон қиёфада намоён бўларди. Унинг олдида ястанган Гегенбах йўли ўқдай тўғри бўлиб, ундан Гейзах яқинидаги тоғларнинг қоқ ўртасига, кейин Вюртемберг водийсига чиқиш мумкин.

Жосуснинг нигоҳи ўнг томондаги Лар шаҳарчасига тушди... оломон чумолидай ғужғон ўйнарди.

Бу қанақаси? Каллайи саҳарда бунча издиҳом қаёқдан тўпланиб улгурди? Ишга отланган ишчи ва деҳқонлар одатда чанг-тўзон кўтаришмасди. Қолаверса, эрталаб йўллар бунақа тирбанд бўлмасди, иннайкиин, фуқаролар қоп-қора галаларга айланиб, ишга чизилгандай батартиб ҳаракат қилишмайди. Нима гап ўзи?

Шульмейстер қояга ўтириб, киссасидан олган дурбинини кўзига яқинлаштирди-ю, хитоб қилди:

– Э-э, эсим курсин! Ахир отлари тунда дупурлаган суворийлар-ку! Улар бу ерда дам олиб, энди йўлга шайланмоқда. Ҳа-а, ана, қиндан суғурилган қиличлар ҳам ярақляпти... Ҳозир бурғуларини чалишади... Жуда соз! Ана, драгунлар мусиқаси ҳам янграй кетди!

❖ Демак, драгунлар бўлса керак. Ярақлаган дубулгалар ва милтиқларнинг товланиши кўриниб турарди. Чоғи улар шу томонга чиқмоқчи эди. Зудлик билан туёқни шиқиллатиб қолиш керак!

Шульмейстер ўрнидан кўзголиб, дурбинини чўнтагига солди ва ортига ўгирилди. Бироқ ақл бовар қилмас ҳайратдан бир сапчиб олди: ҳозиргина отдан тушиб, жilовини тутган икки француз гусари тўп-понча ўқталиб туришарди.

Улар ердан чиқдимми ё кўқдан тушдимми?

Шульмейстер Наполеоннинг фармойишларидан беҳабар бўлиб, бу ҳарбий ҳийланинг тафсилотини хаёлига ҳам келтиролмас, йўналишинигина тахмин қила оларди холос. Драгунлар кўшни водийга йўл соларкан, шу аснода Мюратнинг аввалроқ жўнаган иккинчи полки Оффенбург дефилеси остоналарига етиб қолганди. Шульмейстерга рўпара келган иккала гусар унинг соқчилари эди. Улар жосус қояга чиқиб, дурбинини олган дамдаёқ кўришган ва кимлигини аниқлаш, башарти зарурат туғилса, қўлга олиш учун етиб келишганди.

– Қимирлама! – буюрди уларнинг каттароғи. – Сен қизилбашара кўзингдаги «замбаракча» билан нима қилмоқчисан?

Карл мутлақо беақл тасқара қиёфага кириб, ҳеч ба-лога фаҳми етмаётгандай мўлтайиб тураверди. Сўнг индамай уларнинг олдига борди.

– Демак, французчани билмайман демоқчи бўляпсанми? Жуда соз! Ҳали тилингни чиқариб қўямиз! – деди иккинчи аскар. – Сўлоқмондай одам экансан, бунчалар анқовлик сенга уят эмасми?

– Узр, жаноби гусарлар, балки немисча гапира оларсиз, а?

– Қара-я, сайраб қолди-ку!.. Бас, саволга жавоб беринг, тезроқ!

- Мен жангчиларни томоша қилиб, ҳалигиндай...
- Қаерликсиз?
- Оффенбургда тураман, муюлишдан кўринадиган қишлоқ. Анави ёқда, ярим соатлик йўл.
- Демак, айланиб юрган эдингизми? Нима бало, чўнтакдаги анави ўйинчоқ ҳам кўнгилхушимми?
- Албатта! – деди Шульмейстер.
- Ие... унақа экан, ўша лаънати... отинг ўчгурнинг номи эсимдан чиқди... қишлоғингиз у ёқда бўлса, нега энди бу ёққа кетяпсиз?... Ана холос! Довдираб қолдингиз-ку! Афсус! Мен пайқаб қолдим-да, а? Хоҳласангиз, ўзим айтиб бераман. Бу ерда кўрганларингизни йўлнинг нариги бошидаги кайзерчиларга сотасиз-қўясиз! Шунақаами?
- Сизни ишонтириб айтаманки...
- Ади-бадини бас қилинг! Яхшиликча олдимга тушинг, акс ҳолда, ўзингиздан кўрасиз!

Шульмейстернинг хаёлига келган биринчи ҳадик шу эдики, шу тобда ҳар қандай эътироз бефойда. У бошини ҳам қилиб, муте қиёфага кирди ва ўзини иккала аскар қўлига бажонидил топширмоқчидай улар томон яна бир неча қадам ташлади. Ветеран¹ елкасига қарсиллатиб мушт солганда ҳам, рекрутнинг² панжалари ёқасидан бўғса ҳам Шульмейстер заррача бўйинтоблик қилгани йўқ. Аммо шу аснода ақл-хуши аста-секин ўзига келиб, хотиржамлик билан вазиятни обдан чамалаб кўрди.

Уларга бўйсунуш керакми? Ёки қаршилик қилган маъкулми?

У бундай бемаъни аҳволга дабдурустдан мубтало бўлганди. Нима қилсин: қочишга уриниб, ўлиб кета қолсинми ё уларга «хўп» деб, Наполеоннинг топши-

¹ Ветеран – тажрибали, кўпни кўрган аскар.

² Рекрут – ёш, хизматдаги янги жангчи.

ригини барбод этсинми? Рўпарасидаги осмондан тушган икки ганим айнан Шульмейстер хизмат қилаётган тарафнинг аскарлари.

Башарти ўзини гусарлар қўлига топширгудай бўлса, зобит ҳузурига ҳайдаб боришади. Зобит эса сўраб-суриштиради, Шульмейстер уни қониқтирадиган гап айтолмайди. Албатта уни тинтиб кўришади: ёнидан катта пул ва ҳужжатлар чиқади, алалхусус, унинг немис эканига исбот бўлмиш бадарға буйруғи топилади, бу эса французлар учун беҳад шубҳали қоғоз! Шульмейстерга қутулишнинг йўли ҳам йўқ эмас: ўзи олган топшириқни айтиб берса, уни қўйиб юборишади, бироқ бу ҳарбийча шахмат ўйинида жосус мот қилинди деган сўз.

Таваккал! Ортидан юз бор отиб, юз бор қувласинларки, қочиб қутулгани яхши!

Бу қарор унинг миясида яшин тезлигида пишдики, иккала гусар эгарга тирмашгандаёқ Шульмейстер қилар ишини қилиб бўлганди...

Начора, беайб Парвардигор! Боятдан бери жавраб турган ветеран зўр жангчи бўлса-да, ҳарбий низомнинг қули эди. Бинобарин, у қонун-қоидага тўлатўқис амал қилиб, чап қўли билан аввал отнинг жиловини бир тутам ёлга қўшиб ушлади, кейин тўппончасини гилофига жойлади-да, сўл оёгини узангига қўйиб, ўнг қўли билан эгарнинг қошидан чангаллади. Аммо ветеран ердан ярим кўтарилган лаҳзада Шульмейстер шартта эгилиб, унинг ўнг оёғидан тутди-да, бор кучи билан улоқтириб юборди. Оқибатда шўрлик отидан ҳам анча баландроққа «парвоз қилди» ва жониворнинг нариги тарафига узала тушди.

Айни лаҳзада иккинчи гусар эгарга тирмашиш билан андармон бўлиб, оти қурмағурнинг девдай жасади бу ҳолни тўсиб қолганди. У оёқларини узангига

жойлаган дамдаёқ ҳайратдан донг қотди: шеригини ҳам, икковлари асир олган немисни ҳам гўё ер ютиб юборганди. Ҳар дами ганимат бўлган Шульмейстер ўрмалаганича гофил гусар минган отнинг хотидан ўқдай ўтди-да, қуюқ ўрмон ичкарасига учди.

Гўл қилинган иккала аскар бир-бирига бақадай анқайди. Аввалгиси бир амаллаб ўрнидан турар, иккинчиси эса эгарда мувозанат сақлаш хусусидаги низомни «мўйсафид» шериги нега фаромуш қилганини билолмай гаранг, гўё икков нигоҳлари билан ўзаро маслаҳат қилишарди.

– Жин ургурей, – қийқирди ветеран, – қани у?

Таъбир жоиз бўлса, соқовлик ҳам гоҳо жуда пурмаъно бўлмоғи мумкин, ушбу нуқтаи назардан қаралса, иккинчи гусарни бундай «воизлик» камолотида Цицероннинг¹ асл вориси дея оламиз. Яъни унинг сўзсиз қисилган бир елкаси қулоғига тегиб турарди, иккала кўзи ола-кула, оғзи ланг очилган: бор вужуди билан гўё қуролдошига шундай жавоб айтарди:

– Мен билолмай қолдим!

Шу пайт сўл тарафдан ёввойи махлуқ югургандай шатур-шутур эшитилди ва рекрутнинг эси дарҳол ўзига келди. У тўппончасини олиб, отмоққа чоғланди.

– Аҳмоқ! – бақирди ветеран. – Буйруқ эсингдан чиқдимми? Отиш мумкин эмас-ку! Қувамиз!..

Икков отларга қамчи босиб, мутлақо овсар қизилюз деҳқонни тутиш учун поёнсиз йўлда уча кетдилар.

¹ Цицерон Марк Туллий (эр. ав. 106-43) – қадимги Римнинг атоқли сиёсат арбоби, воиз ва адиб, латин адабий тилининг асосчиларидан бири. Цицерон сўзлаган нутқлардан 58 тасининг мукамал матни (узук-юлуқ битиклар бу ҳисобга кирмайди) ва 800 та мактуби сақланиб қолган. Улар муҳим психологик ҳужжат ва латин тилининг кўҳна ёдгорлиги бўлиш билан бирга қадимги Римдаги фуқаролар урушининг муҳим тарихий манбасидир.

Шульмейстер контрабандистлардан ҳам тезроқ чопарди. Қоялар ва тўқай орасидаги офтоб уни йўлдан адаштирмайдиган беҳато мўлжал эди. Чархи кажрафторни қарангки, у қуёшга интилиб, нажот истаб шарқдаги душман тарафга қочар, ғарбдан эса изига тушган дўстлари қувиб келарди!

У таъқибчилар ўтадиган сўқмоқдан кўндаланг юриб, йўлни қисқа оларди. Бир-икки бор улардан қутулгандай умидланди ҳам, негаки отлар дупури олислаб, пасайиб борарди. Лекин шовқин батамом тингани йўқ. Наҳотки французлар ўрмонни беш қўлдай билишса? Ахир улар ажнабий экани устига бу ёқларга илк бор келган-ку!..

Йўқ, бу ерда бошқа бир гап борга ўхшайди. Йигирма дақиқа мобайнида бетўхтов чопқиллаган Шульмейстер нафас ололмай қолганди. Унинг юз-кўзини, қўлларини тиконли буталар қонатиб ташлаган, қадамларида бояги суръат қолмаган эди! Неча бор дарахтларга урилди, гулларнинг илдизига, оёқ остига ёйилган шохларига қоқилди, йиқилди. Манглайдан шаррос тер қуйилади... Ортиқ чопишга тинка-мадори йўқ...

Шульмейстер тўхтаб, вужуди қулоққа айланди. Отлар дўзах девларидай чопмоқда! Боягилар ҳолва экан суворийлар яна ҳам кўпайганди. Энди пайига тушган изқуварлар икки кишигина эмас: ўнг-сўлидан, орқа-олдидан қуроллар жаранги, отлар туёғи, одамлар овози эшитилмоқда!

Шульмейстер қуршовда!

Шак-шубҳа йўқки, анави иккаласи кўргиликларини катталарга айтиб беришган ва уни қўлга олиш учун ўрмонга взвод, балки бутун бир эскадрон юборилган.

Эскадронми? Буниси ҳар ҳолда ёмон эмас! Ахир эскадронда штаб зобити, лоақал капитан бўладики, унга гап уқтириш мумкин... Хўш, Шульмейстер нима

дея олади? Унинг гапига ким ҳам ишонарди? Сўзини тасдиқловчи буйруқ ёки ёзма гувоҳномаси йўқ. Аксинча, бор ҳужжатлари ҳам уни душманга «ем» қилиб беради, холос.

Манави таҳликали вазиятдан чиқишнинг ягона йўли – пул ва қоғозларни ерга кўмиш, холос. Агар у астойдил ҳаракат қилса, яқин беш дақиқа ичида уни тута олмайдилар.

Шульмейстер дарровда устки кийимини ечиб, Савари берган йигирма беш минг тилла устидан боғланган камарини ҳам бўшатди. Буклама паккиси ер кавлаш учун очилиб, йўсин устига ташланган, чуқурга шубҳали юкини яшириши керак эди. Бироқ Шульмейстер бирданига таққа тўхтаб қолди: миясига оддийгина, лекин ажойиб бир фикр келгандики, бундан завқланиб кулиб юборди...

Анави пичоқча бари бир хизмат қилади, аммо энди унинг вазифаси буткул бўлакча. Жосус уни ишга солиб, сюртукнинг ўнгарини иккига бўлди. Лахтакнинг биттаси билан бўйнини иягигача ўрагач, у дағалгина сербар ёқага айланди-қолди. Наригисини яна икки қисмга ажратиб, оёқларига чирмади ва бу лахтаклар кулранг чулкисини яширди. Чакалакда чопаверганда абжаги чиққан шляпаси фуражка тусини олди, малла сочлари устидан қоп-қора парик кийди-да, дурбинни буталар орасига улоқтирди. Сўнгра маймундай чапдастлик билан дарахтдан-дарахтга, шохма-шох ўтиб, шовқин-сурон камроқ шарққа эмас, аксинча, йўлга яқинроқ ва ўта сершовқин, аскарлар оёғидан ер ҳам зириллаётган кунботар томонга борди. У гусарлар квартирмейстерини¹ пайқади-да, атайин кўриниш берди: ўтакаси ёрилиб боқаётган қашшоқ қишлоқига кўзи тушган зобит қичқирди:

¹ Квартирмейстер – аскарларнинг ётоқ ва озиқ-овқат таъминотига масъул зобит.

«— Ҳой одамзод! Биз бир ноҳарбий нусхани ахтариб юрибмиз, сочлари сап-сарик, кулранг чулки кийган. Мабодо кўрганингиз йўқми?»

«Одамзод» фуражқасини олмасдан француз ва немисча сўзлар омухталанган галати бир шевада жавоб қайтарди:

– Nain, montsir of titsir, rien fu... (Йўқ, зобит жаноблари, ҳеч балони кўролмадим.)

Бу девонавор шева нашъа қилган жангчилар уни масхаралаб кулиб юборишди. Овсар қишлоқи бундан гоят аччиғланган қиёфада оқсоқлана-оқсоқлана йўлга тушди.

Беш дақиқадан сўнг атроф сув сепгандай жимиб қолди: Шулмейстер қутулганди!

У қутулди, аммо ўлгудай толиққанди...

Ахийри жосус йўл ёнидаги нишаб жойга ўтирди. Уст-боши дабдала, юз-кўзининг соғ жойи йўқ, аъзойи бадани чарчоқнинг зўридан безгак тутгандай лақилларди. Жароҳат излари кўринмаса-да, дарахтларга урилавариш зарбидан вужуди қақшарди. Анавиларнинг зуғуми ҳамон хаёлидан, ҳозир ҳам гўё қўпол бир қўл ёқасидан бўғиб, гурзидай мушт елкасига дўппослар, аскар этиги эса биқинига ботиб, тезроқ юришни буюрарди.

Уйқу! Бир бурда нон! Бир қултум сув! Булардан лоқал биттаси бўлганда ҳам бу ёруғ оламда Шулмейстердан бахтли одам топилмасди! Борди-ю бу уч неъмат бир йўла муяссар бўлса борми, бурнидан тортса йиқилгудай айғоқчи учун бу жаннатнинг нақ ўзи бўларди!

У беихтиёр эғнидаги увада кийим-бошини титраб-қақшаб тузатган бўлди ва оёқ-қўлидаги моматалокларни силаб қўйди. Сўнгра ясама сочини юлиб олди-да, илашган хас-хашакни теришга унади. Шу тобда Шулмейстернинг аҳволи ҳамма тошбўрон қилиб, қувиб солган дайди итни эслатарди.

Алалоқибат, у белига боғланган бойлигини чангаллаганича донг қотиб ухлаб қолди. Шу дамда унинг олтинлари бор, лекин бир тишлам нонга зор, икки одимгина нарида шарқираган анҳор оқса-да, томоғи қақраб ўчганди. Шунга қарамай Шмельмейстер барини унутиб, бемалол ором оладиган даражада масрур эди.

МАРШАЛ МЮРАТ – ЖИГАРСҲУТА

Олис йўл босиб, яқин орада эгардан тушмаган шаҳзода Мюрат уйча олдида отнинг тизгинини тортди, бу кеча шу ерда тунаб қолади. Қишлоқ аҳли унинг салобатли ва кўркем қиёфасини, шотирларининг кўплигини анқайиб томоша қиларди. Ўзидан аввал каретада анвойи идиш-оёқлар, тўшагу чойшаблар, шинам хонаки либослар ётоғига келтириб қўйилган. Зеро, бу кийимлар тунда юмшоқ ва қулай бўлиб, қўққисдан уруш бошланиб қолган тақдирда от устида ҳам ўнғай ва ишончли эди.

Ҳамма шароит шаҳзода келмасидан бурун муҳайё этилган. Бу деҳқонча иморат жаноби олийларига ғарибона кўринмасин учун бир эмас, тўрт хизматкор обдан саъй қилишганди. Уй эгалари юқорига кўчиб олишди. Пастки қаватни мулозимлар ўз хожалари учун жиҳозлашди. Отхонага янги похол-сомон тўшалган бўлса-да, маршалнинг аргумоқларига муносибмикан деб, кўнгиллари тўлмаган хизматкорлар бари бир дилгир ҳолда эдилар...

Туёқлар дупурини эшитиб, улардан бири эшикка отилди. У маршалнинг узангисини ушлаб туришга интиларкан, шериклари девор ёнига саф тортишди. Мюрат зобит ва адъютантларига «ишингга бор» дегандай имо қилди. Ичкарига улардан биттагинаси ҳамроҳлигида кирди. Бўсағадаги пиллапоянинг сўнги зинасида кичкина бир болакай турганди.

Уннинг ўзига ўйчан ва синчков тикилган кичкинтой маршални ҳайратга солди: унинг хипча ва озгин сиёқи танишдай эди. Бу чақноқ ва зийрак кўзларни қаерда кўрганди? Бироқ хотираларни кавлаштиришга одатланмаган Мюрат ҳатто қадамларини сусайтиргани ҳам йўқ ва остона ҳатлаган ондаёқ болани унутди-қўйди.

Кечки дастурхон обдан безатилган бўлиб, пивогача ҳозирлаб қўйишганди. Хўрақдан кейин камин рўпарасига бамайлихотир ўтириб олган Мюрат ўзи туфайли тинчи бузилган мезбонларга икки оғиз ширин сўз айтмоқчи бўлди. Унинг буйруғи билан уй эгасини чақиришди.

Салдан сўнг ҳузурида туриш-турмуши одмигина бир одам пайдо бўлди. У хийлагина новча бўлиб, қанчалик дароз бўлса, шунчалик озгин эди. Унинг елкаси ва қўллари паҳлавоннамо, бироқ ёнбоши ва оёғидан эт қочган, қуп-қуруқ суяк эди. Бу жуссаси билан ўмровида бир туянинг юкини кўтаришга ва забардаст мушти билан буқани ағдаришга яратилган дейсиз. Унинг кўзига тикилмаган одам юлдузни бенарвон уради деб ўйларди. Ана шу бақувват ва суяги енгил одамнинг юзига қараб, ундаги соддаликни ҳам ҳис этиш мумкин. Бироқ унинг юпқа лабларида ўзбилармонлик ҳам намоён эди. Сочларининг бирор дона қораси қолмабди.

Унинг камёб қадди-қоматини таажжуб ичида кўздан кечирган Мюрат сўради:

- Уй эгаси ўзингизми?
- Аммо бу оқшом эгаликка ҳақли эмасман.
- Шунақа денг? Демак, бу ерларда бизни ёмон кўришаркан-да, тўғрими?
- Асло, унақа демаган бўлардим, французларни яхшиям – ёмонам кўрмайман. Фақат тинчгина яшаш-

ни, хоҳлаганича юриб-турмоқни истаган кишига доимо бесаранжом қилаверишлари малол келади-да.

– Уруш бари бир уруш-да, биродари азиз!

– Бўлса бордир. Бироқ Франция билан урушаётган оддий халқ эмас-ку! Шу боис хонадонларимизни қўналға қилишдан олдинроқ бир оғиз айтиб қўйилса, менимча, ёмон бўлмасди!..

Мюратнинг адъютанти газабланиб, таҳдид билан интилди.

– Ўзингизни босинг! – буюрди шаҳзода елкаларини қисиб. – Қарвонимиздаги иккала командиргайм тайинланг, кундалик ахборот билан ҳузуримга киришсин!

Сўнгра Мюрат уй эгасига ўтирилди:

– Гаров боғлашаманки, бир кечагина тунаш учун қанча тўлашимни ҳали сизга айтишган эмас! Мана, дастлабки тун учун ажратилган ижара ҳақи!

Мюрат калондимоғлик билан қўлидаги кармонни стол устига улоқтирди. Чоғи унда оз деганда ўнта олтин наполеондор бор эди. Мезбон уни қўлига олди, салмоқлаб кўрди ва яна жойига қўйиб, кимнидир чақиргандай қаттиқ ҳуштак чалди. Ўша дамда унинг ортида сариқсоч боланинг калласи кўринди, у останада Мюратга разм солган кичкинтой эди.

– Манави сенга, Ганс, шаҳзода Мюрат бизга бермоқчи бўлган бу пулни сен ола қол. Агарда ойинг хоҳласа, синглинг икковингга кийим-кечак оберар. Менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

– Бу бола ким бўлди? – суриштирди Мюрат таажжуб билан. – Қариндошингизми? Сиз ҳозир эслатган онаси ким ўзи?

– Бу хусусда бошингизни оғритманг, маршал жаноблари. У менга мутлақо бегона, болани тарбиялаётган аёл эса сизга бутунлай нотаниш. Улар олдинроқ

келишган ва жойлашишган эди, аёлдан марҳаматингизни дариф тутмасангиз, адолатли иш бўларди.

Хонага ноқулай сукунат чўкди. Қария вазиятни енгиллаштириш ва меҳмондўстроқ кўриниш учун жимликни бузди:

– Менимча, энди ҳаммаси рисоладагидек. Бизга баҳарнав вақт ажратдингиз, шу илтифотингиз ўзи ҳам катта марҳамат. Одамларингизга у-бу зарур эмасми? Кулбаи вайронам сизга маъқул келдими? Балки ўзингизга бирон нима керақдир? Агар қўлимдан келади-ган иш бўлса, бажонидил бажараман... Мен оддий қишлоқ одами бўлсам-да, сиздай шавкатли саркарданинг хизматида ўзимни бахтиёр деб биламан, жаноб!

Олдинги эътирозлар ортидан кутилмаган хушомад беҳад кўнгилли эди. Бундан вақти чоғ Мюрат мезбоннинг сўнгги сўзларидан эса икки ҳисса яйраб олди.

– Йўқ, – деди у хушсуханлик билан, – ташаккур, ҳаммаси кўнгилдагидай. Фақат илтимос, гвардиячиларим оч қолишмасин. Нимаики еган бўлсалар, ҳаммасига пул тўлашади. Яна битта гап қолди: отингиз нима?

– Франц Родек.

– Баденликмисиз?

– Ҳа... ҳозир... баденликман.

– Нега энди «ҳозир»? Кўчиб келдингизми? Айтаверинг-чи?... Аввал қаерда яшагансиз?

– Этенгеймда турардим.

– Этенгейм? Эшитганман. Шунақа номдаги шаҳар (балки қишлоқдир) теварагида яқинда жанг бўлганди шекилли...

– У ерда жанг бўлган эмас, маршал, аммо бари бир қон тўкилган.

– Қон тўкилган!? Аниқроқ айтинг!

– Бунга бир ярим йил бўлди. Уруш бўлмаса-да, 1804 йилнинг март ойида ҳарбийлар тажовуз қилиш-

ди. Улар халқнинг ҳақ-ҳуқуқига, асрий адолат тамойилларига чанг солишди – томирида қироллар қони оққан шаҳзодамизни кишанбанд қилиб...

– Шаҳзода Ангиенскийми?..

– Худди ўша, дарҳол ёдингизга тушди! Ҳа-да, Людвиг-Антуан Бурбон, шаҳзода Конде, герцог Ангиенский, менинг жувонмарг валинеъматим!

– Валинеъматингиз? Сиз унинг хизматида?..

– Мен унинг жондош мулозими эдим. Шаҳзода-нинг баҳодирлигига қойил қолардим, ёшлигини эъвозлардим. Шунчалик мард эдики, ўзига соқчилар олганмас, қўриқчилари ҳам умуман бўлмаган. Бироқ у беозоргина кун кечираётган қишлоқни уч юз суворий қамалга олганини мана шу кўзларим билан кўрдим. Буям камлик қилгандай, Оффенбургга замбаракларни ўрнатиб, йўлларни тўсиб қўйишганди. Валинеъматимни кўз олдимда Страсбург қамоқхонасига шундай беҳурматлик билан ҳайдаб кетдиларки, у қандайдир фитнакор ё сотқин эди гўё. Биламан, ўшанда биринчи консул бўлмиш Бонапартнинг бачкана буйруғи чиққан ва икки ҳафта ўтгач, Венсанда кечаси отиб ташлашган. Ростми-ёлғонми, айтишларича, ўша дамда Парижнинг губернатори ва қўмондони шаҳзода Мюрат бўлган экан.

– Йўқ! Йўқ!.. Мен хоҳлаган эмасдим... Қаршилик қилганман...

– Тўғри, шу гап мениям қулоғимга тушганди! Афтидан, ўша шармисорлик ҳукмини бажонидил ижро этиш Саварига зарур эди! Хайрият, ўз икрорингизни эшитганимга минг шукр! Демак, маршал Мюрат қалби ва виждони амрини ўз қайноғаси, эндиликда императорнинг юзига тап тортмай айта олгани чин ҳақиқат экан! Бундай беқиёс матонати унинг шаъни-ни ҳамиша кўкларга кўтарсин! Токи танамда жоним

бор экан, манави кулбада у зотнинг оромини ҳеч ким бузолмайди. Маршал жаноблари, сиз қаерлик эканимни сўровдингиз... Мен немис эмасман, бироқ ўн саккиз ойдирки, французлигимдан ҳам тонганман. Минбаъд энди менинг ватаним йўқ, фақат мана шу уйимгина борки, сиз учун жонфидо мезбонингиз бўлмоққа мунтазирман!

Ана шу гапларни тўкиб солгач, Родек ортига ўтирилди ва боягинда Гансни чақиргандай қаттиқ хуштак чалди. Болакай яқинроқда экан, дарровда кириб келди.

Қария ҳам жайдари ва ҳам улугворликдан кам бўлмаган ҳаракат билан кармонни боланинг қўлидан олди ва Мюратнинг олдига қўйди:

– Илтимос, буни оп қўйинг! Қатъият билан айтаманки, менда шуанлар¹ феълидан оз-моз сақланиб қолган ва манавинақа олтинларга қўлимниям тегизмайман!

Мезбон таъзим бажо қилди ва чиқиб кетди. Ганс хайрон бўлиб, эшик кесақисига суяниб қолди. Зоҳиран мўмин-қобил, мулойим, камсухан ва ҳалимгина туюлган Родек шу тобда кимсан ҳарбийларнинг энг каттаконига тиккасига ва дангал гапирганди. Суҳбатнинг бошидан беҳабар эса-да, қанча-қанча кишилар соясига салом бераётган одамга оддий қишлоқи қўрқмай, шартта-шартта гапираётганини Ганс ўз қулоқлари билан эшитди. Чол чиқиб кетгач, Мюрат бош эгиб ўтириб қолганини ҳам кўриб турарди.

¹ Шуанлар – Буюк француз инқилоби, Директория ва Консуллик давридаги аксилинқилобий исёнчилар. Шуанлар қўзғолони Франциянинг шимоли-ғарбий ҳудудларида 1793 йилдан 1803 йилгача давом этган. Улар ўзаро шартли алоқа сигнали ўрнида бойқушта тақлидан хуштак чалишган ёки овоз чиқарганлар.

Мутаассир шаҳзода ўрнидан қимирлагани йўқ. Томдан тараша тушгандай ўша мудҳиш фожиа гўё кўз олдида намоён бўлаётгандай эди. Ҳамон ёдида: ҳузурига герцог Ангиенскийни қатл этиш ҳақидаги ҳукмномани олиб кириб, у имзо чекиши лозимлигини айтишди. «Йўқ! Йўқ! Мен ҳарбий либосимга душманнинг эмас, ўз қонимиз сачрашига йўл қўя олмайман!» Ана ундан сўнг Наполеон қошидаги машъум машмаша... Мюратнинг эътирозини Бонапарт совуққон ва беписанд қиёфада эшитиб бўлгач, бепарволик билан «яхши» деди-қўйди...

Шаҳзода ҳамон армонли ўйлар оғушида эди: шафли юришнинг пешқадами бўлишни ҳамма шон-шухрат ҳисоблагани ҳолда, терскай тақдир қўмондонни аламзада ва жабрдийда хонадонга қамти қилибди... Бу эса эртанги умидларга кўланка ташловчи бадбин кароматга ўхшаб кетарди.

Мюрат бошини кўтарди ва ўзига термулиб турган рангпар болага кўзи тушди. Унинг нохуш ўйлари тарқагандай бўлиб, иложи борича мулойим оҳангда сўради:

- Кимсан, кичкинтой? Сен ҳам шу уйда турасанми?
- Мен бу ерга кеча эрталаб келганман. Олдин дўстим Франц Страсбургдаги уйимизга бориб турарди, кейин сиз ҳам бордингиз. Мен сизни дарровда танидим, рост айтяпман!
- Мени-я? Адашмаяпсанми?
- Ҳа, адашганим йўқ! Ахир яқингинада эди-ку!
- Бундан чиқдики, мени кўча-кўйда, отда юрганганимни кўрибсан-да, шунақами?
- Ие, унақамас! Пиёда, ёлғиз ўзингизни кўрдим, аммо манавинақа зўр-зўр кийимларингиз йўқ эди.
- Бўпти-да! Қани, яқинроқ келиб, бир бошдан айтиб бергин-чи?

Ганс у томонга дадил юриб бораркан, маршалнинг зарбоф кашталари ва нишонларидан, шпагасидан кўз узолмасди, ушлаб кўргиси келарди. У Мюратнинг тиззасига болаларча ишонч билан суяниб, энди унинг алпона қадди-қоматидан ҳайиқишни ҳам унутди ва кўзларига тик боқди. Сўнгра бошини эгиб, оҳиста ва иккиланиш билан темлякнинг¹ тилла чилвирига бармоқларини тегизди.

– Хўш, айтгин-чи, сен мени қаерда кўргандинг ўзи?

– Уйимизда! Лизбета икковимиз қайтиб келсак, Берта онам билан турган экансиз. У жудаям ранжиган ва жонсарак аҳволда эди, аммо сиз чиқиб кетгач, нимадандир мамнунлигиниям айтувди. Ана ўшанда сиз ёвуз киши эмаслигингизни билганман.

– Мана, мана энди топдим!.. Де-ла-Месанж кўчаси, а? Икки кун бўлдими? Ҳа, ҳа эсимда! Хўш, даданг ҳозир қаёқда?

– Билмасам... Ҳеч қачон билолмайман ҳам!

– Онанг-чи?

– У шу ерда.

– Қанақасига? Манави хоналар уникимиди?

– Ҳа. Сиз келаётганингизни эшитгач, Франц тоға бизни юқорига кўчирганди.

Жонон пиёладай жаранглаган боланинг овози таъсиридан маршалнинг кўнгли ёзилиб, ҳозиргина юрагини мижиглаётган қайгулар қабзиятидан қутула бошлаганди. Сўнгра кўз ўнгида дўкончадаги новдадай нозик қомат, ойсулув бир чеҳра намоён бўлди. Мана энди у куч-қудрати ва шон-шуҳрати барқ урган дамда ўша санам билан яна юзма-юз бўлади, бугинамас, ёв устига бориб-келаркан, йўл-йўлакай ҳам кўриб туради. Ўзининг бу ширин хаёлидан маршал енгил тортиб, ўтмишнинг қоп-қора булутлари еттинчи осмоннинг аллақаерига учиб кетди.

¹ Темляк – қиличнинг дастасидаги попуқ.

Шу аснода маршал хотирлади: рост, аёлни Шульмейстернинг айғоқчи экани билан қўрқитгач, кейинги илтифоти билан жиндай кўнглиниям кўтарганди. Аммо хилчагина ўша дўкондор жувон нақд бир қошиқ сув билан ютгудай эди-да! Қовуннинг яхшисини ит егандай, шундай офатижон анави бесўнақай эрга увол-да!..

Мюрат мамнун кулди, унинг мўйлаби диккайиб, бармоқлари боланинг елкасини «аллаларди». Ёнгинангда жаннат ҳури ҳамсоя бўлгани ҳолда нохуш ўйлар чикора! (Қўшнининг ҳурилиқосини Худо ўзи қўшқўллаб бериб турибди-ку!) Голиб ҳарбийларга хос ҳавойилик ахийри гаразга айланди: «Бунчалар қулай имконият яна келадими-йўқми?»

Ташқарида гала-говур қиличлар жаранги, бўсаға ортида этиклар дупури ва дағал, узуқ-юлуқ гап-сўзлар эшитилиб, Мюрат бошини кўтарди-да, болакайга бурчакни кўрсатди:

– Сен анави ерга бориб тур!

Кириб келган тўрт зобитнинг бири драгунлар, иккинчиси гусарлар полковниги, нариги икков капитан эди.

Улар сукут сақлаб, саркарданинг сўровига мунтазир эдилар. Сўзсиз саволни Мюратнинг кўзларидан уқиб олгач, полковниклар тилга кириб, кўрган-билганлари ҳақида навбат билан маълумот беришди. Бу оғзаки ҳисоботлар қуруқ ва сийқа бўлиб, жанггоҳлардаги одатий гаплардан нарига ўтгани йўқ. Бироқ маршал бошланажак ҳарбий ҳаракатлар муқаддимасидаги ўзига юкланган алоҳида топшириқни асло унутган эмасди.

– Режаларимиз душманга аён экани ҳақида тайинли далил топа олдиларингми? – сўради у. – Йўлда Австриянинг бирор корпуси ё суворийлар қисми учрадими-йўқми?

«» – Учратмадик! – бирваракайига жавоб қайтаришди полковниклар.

– Маҳаллий аҳолининг муносабати қанақа, қандай кутиб олишяпти?

– Ёмонмас... Босиқлик билан...

– Уларнинг орасида шубҳали шахслар борми? Сизнинг кўз олдингизда тоғдан ошиб ўтишга уринган ҳеч ким кўрингани йўқми?

– Дарвоқе, ҳа, бошқачароқ бир воқеа, – деди гусарлар полковниги, – учинчи эскадроним командирининг айтишича, унинг икки жангчиси бир бегонани ушлаган, аммо у қочиб кетган ва тутқич бермаган. Ўша одам олдин уларнинг бирини отдан улоқтирган ва наригисининг кўзини шамғалат қилиб ўрмонда гоийб бўпти. Ҳамма ёқни элакдан ўтказишган, лекин у топилмаган. Мен бир неча кишини ташлаб келдим, чорраҳада соқчилик қилишяпти, у йўқолган жойларни синчиклаб кўздан кечиришади.

– Буюринг, улар қайтишсин, полковник, ахтариш бефойда. Ўзимизни бежиз билдириб юрганимиз йўқ, майли, у бизни кўрганини душманга айтиб берса, бу нур устига аъло нур! Ўша кимсанинг алоҳида белгилари маълумми?

– Билдик, маршал, кўримсиз, суяги бузуқ, малласоч дейишди. Долчинранг сюртук ва кулранг чулки кийган. У олисдан драгунларимизни кузатаётган чоғи менинг гусарларим ҳибсга олишган. Манави унинг дурбини, афтидан қочиш чоғи тушириб қўйган, аскарларимдан бири топиб келди. Уни қўлдан чиқарган иккала жангчини эса жазога тортдим.

– Жазони бекор қилинг! У ўзи билмагани ҳолда бизга жуда катта хизмат қилибди ахир.

Бурчакдаги Ганс енгил ғимирлаб олди. Мюрат ўша ёққа ўгирилиб, унга қаради ва кўнгли ниманидир сезгандай бўлиб, қўққисдан сўраб қолди:

– Айт-чи, ширинтой, полковник тасвирлаган киши сенга таниш эмасми?

– Ахир у менинг дадам-ку! – деди бола, унинг овозида гурур ва эркалик ошкора эди.

– Шу гапинг аниқми?

– Бўлмаса-чи! У кулранг чулки кийганди, анави дурбин ҳам дадамники...

Мюрат сирли илжайиб, қўлини боланинг бошига қўйди:

– Ана шунақа, тақсирлар! Ўша қочоғимиз ким экани аён. Уни ортиқ таъқиб қилинмасин: бу – императорнинг фармони!.. Эртага тонг саҳарда йўлга чиқамиз. Буюринг, уйғониш сигнали соат тўртда чалинсин! Драгунлар Аппенфейер орқали Оберкирх томонга юришади, энг сара отларни минган гусарлар эса Ахернга бориб, мени кутиб туришади. Хайрли тун!

Зобитлар чиқиб кетиши билан остонада Берта пайдо бўлди ва хонага назар солиб, хайратдан тошдай қотди.

Мюрат стол ортида тик турганича харита бўйлаб бармоқларини юргизиб, гўё эртанги йўлларни ўрғанади. Ундан икки қадам наридаги Ганс пўлат шамширни қинидан суғуриб, худди ўз уйидагидай бемалол томоша қиларди.

– Сен бу ерда нима қиляпсан? – сўради она.

Икков бир варакайига у томонга ўгирилишди, аёлнинг ёноқлари лола тусини олганди. Берта оналик туйғусига эрк берганидан ва овози кўтарилганидан хижолат чекиб, узр ўрнида ўғлини олиб кетишга имо қилди.

– Хайрият, наҳотки бу ўзингиз!? – Мюрат ушбу хитоб билан уни кўрганидан хурсандлигини изҳор этди. Аёл эса ийманганича ҳамон бир жойда қотиб турарди.

✱ Ганс деворга тисарилиб, эски оромкурсига ўтириб олди, бу олиб кетмоқчи бўлиб кирган онасига унинг саркашлиги эди. Сўрашмоққа қўл узатган Мюрат эса аёлнинг истиқболига интилдди.

– Бу ширин болани койиманг, хоним! Шу ерда ўйнашига ўзим рухсат берувдим... Уни мен олиб қолганман, сўзларини тинглаш мен учун ҳузур, бунинг сабабини биласизми?

Берта жавоб тополмай каловланди. Нафсиламрини айтганда, Мюратни кўргач, унинг қалбида бош кўтарган туйғуни миннатдорчилик деб бўлмасди, негаки бу аёл ўз қадрини ҳамма нарсадан устун қўярди. Шундай бўлгач, Бертанинг кўнглида унга нисбатан жиддий бир ҳис бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир шу тобда ёниб, кулиб-қувнаб термулган бу қарчиғайдай зобитни, ҳаммани зир титратган шаҳзодани бир мартагина кўрган, холос. У ҳолда, демак, аёлнинг кўнглида жиндай илиқлик бор бўлиши мумкин, чунки иккинчи бор илтифот ва дилсўзлик қилмоқда.

Берта безгак тутгандай титраб-қақшаркан, ўз хаёлларига нуқта қўйди:

– Бу болакай энди сизни холи қўйиши керак, тақсир. Ухлайдиган пайти келди. Ўзингиз ҳам ором олишингиз лозим!..

– Агар сизни кўриб турсам, – унинг сўзини бўлди Мюрат, – ўшанинг ўзи менга ҳар қандай оромдан афзал! Бунчалар оғир кун ниҳоясида сиздай соҳибжамол бекачининг дийдорига эришмоқ қанчалар буюк мукофот эканини билсайдингиз!..

– Ёлвораман, бунақа гапларни...

– Иқрорман ва биламанки, биринчи сафардаёқ кўрслигим билан меъдангизга тегиб бўлганман. Аммо ростини айтинг, сиз ўшандаёқ мени тўғри тушунгандирсиз, ахир қалбингни қайноқ ҳислар алғов-далғов

қилар экан, ҳар бир сўзни тарозида тортиб бўлмайди-ку. Кўнглидаги борини айтаман деб, қўполликка йўл қўйган мендай беадаб жангчини кечира қолинг!

У жажоки кичкинтойни чўчитишдан қўрққан мисоли майин овозда гапирарди. Икковнинг ораси шунчалик яқин эдики, Берта ширинзабон маршалнинг кўринмас ришталарига боғланиб борарди. Мюрат сўзлар экан, аёлнинг ихтиёри қўлидан кетардики, бу ҳам лаззатли, ҳам даҳшатли эди. Қайноқ ҳислар ёки оний ҳалимликдан ранги ўчган саркарданинг тунд ва мардона чехрасига боқиб, Бертанинг кўзи тиниб кетди... У нигоҳини ўгли томонга опқочди, кичкинтой сўлоқмондай оромкурсида гужанак бўлиб олганди. Боши елкасига тушиб, ортига суянган Ганснинг уйқуси келиб, юмилган кўзларини очиб-очолмасди.

– Нимадан қўрқасиз? – деди Мюрат. – Тансоқчингиз шу ерда, ёнингизда... Қолаверса, сизни қўрқитмоқчи ва хафа қилмоқчи эмасман. Ақл-ҳушим ўзимдамас ахир Месанж кўчасида сизни илк бор кўрганимдан буён оромим йўқ. Айтинг-чи, нега энди шу дардимни изҳор қилишга изн бермайсиз? Шу гапларимнинг нимаси ёмон? Исмингиз Берта... буни билиб олганман. Ҳа-да! Албатта биламан! Ҳайрон бўляпсизми? Шунчалар гўзалсизки, фаришта деворгим келяпти.

– Ёлвораман, бўлди, бас қилинг, бошқа гапирманг... Ахир... унутманг... сиз кимсиз-у, мен кимман...

– Унутган эмасман!.. Аммо жондан кечиб жангга отланган шўрлик йўл устида бир муддат тўхтади, шунинг учун тўхтадики, адо бўлган юрагини бир аёлнинг қўлига топширмоқчи! Айтинг-чи, ўша одам арзини биров тинглашига ва ишончга муносиб эмасми? Ахир эртага душман ўқидан оғир жароҳат оларман, балки... Шу ҳолимда сизни алдаш мен учун не керак?.. Наҳотки... Наҳотки, Берта, сизга дўст эканимни ҳис этолмайсиз, а?

-6- Йўқ-йўқ! Илтимос, бошқа гапирманг!..

- Ахир биз мутлақо бегона бўла туриб, олис бир хилватда, битта том остида учрашиб турганимиз бежиз тасодиф эмаслигини ўйламайсизми? Тақдир ўзи йўлламаसा, шундай бўлишини ким билибди дейсиз...

Энди у Бертанинг ёнгинасига келиб олганди, шунчалар яқин эдики, пичирлаб айтаётган сўзлари хонадаги мутлақ сукунатда ошиқона шивир-шивирга айланаёзганди. Ранги бўздай оқарган Берта бутун борлиғи, ақл-идроки ҳолдан тойганидан, ҳали-замон таслим бўлиб, «хўп» деворишидан қўрқиб турарди. Неча йиллик заковат билан бунёд этилган бугунги бахтли ҳаётини ҳам, эртанги кунини ҳам мавҳум туман батамом тўсиб қолганди. Аммо Мюрат белидан қучган лаҳзадагина аёл ўзлигидан унга қарши журъат топа билди, унинг бағридан бўшалиб, бир қадам нарига ўтди, лекин олис кетолмади, қўли ҳамон маршалнинг қўлида эди.

- Мен шундан хафаманки, - эътироз билдирди Берта, - сиз менга ножоиз гапларни айтиб, кеткизмай турибсиз!.. Истардимки...

- Сиз буйруқ ва талаб билан ўзингизни қийнаманг... Фақат ўша истагингизни айтсангиз кифоя: нима дейишингиздан қатъий назар, маршал Мюрат сўзсиз адо этади!

- Ўтиниб сўрайман, ўғлимни оп кетайин ва менга ҳеч қачон бунақа гапларни...

Саркарда «ортиқча уринманг» дегандай имо қилди ва аёл сўзлашдан тўхтади. Сўнгра Мюрат унинг қўлини қўйиб юборди ва кресло томон бориб, уйқудаги болани ўта эҳтиёткорлик билан бағрига олди.

Хотиржам туш кўраётган Ганс қилт этгани йўқ. Оромкурсида қандай ётган бўлса, ўша ҳолга кириб; бошини Мюратнинг елкасига бемалол қўйди. *Модло*

Мюрат жилмайганича ортига қайтди ва оғушидаги қушдай енгил «юк»ни сулув жувонга авайлаб топширди. Бола қотиб ухлар, ҳеч нимани сезмаганидан, лоақал киприкларини ҳам қимирлатиб қўймади.

Ҳозиргина алангадай оғушдан халос бўлган аёл Гансни бағрига олгач, яна ваҳимада қолди. Энди маршал ўпиб олиши мумкин, бу кулфатдан аёлни ҳимояловчи нажот мутлақо йўқ. Башарти салгина қалтис ҳаракат қилса ёки чинқиргудай бўлса, бола уйғониб кетади...

БЕГУНОҲ ШАҲЗОДАНИНГ ҚОНЛИ ҚИСМАТИ

Тонг отди. Мюрат ва унинг зобитлари жўнаб кетишди. Салдан сўнг герцог Ангиенскийнинг содиқ маҳрами билан Берта Шульмейстер ўртасида қизгин мубоҳаса бошланди.

– Мен сизга мутлақо қатъий айтаман, шу тобда қаёққадир кетишингизга йўл қўймайман! – дер эди Франц Родек. – Қайга бормоқчисиз, ўзи?

– Францияга ё ўрмонларга, ишқилиб, бошим оққан томонга кетавераман!.. Аммо бу ерда асло қолмайман...

– Афсус! Албатта болаларниям оп кетасиз, шундайми?

– Болаларниям?

– Бўлмаса-чи! Модомики сиз кетаркансиз, уларни оп қолиб нима қиламан? Шульмейстер сизларни – менга, мени – Худога топширганда, бир йўла учовингизни тайинлаб кетган. Уйимда учовингиз бир жон, бир тан бўлишингиз керак, мен шунга ваъда берганман, бошқа гапни билмайман. Тирранчаларингизни оп қолади деб ким айтди? Бошимга ураманими?

– Ундай деманг, жаноб Родек! Сиздан илтимос қиламан!

– Айтинг-чи, нега қочиб кетмоқчисиз?.. Ахир қочиб кетмаётган бўлсангиз, бу қилиғингизни яна қандай аташ мумкин? Хўш, нима гап бўла қолди ўзи? Сиздай бамаъни ва андишали аёлни қайси жин урдик, бундай подонлик қиляпсиз? Гужгон ўйнаган аскарларми? Зобитларми? Нимадир сизни зада қилганга ўхшайди. Ёки бугун оқшомда бош штаб шу ерда жойлашади деган гапни эшитиб, қочиб кетмоқчимисиз? Аммо ўзингизга аёнки, эртагаёқ биттасиям қолмайди, кейин эркин яшайверамиз. Мендан ибрат олинг, йигирма тўрт соатгина сабр қилсангиз, олам – гулистон.

– Асло! Тоб-тоқатим йўқ!

– Бўлди, бўлди, чирогим! Сизни хавотирга ва хижолатга солаётган нарса нелигини ўзим билмас эканманми? Сиз нимадан кўрқасиз? Менимча, шаҳзода Мюратнинг сизга нисбатан ширинзабонлигида бир фарз йўқмикан? Мен ҳам уни яхши кўрмасам-да, иқрорманки, у иложи борича бизни қийнаб қўймасликка астойдил бел боғлаган. Мана ҳозиргина минг хижолат билан узр сўраб кетдики, бу кечаям Оффенбургда қолмаса бўлмас экан. У менинг ҳузуримдаёқ ўз мулозимларига маъкул ва жўяли топшириқлар берди.

– Нимасини айтасиз! Албатта, у илтифотли...

– Афтидан, Гансни ҳам мутлақо ўзига оғдириб олди, менимча, оқшом чоғи унинг хонасидан чиққани йўқ. Мана, ўзингиз ҳам болани ахтариб, аввал Мюратнинг кабинетига кирдингиз, а? Демоқчиманки, ундан хафа бўлмасангиз керак?

– Асло... Бу тўғрида гап йўқ.

– Унда гап нимада?

– Кетмасам бўлмайди!

– Бу ақлдан эмас! Қулоқ солинг, ўзингиз яхши биласиз: модомики менинг уйимда меҳмон экансиз, беэтиборлигим ёки беқарорлигим касрига зарра азият чекишингизга йўл қўя олмайман. Очиқ айтинг-чи, бу ерда нимадан озор топдингиз ва кўзлаётган манзилингизга сизни не эзгулик чорлаб турибди? Ваъда бераман: отимни извошга қўшаман-да, ўша ерга ўзим элтиб қўяман. Аммо нима бўлгандаям билишга ҳақлиман, кетишингиздан тайинли бир маъно борми ёки бемаъни ваҳима оқибати холосми? Сизни кеткизворсам, Шульмейстер мендан хафа бўлади ва тўғри қилади.

– Аксинча, энг аввал Шульмейстер ўзи бу ишимни маъқуллар эди.

– Ҳа-а... Энг аввал денг? Қаранг-а!

Франц Родек ўрнидан туриб олганди. Шу лаҳзагача у аёлнинг фикрини уқмоқ учун кўзларидан кўз узгани йўқ эди. Энди бунинг ҳожати қолмади: чоғи у олдинроқ бўлиб ўтган нохушликнинг тагига етди ва феъли айний бошлади. Қариянинг чехрасидаги ифода шунчалик қатъий ва ғазабли тус олардики, Берта бунга дош беролмай кўзларини олиб қочди.

– Овсарнинг ўзгинасиман-да! – шивирлади кекса шуан. – Аниқки, Мюрат бундай гўзалликка бепарво ўтишга, уни ўз нафси йўлида қурбон қилмасликка ўрганган эмас! Бу аёл кимнинг хасми ҳалоли экани унга бир чақа! Модомики Германияни истило қилмоқчи экансан, юришни немис аёлини забт этишдан бошлайсан-да! У сизга нималар деди? Эсим курсин!.. Мени афв этасиз!..

Азбаройи қаҳри келганидан бу гап беихтиёр оғзидан чиқиб кетган бўлса-да, Бертанинг қони қочган чехрасига, саросима босган кўзларига қараб, ҳуши ўзига келди.

-с: - Кечирасиз, қизалоғим! Нималар деганининг қанчалик аҳамияти бор? Тасаввур қиялпман, кучқудрати ва суқсурдай суратига бино қўйиб, ўзини мулойим ва ширинзабон қилиб кўрсатган. Биламан! Бунга ақлим етиб турибди! Кераги йўқ, майли, индамай қўяверинг. Сиз шу қадар покдомон ва иболи аёлсизки, унинг алламбало шевада қағиллашини эшитгач, ҳайратда қолгансиз, балки эсингиз оғаёзгандир. Унинг тилла тақинчоқлари фақат Гансингизга ўхшаган болаларнинг кўзини қамаштириши мумкин. Гоҳо аёлларнинг ҳам болалардан ортиқ жойи йўқ!.. Гапирманг, ҳаммасига ақлим етиб турибди. Биз ҳозироқ йўлга тушамиз, бўтам!

Кекса Францдаги топқирлик билан ишонч ўзаро шунчалар уйғунлашгандики, бундан Бертанинг кўнгли кўтарилиб, ийиб кетганди. У оғиз очгани йўқ, аммо Франц ўз тамизи билан бор гапни фаҳмлаб бўлди. Аёл оний нодонлигидан, йўлдан озишига бир баҳя қолганидан уялиб, тошдай қотиб турарди. Эртанги ҳаёт синовлари ҳам осон эмас, машъум ва пинҳоний лаззатлар хуружидан голиб чиқиш учун ўзини қўлга олиши, иродасини метинга айлантириши зарур. Аммо шукрки, бу мушкул йўлда нажоткор дўстни Худонинг ўзи етказди ва у ўз олийжаноблиги билан аёлга кечадан бери қутқу солган бегона ва мавҳум булутларни қувиб ташлади. Родек ҳақ сўзни айтди: ҳа, унинг кўзи қамашганди ҳам. Хайрият, энди ақли ўзида, энди кўзларини мутлақо ёғ босмайди. Чолнинг андишали гаплари уни ўзлигига қайтарди.

У Родекка бегубор нигоҳ ташлади, табассумга мойил лабларида ранж унсурлари ҳам йўқ эмасди. Аммо ўша ондаёқ аёлнинг ранги ўчиб, дами чиқмай қолди, негаки мезбоннинг ўзига қадалган нигоҳида ошкора ва аччиқ бир ғусса намоён эди.

– Қалбимни не замонлардан буён ўртаётган сирни очиш пайти келди, – деди у оғир сукунатни бузиб. – Аслида бунга эртароқ, мен бу мудҳиш ҳикояни ҳали-бери айтмоқчи эмасдим, афсуски, айни вазият менинг истагимдан зўр чиқди, энди ҳаммасини сизга билдириб қўйишим зарур...

Берта сабрсизликдан кўзлари чарақлаб тикиларкан, гап бир ўзигагина тааллуқли бўлмаслигини кўнгли сезиб турарди. Аммо қачонлардир кўз олдида бўлиб ўтган сирли кечмиш юзидаги парда ваниҳоят очилиши аниқ эди.

– Гап анави икки норасида ҳақида, – давом этди Родек ва унга таскин бергандай елкасини енгил силаб қўйди. – Сир уларнинг волидаси, яъни бир йил бурун ғам-ғуссалар адои тамом қилган соҳибжамол ва шўрлик синглингиз устида. Шунингдек, болаларнинг фақат менгагина маълум падари ҳақида айтиб берман. Унинг қатл этилиши оқибатида икки гўдакнинг онаси ғамга ботганича жувонмарг бўлди-кетди. Худо катта бахт-иқбол учун яратгандай туюлувчи у мағрур ва беназир хилқат ёдингизда, албатта. Зоҳиран ақл бовар қилмаса-да, у ўз мажбуриятларидан юз ўгириб, қондошларидан жудоликда ва олисларда яшаганини, ҳамма ундан воз кечгани ҳолда, у ўз саодатини ўз иснодидан топганини ҳам эслаймиз. Зеро, унга дўст деган зотнинг энг олийжаноби ва энг вафодори насиб этганди ва жондан ортиқ севилган аёлнинг бахтига муяссар бўлганди. Уни суйган ошиқ барча ғовларни енгиб, маҳбубасини ўз номига олишга қодир эди, бироқ кутилмаган фалокат ўша буюк саодатни синглингизнинг қўлидан юлиб олди...

– Демак, – Бертанинг сабри чидамади, унинг кўзлари ҳалқа-ҳалқа ёш эди. – Демак, Ганс ва Лизбета...

– Ҳа, Ганс билан Лизбета – уларнинг фарзанди! Синглингиз Жанна Унгер ва герцог Ангиенский

аталмиш Луи Бурбондан қолган етимлар. Бахтиқаро хожам фарзандларининг онасини яна ва яна кўриш орзусида Этенгеймга тез-тез ташриф буюрар ва Франция йўлидаги хилват бинода узоқ-узоқ қолиб кетар эди. У на директорияга¹ ва на биринчи консулга² қарши исён кўтариш учун келган эмас. Бу хуфёна сафарлар чоғи мен унинг доимий ҳамроҳи бўлиб, ўзим «бекачим» деб улуғлаган аёлни кўришдан бахтиёр эдим. Герцог фақатгина менга ишонарди: унинг ташрифидан огоҳлантирардим, эр-хотин холи қолган кезлари болаларининг кўриқчисига айланардим. Албатта бундай ташрифларда мутлақо бўлакча уст-бошларни кияр, шаҳзода эканини ҳеч ким пайқамасди.

Ўғли билан қувнаб ўйнашаётганини минг бора кўргандирман! Уни еру кўкка ишонмасди, болакай ҳамма учун Ганс бўлса-да, хожам уни Жан деярди, бу ота-боланинг пинҳоний сири эди... Шаҳзода унинг қулоғига ана шу исмни шивирларди, қаймоқдай кичкинтойнинг кўзлари ёниб, дадасининг бағрига сингиб кетарди...

Кўшалоқ кулфатдан сўнг шўрлик етимчалар тақдирини сизга ва ҳалол-пок Карлингизнинг қўлига топшириш фикрига келдим. Мен болани бир четга тортиб, бошига тушган қайғуни қўлимдан келганича

¹ Директория (аниқроғи – Ижрочи Директория) – 1795 йил 4 ноябрдан 1799 йил 10 ноябргача Франция Республикаси ҳукумати. У беш аъзодан (директордан) иборат бўлган ва директорлар Бешюзлик кенгаш билан Оқсоқоллар кенгаши ҳамкорлигида сайланган. Директория ҳукумати йирик буржуазия манфаатларига хизмат қилиб, Наполеон бошлиқ давлат тўнтариши (1799 йил 9 ноябрь) оқибатида тугатилган.

² Биринчи консул – Наполеон кўзда тутилмоқда. Консуллик даврида (1799–1804) ҳокимият расман уч консул қўлида бўлса-да, давлат бошқаруви амалда Наполеон Бонапарт ихтиёрида эди.

уқтирдим. «Сен энди холангникида яшайсан, у ҳам онангдай мушфиқ ва меҳрибон аёл. Унинг сўзидан чиқмагин. Бироқ у отанг кимлигини билган эмас, сени жондан азиз кўрган марҳумнинг ёдини қалбинг тўрида сақлайвер. Иккимиз учрашган дамларда дандангни эслаб, гурунглашамиз.»

Аслида у мангу жудо этилган падарининг на унвонидан, на ҳақиқий исмидан беҳабар, сизга бу гапларни уқтиришнинг ҳожатиям йўқ. Болакай учун у ота эди ва шунинг ўзи кифоя!

Ганс ўзини худди мен уқтирганимдай тутди. У софдил бола, ҳар икки тарафдаги боболарига муносиб улғаймоқда. Унинг юраги деҳқонларга хос, томирида эса қироллар қони оқмоқда. У қатъиятли ва садоқатли, мард ва сир сақдай билади. Баъзан иккимиз ёлғиз қолган кезлари ранги ўчинқираб, ёшли кўзлари билан менга мўлтираб боқади. Мен жилмайишга уришиб, у яқин орада эшитмаган исми билан чақираман: Жан! Шунда у унут бўлган бир сиймони кўрмоқчидай ғамнок кўзларини кўкларга тикиб қолади. Мен... Мен эса шу аснода валинеъматимни қумсайман-да, армондан қонга тўлган юрагим ёрилгудай бўлади.

Берта бедарак кетган опасини эзилиб эсларкан, кўз ёшлари ёмғирдай қуйилди. Франц Родекнинг ҳикояси бу қисмат устига тортилган сўнгги пардани ҳам кўтарди. Жаннанинг ҳаёти ва севгиси ҳақида билмаганларини мана энди билиб олди. Эсида: отаси Сент-Марио-Мианда каттаю кичик ҳурмат қиладиган амалдор ҳисобланарди. Уйдан кетиб қолган опасини афв этиш ҳақидаги қариндошлар илтимоси унга жуда малол келарди. Берта оилани иснодга қўйган ўша қизи кўнгил берган инсон кимлигини отаси ҳеч-ҳеч ўйлаб кўрганмикан деган хаёлга борди.

Аёл ёшлик хотиралари уммонига шўнғиб, ўз тақдири номаълум хатонинг қурбони эканини англади.

Ва ўша ондаёқ биринчи имкониятга ёпишиб олиб, уни шоша-пиша турмушга узатган отасининг қарори бежиз бўлмаганини тушунди. Куёв камсуқумгина ажнабий савдогар бўлиб, муқим уйи йўқ, у ер-бу ерда гоҳ яшаб, гоҳ кўчиб юрган ва таниш-билишсиз, бировга кўнгил қўймаган киши эди. Тўғри, у Бертага қалбан боғланиб қолганди, бироқ астойдил оғиз солган эмасди! Аммо ана шу тасодифий эр уни шунчалар эъвозлаб, ҳатто бошида кўтариб юрдик, шу туфайли келинболанинг ундан кўнгилсиз бўлишга заррача ҳаққи йўқ эди.

Бертанинг фикри қуюндай тўзиб, остин-устун бўлиб кетди. Кекса шуаннинг ҳазин ҳикоясидан кейинги оғир сукунатда хаёл устига хаёл бўрондай ёпирилиб, унинг ақлини шошириб қўйганди. Лекин шунчалар саросимада ҳам бағрида яшаётган етимлар бир лаҳза ёдидан чиққани йўқ. Икки норасида қироллар авлоди, ҳақиқий француз шаҳзодасининг фарзандлари эдики, Берта уларга қалб кўрини борича бериб, гамхўрлик қилади ва қўлидан келганича тарбиялайди.

У болажонларни жонидан ортиқ кўрарди, энди бу меҳр ёнига эҳтиром туйғулари ҳам қўшилди.

Бехосдан эшик очилиб, жажжигина болача ўзига хос қадамлар билан кириб келди.

Берта илк бор ўз нигоҳидан қоникмай, унга синчковлик билан назар солди. Ганснинг сочлари сарғиш бўлиб, юзи табиий рангпар эди. У жиккак, лекин ҳаракатчан ва чайир кўринарди. Кўзлари мовий тусли, қарашлари эса гоҳ қатъий, гоҳ ўйчан. Бу жиддий ва мардона чеҳрани, кибр-ҳаводан бегона, аммо ҳавасга арзигулик виқор ва салобатни Берта ҳозиргача пайқамай юрган экан.

Бола шу тобда ўзига ғайриодатий разм солинаётганини сизди. У Франц бувага қараб, икковлон хуфя суҳ-

батлашган чоғларидагина кўринувчи таниш чизгиларни пайқаб олди. Сўнгра у Берта онага кўз ташлади ва унинг ички бир тугёндан саросимада эканига эътибор берди. Шу боис ранги тагин ҳам оқариб, чоғи нима қилишни билолмай жойида туриб қолди.

Ундан кўз узолмаётган жувон қўлларини чўзди ва титроқ овозда оддий, жуда ҳам оддий бир исмни тилга олди:

– Жан!

Бола гўё кўксига бир нима туртгандай қалқиб кетди, сўнг эса янги... онаизорининг оғушига отилди ва кўзларидан ёш қуйилиб, қайта-қайта ўпаркан, тинимсиз такрорларди:

– Берта онам, онажоним Берта, менинг онам!..

Кейин меҳрибон қўллардан отилиб чиқди-да, индамасдан ташқарига чопди.

Родек билан Берта ҳайратангиз қараб қолавердилар.

Дам ўтмасдан, Ганс жажоки синглисини етаклаб қайтиб кирди. У қизчани оҳиста туртиб, икковларини фарзандим деган аёл сари имо қилди:

– Энди буни Елизавета дейишимиз керак. Унинг французча исми шунақа бўлади-да...

Соат ўн иккиларда мўъжазгина арава ўрмон оралаб кетиб борарди.

Ундаги йўловчилар меҳмонлар учун уйни очиқ-сочиқ қолдиришган, Мюратнинг одамлари ертўла ва омборда нимаики бўлса, хоҳлаганларича олаверишлари мумкин эди. Тўғри, ертўла ҳам, омбор ҳам жуда тўлиб-тошган эмас, бироқ ётоқ-жойлар шинам, дастурхон тузатилган, кийим жавонлари очиқ, отхонада боғ-боғ сомон муҳайё, отлар роҳатланиб озиқланиши учун паншаха ишга солинса бас...

Жуда-жуда олис, тоғнинг ортигача туташган бепоён йўлда арава шитобла бўлмаса-да, бетўхтов кетиб

бормоқда. Олдиндаги барваста пиёданнинг сочлари оппоқ бўлиб, илдам қадамлари ва чайир жуссасидан сертафаккур ва оғиркарвон киши экани билиниб турарди. Ёнидаги болакай кўзи тушган ҳамма-ҳамма нарсадан ҳайратланиб, ўрмон қушчасининг парвозидан ҳам завққа тўлган. Қўлида кичкина хипчини билан қарағайларнинг ерга бош буккан шохларини савалаб-савалаб қўяди.

Аравадаги йўловчилар икки киши: соҳибжамол, бироқ юзига маҳзунлик соя солган аёл ва ширин бир қизалоқ. Қизча тошлар ва дов-дарахтларга, қуёш ва осмонга, от ва чолга, олис уфққа, олдиндаги болакай, учқур ҳашаротларга тикилиб тўймайди. Буларнинг барига кулиб боқаркан, чиннидай жарангдор ва беғубор ширин тили билан бетиним чуғурлар, унинг лабида қўшиқ, қаҳқаҳа, қувонч ва ташвиш – ҳаммаси мужассам эди.

Уларнинг йўлга чиқишганига анча бўлди. Наридан-бери нонушта қилиб жўнаганлари боис энди Лизбетанинг қорни очганди. Аммо юришгани сайин тобора қизиқарли туюлаётган томошадан қолишдан қўрқиб, буни айтгиси келмасди. Айниқса, катта одамлардай ва чарчоқ билмай яёв бораётган акасига қараб, қалби жўшиб кетарди! Кошкийди билолса: улардан қай бири олдин чарчайди – кап-катта Францми ё кичкина Гансми? Башарти анави девдай одам ёш боладан бурун ҳориб-толиб ўтириб олса, заб томоша бўларди-да! Дарвоқе, шунчалар дадил юриб бораётган Ганснинг болалиги қоптими? Ҳа-я, болалик қачон поёнига етади ўзи? Аравага қўшилган отдан ҳам қўрқмасдан пиёда юришга рухсат этилган чоғдами? Йўқ, бу одамлар Лизбетанинг эмин-эркин юришига ижозат бериб қўйишмайди. Афтидан, ҳали кичкина қиз бўлгани учун шундай қилишса керак-да. Унақа экан,

нега энди яёв кетаётган акасига ҳеч нима дейишма-
япти? Хўп, бундан чиқдики, демак у катта бола бўлиб
қолибди улғайибди.

Ўйлари ана шу нуқтага етганда доимо ёнида ўй-
наб ўрганган болага қизчанинг жуда ҳаваси келди.
У кўнглидаги ана шу қувончни дарров баҳам кўриш
учун акасига қичқирди:

– Ганс, ҳой Ганс! Бу ёққа қарагин!

Йигитча серилтифот соқчидай унга ўтирилди ва
акаларча жилмайди:

– Боролмайман, Лизбета, олдимизда йўл бежаво-
тирми-йўқми, шуни кузатиб кетяпман-да!

Қизча энди амин бўлдики, акажониси кечадан буён
улғайибгина қолмасдан, ҳатто қўрқмас кўриқчига ай-
ланибди. Лизбета ёнидаги меҳрибон аёлнинг ҳам-
ша очиқ оғушига сингиб кетди. Кутилмаганда унинг
чеҳраси йиғлоқи тус олди, ёноқларидан ранг кетиб,
кўзлари мўлтиради.

– Берта она, қорним очиб кетди-ю! – арз қилди у.

ИККИНЧИ ҚИСМ

АЙҒОҚЧИ ДУШМАН ЎРДАСИДА

Генерал Макнинг қаҳри қаттиқ қайнаб кетди. Мана бир неча кундирки, воқеалар унинг синовидан ўтган билимларини йўққа чиқариб, ҳарбий анъаналарнинг зиддича бўлмоқда. Ахир Европа харитасида урушнинг муайян майдонлари мавжудлиги, тажрибали саркардалар томонидан айнан ўша жойлар ҳарбий ҳаракатлар учун боп эканини ҳозир бутун дунё тан олган. Ўқиган, оз-моз илми бажо зобитларнинг ана шу марралар ҳимояси учун қанча куч зарурлигига дарров ақли етади. Қўшни йўлнинг мудофааси учун ўша аниқ нуқталардан бирига жойлашиш эса стратегиянинг ибтидоий қоидаси, холос. Дейлик, Ульмдаги истеҳкомга чодир тикмай туриб, Германияни французлардан ҳимоялайман дейиш бориб турган аҳмоқликки, бу совуқдан сақланмоққа уринган ҳолда, бошга қалпоқ киймасликдай гап. Таассуфки, ўз генераллари ва етакчи қўмондонлари орасида ҳам ана шундай ҳаёлпарастлар пайдо бўлиб, урушнинг муқаддас қоидаларини назар-писанд қилишмаяпти. Бу шунчаликка бориб етдики, ҳатто бош штабда кимсан генерал Макнинг стратегиясини «эскича эрмак» дегувчилар чиқиб қолди. Уларнинг даъвосига қараганда, аввало душман қайси йўлдан юражаги мутлақо аниқланиши керак, ундан бўлак ҳеч нарса Қора ўрмондан чиқиш йўлларига қўшин тўплашга далил бўлолмас эмиш. Гўёёв бошқа йўлдан юриши мумкин экан! Бироқ камида

икки юз йиллик тажрибага кўра, французлар Швабия ёки Вюртембергга қўшин тортаркан, шак-шубҳасиз, ё Жаҳаннам водийсидан, ё унга туташ қирлар томондан чиқиб келади.

Мак қоматини ростлаб, хона бўйлаб юра бошлади. У асосан эрцгерцог Фердинанддан хафа эди. (Ҳарбий кучларнинг қўмондони расман у бўлса-да, жанговар ишларнинг бари амалда Макнинг қўлида.) Албатта, шаҳзодага кўрқув бегона. Лекин у ҳам анавилар каби, «Наполеон бўлак йўлдан бемалол ўтиб, генералимизни доғда қолдириши эҳтимолдан холи эмас» деб туриши-чи?

Наполеон! Ҳаммасининг топиб олгани Наполеон! Наполеоннинг номи уларнинг даҳанига елимланиб қолган. Унга Париж аксилнқилобчилари қучоқ очиб турганда Англияни эгаллашга қўли қалталиқ қилиб, алаmidан Сен-Клудаги базми жамшидларда овуниб юрган уч пулгаям қиммат ўша император-да! Кўкларга кўтаришаётган саркардалиқ санъати сариқ чақага арзимаиди. Тўпчиларнинг чувринди ва жирканч поручиги эси йўқ халқнинг раҳнамосига шунинг учун айландики, у Франциянинг биринчи рақамли телбаси эди!.. Хўш, қозонган зафарлари-чи? Ҳе-е, омад ва тасодиф, холос! Тўғри, у Италияда Альвинц, Вурмсер ва Меласни ер билан яксон қилди. Нега? Чунки немис генераллари ўзи имкониятни бой берди, энг табаррук, дуо теккан қадамжоларни ҳимоялаш заруратига панжа орасидан қаради.

Устига-устак Италияда Қора ўрмон йўқ ва немислар бегона тупроқда эдилар. Ульм эса уларнинг ўз уйи...

Ваниҳоят, душманнинг асл режаси шунинг учун ҳам аёнки, Страсбургдаги учига чиққан айгоқчи хушёр, у қўшинлар ҳаракати тўғрисида муттасил хабар бериб турибди.

Мак баланд дераза олдида тўхтади: узун, аммо тору танг кўча, қинғир-қийшиқ, пастак уйлар кўриниб турарди. Бу шаҳарга кириладиган асосий йўл. Ана Мишельсберг чўққилари, унинг қўшини худди ўша ерда жойлашган. Енгилмас аскарлар жангга шай, душман қай тарафдан келмасин, янчиб ташлашга ташна! У мана шу ҳақиқатни тушунмаётганларга ачинди ва афсус билан кулиб қўйди.

Мак бутун борлиғи, фикру зикри, мундири билан эски тузум зобитларининг энг ашаддийси эди. У дераза ойнасини чертганча, ҳам норози, ҳам ўзининг синалган усуллари оқибатидан хавотирланган ҳолда кўчага боқаркан, шовқин-сурон кучайиб, одамлар кўпайиб қолганини сизди. Гуруҳ-гуруҳ суворийлар бош штабга яқин келиб, ёши, сурати, уст-боши ҳар хил ҳарбийлар эшик олдида отдан тушишди. Соқчилар милтиқларини шай тутиб, уларга салом берган бўлишди.

– Вой-вуй! Фельдмаршал Кленаунинг ўзгинаси-ку! – деди Мак. – Бугун ҳам алламбало маълумотлар билан бизни жинни қилмаса гўргайди. Агар унга қулоқ солинса, манави Ульмдай шаҳардан чекиниб, иттифоқчи руслар паноҳига чопиш зарур! Жин урсин, душманга товонимизни кўрсатамизми?.. Хўш-хўш! Кленаунинг ортидаги ким бўлди? Ҳа-а, Шварценберг экан, мутафаккир киши, жанг майдонидаги дипломат! Гьюлай ҳам шу ерда, у сара зобитлардан, ўта интизомли. Қанийди ҳамма унга ўхшаса, ишимиз мутлақо ўнғарилиб кетарди!

Овозлар қўшни хоналардан эшитила бошлагач, Мак дераза томошасини бас қилиб, меҳмонлари истиқболга юрди. У ҳозиргина эгардан тушган етакчи генералларни бирма-бир кутиб олди. Сал ўтмай саркардалар сафи янада кенгайди: тунд ва норози Вер-

нек, гусарлар сингари шопмўйлов Йелашиш, у ҳамиша карнайдай гатиллаб сўзлашга, немис рейтаридай¹ шалоқ сўкинишларга одатланган. Ризе эса жиддий ва камсухан бўлса, Матцеройни одам қиёфасидаги жирканч махлуқ дейиш мумкин. Энг охири шоҳона илтифот билан эрцгерцог Фердинанд кириб келди, у ўзининг суқсурдай қоматига бино қўйиб, олий мақомига кўрсатилаётган ошкора иззат-икром ва таъзим-тавозелардан масрур эди. Башарти ҳарбий ҳаракатлар муҳокама этилгудай бўлса, ягона ҳунари урушни ҳидидан билиш бўлган қўмондонларнинг фикригина шаҳзодани ишонтира оларди. Жасур ва шижоатли бу арбобнинг ягона талаби шуки, ҳеч кимга, у ким эканидан қатъий назар, имтиёз берилмасин!

Тўрдан эрцгерцог жой олиб, ҳамма кенгаш столи атрофига ўтириб бўлганди. Ногоҳон залнинг эшиги очилди-да, ҳеч бир саркарда танимайдиган шахс кириб келди.

У бўйи пастроқ киши эди. Хийла ёш бўлса-да, салобати ва юриш-туришига қараганда, алалхусус, эғнидаги биринчи тоифали бош интендант мундирига кўра у ҳазилакам арбоблардан эмасди. Немисча иерархия тартибига биноан бу одамнинг лавозими фельдмаршалга тенг бўларди.

Бироқ у сарой муҳотида комил тарбия топган аслзодалар мисоли эрцгерцог қошига бориб, алоҳида ҳурмат билан таъзим бажо этди. Сўнгра қўл остидагиларга марҳамат қилаётган амалдорга хос илтифотли қиёфада Мак ва бошқаларга ўзини таништирди.

¹ Рейтар – XVI асрда Ғарбий Европа ёлланма армияларидаги кавалерия қисмларининг бир тури. Улар тиш-тирногига ча қуролланган бўлиб, дубулға ва совут-қалқонлар билан ҳал қилувчи жангларга киришарди. Рейтар қисмлар аксарият немислардан тузилиб, XVIII аср бошларида драгунлар ва отлиқ егерлар уларнинг ўрнини эгаллаган.

«Е – Зоти олийлари мени шарафли бир вазифа билан сийлаб, – деди у, – ҳаракатдаги ҳамма қўшинларни бирма-бир кўздан кечиришимни буюрди. Камина бош интендант Калькнер бўламан... Ўйлашимча, жаноблар, орангизда мени танийдиганлар топилмаса ҳам керак, зотан, истеъфога чиққанымга не замонлар бўлган эса-да, олампаноҳ яна хизматга чорлаб қолди.

Хонага сукунат чўкди. Ҳозир бўлган генералларнинг ҳар бири ўз хотирасини титкилаб, Калькнер деган зотдан бирон ном-нишон топишга уринарди. Айниқса Макнинг ёши улуг бўлса-да, ҳаммадан ортиқ таажубда эди. У то шу кунга қадар бош штабдаги кадрларни ҳеч ким менчалик яхши билмайди деб юрарди, шу тобда эса томдан тараща тушгандай янги бир номни эшитиб турибди-да!.. Калькнер!.. Калькнер!.. Ульмдаги қўшиннинг қароргоҳига император Францнинг ваколатли вакили сифатида ташриф буюргунича, Калькнер деган жин ургур қайда яшаб, қайда ишладийкан?..

Шундай бўлса-да, меҳмон бўлмиш тартиб-қоидалардан бохабар эди. Эгнидаги либоси рисоладагидай, андозага биноан тикилган ва ўзига қуйиб қўйгандай эди. Унинг хатти-ҳаракатлари жойида, нутқи ҳам бурро. Фақат жиндай қовушолмаётгани билиниб, айниқса, шаҳзода таклиф этгачгина ўтираётган чоғи иймангани ошкора сезилди. Унинг қиличи бор бўйи билан стулга узала тушди, бироқ шапкасини бошидан олиб, столдаги қўлқоп ёнига расамади билан қўйди. Лента ва крест остидаги сўл чўнтагидан ваколатномасини (балки бундай ҳужжати умуман йўқдир) олишга уннаган қўллари сутдай оппоқ эди.

Бироқ унинг қўли мазкур юмушни охирига етказгани йўқ. Негаки эрцгерцогнинг илтифотли табассуми ва дилкаш сўзи бу оворагарчиликка ҳожат йўқлигини

англатарди. Бош интендант аталмиш Калькнер ҳам ушбу масалада ортиқ уринмай қўя қолди. У дарҳол генерал Макни синчковлик ва қатъият билан кузата бошлади, чунки бу ердагилар орасида ўзига алоҳида гашлик билан, еб қўйгудай боқаётган бу одам хийлагина хавфли эди. Калькнер атоқли генералларнинг фикрини билмоқчи эканини қисқача баён қилди.

Айни ўринда биз музокаралар тафсилотини баён этиб ўтирмаганимиз учун китобхондан узр сўраймиз. Ҳозирча австриялик генераллар французларнинг қўққис тажовузига қарши қўшинлар бағоят аъло жойлаштирилганини мақтай турсинлар. (Айни хусусда улар ўзаро юз марта гаплашиб бўлишган.) Биз эса осмондан тушгандай ташрифи билан ҳарбийларни ҳайратга солган нотаниш арбоб қаёқдан пайдо бўлганини аниқлашга уннаймиз. Кенгашга эса андаккина кейинроқ, аммо тез орада қайтамиз ва унинг яқунлари билан ўқувчини таништирамиз.

Аввало, бош интендантдай амалдорнинг ўз зобитлари ҳамроҳлигида ташриф буюрмагани ҳазилакам гап эмас, бинобарин, бу ҳақда энг катта бошлиққа бир оғиз шилшиб қўйиш ҳеч кимнинг ақлига келмадимикан? Калькнерни Парвардигор эҳтиёткорлик ва ўта камтарлик фазилатлари билан ёрлақаган эдики, у каллайи саҳарда истиқболига ноғора-поғора чалишларини кутмасдан танҳо ўзи Ульмга кириб келаверганди. Бироқ эғнидаги серҳашам мундири унинг кимлигини билдириши, буни эса кимдир пайқаб қолиши керак эди-ку?

Калькнер шаҳарда одмигина уст-бошда пайдо бўлганди-да.

Ваниҳоят, шуниси ҳам борки, анави унвону рутбаларни ўзини шубҳаланмай қаршилашлари илинжида айтганди. У ўзини шаҳардаги энг катта меҳмонхона

соҳибби кутиб олсин деб тайинлади. Мезбон муҳтарам ва давлатманд жаноб бўлиб, меҳмондўст иморатнинг тақдири унинг қўлида эди. Айни муассасанинг пешлавласида пурвиқор қарагай акс этган бўлиб, унинг остига «Зумрад дарахт» калимаси битилганди.

Калькнер ана шу қабилда Бавариядаги кўҳна қалъага бемалол кириб олди. Сўнг эса сеҳрли уч калимадан қисқартма сўз ясаб, ажнабий меҳмонлар саҳифасига бош ҳарфларни битди: «И.Ш.Х.» (император штаби хизмати). Унинг киссаси пулга лиммо-лим бўлиб, ортиқча сўраб-суриштириш ҳам бўлгани йўқ.

Шундан сўнг эрталаб қаёққадир кетиб, дом-дараги бўлмади. Қайтгач эса шундай талаб қўйди:

– Махсус залда алоҳида стол ясашиб қўйинглар, тушлик қилгани келаман.

– Неча кишилик? – сўради хўжайин.

– Уч киши бўламиз...

У меҳмонхонага барвақтроқ қайтди. Уни бош штабга дахлдор жуда таниқли зобитлардан иккитаси кузатиб келганди. Уларнинг биринчиси – поручик Венд, эрцгерцог Фердинанднинг надимларидан. Иккинчиси эса бевосита генерал Кинмейерга бўйсунувчи поручик Рульский бўлиб, унинг бошлиғи бир неча вёрста наридаги Аугсбург йўлига топшириқ билан жўнатилганди. Икков остона ҳатлабоқ алламбалолар тўла зилдай жомадонни олиб киришни буюришди, уни уларнинг хизматкори замбилғалтакда етказиб келганди. Тушлик асносида зобитлар ҳалиги одамга бағоят ҳурмат билан муомалада бўлишарди. Рўй-ростини айтганда, агар улар бу киши ўрнида олий мартабали кўмондонни кўрганларида ҳам бунчалар иззатламаган бўлур эдилар.

Бош мезбон боягинда рўйхат дафтарига «И.Ш.Х.» деб бармоқ босган киши энди империя генералининг

башанг мундирида қайтганидан ҳайрон эди. Эгнидаги заррин уқали «алламбало» либосда у ўзини бағоят бемалол ҳис этаётгани устига, ваҳимали ва ярашган уст-бошларда нисбатан очилиб кетганди. У кам гапирар ва асосан ҳамма ёқни кузатиб, кўпроқ ўзгалар суҳбатига кулоқ солиб ўтирар эди.

Упа сепилган ясама сочи алдаганми ёки аввал яхшироқ разм солишмаган эканми, ҳайтовур, у эрталабкидан ёши улугроқ кўринаётганди. Тўғри, ҳамон қадди шамшоддай, дадил ва илдам одимлари ҳам ўша-ўша. У ҳатто камин олдида беҳуда турган курсини тепиб жилдирди, лекин илгари сезилмаган ажин тарамлари энди манглайи ва кўзлари атрофини «безаб» турарди. Унинг афт-ангори сўлинқирагандай туюлиб, қимтилган лаблари ва хиёл тиришган башарасига қараганда, мутафаккирнинг ёки касб-кори махфий арбобнинг, балки даҳо бир зотнинг худди ўзи деяверасиз.

Қиёфасидаги бунчалик ўзгаришнинг асосий сабаби ҳам бор: муйлабини батамом олдириб, юзини жуда қиртишлаб ташлаганди. Шу туфайли бурун кўзга кўринмаган анчагина чизгилар намоён бўларди.

Икки зобит тушлик жараёнида унга нисбатан аввалгидай муомалада турган бўлсалар-да, ёлғиз қолишлари биланоқ гап-сўзлари бўлакча тус олди.

– Хўш, сизни ниқобловчи эгнингиздаги манави жомалар нега зарур бўп қолди ўзи? Бу дардисарингизни бутлагунча, она сутим оғзимга келди ахир. Ҳали лахтакфурушга, ҳали қуролсозга, чеварга, ҳатто шляпа тикувчигаям бошлаб борибман. Хўш, сиз кимга томоша қўйиб бермоқчисиз?

– Ҳамма нарсага тумшуғингизни суқавераркансиз-да, биродарим Венд! – жавоб қилди сохта интендант, китобхонимиз таниб тургандир ҳамки, у Карл Шмельмейстернинг худди ўзгинаси эди... – Тўғри, им-

ператор қўшинларининг асл миқдори ва генералларнинг тактик режалари хусусидаги маълумотларни қисман сизнинг кўмагингизда, аксариятини эса ўзининг ҳаракатларим билан топдим. Сиз ҳали ноаниқ тафсилотлар борлигини ва улар ҳам албатта қўлимга тушишини билиб турсангиз кифоя!

– Лекигин, – дея эътироз билдирди поручик Рульский, – ўша тафсилотларни эгнингиздаги мундир билан ахтармасангиз керак?

– Буниси – менинг ишим, сизга дахли йўқ.

– Кечириб қўядилар! – гапга от солди Венд. – Учовимиз бирга юрганимизни ҳамма кўрди, сизнинг битта бежо қадамингиз оқибатида Рульский иккимизнинг шўримизга шўрва тўкилиб қолади.

– Нима бўпти?.. Чамангизда иккаловингизни мен билан ҳамтовоқликда айблайдиларми? Бу хусусда ташвишланманг.

– Аммо, ахир...

– Бас! – овозини кўтарди Карл. – Демак, жонингиз қўлимда эканини айтишимни хоҳлаб қопсиз... Бўпти, сизнингча бўла қолсин! Энди юз-хотир қилиш йўқ! Билиб қўйинг, мен қанчалик интендант бўлсам, сизлар ҳам шунчалик поручиксиз. Венд, эгнингизга манави ҳарбий мундирни кийиб олган бўлсангиз-да, бу билан сиз эрцгерцог Фердинанд ҳазрати олийларининг арзанда айғоқчиси «мартабаси»дан тушиб қопсизми? Мутлақо! Номингиз ҳеч қачон зобитлар рўйхатида турмаган бўлса-да, (эхтимол бўлак фамилия ёзилгандир) айнан шаҳзоданинг амри билан сизни бош штаб назоратига тиркаб қўйишган. Энди Рульскийга келсак, у ҳамон Кинмейернинг махфий агенти «лавозими»да турибди, бунинг аксини исботловчи далиллар жудаям кам, йўқ ҳисоби. Генерал сиздан айрилгиси келмагани учун ҳатто қўлга тушиб, ин-

тизомий кенгашда муҳокама этилганингиздан ҳам кўз юмган. Энди ҳаммасини тўкиб солмасам бўлмайди! Биз – эски қадрдонлармиз, Рейндаги ҳар бир жангда ҳамкорлик қилганмиз ва шу боис ҳеч қачон сўзимдан қайтмаслигимниям яхши биласиз. Менга ёрдам қилсангиз, беш минг франкдан ваъда берганман. Мана ўша олтинлар. Ишонмасангиз, тугунчаларни бемалол очиб кўринг. Энди фурсатни беҳуда бой бермасдан, гапларимга диққат қиласиз.

Нафс овораси бўлган иккала ҳамтовоқ бараварига отилиб, ўзининг улуши бўлган тугунчаларни тирноқлари билан очишга тиришаркан, Шультмейстер давом этди:

– Шу тобда сизларга ҳеч қандай талабим йўқ. Мана, овқатланиб бўлдик, соат икки, мен генерал Мак ҳузурига бораман... Таажубланманг, шунга жазм қилдим. Ундан ўзимга керакли сирларни билиб олгунимча, майли, қўйиб бераман, мениям истаганича сўраб-суриштираверсин. Кечки пайт менинг бор-йўқлигимни азмойиш қилиб кўрасиз. Башарти тополмасангиз, ўз уйингиз – ўлан тўшагингизда кутиб туринг. Агарда бошлиқларингиз маълумотни кеч кирмасидан бурун сўраб қолгудай бўлса, қандай янгиликларни айтиш икковингизга ҳам аниқ. Менда бошқа гап йўқ. Хўш, келишдикми?

– Келишдик, – жўровозда маъқуллашди ҳар икки агент, – фақат...

– Яна шуни айтиб қўяйки, ишимиздан мен хоҳлагандай натижа чиқса, саккиз кун ўтгач, яна ҳозирги миқдорда пул оласиз.

Иккала зобитнинг кўзи қувончдан чарақлаб кетди. Шультмейстер давом этди:

– Ана ундан сўнг ҳамма ҳисоб-китобимиз тўғри бўлади-да, сиз ўз ишингизга кетаверасиз, мен ҳам ўз йўлимдан қолмайман.

Учовлон ташқарига чиқишаркан, хўжайин ва хизматкорлар бошлари ерга теккудай таъзим билан кузатиб қолишди. Улар бир-бирларига кўп ҳамроҳ бўлганлари йўқ, салдан сўнг Венд ва Рувльский йўлни айро солишди. Шульмейстер ёки кимсан интендант Калькнер жаноби олийлари эса виқорли ва сипо одимлар билан бош қароргоҳ томонга йўл олди: у ерда Австрия армиясига мансуб саксон минг ҳарбийнинг қисмати ҳал этилаётганди.

ГЕНЕРАЛЛАР ЧУВТУШДИ

Биз яна ҳарбий кенгашга қайтишимиз мавриди келди.

Бир соатдан ортиқ вақт мобайнида генералларнинг турфа хил ахборотларини обдан тинглаб бўлгач, сохта Калькнер бундан бу ёғига ақли етмаслигини тушунди. Гапнинг ўғил боласини айтганда, у ҳали Страсбургда эканида тегишли маълумотларни ишончли манбалардан олган, ҳаммасидан аниқ хабарим бор деб юрар эди. Бироқ Ульмни ҳимоя қилувчиларнинг стратегик мушоҳадаларини эшитгач, бунга иккиланиб қолди. Бу ердаги вазиятда Шульмейстер уларни (австрияликларни) минбаъд овсар ва нодон ҳисоблай олмасди. Унинг фикри шунчалик алғовдалғов бўлиб кетгандики, ҳатто ўзига-ўзи савол берарди:

— Кўрган-билганларим мабодо тушимга киргани йўқми ёки ақлдан озиб қолдиммикан?..

Дарҳақиқат, Наполеонни кўргани аниқми? Чиндан ҳам у билан гаплашдимми-йўқми? Оффенбург йўлида ўзини тутиб олаёзган Мюратнинг аскарлари-чи? Ана ўшалар Наполеон ўйлагандай ҳийла қилиб, ялпи ҳужумга ўтган кўшиннинг ўнг ва сўл қанотларини

ниқоблашга қодирми? Ёки аксинча, генерал Мак фараз қилганидек, улар Қора ўрмон орқали ҳамла қиладиган француз армиясининг авангардидан бир қисм бўлиб қолмайдими?..

Бундан чиқдики, Наполеон Шульмейстерга махфий топшириқ бераётиб, айрим сирларни очик айтмаган бўлиши ҳам мумкиндир? Рост-да, унга шубҳаланиб қарашга французларнинг асоси ҳам йўқ эмасди.

Дарҳақиқат, тайинли аломатлар бўлмагани ҳолда душман осонгина алдана қоладими? Австрия армиясининг барча генераллари овсар ё лақма эканми?.. Улар сафида французларнинг манёврдан кўзлаган муддаосини пайқаб, бу ҳийланинг (агар шундай ҳийла чиндан ҳам бор бўлса) чувини чиқара олгудай лоқал бирорга эслик зобит йўқмикан?

Шульмейстернинг ўзига қолса, аввало, уларнинг ана шу манёвр ҳақида сўраб-суриштиришларини ва бу ҳақда бажонидил айтиб беришни афзал кўрарди. Ана ундан сўнг эса фақат Наполеоннинг тактикасига мувофиқ келадиган ёлғонларни австрияликларнинг қулоғига лағмондай осарди.

Жосус манави хатарли ўйиндан кўзлаган яккаю ягона самара ҳам худди шундан чиқарди, холос.

У дарҳол мақсадга ўта қолди.

– Жаноблар! – деди у. – Яқдил фикрингизга қараганда, душман тўппа-тўғри сиз томонга келади, шундайми?

– Албатта, бош интендант жаноблари, – дея жавоб беришга шошди қалтис жойига дахл қилинган Мак, – иши пухта одамларнинг хато кетиши мумкинмас!.. Шунини ҳам сизга айтиб қўйишим керакки, айни муаммо хусусида мен олган маълумотларнинг аниқлигини сўнгги воқеалар мутлақо тасдиқламоқда, улар қўлимга айнан Страсбургдан – ўта ишончли манбадан келиб тушган.

Шульмейстер бу гапга муносабат билдиришдан аввал енгил бош букдики, бу билан кулгисини базур яшириб қолди. Негаки ўша «ишончли» манбанинг маълумотини Эльзасдан ўзи жўнатувди-да.

– Зобитларингиз-чи, генерал, уларнинг фикрлари ҳам шунақами? Узр, мени тўғри тушунишингизни сўрардим. Ахир камина император Франц Иосиф зоти олийларини турли-туман нуқтаи назарларнинг барчасидан бохабар этмоққа бурчлиман-да. Лекин бари бир сизнинг фикрларингиз етакчи ва ҳақ эканини таъкидлайман, албатта.

– Мен эса у кишининг фикрларига бутунлай қўшилмайман, – деди Вернек. – Менимча, Бонапарт ўзининг асл режасини яшириб, бизнинг кўзимизни шамғалат қилмоқчи.

– Менимча ҳам шундай, – маъқуллади генерал Ризе бўштоб оҳангда.

– Тўғри гап! – тўнғиллади Йелашиш.

– Ие, кўриб қўйинг генерал! – деди Шульмейстер танбеҳомуз. – Бу жаноблар сизга ишонишмаяпти-ку!

– Буни мутлақо инкор этолмайман, муҳтарам бош интендант. Бироқ ўз фикримнинг ҳақлигига деярли юз фоиз ишончим комил. Шунинг учун ҳам олампа-ноҳимиз менинг нуфузимни инобатга олиб, тегишли қисмларга иккиланмасдан фармон бериб, гарб сари огоҳлантирувчи ҳужумга ташласа яхши бўларди. Энди менинг обрў-эътиборимга келсак, умид қиламанки, иштирокчилардан ҳеч ким буни инкор этмаса керак.

– Албатта! – деди Йелашиш. – Бироқ сизга айтиб қўйишим керакки, қопқонга илинишни истамайман, бинобарин, аскарларимни бошқаларнинг тартибида жойлаштирмайман, билъакс, французлар тўсатдан орқа томонда пайдо бўлса, тузоққа тушиш хавфи бор.

Мана энди Шульмейстерга ойдаи равшанки, аввало анави ақли зобитларга тезроқ акс таъсир қила билиши зарур. Мак ўз қарашларини ҳимоялаш учун Иелашишга ўлиб-тирилиб фалсафа сўқаркан, агентнинг мақсади ҳозирги вазиятдан фойдаланиб, топган маълумотларини тагин ҳам кўпайтиришда эди.

Шульмейстер ҳалитдан бери жавраётган генерал тин олганидан фойдаланди-да, шартта гапга тўн кийдираверди:

– Умуман олганда, мен шунга амин бўлдимки, босқинчиларнинг режаси ҳақидаги қарашлар турлича бўлса-да, лекин душман ҳужуми қай тарафдан бўлишидан қатъий назар, ҳамма ўз бурчини адо этишга тайёр. Энди Венада тўпланган айрим маълумотлардан сизларни огоҳ этмоғим керак, улар император ҳукуматининг расмий ва махфий ёзишмаларидан олинган. Олампаноҳ ҳам муҳтарам генерал Мак каби жуда тўғри мулоҳазада: душман айнан Қора ўрмондан ҳужум қилишга ҳозирланмоқда. Сизнинг чегара ҳудудидаги нозирларингиз қайд этган ҳаракатлар ҳам императорнинг мушоҳадасига мувофиқ келмоқда. Гапнинг индаллоси шуки, ҳукмдоримиз зоти олийлари сизнинг қўл остингиздаги кўшиннинг аҳамиятини билади ва нуқтаи назарингизнинг қудратига ишонгани боис галаба бизники бўлажагига мутлақо аминдир. Ана шу олий ишончнинг тасдиғи учун сиз жангга ташлайдиган аскарлар сонини айтсангиз, камина беҳад миннатдор бўлур эдим.

Ҳалигача оғзида қатиқ ивитгандай сўзсиз ўтирган генерал Кленау сўнгги жумладан сўнг ҳушёр тортди.

– Ўйлашимча, – давом этди сохта Калькнер, – Франциянинг ёлғон императори Рейндан олиб ўтадиган аскарлар сони олтмиш мингдан ортмайди. Англияга қарши сафарбар қилиниб, Булонда қўр тўкиб

ётган қўшиндан Наполеон чақиртирган жангчиларнинг бор-йўқ адади шудир-да. Сиздаги куч ҳам шунчадир ёки жиндай камроқдир, бари бир, улар алоҳида мустаҳкамланган марраларга жўнатилса, бизнинг вазиятимиз бағоят қулай бўп қолади. Ҳозир сиздаги замбарак, қилич ва найзалар сони қанча?

Мак жавоб қайтаришга оғиз жуфтлади. Ҳамиша яхши ниятли эрцгерцог ўзига хос самимият билан расман ихтиёрига берилган ҳарбий кучнинг ҳисоб-китобига унади. Бироқ Кленаунинг дўриллаган дағдағаси илк бор янграй бошлади:

— Жудаям таажубдаман: ахир олампаноҳимиз ваколат берган бош интендантнинг ҳарбий вазият ҳақида мутлақо тушунчаси йўқ-ку! Ҳар ҳолда масъулиятни ҳис қилган ҳолда қатъий айтаманки, унга айни маълумотларнинг ошкора этилишига қаршиман. Бундай рақамлар сир бўлиб қолиши зарур. Башарти менинг марҳум отам тирилиб келиб, олдимга шундай савол қўйса ва қанчалар ёлвормасин, жавобим аниқ бўлади: йўқ!

Ана шу «йўқ» шунчалар даҳшатли чиқдики, «интендант» Шмельмейстер нечоғли ҳаволанган бўлмасин, хийла довдираб олди ва ҳаддидан ошганини кечикиброқ пайқади. Лекин энг муҳими шуки, бўлар иш бўлганини, ўзининг бу давра қабул қилган мақоми таслим бўлишга ва чекинишга йўл бермаслигини ўша ондаёқ англаб етди. Модомики кимсан императорнинг вакили экан, маълумот беришдан булар бош тортган бўлса-да, «интендант» бу ҳақдаги ўз талабини қайтиб олиши тўғри келмасди. Иккинчи томондан, Кленаунинг лўқмаси ўринли бўлгани боис кенгаш аъзоларининг бари ҳайронликда қолди. Уларнинг аксарияти кечикиб бўлса-да, болтадан тоймас бегонага шубҳаланиб қарай бошлаганди. (Ваҳоланки, оғиздан гуллаб бўлишди.)

Шульмейстер нима қилсин?

Хатарли кирдикорининг ҳам эҳтимол, ҳам муқаррар оқибати фақат даҳшат эканини чуқур тушунган жосус сир бермасдан ўрнидан кўзголди. Биргина бежо сўз, биттагина қалтис ҳаракат уни адои тамом қилиши, кўпчиликдан иборат бақувват генераллар ёрдам чақирмасдан ҳам ҳибсга олиши мумкин эди. Шунингдек, улар гвардиячиларни чақириб, турмага тиқиши ҳеч гапмаски, у ерда тақдирини ҳал этадиган ҳукмга ортиқ «интизор» қилишмасди.

Шу аснода у Кленауга қараб илтифотли жилмайиб кўйди. Сўнгра бошқа генералларнинг жиддий ва шижоатли юзларига бир сидра назар солиб чиқди. Кейин эса столдаги шляпа ва кўлқопини олди-да, улар билан хайрлашган бўлди:

– Яхши қолинглар! Кўрганларимдан мамнунман, бу ерда ҳамма ўз бурчига содиқ ва фақат айтиш лозим бўлган гапларни гапиради, холос. Император зоти олийларига бу фазилатни етказаман. Хайр, жаноблар!

У эрцгерцог қошида таъзим қилди ва деди:

– Ҳазрати олийлари, чексиз эҳтиромимни қабул этинг!

Энди Мак ҳам ўрнидан турмаса бўлмасди. Ундан ибрат олган бошқа генераллар ҳам стулларида кўзголишди. Шульмейстер улардан безовта бўлмасликни ўтингандай хуштавозе имо қилди. Сўнгра ўзининг зудлик билан қочиб қутулиш қайғусини шундай ниқобладик, гўё ўта узрли ва муҳим сабабга кўра шошаётган қиёфага кириб, пошналари устида ҳарбийчасига ортига ўтирилди-да, чиқиб кетди.

Эшик ёпилар-ёпилмас ичкаридагиларнинг даҳшатли шовқини унинг қулоқларига қуюндай ёпирилди, Афтидан, у гойиб бўлиши биланоқ лақмаларга ақл кириб, сўқирларнинг кўзи очилганди. Ҳамма ге-

нералларнинг кекирдаги бирданига хуруж қилиб, ҳеч балони тушуниб бўлмаса-да, Иелашишнинг ногорадай гумбурлаши аниқ эшитилди:

– Айтдим-ку сизларга, у бориб турган ғаламис, ай-гоқчи бўлишиям мумкин!

Тўхташ ва бу бақир-чақирларнинг давомини эшитиш Шульмейстерга зарил келганмасди. У кирган тарафидан қайта қолса бўларди, бироқ у ёққа юриб бўладими? Коридорнинг ўнг томонига борай деса, энг тўрда соқчи турибди, алқисса, сўлга йўл солди. Шульмейстер бировда шубҳа уйғотмаслик учун қочмоққа шундай жаҳд қилдики, оёқлари майда қадам бўлса-да, шиддати пойгачидан қолишмасди. У хусусий хоналар сари ошиқиб, кимсасиз буфетга чиқди, ундан емак-хонага эшик очилган бўлиб, кейин иккита меҳмонлар ётоғи ва яна битта хужра бор эди. Жосус шляпа, қўлқоп, шпага, нишонлар тўла уқали либос – хуллас, ҳамма лаш-лушларини бир бурчакка улоқтирди ва шкафни очиб, долчин тусли узун сюртукни олди-да, ўрнига ясама сочини осиб қўйди. Эгнида ана шундай беозоргина «сарпо», бошида барра телпак билан орқа тарафдаги пиллапояда пайдо бўлди. У қай бир қўшиқни оҳиста хиргойи қилганча пастга тушиб бораркан, йўлини кесиб ўтаётган югурдаклардан бири қичқирди:

– Хайрли кеч, Вильгельм, қувнаб ҳордиқ чиқар!

Шульмейстер кулиб жавоб қайтарди:

– Раҳмат!

Қуйидаги эшикдан кўчага чиқиларди. У ташқарига отилмоқчи эди, бироқ боятдан бери ҳар бир қадамини изма-из таъқиб қилаётган шубҳали овоз жаранглаб кетди. Шульмейстер ерга назар солди-да, дарров ўзини панароққа олди. Уни «таъқиб қилиб», жаранглаётган овоз шпорларидан¹ чиққан экан. Иккала оёғидан уларни

¹ Шпор – суворийлар этигига тақиладиган металл тепки, халачўп.

ечиб, очиқ қолган ертўлага отиб юборди. Энди хотир-жам ташқарига чиқиб, иложи борича ҳушёрлик билан меҳмонхона томонга йўл олди. Албатта сарой эшигидаги соқчига олазарак қараб-қараб қўярди.

Кенгаш залининг деразалари очиқ: бир тарафда Макнинг сўлғин юзи, иккинчи тарафда Иелашишнинг шалпайган шопмўйлови, орқада бўйчан генералларнинг жонсарак афт-ангори. Жанг-жадал ишида даҳо бўлмиш жанобларнинг гаранг қиёфасига баъзи йўловчилар ҳайрон бўлиб ўтишарди. Қоровул ҳам чуқур таажубда, тепада не кўргилик содир бўлганини билиш ниятида жавдирарди.

Ана шу дамда қиёмат қўпди: хизматкору аскарлар телбаларча эшикка томон чопишар, кимнингдир буйруқ бергани эшитилди, соқчининг милтиғи шарақлади.

Йўлда сартарошхона бўлиб, ана шу ерга кира қолиш Шульмейстерга оқилона туюлди. У кўпик суртиш жойига ўтирди-да, ёқасига сочиқ қистирди ва тайёргина олқиндини олиб, юзининг бурнидан то томоғигача бўлган қисмини тўхтамай совунлайверди.

Сартарош устарасини шайлаб ёнига келди-да, ўз оғирини хийла енгиллаштириб тургани учун унга самимий илтифот билан назар солди. Шульмейстер устага ўнг юзини тутди. Кейинги дақиқалар қандайдир қочоқнинг пайига тушган кўчадаги аскарларнинг бақир-чақир ва сўроқ-саволлари билан ўтди. Жосус мутлақо беҳабар одамдай сўради:

– Нима бўпти ўзи?

– Билмадим, тақсир. Афтидан, қайгадир ўғри тушибди шекилли.

Шу гапнинг устига остонада полициячи кўринди, у хўжайинга, хизматкор ва миждозларга бир сидра назар ташлади. Экс-интендантнинг ярми кўпикка беланган, ярми тарошланган аскиябоп башарасидан унинг кулгиси қистади ва индамай чиқиб кета қолди.

НОТАНИШ АЁЛ ЖОСУСГА ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

Шульмейстер жиддий фалокатга чап берганди. Лекин қанчалар хавфли бўлмасин, ўзининг бу қалтис ишидан афсус чекмаётганди. Шу дадиллиги туфайлигина генерал Макнинг асл режасини билиб олди. Ҳеч қандай разведка унга бу қадар қимматли маълумотларни топиб кела олмасди. Энди у Наполеоннинг топшириғини адо этиш учун ўз ҳаракатларини тўлатўкис режалаштириб олиши ва айни чоғда қўлидаги маълумотларни бир имкон топиб, императорга етказиши ҳам мумкин.

Фақат... шунда ақли етдики, энди «Яшил дарахт»га қайтиб боролмайди. У ердагиларнинг кўзига икки қиёфада, турлича уст-бошларда кўринган: унинг изига тушганлар айнан меҳмонхонадан қидиради ва «интендант»нинг сирини фош қилувчи маълумотларни бир зумдаёқ топади, албатта.

– Буниси ҳолва, Рульский билан Венд-чи? – ўзига-ўзи савол берди у. – Ахир мен огоҳлантирмасам, икковиям қўлга тушади-ку!..

У ана шу хулосага келибоқ, дарҳол ўрнидан турди. Устарасини ўта эҳтиёткорона суртиб, ўз ишини эндигина якунига етказган уста бағоят ҳайрон қараб қолди, негаки Шульмейстер сув тўла жомашовга бориб, юзини ювди-да, кафти билан сидириб «артинди». Ёрдамчи сартарошнинг оғзи очилиб қолганди: «Бу миждоз ғалатиноқ одам шекилли, ахир юзига ўзи кўпик чаплаб, атир совун юқиниям ўзи ювиб ташлади-я». Шульмейстер столга кумуш сўлкавой ташлаб, гўё ёрдамчининг «меҳнати»ни тақдирлаган бўлди.

Пул ўлсин: ўша ондаёқ халфа сартарошнинг ҳайрати миннатдорликка айланди ва хушомад билан ялтоқланди:

– Одамни жа-а хижолат қилдингиз-да! Намунча шошмасангиз ахир чой-пой...

– Хўш, пул бердими? – сўради уста.

– Бўлмаса-чи! Жудаям хотамтой экан...

– Барака топсин, йўли бехатар бўлсин!

Аммо икки-уч қадам юриб-юрмасданоқ Шульмейстер ташвишда қолди, негаки қандайдир жувон уни кўзлаб келмоқда эди. У юзлари қаймоқдай қорасоч аёл бўлиб, шаҳарликларга хос кийинган эса-да, қишлоқи экани сохта олифталигидан сезилиб турарди. У бошидаги қора шолнинг учларини елкаси устидан танғиб олганди. Бу қалин рўмол уни куз изгириларида асраш баробарида юзини танитмасликда ҳам асқотарди.

У мафтункор бўлса-да, хийла безбетлиги сезилиб турарди. Айни дамда лаблари кулгига мойил, лекин бу табассумга эмас, истехзога ўхшарди. Дарҳақиқат, аёлнинг тийрак ва чақноқ кўзларига одмилик ва латофат бегона бўлиб, фақат қувлик ва ёвузлик таралиб турарди. У ҳозиргина сартарошхонадан чиққан Шульмейстернинг қошига келди-да, заррача ийманиб ўтирмасдан унинг қўлларидан тутди.

– Сизни ахтариб юрувдим, тақсир. Кетдик, мен билан юра қолинг... Вой шўрим-ей, бунчалар тааж-жубда боқманг ва ҳақиқий Карл Шульмейстергамас, аксинча, сохта Калькнерга йўлиққанамга ишонтираман деб овора бўлманг!.. Айни хусусда менга изн беринг, токи сизга қойил қолганимни изҳор этайин: сиз анави генералларни бошлаб чув туширдингиз. Ўйлаган режангиз шунчалар хатарли эдики, сизнинг ва ўзининг тақдиридан хавотирдаги дўстларингиз ваҳимада қолишганди. Бош қўмондон штабидан тирик чиқишингизга иккови заррача умид қилганмас. Мана энди сизни соғ-омон кўришади ва ҳамма гапни ўз оғзингиз билан айтиб берасиз.

– Аммо, хоним, ахир...

– Бўлди-да энди, мендан хавфсирашингиз мутлақо беҳуда! Башарти ниятим ёмон бўлса, биргина имо қилсам бас, сизни дарҳол қўлга олишади. Аммо таниганим боис ундай қилаётганим йўқки, бундан ўзингиз хулоса чиқаринг-да...

– Жин урсин! – деди вазиятни чамалаб кўрган айгоқчи. – Демак, сиз ё Венднинг, ё Рувльскийнинг сирдоши экансиз. Дарвоқе, улардан қай бирига дахлдор эканингизнинг фарқиям йўқ. Бўпти, ишондим, юринг кетдик, лекин қайсинисига борамиз?

– Вендга-да.

– Шундай денг, у билан танишмисиз?

– Ҳа.

– Маъқул, йўл бошланг! Унга ўзимниям гапим бор эди. Икков суҳбатга берилиб, яқингинада Шульмейстер ортидан қиёмат кўпган жойга бориб қолишди. Бош штаб атрофи энди хийла беғалва бўлса-да, деразалар ҳамон очиқ. Ундан ҳарбий кенгаш аъзоларининг тахлитлари кўриниб турарди.

Аёлнинг кўз қорачиқларида маккора учкун чақнади ва заҳархандалик билан сўради:

– Мабодо анави генераллардан бири сизнинг қўл узатса етгудай жойда эканингизни билиб қолиб, «ушланглар уни» деб буюришидан қўрқмаяпсизми?

Шульмейстер сукут сақлаган ҳолда у томонга ўғирилди: унинг кўзлари жиддий, ҳатто ўқрайиб боқарди. Аста-секин у лақма одамдай анқайиб қолдики, гўё қўй оғзидан чўп олмаган мўминқобил кишига айланди. Сўнгра кўзлари чўғдай ёниб, афтини буриштирагани ҳолда юз мускулларининг сезилмас ҳаракати билан тамоман нотаниш кимса бўлди-қолди... Ҳамроҳ аёлга эса ёнида мутлақо бошқа биров пайдо бўлгандай туюлди ва ҳайратдан бармоғини тишлавораи деди.

– Қалай? – писанда қилди Шульмейстер. – Энди-чи, генерал Мак мени мана шу турқим билан ҳам таний олади деган хаёлдамисиз?

– Асло! – хаяжонланди аёл. – Кўзларимгаям ишонмай қолдим, ақлимга сиғдира олмаяпман... Қойил, қотириб қўйдингиз-ку!

– Исмингиз нима? – сўради жосус кулимсираб.

– Доротея.

– Сизга айтиб қўяйки, Доротея, одамнинг башараси аслида бедаво бўлгач, юзини ўзгартиришдан осони йўқ. Аммо нозанин сулувлар буни эплай олишмайди, ахир офатижон чехрани дабдала қилиш сизга зарил келмаган-ку!

Бу уддабурон одам ҳар қандай хайрихоҳ киши билан тил топишишга ва ҳеч қандай кўмакни рад этмасликка ўрганиб кетган ва фақат шундай яшарди. Агар ўша кўмакчи эр киши бўлса, ҳақини тўлайди, пул тополмаса, мўл-кўл ваъда бераверади. Мабодо аёл зотидадан бўлса, у ҳолда хушомадни астойдил ишга соладики, мақтов дегани бу жинс учун тилла сўлкавойдан аълороқ, ҳаёт буни кўп бор тасдиқлаган. Доротеянинг ҳам бу умумий таомилга қарши келадиган сиёқи йўқ: шу тобда манави ноёб ва суқсурдай йигитга ҳамроҳ экан, у «ўл» деса, ўлиб, «қол» деса қолгудай шаҳди бор.

– Мени қаёққа ол кетяпсиз? – сўради Шульмейстер салдан сўнг. – Венднинг уйига боргандим, бу тарафда эмасди.

– Бизникига борамиз. Венд ўша жойда.

– Қанақасига? Ахир сизникига...

– Уйимиз тепалик ёнида, отам ва акам билан турман, аммо ҳозир икковиям йўқ.

– Улар қаёқда?

– Поручик иш буюрганди, ўшани...

– Нима? Уйингиздагиларнинг бари поручик Вендга ёлланишганми?

– Шунақа. Мен ҳам унинг хизматини қиламан.

– Йўғ-е! У бошингизни балога қўйишдан қўрқмаяптими?

Аёл қўнгироқдай қикирлаб кулиб олди:

– У қўрқса-қўрқмаса менга бари бир, негаки ўзим қўрқмайман-да.

– Бироқ Венд бундай қилмагани яхши эди.

– Йўқ, шуниси маъқул! Унинг билгани фақат мен берган маълумотлар, холос. Венд эрцгерцогга етказадиган барча хабарларни ҳам мендан билиб олади. Аёл киши ҳамма жойда эмин-эркин юриб, кўздан пинҳона сирларниям кўришга ва топишга қодир, эркак киши эса бундай қилолмайди! Аёлгина эплайдиган бу ишни чинакам хотинчасига уддалай оладиган ягона эр зоти ўзингиз, холос.

Доротейнинг фикрича, Шультмейстернинг зўрлигига бундан муносиб баҳо, хушомад бўлиши мумкин эмасди. У ҳам буни тўғри тушунди ва «хотинчасига» эътироз билдириб ўтиргани йўқ...

Икков мўлжалдаги манзилга келиб қолишганди. Жумбоқдай сирли жувон ҳамроҳига имо қилди, демак, «кутиб туринг» демоқчи. Сўнгра жин кўчага кириб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Аммо салдан сўнг қайтиб чиқди ва қўллари билан им қоқди, Шультмейстер унинг ортидан бораверди. Йигирма қадамча юрган ҳам эдиларки аёл тўхтади ва ортига ўгирилиб, жосуснинг елкасига қўл ташлади:

– Венд билан ишлашдан безор бўп кетдим. Хоҳласангиз, сизга хизмат қилардим...

Қаҳрамонимизнинг эс-хуши мутлақо бажо эдики, кутилмаган бу таклифни эшитиб, ақлига келган илк фикр шу бўлди: «Бу дўндиқча дўстига берган пулим-

ни кўрди, энди ҳақини бевосита ўзимдан олиш учун пинжимга кирмоқчи». Ўша ондаёқ қатъий қарорга келди: «Унинг менга кераги йўқ, ёлғиз ўзим иш кўрганим яхши». Бу таклиф билан аёл уни тўшагига чорлаши мумкинлиги ҳам хаёлидан кетмасди. Аммо бари бир самимий ва жиндай ҳазил оҳангида баралла жавоб қайтарди:

– Менга хизмат ҳам поручик билан бўлгани каби тезда жонингизга тегса-чи? Шундай бўлмаслигига ишончингиз комилми?

– Ишончим комил!

Доротея сўзида давом этаркан, тобора овози бўғлиб, ундаги ғалати ҳаяжон безгак хуружига ўхшаб кетарди:

– Тўғри, бу илтимосим наздингизда бемаъниликдан бошқа нарса эмас. Бу табиий ҳол, чунки мени мутлақо танимайсиз. Сизга учраганимга беш дақиқаям бўлгани йўқ. Бироқ сизга шунисиям аёнки, хоинлиги учун сиздан ҳақ оладиган нусхага боғланиб қолганман. Бу ҳол менинг яхши одам эканимни англамаслигиниям тўғри тушунаман. Аммо, келинг, бир дақиқа, фақат бир дақиқа қулоқ солинг. Онт ичаманки, гапни қудуқнинг ипидай чўзмайман... Сиз ҳозир кўрмоқчи бўлаётган кимса ҳеч нарсага, эшитиб қўйинг, ҳеч нарсага арзимаЙди! У қиморбоз, пиёниста ва аблаҳ! У менинг ақлимни олиб, ёшлигимни барбод қилди. Мен бунақа тубан ишлардан юқори тураман ахир.

Шульмейстернинг энди тоқати тоқ бўлиб, мана-ви жиблажибонга лаққа тушганидан ва беҳуда вақт кетказаётганидан афсусда эди. Венд унинг жонига теккан бўлса, бунга нима дахли бор? Шульмейстер уни тушида кўриб қўйибдими? Жувон қайдан келиб қолгани, нимадан юқори ё паст туришини қаёқдан билсин?.. Ана шу ўйларга берилган Шульмейстер

кета қолмоқчи эканини беихтиёр сездириб қўйди шекилли, Доротея унинг бўйнига қаттиқроқ чирмашди. Овози боягиндан баттар ҳаяжонда эди.

– Ўзимнинг бу иқроримдан хижолат чекмайман, зеро, кўрган-билганларимни анави нусхага айтиб бериш мажбурияти менга маъқулмас. У мен берган маълумотларни пуллаб юрибди! Мен мубтало бўлган хавф-хатарлар бадалига ялло қилади. Уни кўрарга кўзим йўқ. Билиб олдимки, сиз дўстларга ёрдамлашасиз ёки душманга қарши курашасиз, аммо ҳар қандай ҳолда ҳам ўз гоингиз, аниқ мақсадингиз бор... Шундаймасми? Қолаверса, шунчалар жасурсизки, мана бутун, танҳо ўзингиз ёвлар ўрдасига мардона кириб бора олдингиз. Ёки мен йўлингизда йўлиқсам, кўрқиб кетарсиз дегандим... Ваҳоланки, ўрнингизда бошқа одам бўлса, изимга тушибди деган хаёлга борарди! Сиз эса парвойи фалак! Сўнгра куппа-кундузи ўзим гувоҳ бўлганимдек, қиёфангизни бутунлай ўзгартириб, мутлақо бошқа одамга айлана олдингиз – қойил!.. Менга «йўқ» деманг, бўптими? Ҳали ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз: жудаям абжирман, зарур бўлганда, кийим-бошимни таниёлмай қоласиз. Сизга қандай маълумот керак бўлса, ҳаммасини топиб бераман... Ҳатто пул тўламасангиз ҳам розиман, сизга ёрдам қилолсам бўлди, менга шунинг ўзи кифоя!..

Бунчалар серҳарорат ўтинчлар Шульмейстерни ҳайратга солибгина қолмасдан, аёл киши қаршисида фикрига жиндайгина шайтон оралай бошлаганди. У хавфсираб қолди: француз кўшинларининг манфаати йўлида манави боши берк кўчага кирди, энди бир балога гирифтор бўлмаса гўргайди. Жиқилдоқ эса елимдай ёпишиб олди. Шу тобда қўйнига кирса-чи? Бугинамас, ўзининг жасорати хусусидаги аёлнинг мақтовлари ножиддий бўлгани устига чиндан ҳам

матонатли одам бўлмиш Шульмейстерни хижолат қилаётганди. Хира пашшадай бемаъни гингиллашдан озод бўлиш учун у кузатувчисининг қўлларидан тутди-да, беозор шапатилаб қўйди ва деди:

– Бўлди, бўлди! Сиз учун хизматим мутлақо нота-нишки, шерик қилайин десам, жа-а тезоб ва қизиққон экансиз-да. Ҳозирча қўя туринг, мавриди билан алоҳида бир гаплашармиз. Шу тобда мен кўришим зарур бўлган одам анави Вендингиз бор-ку, ўша сиз-нинг...

Аёл қўли билан унинг оғзига «кулф» солди: ҳат-то қоп-қоронғи бўлса-да, тил учида турган ўша сўз-ни айтишга йўл бермади, эшитишга истиҳола қилди. Шульмейстер ҳайратга тушди. Доротея уялдими? Шундай аёл-а?..

Шундагина жувон ўзини нарига олди ва қоққан қо-зиқдай туриб қолди.

– Сизга нима керак ўзи? Хизматингиздан фойда-ланишимми? На сизнинг ва на бошқа бировнинг ёр-дамига муҳтож эмасман. Мен билан бирга қолмоқчи-мисиз? Қанақасига? Ахир мен ўзим келгиндиман, бу ерда қолишимнинг сираям иложи йўқ. Агарда қўлга тушмасам, бола-чақамнинг олдига кетаман, улар жуда олисларда йўлимга кўз тикиб ўтиришибди. Ўзингиз-га ойдай равшанки, мени ўз ҳолимга қўйиш ва йўлдан қолдирмаслик керак!.. Венд ва Рульскийнинг, жумла-дан, ўзимнинг ҳаётим ҳам қил устида!..

Шульмейстернинг сўнгги сўзларидан кейин Доро-тея четга ўтиб, унга йўл бўшатди. У деворга қапишиб қолганди, жосус орадан сирғалиб ўтаркан, унинг ши-вирлаши қулоқларига илинди:

– Бари бир гапим – гап! Айтганларим ҳар ҳолда эсингизда турсин ва қачон керак бўлсам, тортинмай келаверинг!

У Шульмейстердан бир қадам ҳам ортда қолмай борарди. Икков тор кўчанинг дўнгликка туташган ниҳоясига етишгач, Доротея пастак ва мўъжаз уйнинг эшиги рўпарасида тўхтади ва деди:

– Кираверинг. У шу ерда.

СОТҚИН БАРИ БИР СОТҚИН-ДА!

Эшик очилди ва Венд остона ҳатлаган икковга ноҳуш назар солди. У узун трубкасини тутатиб ўтирарди. Олдида пиво тўла кружка. Умуман олганда, Венд бетамиз одам бўлиб, ҳамма жойда ўз уйидагидай тал-таярди. Ҳозир ҳам мундирининг олди очиқ, португеласини бўшатиб, қиличини алмисоқдан қолган омонат жавонча устига ташлаганди. Эрталаб Доротея билан у-бу олгани чиқиб, узоқдан Шульмейстерни танитиб қўйди. Кейинроқ эса унга Шульмейстерни топиб, бошлаб келишни буюрганди. (Бу учар аёлнинг жосус қандай кийимда бўлмасин, бари бир таний олишига ишонарди.) Ҳозир эса кўнглидаги худбинлик хуружга келиб, айнан шу иши алам қила бошлаганди.

Нима бало, чўнтагида нақд тилла тангалар жаранглаб турган жосусга қарши Венднинг юрагида пинҳоний бир хусумат туғилдимикан? Бу мутлақо мумкин эди, зеро, бировнинг киссасига қўл солиш бунақалар учун асло айб эмас.

Бироқ у ўзининг қора ниятини сиртига чиқаргани йўқ, аксинча, хушқаломлик билан қаршилаб, оғзидан бол томди:

– Ана! Бу хонимча шунчалар ўтқирки, сизни топиб келишига ишончим комил эди-да.

– Чиндан ҳам ўтқир экан, – гапни қисқа қилди Шульмейстер майин жилмайиб ва мақсадга кўча қолди. – Нафсиламрини айтганда, генерал жанобларга

найрангларим ўтмади ва изимдан қувлаб юришибди. Шак-шубҳасиз, сиз, Рульский ва мен эрталаб бирга бўлганимизни аниқлашади. Сиз фурсатни бой бермасдан, мени сотишингиз, шу билан уларни чалғитишингиз керак.

– Сизни сотиш?

– Худди шундай! Чунки бошқа чора йўқ. Уларга айтасизки, гўё биринчи кўришдаёқ мендан шубҳаланиб қолгансиз. Шу боис изимга тушгансиз ва қўлга олишдан бурун узоқ вақт суҳбатлашгансиз. Бироқ мен кўзингизни шамғалат қилиб, қаёққадир гумдон бўлганимни Худо билади! Шунингдек, олдиндан сезганингиз ва самимиятингизнинг далили сифатида меҳмонхонадаги буюмларимни бош қўмондонга кўрсатишингиз мумкин... Бунинг учун кийиб келган уст-бошларимни, уч пулга арзимайдиган баъзи қоғозларимни «Зумрад дарахт»да қолдираман. Меҳмонхонадаги қарзимни эса, илтимос қиламан, тўлаб қўясиз, жа-а катта пул бўлмайди. Қолаверса, император Франц зоти олийларининг сиздай зобити франциялик душманга боқиманда бўлса, бу ярашмайдиам-да.

– Ўзингиз-чи? – сўради Венд, унинг кўзлари ола-кула эди. – Бу вақтда сиз нима қиласиз?

– Менми? Мен бир неча соат шу ерда бўламан, Доротея хоним бошпана ваъда қилди, ҳамма ёқ сув сепгандай экани ҳақидаги хабарингизни кутиб тураман.

– Ажойиб-ку! Жуда тўғри, излар босилиб, йўллар очилгач, сизга айтаман, ими-жимиди кета қоласиз-да. Аммо менга пул ҳақида айтувдингиз, бир неча кундан сўнг бермоқчи эдингиз..

– Хўш-хўш?

– Ўша гапингиз ростми?..

– Бўлмаса-чи! Фақат унга лойиқ хизмат лозим-да, аввалгисиниям бекорга берганим йўқ эди-ку.

« – Майли-ю... Лекин сиз ўқдай учиб юрасизки, ваъдангиз эсдан чиқмаса дейман-да.

– Мутлақо кўнглингиз тўқ бўлсин, – деди агент, – мен пулларимни ҳеч қачон белимдан қўйган эмасман.

Шульмейстер шундай деб, камарига нўқиб қўйди: унинг бу ҳаракати тилласидан хотиржам ғазначини эслатарди...

Доротея кирган заҳотиёқ эшик ёнидаги деворга суянган, ҳамон қилт этмасди. Унинг бутун вужуди кўзга айланиб, Венднинг юзидаги ҳар бир ифодани синчковлик билан кузатарди. Чоғи, у Венднинг юрагидаги энг яширин сирларни ҳам афт-ангоридан уқиб бўлганди.

Поручик бошқа гапирмади, ўзини ростлаб, мундирининг тугмаларини қадади. Сўнгра камарли белининг гижимларини текислаб, қиличи қўйилган жавонча томонга юрди. У ортига ўгирилиши биланоқ жувон Венд ва Шульмейстер орасига шошди, ўтаётиб, ўз меҳмонининг қўлини маънодор чимчилаб қўйди.

Шульмейстер Доротеядан бунинг сабабини сўрашга улгуролгани йўқ: унинг кўзи Венднинг бужмайиб кетган афтига тушди – поручик тўппонча ўқталиб турарди. Доротеянинг тўсатдан ўртага тушиши туфайлигина ўқ отилмай қолганди.

«Росаям омадим чошиб қоларди-да, – кўнглидан ўтказди Венд. – Аввал чўнтагини қоқлаб, кейин отиб ташлайман ва бош штабда жосусни ўлдирганим билан мақтанавераман! Ажойиб, энг оқилона чора. Башарти сотқинликда айблагудек бўлишса, шубҳали хатти-ҳаракатларимни ўз фойдамга йўйиб, қопқондан осонгина қутуламан!»

Таассуфки, Доротеянинг аралашуви билан тайёр ошга пашша тушди.

– Бу нима қилганинг? – сўради у Венддан. – Ўйинчоғинг ўлгур чўнтагингда туравермайдими? Ҳа-я,

энди ақлим етди: бош штабга кетишдан олдин уни менга қолдирмоқчи бўлгансан-да. Жудаям яхши ўйлабсан! Столга қўя қол, хоҳласанг ўқини оп ташла. Негаки мен билмасдан бировни отиб қўйишим мумкин... Ҳа-а, шундай! Баракалла!.. Энди эса, тўғриси айтсам, сен жаноб Шульмейстердан миннатдор бўлишинг керак эди. Аввало, бугун эрталаб белингга бутун бир хазинани туғиб қўйди. Қолаверса, кечкурун ҳам сенга ишонди, айниқса ҳозирги нонкўрлигингга эътибор берганим йўқ... Фақат шуни унутмагинки, бу ерга энди қадамнингни босма, бефойда! Қорангни кўришга тоқатим қолмади. Мен сени танимайман ва ҳеч қачон таниган эмасман! Кетишинг мумкин... Жўна! Тўрт томонинг қибла!..

Тўппончани столга қўйган Венд ғазабнинг зўридан (балки қўрқувдан) дағ-дағ титрарди. Доротея ундан кўз узгани йўқ ва васваса солаётган қуролни чаққонлик билан қўлига олди. Парвойи фалак Шульмейстер қўлларини чалмаштириб, хоинга тикилиб қолганди.

Венд зарда билан юлқиниб, эшик томон ўтаркан, Доротеянинг овози яна ҳам таҳдидли жаранглади:

– Яхшиликча айтганларимни қулоғингга қуйиб ол, ҳозирги мудҳиш мақсадингга бўлак йўл билан етаман деб хомтама бўлма! Бу сафарча аядим, холос! Асло унутма: меҳмонимга бир гап бўлса, ўзим сени итдай ўлдираман! Қўлимдан ҳар иш келиши ўзингга аён, ёки билмайсанми? Энди йўқол, ифлос!

Аммо Венд чиқиб кетса-да, Доротеянинг кўнгли ўрнига тушгани йўқ. Аёл у қолдирган тўппонча билан қуролланиб, эшикни очди ва боши узра шамни кўтарганича, жин кўча бўйлаб бир неча қадам юрди, Венд даф бўлганига ишонч ҳосил қилгачгина ичкарига қайтди. Ўзини деб жонини гаровга тиккан жувоннинг жасоратидан донг қотган Шульмейстер индамайгина

кузатиб турарди, холос. Унинг саргузаштталаб юраги минг кўйга тушавериб, тошга айланиб кетгандики, бегона ҳислар унга мутлақо дахл қилолмасди, зотан, энг лазиз туйғулари уч нафис хилқатгагина аталган – Берта, Ганс ва Лизбетага. Бироқ тасодифан йўлиққан манави жонфидоликка нисбатан миннатдорчилик лозимми-йўқми?

– Унинг бу яхшилиги эвазига мен нима қила оламан? – сўради жосус ўзидан. – Афсуски, ҳеч нима.

Доротея кўлидаги шамдонни столга кўйди ва ерга боққанча сўз очди:

– Энди, жаноб Карл, бу ерда ортиқ қолишингиз ярамайди. Анави одам ҳар қандай пасткашлиқдан тоймайди, буни аввал ҳам сизга айтувдим. Гарчи устингиздан чақимчилик қилмаган тақдирда ҳам, қай бир хилватда йўлингизни пойлаши ва ортингиздан ханжар солиши ҳеч гап эмас. Манави уй атрофида тун бўйи айланиб, пайт пойламаслигига биров кафил бўлолмайди. Уйлайманки, ҳозир ҳам у олислаб кетмаган.

– Бошқа йўл йўқми?

– Бор. Уни Венд ҳам биледи. Лекин ҳали у ёққа етиб улгурган эмас. Қулоқ солинг: анави жавонча ёнидаги эшиқдан чиқсангиз, тор сўқмоқни топасиз. Эҳтиёт бўлиб бораверинг, ўн қадамча юргач, қалъа деворининг ҳимоя зовури бор, чуқурлиги ўттиз фут келади. Ҳайтовур, соҳил жудаям тик эмас, ҳазир бўлиб тушса бўлаверади. Мен жа-а кўп ўтганман. Аста-секин зовур тубига оёқ кўйгач, салгина ўнг томонга юрсангиз бўлди, қулай жой бор, нариги тарафга осонгина чиқиб оласиз.

– Маъқул! – деди Шутьмейстер ва шляпасини кўлига олди. – Мингдан-минг раҳмат, Доротея! Бу оқшомни ва менга қилган яхшилигингизни умрбод унутмайман... Хоҳласангиз, кўлингизни оп кўяй, дўстона...

– Керакмас! – деди аёл бўғиқ овозда. – Йўқ. Мен хоҳламайман.

– Нега, Доротея?

Доротея ортиқ гапиролмасди. У сокин, беҳарорат, кўллари шалвираган, ерга боққан ҳолда қотиб турарди.

Шульмейстер бир муддат каловланди, у хижолатда, ҳатто жиндай ҳаяжонда эди. Дарҳол аёлнинг қошига борсинми, «нима гап» десинми, миннатдорчиликдан ҳам ўтлироқ муомала қилсинми? Шак-шубҳа йўқки, бу дарёдил нозанин самимияти, ўзгани деб ўз жонини хатарга қўйгани бадалига йигитнинг қалб изҳорига, қайноқ бўсаларига мутлақо ҳақли эди.

Лекин Шульмейстер унга томон қадам босгани йўқ. У нима деганини, нима қилганини ҳам ҳозир ҳис этолмасди, фақат ноаниқ бир овозда билинар-билинемас пичирлади:

– Яхши қолинг, Доротея!

Шульмейстер эшикчани очди ва чиқиб кетди.

Доротея ана шундагина бошини кўтарди: унинг чақноқ кўзлари пинҳона йиғидан қизариб кўринарди.

СОТҚИН ЖОСУСДАН ҚЎРҚИБ КЕТДИ

Шульмейстер Доротеянинг самимияти ва фидойилигидан қанчалар таъсирланган бўлмасин, аёлнинг йўл-йўриқларига лаққа тушишни хоҳламасди. Аввало, унинг феълига хос қатъият шуки, жосус ўзгаларнинг маслаҳатини эшитиб-эшитмасди, бу хусусият аслида унинг касб-кори учун зарур. Қолаверса, шу қиёфаси билан шаҳарнинг ўртасида пайдо бўлса, олдидан талай мушкулотлар чиқиши аниқ.

Хуллас, у Доротея тайинлаган йўлдан қайтгани йўқ ва зовурга ҳам тушмади. Аксинча, дўнглик бўйлаб юриб, яқин йўлга етиб олди ва ундан эски шаҳарга борувчи кўчага чиқди.

Шульмейстер тентираб бораркан, хаёлга чўмди: ҳозиргина содир бўлган воқеадан ютдимми, ютқаздимми? Бундан у ўйлаган режа ахийри чиппакка чиқмайдими?

Ҳа, Венд уни ўлдирмоқчи, пулига эга бўлмоқчи эди. Алқисса, у ниятига етгани йўқ ва энди хундор ганимга айланиши муқаррар.

Қолаверса, шаҳарнинг кўп жойларида уни гримсиз ва кийими ўзгармаган қиёфада кўришган. Меҳмонхонада эса ҳарбий мундирда намоён бўлди. Бундан хулоса шуки, Шульмейстернинг Ульм кўчаларида юриши хавфли, лоақал уст-бошини ўзгартириб олиши зарур.

Венднинг (ва Рульскийнинг) қўлига тушмаслиги, ҳазир бўлиши керак: иккови ҳам уни чақиб қўйиши тайин. У ҳолда Шульмейстер бош қўмондон ҳузурига кира олмайди, негаки сохта Калькнер туфайли Макнинг оғзи бир марта куйган.

– Жин урсин! Қийин кунда қолдим-да!

Аммо шундай бўлса-да, бари бир душманнинг қўнига қўл солди, «ўйин» йўналишини аниқлаб олди. Биринчи уринишдаёқ ўрданинг қоқ марказига ёриб киришни уддалади ва ҳар бир зобитнинг «ичагини санаб» кўрди. Ахир энг муҳим вазифа шу эмасмиди? Буни эплади.

Бирнав эпчиллик ва матонатини ишга солса, олдиндаги қийинчиликларни ҳам ҳар ҳолда енгиб чиқади.

Унга мушкул кўринаётган муаммо гримини ўзгартиришмас, ягона гов Венд билан орадаги ошкора адоват эди. Иккиланиши билан фурсатни бой бериши мумкин Шульмейстер бор куч-қувватини сарфлаши, ўз даҳосини ишга солиши шарт.

Бу мураккаб ўй-хаёллар ниҳоясида жосус қатъий қарорга келди: у синчков меҳмонхоналардан бирига киради, агар сўраб қолишса, иккиланмасдан ўзининг асл исмини айтаверади.

Шульмейстер меҳмонхонага кирибоқ фаришталарча бегубор уйқуга кетди. У ана шундай мириқиб дам олгачгина эртанги ҳамлага ташланмоқчи эди...

Поручик Венд тун бўйи тайёрланиб, тонг отиши билан кундалик ахборот топширгани отланди. Бош штабда у Макга рўпара келди, генерал нотаниш ким биландир қизгин суҳбатга берилиб кетганди.

Бегона одам афт-ангори ва юриш-туришидан қишлоқи бир сўтакка ўхшаса-да, нигоҳи муғомбирона, гап-сўзи милтиқнинг ўқидай эди. Бироқ қаттиқ газабга ботган, тутоқиб гапираётганди. Генерал унинг гапларига ошкора хайрихоҳлик билан қулоқ соларкан, бу маълумотларнинг ўта муҳимлигини ҳис этиб, жони кириб борарди. У ўз разведкачисини кўрди ва дарҳол чақирди:

– Келинг, поручик, кела қолинг! Ахир манави кишининг хабари сизниям мендан камроқ қизиқтирмайди. Сиз бу одамни танийсизми?

– Йўқ, генерал, мутлақо танимайман.

– Карл Шульмейстер деганлари шу киши-да.

Башарти момақалди роқ сочлари орасида гумбурлаб, оёғидан яшин урганда ҳам, Венд бунчалар ўзини йўқотмасди. У хушомадли кулганича, башарасида бетайин бир ифода қотиб қолди. Венд бармоқларини чаккасига тегизиб, ҳарбийча саломлашди, аммо қўли кўтарилган; панжалари очилган кўйи серрайиб тураверди, Шульмейстерга боққан кўзлари телбанамо эди.

– Сизга нима бўлди, поручик? Афтингиз алламбало тусга кирди-я! Бундан чиқдики, Шульмейстер исми сизга танишмиди?

– Билдим, демак, поручик ўша сохта Шульмейстер билан кўришган! – таъкидлади сўтак қишлоқи. – Генерал жаноблари, ижозатингиз билан бир гапни

сўрасам: мабодо кеча бу кишиникида менинг номимни ва пулларимни ўзлаштирган бадкор кимса меҳмон бўлмадимикан? У гўё қўлингиздаги зобитлардан истаганини сотиб олиши ва бош штабга кириб боравериши ҳақида жа-а мақтаниб гапирганди. Бундан ташқари, Бонапартнинг асл режаларидан сизни чалғитмоқчи бўлиб юрувди.

– Тушуняписизми, Шультейстер сиздан гап сўради? – деди бош қўмондон ўз зобитининг ҳаяжон босган афтига синовчан тикилиб.

– Унинг гапларини эшитдим, бироқ яхши тушунганим йўқ.

– Куни кеча шубҳали бир шахс муайян таклиф билан сизга учраган эмасми?.. Мен бундай бўлмагандир деган фикрга мойилман, негаки бу хусусда менга айтганингиз йўқ эди. Қани, гапиринг-чи: бирор хизмат эвазига пул таклиф этишдимми-йўқми?

– Йўқ, мутлақо йўқ! – дарҳол эътироз билдирди Венд.

– Демак, кеча ўзини Шультейстер деб таништирган шахс билан кўришмагансиз?.. Унинг ҳарбий кенгаш аъзолари ҳузурига киришига ва уст-бошини алмаштиришига ёрдамлашмадингиз, шундайми?

– Йўқ! Йўқ! Булар бари ёлғон!

– Ёнингиздаги зобитлардан битта-яримтаси шундай қилиши мумкинми? Ким?

– Унақа зобитни билмайман, генерал! Онт ичиб айтаманки...

– Қасамхўрликнинг ҳожати йўқ, поручик, мен сизга ишонаман. Аммо шуни тушунишни истардимки, мана бу ҳалол-пок инсоннинг исми сизни нега бунчалик довдиратиб қўйди?

Венд оз-моз ўзини тутиб, ақл-ҳуши жойига кела бошлаганди. У манави ҳолатнинг оқибати нима бўли-

шини билмаса-да, ўткирлигини ишга солиб, вазиятдан чиқиш умидида эди.

– Менга Шульмейстер номи анчадан буён таниш, – сўз бошлади у. – Аммо ҳанузгача кўрган эмасдим. Яна шуниям билардимки, у энг беназир ва ишончли агентлардан бўлиб, ҳатто сиздай қўмондонга ҳам манзур. Фақат мен бу одамнинг қиёфаси манавинақа бўлишини хаёлимга сиғдиролмасдим... Шу боис гангиб қолдим-да.

– Мен ҳақимдаги самимиятингиз учун ташаккур, поручик. Биров сенинг номингни сотиб юрса, бу жудаям нохуш эканини тушунинг-да!.. Ё Парвардигори олам! Эй Худо, ўша кимса қўлимга тушсайди!..

– Хуллас, – деди Мак, – Шульмейстерни мен ҳам кўрганим йўқ эди, хат орқали танирдим, холос. Унинг айтишича, собиқ разведкачиларидан бири аввал пулини ўмарган, сўнгра Шульмейстер номи сотиб, Ульмда ўғринча пайдо бўлган. Бу киши французларнинг режалари хусусида бизни ўша каззоб янглиштирдимикан деган хавотирда. Мен бугун ҳақиқий Шульмейстер келтирган маълумотлар билан кечагина ўзим гувоҳ бўлган гапларни шунчаки таққослаб кўрдим. Демак, сиз айна масалада ҳеч нима дея олмайсиз, шунақами, поручик? Сиз разведка хизматининг раҳбари сифатида буни билишингиз керак эди. Аммо билмайсиз, тўғрими?

– Зобитлик номусим ҳаққи онт ичаман!

– Яхши!

Мак бошқа гапиргани йўқ. Энди анави қишлоқи башарага келсак, у ҳам сукутда, лекин унинг кўзларига боққан жирканч товламачи ўзи устидан чиқарилган маънавий ҳукми яшин тезлигида уқди: «Аблаҳ!»

Бироқ мана шу бақалоқ кечаги Шульмейстернинг айнан ўзи эканини Венд қаёқдан билсин? Ахир рўпа-

расидаги сўтакнинг юзини офтоб олган, ёноқлари қирмизи, сочлари канопга ўхшайди, оёқлари омовдай, қўллари қип-қизил. (У тор енгларини бармоқларининг учигача тортиб олганди.) Кечқурунги одам буткул бўлакча: афт-ангори заҳил, сочлари қизғимтир бўлиб, оёғи чиллакдай, қўллари оппоқ эди-да.

Поручик бир четда қараб қолди: бош қўмондон Страсбургдан келган доғули билан яна анчагина сўзлашди, ҳатто бир нарсаларни ёзиб ҳам олди. Венд уларнинг бирорта сўзини эшитгани йўқ.

Агар мана бу одам ҳақиқий Шульмейстер бўлса, кечаги кунгача олдига похол солган қаллоб ким бўлди? Доротеяни йўлдан уриб, ўзини ҳайдатган ҳам ўша, кейин икков поручикнинг устидан ҳузур билан кулишгандир...

Генерал Мак сўраб-суриштириб, ёзадиганини ёзиб бўлиб, кабинетдан чиқиб кетгач, аввал шерик, бугун эса душманга айланган икки киши холи қолишди. Ана энди Венд бу гаройиб суратли зотни синчиклаб кўздан кечира бошлади.

У бемалол кўриб олиши мумкин эди, чунки бегона кимса унга яқинлашиб, офтоб тиғига ўтди. Венд ҳарчанд тикилмасин, унинг сиёқидан кечаги рақибига ўхшагудек лоақал бирорта чизиқни тополмасди.

Зотан, Шульмейстерга қойил қолмасликнинг иложи йўқ: у гримни, соч-соқол ва уст-бошларини ҳам мутлақо ўзгартириб ташлаганди. У нафақат кекса бош қўмондонни, ҳатто учига чиққан разведкачини ҳам гўл қила олди. Шульмейстер эҳтиёткорликка зўр бериб, қиёфасидан ташқари, хатти-ҳаракати ва овозигача янгилаворганди.

Бу «ўйин»да ютуқ Шульмейстерники, албатта. Ўз бошлиғи олдида Шульмейстер билан алоқаси борлигидан тонган Венднинг жиноятини исботлашдан осо-

ни йўқ, бинобарин, унинг жони франциялик жосунинг қўлида. Энди уни бир калака қилиб, хумордан чиқса-чи?..

Шульмейстер «сен ҳам одаммисан?» дегандай битта-битта юриб келди-да, Вендга бақрайиб тикилди. Тўсатдан Венднинг эси оғаёзди: қишлоқининг гўштдор қирмизи ёноқлари бехосдан ялпайиб, ранги ўча бошлади. Дўмбоқ ва кип-қизил қўлларининг бирданига эти қочиб, оқариб қолди.

Бу ақл бовар қилмас илми ғайб томошаси бўлиб, Венднинг кўз ўнгидаги нотаниш кимса тамоман бошқа одамга айланарди. Унинг юзи ўзгараркан, бўлак белгиларини ҳам таниб бўлмасди. Қишлоқининг товоқдай башарасидаги қисик кўзлари энди чақиндай чақнаб, ўқрайиб қарар, ҳатто кўрқинчли кўринаётганди. Бу «ижод»нинг сўнгги саҳифалари яна ҳам қизиқ бўлди: сўтак оғзига қўл тиқиб, лунжидан бир жуфт йирик золдир олди, ёноқлари ўша соққалар билан гўштдор кўриниб турганди. Кейин бурнини танқайтирган пахтали тиқинларни чиқариб, сўл қўли билан бошидаги ясама сочини сидирди. Хуллас, ўша онда Венднинг кўз олдида кечқурун ўзи ўлдирмоқчи бўлган таниш қиёфа намоён бўлди. У ҳамон сукутда эса-да, лекин авзойи аввалгичалик лоқайд ва анқов эмас, аксинча, таҳдидли эди.

Венд уни бир уриб, айюҳаннос билан қочмоқчи ва ҳам уни фош этиб, ҳам ўз ваҳимасини ошкор қилмоқчи эди. Бироқ Шульмейстер унинг елкасига акаларча шапатилаш билан бу қутқуга барҳам берди ва шунчалар гулдурос овоз билан кулиб юбордики, кўҳна Ульм қалъаси бинога келганидан бери бундай қаҳқаҳани кўрган эмасди.

– Бу ердагиларнинг томи кетиброқ қолганга ўхшайди-да! – деди у хушчақчақ эҳтиёткорлик билан.
– Генералларнинг махфий кенгаши бутунлай бего-

налар иштирокида ўтади, кечагина апоқ-чапоқ дўстлар эртасига бир-бирини танимайди. Бутун дунёдаги алламбалолардан бохабар агентлар эса ўз уйидаги аҳволдан бехабар.

У сўнгги жумлани шунинг учун айтдики, Венднинг рақобати рашкнинг оқибати эмасмикан? Шундай шубҳага борган Карл жиддий шама қилди:

– Самимий туйғуларга асосланган ҳар қандай бадкорликдан кўз юмиш мумкин. Сиз мутлақо янглишяпсиз, Венд жаноблари, кеча мени ҳузурингизга бошлаб кирган ойимқизни йўлдан урганим йўқ. Эҳтимолки, маъқул муомалада бўлганингизда, у сизни ташлаб, менинг хизматимга ўтишни хаёлигаям келтирмасди. Ахир мен уни мафтун эта олувчи Адонис¹ бўлмасам. Сизнинг менга қасд қилишингиз қанчалар кўрнамаклик бўлса, шунчалар аҳмоқликдир. Энди кўлингиздан нима келади? Ўзингизни-ўзингиз қишанлаб қўйдингиз, сиздан кўрқадиган жойим йўқ: бир оғиз сўзим билан адойи тамом қила оламан. Биз ҳозир шундай одамлар даврасидамизки, улар вазифасига кўра жосус сифатида мени отиб ўлдириши, сотқинлигингиз учун сизни дорга тортиши зарур. Жим, қадам товушлари эшитиляпти... Улар иккимизни юзлаштириши, кечаги ва бугунги маълумотларни таққослаб, тўғри-нотўғрилигини солиштириши мумкин. Сизнинг феъли бадингиздан хулоса чиқариб, ўзим нима қилишимни яхши ўйлаб олганман. Сизни батафсил огоҳлантириб қўйдим, а? Шунақа бўлсин! Ҳа-я, бир оғиз гапни унутибман: билмасангиз, билиб қўйинг, пул худди ўша жойида турибди! – Шмельмейстер Венднинг ичини кўйдириб, қорнига ишора қилди.

¹ Адонис – финикияликлар тасаввуридаги ўсимлик ва ҳосил илоҳи, юнон афсоналарида эса бенуқсон баҳодир йигит бўлиб, маъбуда Афродитанинг ошиғи.

Аmmo Венд гурбатда қолди, нима қилишга боши қотди. Шульмейстер эса лип этиб хонанинг тўрига ўтди-да, бир лаҳзада гримини «таъмирлаб», Мак кўрган суратга кирди.

Эшик очилганда жосуснинг афт-ангори тагин товоқдай бўлиб, муғомбир қиёфада эди. Дераза олдида қаққайган поручикнинг миясида эса ягона савол: «Нима қилсам бўларкин?»

Мак эрцгерцог Фердинанд ва фельдмаршал Кленани бошлаб кирди.

– Мен айтган одам мана шу! – Шульмейстерга имо қилди бош қўмондон. – Буниси жаноб Венд, ўзингиз яхши танийсиз. Мен сўроқ қилдим, сиз ҳам суриштириб кўринг. Башарти бу бири-бирига зид маълумотлар мени янглиштираётган бўлса ва сиз ҳам муайян хулосага кела олмасангиз, у ёғи кенгашга ҳавола: генераллар нима дейишса, мен ўшанга рози бўлавераман.

Сўнг сўроқ бошланди.

САРСОНЛИК – САРГАРДОНЛИК

Бу пайтда Доротея нима қилаётганди? Кечаги меҳмони жуда ҳам яқин жойда экани унинг хаёлига ҳам келмасди...

У ўзини гарибу мискин ҳис этиб, ич-этини ерди. Айниқса, кўз олдида юксалиб, қаҳрамонга айланган одам дил изҳорини қабул этмагани қаттиқ алам қиларди. Агар Шульмейстер унинг ёш юрагини рад этган экан, демак, ўзига муносиб маъшуқа ҳисобламагани тайин.

Доротея ўз-ўзига савол берди:

– Хўш, не сабабдан унга мос эмасман? Анави Венд деган ифлоснинг тўшагида бўлганим учунми? Ахир уни итдай беҳурмат қилиб ҳайдаб солмадимми? Оқланиш ва покланиш учун шутина кифоямасми?

Зеро, у ёш ва гўзал эди. Унча-мунча йигитга қутку сола олишини ўзи ҳам биларди. Кўнгли сув ичган ҳар қандай эркак қармоғига илинишига ишончи комил. Бироқ айни хусусда Шульмейстер «исёнкор» бўлиб чиқди. У ўзини бағишламоқчи ва маслакдошига айлантирмоқчи бўлган киши терс қараб кетворди! Доротея қатъий қарорга келди:

– Мен унга кераклигимни, наф етказа олишимни кўрсатаман! Ҳа, ҳа, буни амалда исботлаб бераман!

Яна режа ва ғоялар безгакдай хуружга келиб, Доротея тун бўйи кўз юмгани йўқ. Аммо чарчаб мизғиши биланоқ ваҳима босиб, кейин даҳшатга айланди. У яна Венднинг қўғирчоғи бўлишдан қўрқарди. Ҳайтовур, эрталаб уйғонгач, хийла енгил тортиб қувониб ҳам олди: тунда Венд бу тарафга яқин йўламаган ва хонадонига дахл қилмаган эди.

У тез орада Шульмейстер билан яна кўришажагидан бари бир умидвор ҳолда кўчага чиқибоқ ўша одамга нафи тегадиган маълумотларни ҳар қадамида излайверди. Аммо у эҳтиёткорлик юзасидан поручик билан учрашув манзилларига, унинг уйи атрофига яқинлашгани йўқ. Бир сўз билан айтганда, Доротея хуфёна хабар ахтариб, ўзини танитмай ҳамма-ҳаммани кузата оларди...

У хаёл уммониغا шунчалар ғарқ бўлгандики, тижорат майдонидаги қалтис ғивир-ғивирнинг сабабини ҳам аранг пайқади. У аниқ нима гаплигини билмас-да, шаҳарда қандайдир янгилик содир бўлганини тушунди. Шундай экан, уйда ўтиргандан кўра, дайдигани маъқулроқ-да.

У кеча Шульмейстерга ўзи кўрсатган эшиқдан чиқди ва ўт-ўланга тирмашиб юриб, зовурнинг нариги тарафига ўтиб олди. Тез орада кимсасиз бир қишлоққа етиб, жиндай тўхтади ва зулмат қўйнидаги теваракка

разм солди. Доротея ақл-хушини ўғирлаган бетимсол хожасига ёқиш ва қалбига кириш истагида ёнса-да, ҳозир қаёққа йўл олишни билмасди.

Бу кеча унинг Шультмейстерга маъқул келадиган маълумот топиши амри маҳол. Бироқ ҳеч қачон алдамай келган ғойибона сезги Доротеяни Дунайнинг сўл соҳилидаги яқин қишлоққа чорлаб турарди: масофа бир вёрстагина, холос.

У худди ўша тарафга – Вертинген томонга йўл олди. Аммо йўллар бўйида қаторлашган постларга илинмаслик учун экинзорлар оралаб юриши, говлардан, деворлардан ошиши лозим. Австрия дивизиясининг чодирлари катта ҳудудни банд этгандики, Доротея уларга йўлиқишни асло истамасди. Бу дивизия бевосита эрцгерцог Фердинандга бўйсунувчи йирик корпуснинг бир бўлаги бўлиб, Ульм ортига жойлашганди. Қора ўрмон тарафга санокли соқчилар қўйилганди. Қўмондонларнинг фикрича, дивизиянинг қўналғаси жуда қулайлиги туфайли ҳар қандай ҳужумдан бемалол ҳимояланиш мумкин. Бу ишончга лаққа тушган ўн минг аскар бамайлихотир уйқуни уриб, ширин тушлар кўриб ётарди. Шундоққина тумшуғи остидан сиёҳпўш аёл ўтиб кетгани ва ўзларига мағлубият келтириш ғаразида экани бирор жангчининг хобига кирдимикан?

Доротея узоқ сарсон-саргардонликдан сўнг Вертингенга элтувчи ўқдай йўлга тушиб олган бўлса-да, нишабликдаги кузатув постининг рўпарасидан чиқиб келганди. У девдай аргумоқ ва чавандозни кечикиброқ пайқади: сергак соқчининг назарига тушиб бўлганди.

Қоровулнинг босиқ сўрови эшитилди:

– Wer – da?¹

¹ Ким у келаётган. (Немисча).

на Доротея бир сакраб қоронғиликка ўтди. У қочиб қутулмоқчи эди. Елкадан олинган милтиқнинг шарақлаши уни тўхташга ва ерга ётишга мажбур қилди, тусмоллаб отилган ўқ оловли из қолдириб, аллақаяққа учди. Доротея ноилож ўрнидан турди, йўл ёқасидаги соқчи томонга бораверди. Лекин унга жуда яқинлашмасдан, эҳтиёт шарт бир неча қадам берида тўхтади ва тап тортмай чинқирди:

– Нима бало, жинни-пинни бўлганмисиз? Сизларнинг дастингиздан энди ишга бориш ёки уйга қайтиш ҳам мумкин эмасми?

Даргазаб суворий ҳам бўш келмади:

– Нега сўроққа жавоб бермадингиз? Кимсиз ўзи? Қаёққа кетяпсиз?

– Шаҳардан келяпман, Вертингенга қайтдим. Бўлдими?

– Тўрт томонинг қибла, тезроқ йўқол!

– Ташаккур...

Шунинг устига чошиб келаётган аскарларнинг оёқ товуши яқинлашарди: улар ўқ отилганидан безовталаниб, сабабини аниқлашга ошиқардилар. Доротеянинг эса бундай тўқнашувга зинҳор кўзи учиб турмагани боис, энкайганича қочаверди. Салдан сўнг у ҳозиргина ўтган йўлдан от туёқларининг тарақлаши ва гала-говур эшитилди. Кейин ҳамма ёқ жимиб қолди.

Доротея яна дарё томонга разм солди: чироқлар энди биттамас, анчагина кўпайгандай кўринарди. Ўрмон билан қопланган тоғ ёнбағридаги фонарлар дам олға борар, дам ортига тисариларди. Бу ўша ерга катта миқдордаги қўшин тўпланганига далолат, албатта. Австриялик соқчилар йўловчи аёлни ўққа тутгунча (Доротея зўрға қутулди улардан), анави душман билан шуғуллансалар бўлмасмикан?

Кутилмаганда ҳамма чироқлар бирданига сўнди. Икки-учтагина нурли нуқта қолди. Уларнинг ораси

жуда олис бўлиб, афтидан ҳар бир ёруғлик биттадан қўналга марказидан ўрин олганди.

Чамаси гулханлар теварагидаги қўшинлар энди тўла-тўкис жойлашиб бўлиб, австрияликлар каби уй-куга ётишди ва тонг билан яна йўлга тушадилар.

Доротея қишлоқдаги дастлабки уйлар томон қадмини тезлатди. Қимирлаган одамзод йўқ. Деразалар қоп-қора, ҳовлилар бўм-бўш. Ҳатто итлар ҳам ҳурмасди.

Тунги соат ўн бирга яқинлашди.

Ўрмонга элтувчи йўл ниҳоясида биргина хонадоннинг эшиги очиқ. Уй олдидаги шотиси осмонга қанқайган отсиз арава гўё қўлини кўтариб ибодат қилаётган одамга ўхшайди. Эшик кесакисига тирсаги билан суянган бўйчан одамнинг тахлити кўринди, у хаёлчан ҳолда тамаки тутатарди.

Майсазордан овоз чиқармаслик учун мушукдай юриб бораётган Доротеянинг унга кўзи тушди-ю, таққа тўхтаб қолди. Ҳалиги одам ҳам унга разм сола бошлади ва хаёли бўлинди: бир неча дақиқа аввал отилган ўқ фикри-зикрини банд этганди. У тун қўйнида пайдо бўлган шахснинг (афтидан аёл киши экани аниқ) кимлигини ўйларкан, қўнғироқдай овоз жаранглади:

– Тақсир, менга жиндай похол билан бир парча жой берсангиз, эрталабгача дам олиб, кейин ўз йўлимга кетаверардим.

– Мен ҳам йўловчиман, – жавоб берди остонадаги нотаниш киши. – Уй бўш экан, оилам билан тунашга тўхтагандик. Сизниям ихтиёрингиз ўзингизда, мен сизга эшикни на очоламан, на ёполаман.

Доротея яқинлашаркан, бегона одам ундан ўзини четга олиб, коридорга кирди. Эҳтиётан кичкина фонарни қўлига олди ва аёлнинг юзини ёритиб, аёлнинг ўзига ва ҳамроҳларига хатарнок эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

Доротея ҳам ёруғда унга назар солди: юз-кўзи жиддий, сочлари оппоқ, елкаси кенг, қўллари бақувват, озгин киши... Тасодифан уй эгаси бўлиб қолган «мезбон» сўлдаги эшикка ишора қилди:

– Бу тараф банд, аммо нариги томондаги хона бўш, кўрпа-тўшак ҳам тахт, бемалол дам олаверасиз. Чамамда, душман бостириб келаётганини кўргач, уй эгалари яқин орада қочиб кетишган шекилли.

– Демак, ёв шу атрофдами?

Бўйчан қария индамасдан қўли билан ишора қилди: у Доротея боягинда эътибор берган чироқлар томонни – тоғ ўрмонини кўрсатарди.

– Бундан чиқдики, сиз французлардан кўрқмас экансиз-да? – сўради аёл.

– Ие, ўзингиз-чи? – эътироз қилди у. – Ҳатто сизнинг уларда ишингиз ҳам бордирки, ўшаққа кетяпсиз-да, шунақами?

– Меними? Мен билганимча йўқ эди...

Доротея гапини тугатолмади: эшик оҳистагина очилиб, остонада бир қошиқ сув билан ютгудай сулув аёл пайдо бўлди.

Ёпирай, мазкур учрашувда сирли оламнинг қай синоати яширин?.. Бу шунчаки тасодифми, ёхуд курраи замин мавжудотларини ўз хоҳиш-иродасидан ташқари тасарруф этгувчи муқаррар қонуниятнинг амалда намоён бўлишими?

Эҳтимол, у қисмат китобидаги азал котибларининг ўчмас битигидир: зеро, ушбу номада одамзод учун амри маҳол висол ва ҳижронни, учрашиш ва айрилишни йўқдан бор қилувчи зотнинг иродаси муҳрланганди.

Билъакс болтадан тоймас, эркаклардай шаддод аёл Худо фақат ишқу вафо учун яратган гулдай нафис санамга рўпара бўлармиди?

Венднинг дангалчи ва ўзбилармон собиқ ҳамтовоғи, эндиликда Шульмейстернинг ҳаётидан ўрин топмоққа ва тўшагидан жой олмоққа аҳд қилган хотин олдида Шульмейстернинг қонуний жуфти ҳалолли турарди!

Ҳа, бу Берта эди. Лекин бу уйга қаёқдан келиб қолди? Бунга бирор воқеа, кўнгилсизлик ё қандайдир интилиш сабаб бўлдимикан?

Нафсиламрини айтганда, оффенбурглик тўрт қочоқ ногоҳоний кўргиликлар қўлидаги қўғирчоқ бўлиб қолишганди. Улар мутлақо бехатар кулбани тарк этиб, алалоқибат бу нохушликларга мубтало бўлдилар.

Биринчи куни кечки пайт тоғлар ўртасидаги Генбахда араванинг йўли тўсилганди. Эртасидан эса ҳаммани босган ваҳима уларга ҳам «юқди». Бунинг сабаби – Мюратнинг суворий кўшинлари Қора ўрмондаги дефилеларда гужгон ўйнаётгани ҳақидаги миш-мишлар эди.

Бу гапни эшитгач, тўртовлон Оппенауга, ундан Фрейденштадтга етиб олишга ошиқдилар. Йўлда улар дастлабки немис полкларига тўқнашдилар. Ҳарбий чегара ҳудудларига тааллуқли шафқатсиз фармонлар уларни ҳам барча қатори янада олис-олисларга, хавфсиз жойларга қочишга мажбур қиларди.

Тўртовнинг кайфияти тўрт хил: Родек тақдирига лаънат ўқиса, лабларини чўччайтирган митти Лизбета хандон отиб куларди. Қизча ўзининг паккасига айланган араванинг бир бурчида ётиб олса ҳам, бола-ларча ўнғайсиз, аммо ёқимли талпиниши билан йўл четидаги кечки чечакларни узар, чехраси ўша-ўша: тетик ва гулдай қирмизи эди.

Сўлгин ва ғамгин Берта мавҳум ниманингдир ташвишига асира бўлиб, хаёлга ғарқ. У қандай бўлмасин, эрини топишга жазм қилган, у томонга қушдай

учиб боради ва этагидан маҳкам тутганича умрбод қўйиб юбормайди!

Фақат Гансгина (Берта уни Жан деб атарди) бу юртма-юрт саргардонликдан хушҳол, янги-янги уфқлар очилаётганидан мамнун. Болакай одамларга ва атрофга ёшликка хос ҳаяжон билан назар солиб борарди. (Бунда манзара ва қиёфалар хотирада узоқ сақланмаса-да, рангин кўринишлар қалбни қувнатарди.) Унинг навқирон кўзларига адир – тоғдай, сой – дарёдай, гулдаста – гулзордай, дарахтзор – поёнсиз ўрмондай кўринаётганди. Ўткинчилар, ҳатто тирикчилик ташвишлари билан кетаётган қашшоқлар Ганснинг нигоҳида ё қаҳрамон, ё ўғри, ёки қотил, ёки халоскорга айланарди...

У йўлга чиққанларида олдинда пиёдалаб юрган-ди, ўзига қўйиб берсалар, дунёнинг нариги бошигача ҳам яёв кетгудай чоғи бор. Ҳар замонда оёғига дам бериш учунгина аравага ўтирарди. Ганс учраган ҳар бир аскарни обдан кўриб олиш учун тўхтар ва ёшига хос бўлмаса-да, ўта жиддий қиёфада ҳамма ҳарбийларни эътибор билан кузатиб, мундирларига, қурол-аслаҳаларига, бош ва оёқ кийимларига синчков назар соларди. Бу «машғулот» туфайли у орқада қолиб кетарди, Берта бақирришга ва койишга мажбур бўларди. Ана шундагина Ганс «Берта она» қошига чошиб, гуноҳкорона жилмайганича, унинг бағрига бош қўярди. Бироқ йўлда саф-саф жангчилар кўринса бас, яна ўз билганидан қолмасди.

Аждодлар руҳи авлодлар сиймосида мангу яшамоғи муқаррар! Неча асрлар ўтганида ҳам ўша боқий руҳ фарзандларни, неvara-чевараларни – ҳамма-ни боболар, бобокалонлар ўтган йўлга, уларнинг шон-шавкатига чорлайверади. Айтиш мумкинки, оталардан ўғиллар томирига қуйиладиган улуғларнинг

тоза қони азим дарёнинг долғаларидир, бинобарин аждодлар қолдирган тарихий юк ёшлар зиммасига ўтади. Бу шарафли меросдан сулоланинг ҳар бир вакили ўз навбатида улушдор бўлади, албатта.

Айтмоқчимизки, Ганс аскарлар сафига болакай бўлиб эмас, гўё Жан Бурбон, яъни кимсан шаҳзода Конде нигоҳи билан шоҳона назар соларди!..

Хуллас калом, Родек ва ҳамроҳлари йўл юрдилар йўл юрсалар ҳам мўл юрдилар ва ахийри Ульм истеҳкоми бўсағасидаги постларга етиб келишди. Сайёҳларимиз йўлидан французлар ҳужумга ўтаётгани учун, генерал Мак барча ноҳарбийларни ҳайдаб, ўёқдаги йўлни бўшатиш ҳақида буйруқ берганди. Бунинг натижасида шаҳарга етиб олиш учун қўшинлар жойлаштирилган жуда катта ҳудудни батамом айланиб ўтиш лозим бўларди.

Берта, Родек ва икки норасида ана шундай қийинчиликлар билан нотаниш қишлоқ остонасига етиб келганларида кун ботганди. Улар эгалари кўчиб кетган фермада тўхташди. Зотан, энди сафарни давом эттиргандан кўра шу ерда тунаб, эртага йўлга чиққан маъқул эди.

БЕРТА ВА ДОРОТЕЯ

Бу ўта ажабланарли ва ақл бовар қилмайдиган ҳол бўлса-да, жуда кўп ҳаётий мисоллар билан исботланган: яқинига йўлашга ҳам арзимайдиган шахсларга кўпинча хайрихоҳлик билан муносабатда бўламиз илтифот кўрсатамиз. Бунақа вазиятларда саркаш кўнгил истакларимизга бўйсунмайди ва қандайдир гойибона кудрат душманамиз бўлган кишини ё баднамс одамни ёқтиришга даъват этади.

Алқисса, покдомонлик беҳаёликка марҳамат қилса, фаҳш эзгуликка ошиқади. Ориятли аёллар «ана

винақа» жувонларга меҳр кўрсатсалар-да, бу ҳавас ва муҳаббатдан эмас, шунчаки ачиниш, холос. Покдомон, номусли хонимларга иззат ила таъзим бажо этувчи беор, бети қотган беҳаёлларнинг кўпини кўргансиз. Аммо уларнинг ниятида хўжакўрсинга ўзгаларни алдашгинамас, фурсатдан фойдаланиб, ўз виждонига тасалли бериш орзуси ҳам бор...

Доротея Бертани аввал таниган эмас, ҳозир ҳам дурустроқ назар сололгани йўқ, аммо уни яхши кўриб қолди. У остонадаги аёлга индамай тикилганича нима деярини билмасди. Бертанинг маъсума кўзларига боқиб, Доротеянинг йиглаворгиси келарди.

Бертага ҳам унинг хушбичим чеҳраси, чақноқ ва мафтункор кўзлари маъқул тушганди. Тупканинг тагидаги овлоқ қишлоқда ярим тун маҳали одми ва топ-тоза либосли, кўринишидан бамаъни жувоннинг пайдо бўлиши Бертага илоҳий марҳаматдай туюлди. Агар ҳовлиқмароқ бўлганда борми, ўзи ётган хонани хушҳоллик билан очиб, дарҳол ичкарига бошларди...

Шу пайт қия эшиқдан боланинг инграгани эшитилди. Берта ўгирилиб, қулоқ солди. Доротея олға томонга талпинди. Ичкаридаги овоз тингач, Шулмейстернинг хотини яна бегона аёлга разм солди, икков гўё маслақдошга айланиб, деярли ёнма-ён бўлиб қолишганди. Доротея сўради:

– Болаларингизми?

– Ҳа.

– Роса қийналишгандир? Ҳар ҳолда ухлаб қолишдими?

– Нимасини айтасиз? Ана, ётишибди, кўра қолинг. Доротея ичкарига қадам қўйди.

Родек унга ҳамон олазарақ қараганича, ҳар бир сўзига қулоқ солиб турарди. Нотаниш аёлдан Берта ва кичкинтойларга зиён-заҳмат етмаслигига ишонч

ҳосил қилгачгина ташқарига чиқиб, эшик олдидаги постини эгаллади. Салгинада иккала жувон тил топишиб, юзма-юз ўтириб олдилар. Уларнинг ёнидаги кенг ўринда ечинтирмай ётқизилган болалар уйқуни уришарди.

– Ульмгача ҳали узоқми? – сўради Берта.

– Йўқ, мен бу ёққа кечқурун тўққизларга яқин жўнагандим... Энди ярим тун бўлди, холос. Хуллас, унчалик узоқмас.

– Кечаси ёлғиз юргани кўрқмайсизми? Қаёқларга кетаётувдингиз?

– Шу ерга – Вертингенга-да. Дарвоқе, сиз бу қишлоқнинг номини билмайсиз, а?

– Қаёқдан билайин? Биз етиб келганимизда сўраб-суриштирадиган ҳеч ким йўқ эди. Лаънати уруш ҳаммани уйдан қувиб солди. Албатта бу ерда ота-онангиз, яқинларингиз бордир-да, шунақами?

– Яқинларим?..

– Улар ҳақида ташвишланиб келдингизми?

– Менми? Нега?

– Ахир ярим кечада манавинақа саргашта бўлиб юришларингиз?..

– Бе-е, хавотир олганим йўқ. Аммо миш-мишлар кўпайиб, ўз кўзим билан кўриб, кўнглимни тинчитиш учун...

– Кечирасиз, суриштиравериб бошингизни оғритвордим... отингиз нима?

– Доротея. Сизники-чи?

– Берта.

– Эшик тагидаги киши отангизми?

– Йўқ, эримнинг дўсти.

– Шунақами? Демак, турмушга чиққанмисиз?

Саёқ ва эркакшода аёл шундай деб, болалар ухлаётган ўринга сўник назар солди.

ш. – Мабодо дам олмоқчи бўлсангиз, бемалол ётаверинг, – деди у. – Мен чарчаганимча йўқ, сизларга пойдоқчилик қиламан.

м. – Э-э, қўйинг! – жавоб берди Берта. – Ухлайдиган кайфиятда эмасман. Кўзимни юмишим билан даҳшатли қиёфалар кўринаверади. Сиз-чи? Сиз нега ухламайсиз?

– Менми? Манави ширинтой бояқишлар ёнида-я? Сиз бедор ўтирганда, мен ухлаб ётаманми? Асло, ётолмайман!..

– Уй-жойингиз Ульмдами?

– Ҳа, – жавоб қайтарди Доротея.

– У ерда кўпчиликни танийсизми?

– Жудаям кўпчиликни.

– Айтишларича, аскарлар тиқилиб кетганмиш, шунақами?

– Асти қўяверасиз! Шу тобда уларнинг сони шаҳар аҳлидан ҳам кўпроқ. Тепаликлар теварагида, айниқса тоққа қараган томонда, истехком ва қўналгаларда бутун бир қўшин жойлашиб олган.

– Қаранг-а! Мабодо сиз бир кишини... Эсим курсин, мен нега сўраяпман, сиз уни қаёқдан ҳам билардингиз? Тасаввур қилинг, битта одам бор эди-да... У ҳам мен каби Страсбург шаҳридан. Ульмга кетганига ўн икки кун бўп қолди. Агарда уни кўрган бўлсангиз ва менга бирор хабарини айтолсангиз, заб иш бўларди-да!

– Ким у? Қандай одам ўзи?

– Табиийки, у зобит эмас, нега десангиз Франциядан келган. Оддийгина шаҳарлик, юриш-туриши, уст-боши содда. Жа-а бўйчан бўлмаса-да, гавдали, сочлари тилларанг, малла десаям бўлаверади. Кўзлари қоп-қора ва чақноқ...

Ранги қув ўчган Доротея унга бақрайиб қолганди. Рўпарасидаги аёлнинг салмоқлаб ва ийманибги-

на айтган ҳар бир сўзи ва у таърифлаган кимсанин белгилари қулоғига қўрғошиндай қуйилиб бўлганди Кечагина ўзини рад қилиб, уйини тарк этган киши Доротеянинг кўз олдига келди. Берта тасвирлагани сайин бу ўхшашлик кучая бориб, аёлнинг юрагиде мавҳум ва кутилмаган ғараз уйғонди. Соҳибжамол рақибасига қарши васваса бошланиб, унга зулм қил гиси, оромига раҳна солгиси келарди.

Уйқудаги икки фарзанди бошида парвона ва бедој ўтирган она сўраётган шахс Шультмейстерми-йўқми Мана шу маъсума, фариштадай ҳалим бир аёл ўш ойни бенарвон урадиган бесўнақайнинг хотини бўлиши мумкинми?

Йўқ! Карлнинг айтишича, унинг оиласи жуда-жуд олисда эди. Илоннинг оғзидаги луқмани юлиб оладиган ўшандай одам узоқлардаги бола-чақаси ўзини қидириб келаётганини билмас эканми? Айтганча, манави аёл айнан Шультмейстерни кўзда тутди деб гумон қилиш ҳам ақлдан эмас. Қолаверса, малласоч в. қўйкўз одам ёруғ дунёда биргина ўшами?

Доротеянинг афтидаги ногоҳоний ўзгаришда Берта ҳайрон: ахир унинг юзи бир дақиқа олдингигасло ўхшамасди-да. Табассум ва бегуборликдан асај ҳам йўқ. Унинг чеҳраси энди совуқ, бефарқ ва сўни кўриниб, ҳатто захарли бир ифода зуҳур этарди.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг, – ахийри тилга кирди Доротея, – саволингизга жавоб бериш жуда мушкул-да негаки сиз ўша одамнинг қиёфасини аниқ тасвирлаганингиз йўқ. Мен уни учратган бўлишим эҳтимолдан холи эмас, аммо бирибир тасдиқлай олмайман Ҳа-я, балки унинг исмини айта қоларсиз?

– Ҳаққим йўқ, унинг номини ошкор этолмайман Иннайкейин, ҳозир исмини ўзгартирган бўлишиям мумкин.

– Ўзгартирган дейсизми? Бирор сабаби борми?

– Ким билсин? Балки таниб қолмасликлари учундир.

– Гап бу ёқда денг? – деди Доротея совуққонлик билан, у энди ҳақиқатнинг тагига етишга жазм қилди: – Демак, сиз айтган шахс маълум сабабга кўра Ульмда ўзини танитмаслиги зарур экан-да. Шунга қарамай мен уни учратишим мумкинлигини тахмин қиласизки... Бунчалар сўраб-суриштиришингиздан тушунапманки, у сизга жудаям азиз, энг яқин кишингиз, шундайми? Эҳтимол акангиз ёки сизнинг...

– Бўлар иш бўлди, энди айта қоламан: у менинг эрим бўлади.

– Албатта... Тушунаман... Лекин ҳамон отини айтганингиз йўқ, буни билмай туриб, сизга нима дея оламан?

Берта жавоб беришдан аввал атрофга олазарак жавдираб олди: ўзини бағоят махфий сирни очаётгандай сезса-да, Доротеянинг ортиқ ҳаяжони боис ундан фойдали бир гап чиқишидан умидвор эди.

Берта нотаниш аёлга яқинлашиб, сирли исмни ошкор этишга оғиз жуфтлар экан, Доротеянинг юзида акс этиб турган ички тугённи пайқагани ҳам йўқ.

Кўққисдан эшитилган енгил гивир-шивирдан хушёр тортган Берта каравот томонга ўтирилди-ю, кўрқувдан тошдай қотиб қолди.

Ганс тўшагида тик туриб олганди ва қўл силтаб, кўзга кўринмас мавҳум бир ёвга таҳдид қиларди, чақчайган кўзлари деворга боққан. Лекин ҳеч кимни кўрмасди: на бирваракайига «дик» этиб кўзғолган навниҳол икки аёл, на фонардаги пиликнинг липиллаши унинг диққатини тортолмасди.

Демак, туш кўряпти... Ганс қатъий ва бир меъёрда сўзга тушди: «...»

– Вақт ганимат, Берта она! Сен Лизбетани бағрингга олиб, Родек билан дарҳол кетишинг зарур. Мен эса Карл дадамни топиб, ўлимдан асраб қолмасам иложи йўқ. Ахир... мени энди ундан жудо этишмоқчи!.. Уни ўлдирмоққа қасд қилишган!

Берта унга томон отилиб, чинқириб юборди:

– Нималар деяпсан, болажоним?

Болакай бемажол ҳолда аёлнинг бағрига қулади. Сўнгра кўзларини очди ва уни таниб, жилмайди:

– Ёмон туш кўрдим: аскарлар бизни ўраб олишган, асир эмишмиз... Бу қанақаси? Айт-чи, бу хоним ким?

– У кишигаям шу уйдан бошпана топилди.

– Танишингми?

– Йўқ, аммо исмини билиб олдим. У биз бормоқчи бўлган шаҳардан кепти.

Ганс у томонга бир дам ишонқирамай қараб қолди ва сўради:

– Бу хотин устимизга ҳарбийларни бошлаб келмаслиги аниқми?..

Доротея эса ҳеч нимани кўрмасди ва эшитмасди. Ганс «Карл дадам» дегандаёқ унинг юраги ўйнаб қолганди. Энди ҳаммаси ойдай равшан: «Карл дадам» деганлари ҳам, Берта юрак ютиб излаётган шахс ҳам худди Карл Шульмейстернинг ўзгинаси. Шубҳасиз, олдидаги аёл ўзини рад этган ўша ношукурнинг хотини, ёнидагилар эса унинг болалари! Бу учовлон Шульмейстерни шунчалар севадими? Билъакс жанг-жадал қайнаган не-не юртлардан ўтиб, шу ергача ахтариб келармиди? Модомики шундай шерюрак, садоқатли рафиқаси, манави жажоки фарзандлари бор экан, уларнинг муҳаббати Шульмейстер юрагини бирор лаҳза тарк этмаслиги ҳам аниқ-да!

Алам хуружидаги Доротея кўнглининг тубида тикланган омонат иморат кунпаякун бўлганини ҳис

этиб турарди... Сўнги соатларда у тақдир қўлидаги ўйинчоқ бўлиш кулфатидан қутулиш умидида яшадди. Венднинг номардлиги ва аблаҳлиги жон-жонидан ўтгандики, ўйламай-нетмай шаҳардан бош олиб чиққанди.

Мана, ҳеч қанча юрмасданоқ боши тошга тегди, юрагига эса «шаҳзодаси»нинг бутун бир оиласи ханжардай санчилди.

Доротея ўйга ботди: хотини, ўғли ва қизиям бор! Булар – бутун бир давлатки, Шульмейстерга етар одам йўқ. У хавфли топшириқ йўлида ана шундай жаннатмонанд оилани тарк этишга жасорат топа олганини қаранг! Бу қанақа одам ўзи? Дейлик, у енгилтак, бузуқи инсон эмас: нафсининг сўзига киргани йўқ, Доротеядек соҳибжамолни бағрига олишдай лаззатдан воз кеча билди-ку! Ваҳоланки, аёл унинг бўйнига осилиб, ўлай деб турувди. Демак, Шульмейстер матонатда беназир, ҳаммадан кўра бурчни юқори кўяди...

Доротеянинг миясида гўё бўрон бошланди-да, палла-партиш фикрлари остин-устин бўлиб кетди. Юраги тез-тез тепаётгани кулоқларига эшитилаётгандай эди...

Энди нима қилсин? Қандай тўхтамга келсин? Кимнинг хизматига борсин?

Ана шу саволлар ва уларнинг жавобигина унинг келгуси йўлини ёрита бошлади: «Йўқ ва яна йўқ! Ўлсам ўламанки, асло Вендга хизмат қилмайман!» – у қатъий қарорга келганди.

Бу Шульмейстерга хизмат қилмоқ аҳди эмасми? Унинг ишончини қозониш йўлидаги илк қадами суюкли оиласи ҳақида агентга хабар етказиш бўлса-чи? Ҳа, Доротея лоақал шунга қодир-ку!..

Яхши ният ўша дамдаёқ қалбини забт этди. Халқнинг йўлдан озган бир қизи поклик кўчасига қайтди, лекин буни ўзи пайқагани йўқ. Ўз қайғусини енгил-

латиш учун бирор қадам босмади. Яхши бир одамга садоқат туйғуси унинг борлигини банд қилди, зеро, Доротея бир ифлосдан жирканарди. Шу тобда бежавоб ишқдан умиди бўлмаса-да, Вендга нисбатан қалбидаги нафратга содиқ қолганди.

Энди иккиланиш йўқ! У ўзини фақат эзгуликка бағишлайди, вассалом!

Доротеянинг ақл-ҳуши ўзига келаркан, унинг кўзлари кўриб, қулоқлари ҳам эшита бошлаганди!

Дарвоқе, ҳалитдан бери хонада не ишлар ўтди?

Уйқуси бузилган иккала бола даҳшат билан эшикка боққан, Берта уларни бағрига босган... Ташқарида сўкинаётган Родекнинг тажанг овози, кимнингдир бўғиқ жавоби, отлар туёғи, дупур-дупур... Курол-аслаҳаларнинг шарақлаши, жаранглаши... Демак ҳарбийлар шу ерда!

Доротея баланд овозда сўради:

– Нима гап ўзи?

– Яна немис аскарлари изғиган ҳудудга кириб қолибмиз-да, – деди Берта. – Тагин яқин йўл бу ёқда туриб, узоқ-узоқларни айланадиганга ўхшаймиз...

Аскарлардан бир нечтаси остонадаги Родекни итариб ташлади ва булар ётган хонанинг эшигида тўхтади. Ганс Бертанинг бағридан сакраб ерга тушди. У онасининг ҳимоясига чоғланган йигит қиёфасида олға ўтди. Доротея эшик сари ошиқди, эшикни ташқаридан милтиқ қўндоғи билан гурсиллата бошлашди.

– Эшикни очиб уларни кўриб қўйган маъқул, – деди у ичида қатъият билан ва калитни солди, лекин бурашга улгургани йўқ: австриялик уч гренадёр эшикни бузиб кирди. Йўлида ҳеч қандай говга учрамаган учала давангир шиддат билан ваҳимадаги аёллар ва болаларни босиб кетаёзди. Доротея тап тортмай уларга рўпара бўлди ва дангал савол берди:

– Сизларга нима керак? Командирингиз бўлмиш зобит қаёқда? Мен ундан сўрамоқчиман: аскарларнинг тунаши учун бўлак жойлар етарли бўлгани ҳолда, аёллар ва болалар ётоғига нега тажовуз қиласизлар?

Унтер-зобит унга ўдагайлай кетди:

– Бас қилинг, ойимқиз! Қишлоқни эгаллаш буюрилган, тамом-вассалом!

– Бошлиқ қайда?

– Бошлиқ – ўзимман.

– Ёлғон!

– Гап қайтарма! – тутоқди унтер.

– Айтиб қўяй, сиз нари борса, взводга командир-сиз, холос. Капитан қаёқда?

– Ие, Венд хоним, ўзларими?

Бу савол чексиз ҳайрат ва катта эҳтиром билан айтилди ва эшикдан рота командири бўлмиш келишган бир йигит кириб келди. Шаънига шу маломатли номни тақиб қўйишганини эшитиб, Доротея ўзини шармисор сизди ва лоладай қизариб кетди... Ганс онаси томонга ярим ўтирилиб, маънодор қараб қўйди. Гўё: «Кўрдингми? Ахир мен айтувдим-ку, бу хотин анавиларнинг шериги», – дерди.

– Бу ёққа қайси шамол учирди, соҳибжамол Доротея? – давом этди зобит йигит. – Дарвоқе, тушунаман: махфий хизмат! Шунақа-да, а? Майли, айтманг, айтишнинг керагиям йўқ. Бироқ мен сизнинг бу ерда ортиқ қолишингизга йўл қўя олмайман! Бир киши, унинг кимлиги ўзингизга аён, бош штабга хабар бериб, душман ҳақида алданганини айтибди ва французлар нариги тарафдан эмас, шу ердан ҳужум қилишини аниқлабди. Энди тушундингизми? Тонг отиши билан катта хунрезлик бошланадики, аёлларнинг ундан нари тургани маъқул. Манави жонон билан

биргамисиз? Бунчалар гўзал! Оббо, ҳали болалариям борми? Шу кам эди ўзи...

Бошлиқни кўрган жангчилар бир четга саф тортишди. Бўсағадаги сержант қад ростлаб, буйруққа мунтазир эди. Командир унга юзланди:

– Венд хонимни Вертингендан соғ-саломат кузатиб қўйилсин, йўлини ҳеч ким тўсмасин! Башарти унинг кетишига экипаж топилгудай бўлса, айтинг, бирорта аскар отни бошқариб борсин. Дарвоқе, ташқарида кичикроқ арава турувди, балки ўшандан фойдаланарсизлар. Хайр, гўзал қиз! Поручигингизга мендан салом!

Шульмейстернинг ғанимларидан бўлмиш зобитнинг бунчалар беписанд ва беистиҳола муомаласини Доротея қаттиқ ҳақорат деб билди. Бу шармисорликнинг Берта ҳузурида содир бўлиши дард устига чипқон эди. Венднинг ҳамтовоғи айтган ҳар бир сўз Бертанинг наздида Доротеянинг обрўсини уч пул қиларди...

Бироқ Берта ўзи билан ўзи овора: энди нима бўлади, болаларнинг тақдири не кечади?

Фақат Ганс ҳушёр: нотаниш хотиннинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатарди. У аёлни кўрган дамдаёқ «душман» деган фикрга келиб бўлганди. Доротея эса унинг болаларча нигоҳига эътибор бергани йўқ эди. У обдан ўйлаб кўриб, капитаннинг таклифи ўринли эканини, бундан бўлак чораси ҳам йўқлигини англади ва зудлик билан Ульмга қайта қолишга қарор қилди. Негаки эрталаб Шульмейстерни топиши ва немис қўшинларининг ҳаракатидан уни хабардор қилиши мумкин-да.

Доротея ҳеч кимга ҳеч нима демади, ўғрилардай писиб, ташқарига чиқиб кетди.

РОДЕКНИ ХЎРЛАШДИ, ГАНС ҚОЧИБ ҚУТУЛДИ

Франсуа Родек қаҳри қайнаганидан бўғилиб қолганди.

Аввало, анавилар ўта қўрс муомала қилиб, дағаллик билан туртишди. Ваҳоланки, қария хонадонда аёллар ва болалар ётганини, бинобарин, аскарларга жой йўқлигини унтер-зобитга беозор тушунтирмоқчи эди, холос.

Кейин қўндоқлар билан уриб, коридор бурчагига суриб боришди-да, ўғирдай келадиган қуйма темирга қўлидан боғлаб қўйишди. Қария тикланишга ҳам, ўтиришга ҳам иложсиз вазиятда азобланиб, қишлоққа хужумнинг оқибатини ўйларди. Шу аснода икки жангчининг байталини етаклаб чиқаётганига кўзи тушди. Олис йўлда тинка-мадори қуриб бўлган шўрлик отга бўйинтуруқни кийгизиб, аравага қўшдилар.

Ана шундан сўнг бояги саёқ аёлни иззат-икром билан ўриндиққа таклиф этишди. (Йўл бўйи бу жойда Берта иккала бола билан ўтириб келганди.) Бир жангчи отга қамчи босди, арава йўлга тушди. Родек тутоқиб ҳайқирди:

– Ўғри! Талончи! Армия деганлари шуми? Шулар аскар эканми? Асло! Қароқчилар галаси, ор-номусли хонимларни таҳқирлаб, беномус ж...ларни бошига кўтаради. Булар ҳалол одамларни занжирбанд қилиб, ўрмондаги йўлтўсарлардай бор-будини тортиб олади. Бу галада жангчиларга бош бўлишга арзийдиган бир-рортаям жўмард зобит йўқки, қанийди, лоақал ўшанинг юзига тик боқиб, «сен томтешарлар раҳнамоси экансан» дея олсам.

Кекса шуан захрини сочиб, ҳоврини босишга шунчалик берилиб кетгандики, ҳатто французчалаб сўки-

наётганини ҳам пайқамасди. Бўш хоналарга кириб, ухлашга ҳозирланаётган жангчилар дарғазаб чолнинг жаврашини масхаралаб кулардилар, аммо унинг ҳақоратларидан бирорта сўзни тушунганлари йўқ.

Лекин буни тушунган ягона одам ҳам йўқ эмасди. Доротейни кузатгач, ёш капитан гўзал жувоннинг ёнига қайтиб кирди: унинг шамшоддай қадди-қоматига суқланиб боқаркан, Родекнинг ҳар бир сўзини илиб олаётганди.

– Дарҳол оғзингизни юминг! – ўшқирди у соф француз тилида. – Билъакс, сизни оттирмайман-да, оғзингизга латта тиқиб, ертўлага қаматиб қўяман! Билдингизми-йўқми?

– Тақсир! – деди Родек бирнав ростланиб. – Одамларингиз худди жиноятчига қилгандай муомалада бўлишмоқда. Улар менинг от-аравамни тортиб олиб, анави аёлга бериб юбордилар! Буни нима деса бўлади ахир?

– Хўш, манави уй сизникимиди?

– Йўқ. Лекин бўш бўлгани учунгина кирдик, аёл киши бор эди, болалари билан ҳордиқ чиқармаса иложи йўқ.

– Уларни кўрдим. Бироқ эгаси йўқ уйга меҳмон сифатида тушгансиз, бир неча соатгина турасиз, шундайми?

– Албатта.

– Бўпти-да. От-аравангизниям вақтинча олдим, холос. Эрта билан қайтиб келади, ўзингизга топшираман. Хўш, яна нима керак?

– Мени дорга тортиладиган ўғридай чилвирбанд қилишларига чидолмайман. Агар ўлдирмоқчи бўлсангиз, дарҳол ўлдириб ташласинлар, аммо бундай ҳолда яшашни сираям хоҳламайман.

Қариянинг қаҳрли ва титроқ овозида ҳам, чақноқ кўзларида ҳам мардона шижоат бор эдики, зобит бир тўлқинланиб олди.

– Башарти банддан бўшатсак, қочиб кетмайсизми? Қўлимдаги аскарларнинг хавфсизлиги йўлида нимаики талабим бўлса, барига итоат қиласизми? Онт ичинг, озод этишади.

– Худонинг номини ўртага қўйиб онт ичаман! Ҳеч қаёққа қочиб кетмайман. Ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайман! Бошқа гапим йўқ. Бу ёғи ўзингизга ҳавола.

– Жуда соз! – бош ирғади капитан ва унинг имоси билан сержантлардан бири чолнинг қўлларини бўшатди...

Эркин нафас олган Родекдан уч қадам наридаги эшик ортида унинг ҳимоясига муҳтож заифа билан норасидалар ётишибди. Эшик қия бўлиб, уни яқингинада ичкаридан, айнан ичкаридан очишгани аниқ. Тирқишдан термулиб турган бир жуфт митти кўзни қария пайқади, албатта.

Бу кўзлар! Водариғо!.. Родек бу нигоҳни минглаб кўзлар орасида ҳам танийди, асло янглишмайди! Бурбонлар, шахзода Конде ана шундай боқарди. Ёки содароқ айтганда, бу «Жаннинг кўзлари» эди.

Ичкаридан у қарагани сайин, коридордаги мўйсафид ҳам ундан кўз узгани йўқ. Ўша нигоҳлар нелар деганди? Буниси уни қандай фаҳмлади? Биз айни «сухбатга» кейинроқ қайтамиз...

Рост, Родек қочмасликка Худонинг номи билан онт ичди, бироқ ўзга мазлумларни қутқармасликка эмас. У «бошқа гапим йўқ» деворди, лекин «фикрламайман, ақлимни ишлатмайман» дегани йўқ. Родекнинг олисуфққа биргина нигоҳ ташлаб ҳам аниқ-тиниқ тафаккур қилмоғи мутлақо осон эди.

Тақдир ҳозиргина бошига солган таҳқир ва ҳақорат унга гайриоддий таъсир қилиб, ўйларини остин-устин қилиб юборди. Шу ҳодиса туфайли австрияликларга бўлган нафрат қалбида қайтадан тугён кўтарди,

айни чоғда французлар жон-жаҳонига етказган оғриқ ва азоблар унутилди.

Родек аламзада ўйларга ботди: манави қўллар жанг учун яратилганди, немислар уни ўлимга маҳкум қароқчидай арқонлашди. Уришди, хўрлашди, оппоқ сочларини ҳақоратлашди, ғазабланса масхара қилишди, зўрлик билан қасамхўрга айлантирдилар. Бу зулмлар бари унинг юрагидаги мудроқ ватан ҳиссини уйғотди. Французлар ҳам қон тўкадилар, душманни ўлдирадилар, бироқ таҳқирламайдилар...

Родек жангга кирган замонларда асирлар устидан қулф солиб, эшик ёнига соқчи қўйишарди ёки қатл этишарди. Бу жазолар ҳам фақат хоинларга нисбатан қўлланган, лекин бари бир тутқуннинг шаъни оёқос-ти қилинган эмас.

Гапнинг пўсткаллеси шуки, аламзадалиқда ватанини тарк этган шуан яна ўз Франциясининг фарзандига айланганди.

Шу тобда унинг кўнглидан шу ердан қўл узатса етгудай тоғдаги ватандошларининг, жондош оғаларининг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлиги ўтиб хавотирланди. Уларнинг азиз жонига кўз тиккан ганим ҳақида хабар етказиш зарур – бу мўйсафид шуаннинг қалб амри эди.

У кўзлари билан сўзлар экан, жанговар азми ижросида мурғак болакай мададкор бўлажаги ҳаёлига ҳам келмаганди...

Уйдаги гала-говур босилиб, дақиқалар ўтгач, қия эшик аста-секин кенгая бошлади. Постларни кўздан кечириб қайтаётган капитаннинг шпорлари жаранглаган маҳали бу ҳаракат тўхтади. Зобит йигитнинг қадамлари тиниши биланоқ эшик ланг очилди ва ими-жимидида оҳиста ёпилди.

Башарти кимдир ана шу хонага назар солгудай бўлса, фақат соҳибжамол жувонни кўрарди. Олис йўл

толиқтирган бу шўрлик жажоки қизалоқни оғушига олганича оромкурсида ухлаб қолган.

Яқинда ҳам унинг ёнида ётган бола эса йўқ, гойиб бўлганди.

Пиллапоя остида ёнбошлаган Родек гужанак бўлиб олган. Болакайнинг қушдай енгил ва нозик тахлити аскарлар оралаб шарпасиз ўтаркан, у юрагини ҳовучлаганича қараб ётди ва унинг омон-эсон гойиб бўлишини ҳаяжону кўз ёшлари билан кузатиб қолди.

ЖОСУС ҚАЛТИС СИНОВДА

Ҳаётдаги арзимас тасодифлар оқибати ҳам тарихий воқеаларга айланиши мумкин, бунинг мисоллари талайгина. Боссюэ¹ замонидан буён одатки, аҳли олам бир дона қумдан ҳам ҳазир бўлиши зарур, зеро ўша ҳам бутун башариятни йўлдан оздириши эҳтимолдан холи эмас. Шунчаки ният эса буюк империянинг тақдирини ҳал қила олади. Ёки жанг майдонида муқаррар бўлиб қолган ғалаба кутилмаганда мағлубият билан яқунланиши ҳам бор гап. Бунинг сабаби ҳам шунчаки тасодиф: тусмоллаб отилган ўқ қўмондонни ҳалок қилган. Бир дона чириган тахта буюк бир кошонани кунпаякун этишига не дейсиз?..

1803 йил эди. Наполеоннинг бағоят ўткир ҳарбий ҳийласи бесамар кетишига ва қарийб қуршовга тушган душманнинг панд бериб қочишига бир баҳя қолди. Сабаби жуда оддий: донаувертлик бир аллоф сули сотмоқчи эди, бироқ у қўйган баланд баҳони харидор кўтармади ва дон сотилгани йўқ.

Ўша деҳқон Ульм шаҳрига иш билан келган бўлиб, ўз ғалласидан бир халта намуни чўнтагига солиб

¹ Боссюэ Жак Бенинь (1627 – 1704) – француз адиби, дин арбоби, епископ.

олганди. Еттинчи октябрь куни бозорда Австрия кавалерияси учун озуқа олаётган интендантлик хизмати агентларига донини таклиф қилди. Ҳарбий харидорлар кўпинча қисиб қўядиган оддий фуқаролар ҳам сулини кўришди. Лекин на уларга ва на буларга деҳқоннинг нархи маъқул келмади. Алалоқибат, донфурушнинг жаҳли чиқди ва беҳуда шунча йўл босганидан армон қилди. Унингча, агар урушни бошлаб қўйиб, қўшин учун зарур товарларнинг баҳосини кўтариш кўзда тутилмаган экан, бундан ғаллакорларга кони зарар. Армия ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа ўтиб далаларни пайҳонлаб турган маҳалда ҳосилни улақдан ҳимоялаш осон эмас. Ғаллакор меҳнати қадрламас экан, улар қандай тирикчилик қилади?

Бироқ гап шундаки, деҳқон сулига отасининг ҳунигача қўшиб сўраганди. Харидорлардан бири унги тушунтиришга уринди:

– Аввало маҳсулот сиз қўйган баҳога арзийдига даражада зўр эмас, дони енгил ва ўта узун. Шунис ҳам борки, омбордаги ғаллангиз манави намунага ўшайдими-йўқми? Ҳар ҳолда бир ярим баробар қиммат айтяпсиз.

– Ҳа-а! Шунақа денг?

– Шунақа-да. Бозордаги ўртача нархдан ҳам баланд.

– Негаки буларнинг дони яроқсиз.

– Яроқсизми-йўқми, бари бир сотиб туришибди. Бунақада сулингиз касодга учрайди. Бўлди энди, учдан бирига камайтиринг, ўзим оламан.

– Йўқ, юз марта сўраганингиздаям йўқ! Менга французлар дуруст, яхши пул тўлашаркан...

Аллоф намуна халтачани киссасига жойлаб, гўё кетяётган қиёфага кирди. Харидор унинг енгидан тутди:

– Сиз французларга сотасизми?
– Бўлмаса-чи!
– Сиз уларни аллазамонларда кўргандирсиз?
– Ҳа-а, жудаям аллазамонда!.. Ахир икки кунгина бўлди холос: юз той пичан ва ўн тўрва сули сотдим.

– Донаувертдами?

– Албатта.

– Улар кўпчилик эдими?

– Тўғрисини айтсам, ҳеч нарсани билмайман. Кўзимнинг кўргани карабин таққан уч юзтача отлик бўлди. Назаримда уларни драгунлар дейишади. Бу суворийлар Дунайнинг ўнг соҳилида кетма-кет сафланиб юришганди. Мен уларнинг каттакони билан байлашгандим, у истараси иссиқ ёш йигит бўлиб, кўзни оладиган тилла тангаларни нақд тўлади. Бор гап шу.

– Шунга икки кун бўлдимми?

– Бўлмаса-чи! Бугун 7 октябрь, демак, 5 октябрь куни эди. Буни ҳисоб-китоб дафтарим тасдиқлашим мумкин.

– Кетмай туринг! Мен ҳозир келаман...

Ғаллафуруш ҳайрону лол, негаки савдолашаётган харидор сал наридаги зобитлар томонга ошиқди ва икки-учтасига куйиб-пишиб гап уқтира бошлади. Сўнгра улар деҳқоннинг олдига келиб, шундай назар солишдики, у ўнғайсизланиб кетди.

– Жаноби олийлари, – деди харидор, – ҳозирги гапни мана шу одамдан эшитдим.

«Жаноби олийлари» эса капитан Рульскийнинг ўзгинаси эди.

Яна сўроқ-савол бошланди, билиб-билмай пўк сўзлаган аллоф оғзидан илинганди. Хуллас, у бир неча соат бош штабда қоладиган бўлди. Ҳарбий кенгашда жанговар зобитлар уни обдан ўртага олишди.

Ғаллафуруш ҳикоясини учинчи бор такрорлаб, шаҳарнинг кунчиқар тарафидаги яқин бир мавзеда

француз суворийларига сули сотганини оқизмай-томизмай айтиб берди. Кенгаш аҳлига французларнинг режаси ҳалигача ўзгармаган, улар дарё ёқалаб Вертингенга келиши аён бўлди.

Кенгаш раиси деҳқонга бир қараб олди-да, буюрди – Капитан Венд ва агент Шульмейстерни дарҳол оп киринг!

Эрталаб юзлаштирилгач, бош штабда ушлаб турилган икки ҳамтовоқ оёқлари ерга тегизмай олиб кирилди.

Венд ёлланиб, Шульмейстердан пул олган, бинобарин, унинг чилдирмасига ўйнашга мажбур ва у нима деган бўлса, ҳаммасини тасдиқлаганди. Натижада генерал Мак қўл остидаги барча қўмондонлари устида мутлақо голиб бўлганди. Ахир разведка хизматининг бошлиғи билан агентнинг гапи бир ердан чиққанди-да. Аммо, бу яна не ҳолки, анави деҳқон бошлаган можаронинг касрига ўлган илоннинг боши қайтадан қўзғолмоқда?

– Икковингиз қулоқ солинг, – деди эрцгерцог Фердинанд, – Дунайнинг ўнг тарафида, яъни бизнинг ортимизда французларнинг кавалерия корпуси бемалол сайр қилиб юрибди, бу – аниқ. Нега билмагансиз? Жавоб беринг!

Венд тол баргидай титраб, нажот истагандай Шульмейстерга ўгирила бошлади.

– Эй капитан, думингизни ликиллатманг! – ўшқирди Кленау кўрслик билан. – Дангалини айтинг: сиз тўплаган маълумотлар анави одамнинг гапларига муносибми-йўқми? Бу найрангбозлик! Аниқ ишловчи разведка хизмати эмиш! Ёв ичкарида изғиб юраркан лоақал шундан бохабар бўлишингиз зарур эди-ку!

Венд аблаҳ бўлса-да, аҳмоқ эмасди. Унинг ақли етди: агар ўзини қарийб исботланган воқеликни бил-

насликка олса, ҳаммаси тамом, бундан ҳеч бир наф ўрмайди ва келажагини ҳам бой беради...

– Бу гапда жон бор, жаноби олийлари, – аста тила кирди Венд. – Мендаги маълумотларда чиндан ҳам деҳқон таъкидлаган мавзеда душман разведкачилари борлиги тасдиқланар эди...

– Нега эрталаб бу ҳақда оғиз очмадингиз? Нега?

– Негаки таъкидланган душман миқдор жиҳатидан қанчалигини аниқлай олмовдим ва ўйловдимки...

Иелашиш уни гиппа бўғди:

– Сиз бутун бошли армияни кўришингиз керакмиди? Ўшандагина суворийлар корпусини авангард деб ҳисоблайсизми? Мана энди бизни қопқонга илинтириб ўтирибсиз!

Янги шумхабар ва генералларининг дабдала кайфияти боис тарвузи қўлтигидан тушган Мак нажот умидида эркатой агентига ўгирилиб, Иелашишнинг сўзини бўлди:

– Сиз-чи, сиз билармидингиз?

– Мен бундан бошқа гапларниям биламан, жаноби олийлари, – жавоб қайтарди Шульмейстер.

Ҳамма генералларнинг нигоҳи унга қадалди.

– Хўш, айтинг-чи?

– Бонапарт Париждан чиқиб, қўшинлари томон йўл олиши биланоқ Францияда аксилинқилобий кучлар бош кўтарганди. Ўшанда инглиз кемалари Гаврга келди ва коалицияга ошқора қўшилган Пруссия қиролига ёрдам берди. Генерал Кинмейерга қўшилишни ёхуд унга қарши жангга киришни истамаган Бавария қўшинлари Аусбургга четланиб олганди, бироқ уларга шарқдан руслар, шимолдан прусслар мушт ўқталиб турибди. Галлафуруш кўрган француз суворийлари генераллар Бернадот ва Мармон қўмондонлигидаги икки корпуснинг қолган-қутган олқиндиси,

холос. Булар немислар ва уларнинг иттифоқчиларидан қаттиқ тепки еб, Францияга қуён бўлиш йўлини излаб юрган. Ульмнинг истехкоми қочоқлар йўлини тақа-тақ ёпади-қўяди. Аммо мен шуни ҳам биламанки, французлар тумтарақай бўлса-да, орасида жангларда тобланган ва тажрибали полклар анчагина бор, улар зиён-заҳмат етказиб қўйиши мумкин. Менимча, Дунайнинг чап тарафига ўтиб, бир неча жойда ана шуларнинг йўлини тўсиб қўйилса, оқилона иш бўлар эди. Лекин Қора ўрмон тарафга ҳазир бўлиш ҳам зарур... Жаноби олийлари, маслаҳат беришга журъат қилганим учун афв этинг. Француз разведкачилари масаласига келсак, капитан Венднинг мулоҳазасини мутлақо маъқуллайман. Лекин бу муаммо бош оғритишга арзимаydi деб ўйлайман.

Яна генерал Макнинг кўчасида байрам! Бош қўмондон жуда-жуда яйраб кетди, чунки мутлақ ишонч билан баён этилган бу янгиликлар унинг нуқтаи назари айна ҳақиқат эканини тўла-тўкис исботлаб қўйганди.

Бироқ фельдмаршал Кленауни ишонтириш осонмас, у ўша ондаёқ айғоқчига синовчан боқди:

– Бу гапларингизга тишга босгудай далил борми? Таажуб, атиги бир кун ичида бунча маълумот қаёқдан олинди? Нега энди дарҳол айта қолмовдингиз?

– Хабарларимнинг ҳаққонийлигига жонимни кафил қилдим, зеро ўша жон ҳозир сизнинг қўлингизда, жаноби олийлари. Ё буни кам дейсизми? Бугунгача бош қўмондонга фақат ҳақиқатни етказар эканман, айтинг-чи, бирортаси учун ёзма кафолатнома берибманми? Йўқ! Ҳаётимни хавф остига қўйиб, фронт чизигидан кесиб ўтдим. Бу ерга келиб, ишониш-ишонмаслигингиз мавҳум бўлса-да, кўрган-билганларимнинг барини тўкиб солдим. Бугун эрталаб қўлимда бўлмаган янгиликларни махфий манбадан яқинда-

гина олдим. Лекин ўша хуфия манба ёлғиз ўзимга маълумки, манави даврада ошкор этолмайман, бунга ҳаққим йўқ! Мен сизларга айтдим – бурчимни бажардим. Бошқа бир оғиз ҳам гапим йўқ...

Корҳол ана шунда содир бўлди: Шульмейстер ўзи ҳам пайқамай қолганди, тилини тишлагач, ваҳима босиб, юраги увишди. Жосус сезгани йўқ: у сўнгги жумлани ирод қиларкан, худди сохта интендантнинг овозида гапириб юборди. Бу гал ҳам фельдмаршал Кленау хушёр, бошқалардан кўра хотираси зўр: шартта ўрнидан турди-да, лўппи юзи қип-қизил деҳқон томонга яқинлашаверди. Унинг қошлари чимирилган, кўзлари тешиб юборгудай ўқрайган: кечаги сохта Калькнерга ўхшаш ақалли бирор чизгини Шульмейстердан топишга уринарди.

Орадаги масофа қисқаргунча, Шульмейстер оний ҳайрат ва жиндай эсанкирашдан ўзига келди-да, армон қилди: «Қургурей, қаердалигимни унутиб қўйибман-да... Овозим панд берди!.. Гап йўқ: манави одам бошқаларчалик лақма эмас. У мендан шубҳаланиб, уст-бошимни сохта деб ўйладики, қандайдир йўл билан синаб кўради. Лекин қандай?»

Кленау икки қадамгина нарида турарди. У ўз текширувига шунчалар берилиб кетгандики, залга қабристон сукунати чўкканди гўё. Бу юзма-юз турган шахслар орасидаги сўзсиз можаронинг мағзини чоғи ҳамма ҳарбийлар ҳам чақиб бўлишганди.

– Бу кимсанинг эғнидаги сафар кийимини ечиб кўрмаса бўлмайди, – деди фельдмаршал айғоқчига имо қилиб.

Кленау жиннига чиқариб бўлган Мак орага тушишга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, уни ҳайрон қолдириб, Шульмейстер итоаткорлик билан индамай ечина бошлади. У ҳайрат табассуми билан устидаги деҳқон-

ча кафтанни ечиб, оёқлари остига ташлади. Кенгап қатнашчилари олдида олифта кийинишни асло ўйламаган қишлоқининг елкадор ва чорпахил жуссаси намоён бўлди.

Унинг бу сиёқида куни кеча генералларни алди кетган сохта интендантга заррача ўхшашлик йўқ эди.

Кленау лол бўлса-да, Шульмейстернинг юзида Калькнернинг ажинларини қидиришда давом этди. Бироқ у ҳам энди ўзининг ҳақлигига шубҳаланиб қулоғим алдади шекилли деб иккилана бошлаганди. Аксариятга аёнки, қалтис ҳолатда ҳайратга солган овоз эса қолгандай туюлаверади. Бироқ бошқа бирор белгиси муштарак бўлмаса-да, биргина товушининг ўзидан одамни таниш мумкинми?

Бари бир астойдил азм қилган Кленау бўш келгани йўқ: ўз ўлжасига ўқрайиб турди-да, дабдурустдан Маг томонга юзланди:

– Бугун эрталаб қўл остингиздаги штабнинг қаи бир хонасидан топилган оқсоч парик сиздами? Агай шу нарсани олдириб келсангиз, миннатдор бўлардим, уни анави агентингизнинг бошига кийдириб кўрардик.

Янги таклифдан бош кўмондон тошдай қотиб қолгандики, унинг эсанкираши олдида Шульмейстернинг юзидаги сохта таажжуб ҳеч нарса эмасди. Бу қа нақаси, ҳазилми-чинми? Атоқли зобитларидан бири шу тобда намунча бачкана бўлмаса?

Энди Вендга келсак, бу можаро давомида оғзиг толқон солиб олган эса-да, чинакамига даҳшат босиб оёқ-қўлидан жони чиқиб бўлганди. Худо кўрсатмасин, Шульмейстер – Калькнер найранги фош этилса ўзининг унга ҳамтовоқ экани ўрнида исботланадигани ана унда ҳолига маймунлар йиғлайди.

– Модомики, жамоат жам экан, – дея давом этди Кленау залдагилардан ҳеч бирининг авзойига парво қилмасдан, – биз оқ мундирни манави шахсга кийдириб кўришимиз ҳам мумкин, уни бош қўмондоннинг ётоғига ўзи ташлаб қочган. Балки у торлик қилар, аммо менимча, у гавдасини қаппайтиришнинг ҳам чорасини топган: чорпахил қиёфагаям кира оладики, елкаларига ичидан жун қўйиб олса керак деб ўйлайман.

Сершубҳа ва оқсоқол саркарда шундан сўнг Шульмейстернинг елкасидан ушлаб кўрди-да, ҳайронликда қулочини кериб, ўзини орқага тортди. Негаки Шульмейстернинг бадани қаппайтирилмаган, у кутган газмол ёки жун қоплама ўрнида тошдай мускуллар бўртиб ва ўйнаб турибди, ҳеч қандай ҳийла йўқ. Бундай келбат ва мускуллар умри интендантликда ўтган жиккак чолнинг мундирига сирмаслиги аниқ.

Синов тобора акс натижа бераётганди. Шульмейстер қулоқ қоқмасдан бўйсунгани устига, шундай ғалати жилмаярдик, бу Кленауни ҳатто довдирата бошлаганди. Навбатчи ўша оқ мундирни олиб келди, аммо у ҳарчанд уриндики, кечагина рост келган одамга бугун асло сирмади ва энди Кленау янглишгани тушунарли эди. Шульмейстер эса гўё саркарда тараф бўлиб, обдан уриниб кўраверди, шунчалик саъй қилдики, тору танг мундир ёқасидан белигача чокидан сўкилиб кетди.

Бу «ўйин» бошқа генералларга ҳам қизиқ туюлиб, аста-аста яқинлашишди ва саркардада шубҳа уйғотган шахснинг биқинига тўпланиб олдилар, синчков назар сола бошлашди. Уларнинг орасидаги энг довдири бўлмиш Иелашиш мутлақо иккиланмасдан айғоқчининг елкасига қўлини қўйди ва ўрнида айланишга мажбур қилмоқчи бўлди.

Ҳарбий синов ана шу босқичга келганда, Шульмейстернинг юзидан қони қочди, кўзларидан газаб алангаси отилди. У бир юзланиб, ўзини четга олди ва наъра тортди:

– Бас қилинг!

Бу ҳайқириқ ўзига аталганига ақли етмаган Иелашиш ўз тадқиқотини давом эттириш учун яна олға босди.

– Сизга бас қилинг дедим, генерал! – тутақди жо-сус. – Мен қўлингиздаги аскарингиз эмасман, қўпол-лик қилишга ҳаққингиз йўқ. Мен – озод инсонман, бош қўмондоннинг меҳмониман, менга қўл тегизиш-ни тақиқлайман!

– Тақиқлайман?! – қаҳри қайнаган Иелашишнинг юзи қийшайиб кетганди. – Ҳали сиз менга тақиқлай-диган бўп қолдингизми?

– Ҳа, мен тақиқлайман! Билмадим, шунчалик бо-обрў генераллар мени нега бунчалар галвирдан ўт-казишди? Аммо ҳаммасига қулоқ қоқмай бўйсундим, ўйлайманки, синов ёмон ўтгани йўқ. Энди эса сабр косам тўлди, бунақа томошага мутлақо тоқатим қол-мади.

Бу сўзлар Иелашишга бағоят оғир ботди ва оғзидан кўпик соча бошлади. Ҳамдард қуролдошлар уни юпа-та кетдилар. Синалган агентига нисбатан бу қадар ишончсизликни Мак ўзи учун ҳақорат билса-да, бош қўмондон сифатида беҳуда можарога нуқта қўйишга жазм қилди. Башарти Шульмейстер тилидан илинган сўнгги сўзларни такрорламаганида, Мак жанжални бас қилолмаслиги ҳам мумкин эди. Айғоқчи ерда ёт-ган кафтанини олиб, енгига қўл суқаркан, дардисар жумлани аниқ-тиник ирод қилди:

– Чиндан-да кўрган-билганларимнинг барини тўкиб солдим, бошқа бир оғиз ҳам гапим йўқ.

У Кленаунинг хотирасини уйғотган оҳангни топди, аммо жиндай фарқ билан эсда қоладиган тарзда айтди. Уни эшитган синчков ва холис одам ўзига-ўзи шундай дер эди:

– Ҳа-а, бир жойда янглишган эканман-да. Дарҳақиқат манави агентнинг овози кечаги кимсага ўхшаса-да, орасида нозик тафовут ҳам сезилиб турибди...

Кейин ҳамманинг кўнгли ўрнига тушди. Кленау енгилганига иқроор бўлса, Йелашиш оромкурсида сўкинишни давом эттирарди. Мак ўз агентининг кўпол ва бетамиз ҳаракатларини эрталабдан бери кўрарди ва Шульмейстер ўша тўпорилик билан кета қолишга рухсат сўради.

У ташқарига йўл оларкан, генералларга таъзим-тавозе қилишни хаёлига келтиргани йўқ. Зотан, далада ўсган қишлоқи назокатни кимдан ҳам ўргансин? Ахир ундан бош интендант Калькнерга хос нафис феъл-атворни талаб қилиш мумкинми?

ШУЛЬМЕЙСТЕР НАПОЛЕОННИ ИЗЛАБ БОРАДИ

Бу сафар Шульмейстернинг шунгача омади роса чопгани, аммо бундан ортиқ таваккал қилгудай бўлса, бошини балога қўйиши мумкинлигига ақли етди. Дарвоқе, Наполеонга ваъдаси аслида қанақа бўлганди? То саккизинчи октябрга қадар генерал Макни янглиштириб турса кифоя. Мана, ўша муддат битди энди.

Ҳозирги нақд хатардан бир амаллаб қутулди, қувлик ва удабуронлик қўл келди. Аммо бояги «имтиҳон» Ульмда ҳаддидан ошмаслиги зарурлигини ҳам белига тутиб қўйди. Энди немис ҳарбий кенгашида ҳушёр ва сергак саркардалар сони ошди, биноба-

рин, олдинги найранглар уларни лаққа туширолмайдди, иш бермайдди. Бугинамас, ҳар куни оғзингга соққа тиқиб, лўнжингни шиширган, бурнинг қаппайган, қорнинг алламбалолар билан дўмбайган ва бошингга парик кийган ҳолда юравериш ҳам жонга тегади-ку ахир!

Ҳали Венд деган ифлос ҳам борки, Шультмейстер устидан чақув қилиб, ўзи сувдан қуруқ чиқиши ҳеч гап эмас. Бунақанги нусхаларни тўхтатиш мумкин, бироқ доимо назоратда тутишнинг иложи йўқ.

Сергалва кенгашдан чиқиб, Шультмейстер билан Венд юзма-юз қолишди.

– Ўзингизни жа-а яхши тутдингиз, – деди Наполеоннинг айғоқчиси сотқин немисга. – Аммо кутилмаганда оёқларим остидан ҳамкор топилиб, тилимиз бир чиқиб қолганини қаранг. Анави деҳқонни айтаман-да, топиб келган янгилиги олдинига иккаламизни бир фалокатга гирифтор қилаёзди. Мени галвирдан ўтказишаётган маҳалда, унинг афт-башарасига назар солдингизми? Ўшандаги турқини эсласам, ичагим узилади: залда нима бўлаётганига ақли етмади, тушунаман деб уввало уриндики, ҳеч нарсанинг фаҳмига бормади. Менга эса жуда катта ёрдами тегди. Жаҳлим чиқа бошлаган маҳали унга қарайман-да, ҳовримдан тушаман, чунки сабр-бардош ва ювошлиқда аллофдан андоза олардим. «Ўз ролингни қойилмақом ўйнай десанг, мана шу одамдан ўрган! Қизишма! Қўйдай ювош бўл,» – дердим ўз-ўзимга. Ва шу туфайлигина қутулиб қолдим.

Ўз санъатининг нозик сирлари билан ўртоқлашаётган буюк комедиантнинг оғзига анқайган Венд чексиз ҳаяжонда эди. Шу онда Шультмейстерни итидан баттар ёмон кўриши ҳам унинг хаёлида йўқ, нега деганингизда, ўз ролини маромига етказиб ижро этган

актёрни олқишлаш иштиёқидаги томошабин ҳам ўз дарду ғамларини унутади-да.

– Айтсам ишонмайсиз, – дея давом этди Шультмейстер, – ўша онда сиз ҳам қалтис вазиятда эканингиз бирор лаҳза хаёлимдан фаромуш бўлгани йўқ. Аммо сизга гап йўқ! Сўзлашга оғиз очганингизда, пўкиллаб қолгандим. «Душманнинг ҳаракати ҳақида оддий деҳқонга маълум ҳақиқатни инкор этса-чи? Бунда қаттиқ янглишади-ку! Тўғри гапни айтиб юбормасмикан? У ҳолда мени сотиши аниқ!» деган ваҳимада эдим. Афсуслансам-да, ўзимнинг кетим очилсаям, сизни сотишни ўйлаган онларим бўлди. Худога шукрки, ақлингиз бажо инсон экансиз! Шундай бўлгач, ташаккур ўрнида сизни тақдирлайман: ваъдадаги пулдан бир бўлагини бермоқчиман. Бунга нима дейсиз?

– Шу бугунми?

– Албатта! Аммо жиндай хизмат бор. Бу жудаям қийин эмас, ишонаверинг. Нега индамаяпсиз? Тагин бир балога мубтало қилишимдан чўчияпсизми? Мен қандай одамлигимни бари бир билмайсиз-да. Хизматингиз оппа-осон: тўппа-тўғри Югенштрассега бориб, менга лойиқ почалўстин олкеласиз. Лекин шоҳона эмас, мўйнаси тўкилган, кир-чир, увада бўлиши зарур, эскифуруш жуҳудлар сотишади. Ўшанақанги битта қалпоқ, учраб қолса, ийиғи чиққан этик, қидириб кўринг, топилиб қолади. Бундан ташқари, қулф-калитли атторқути керак, ичига жиндай лента, икки-учта соат ва яна шунча майда қутича, яъни упадон сизга бўлди. Булар учун нари борса юз австрия флорини кетади, бу пул ўн икки тилла наполеондор қийматига баробар. Ўйлайманки ёнингизда Австрия пули етарли. Мен француз пулини ҳозироқ бераман, воситачилигингиз ва хизматингиз учун юз тилла

наполеондор қўшаман, бу икки минг франк бўлади Ёмон даромад эмас!

– Мен бу нарсаларни қаерга опкелайин? – Венднинг овози ҳам газаб ва ҳам очкўзликнинг зўридан титраб кетди.

– Ўз уйингизга! Жудаям осон-ку! Мени ҳозироқ обориб қўясиз, ўша ерда кутиб тураман. Энди бирга-бирга юришимиздан ҳеч ким таажжубланмайди. Ахир шериклар эмасми?

Венд иккиланарди, қадамлари секинлади, ранги гоҳ ўчди, гоҳ «ёнди».

– Нега тайсаллайсиз? – сўради Шульмейстер. – Ё чўнтак касалми? Ҳеч қиси йўқ. Ўзингизга аён, олтинларимни ҳамиши белимга боғлаб юраман. Қўл тиксам, санасам ва бу ёққа олсам бўлди – олам гулистон... Мана, пул тайёр! Қўлингизни узатинг-чи. Йў-ўқ, бунақамас, жин урсин! Тезроқ яширинг! Одам кўрса, хитланади ахир!

Тилла тангаларнинг муסיқий жиринглаши эшитилди.

– Биронтасиям эсдан чиқмасин: почапўстин, қалпоқ, этик, лента, соатлар, майда қутичалар ёки упанинг идиши, хуллас, кичкинагина бўлсин, қўлга сиғиши керак. Намунча ҳайрон бўласиз? Одатим шу: қаерга борсам, хотинимга бир эсдалик совға сотиб оламан, билъакс хумори бўп қоламан-да.

Венд бозорга кетишдан аввал уни ўз уйига элтиб қўйди. Атиги бир соат ўтди: энди Шульмейстерни таниб бўлмасди. Аниғини айтганда, анави ишратпараст ва қиморбознинг хонадонидаги бу одам буткул бошқа шахс эди.

Венд ҳақини олди – ора очиқ бўлди, шартлашилган икки минг франк сотқиннинг киссасига тушди. Сўнгра Шульмейстер бир парча қоғозга Страсбург-

дан чиққанидан буён кўрган-билганларининг барини ёзди. Номанинг хотимаси тубандагича эди:

«Ульмда қиладиган ишим қолгани йўқ. Австрия генераллари нимадандир шубҳаланаётган бўлса-да, уларнинг бош қўмондони императоримиз ҳазрати олийларининг ҳийласига лаққа тушган. Унинг тасарруфида 70 минг аскар бор. Бир қисми Иелашиш қўмондонлигида Тироль орқали, бошқа бўлаги эрцгерцог бошчилигида Богомея тарафга ўтиб кетиши мумкин, қолган корпуслар шу ердан жилмайди. Шаҳар қўрғони мустаҳкам, лекин Эльсинген қўлга киргач, у ҳам таслим бўлди деган сўз».

Шульмейстер хатни олтин суви югуртирилган кумуш атторкутининг махфий тубига яширди. (Венд бу матоҳ қуйма олтин деб, ўшанга ярашур пул ундирганди.) Сўнгра айғоқчи Венд келтирган «сарполар»га бурканиб, йўқсил, ювуқсиз ва кир-чир қиёфага кирди. Энди у энг тубан ҳаммолга ё йўлтўсарга, ёки ҳеч қандай ифлосликдан тоймайдиган судхўр жуҳуднинг ўзгинасига айланганди.

Унинг белида Савари берган олтинлардан бир неча боғлам захира бор: хавфли йўл-чўлларда кор келади. Шульмейстер «ясан-тусан»ини яна бир азмойиш қилди ва йўлга тушди. У мезбонига тегишли бирор дона қуролни олгани йўқ, ваҳоланки, тўлаган бир дунё тилласи эвазига шундай қилса ҳам ҳақли эди.

Лекин у сафарнинг бехатар бўлиши учун ақл-заковат ва мислсиз жасоратдан ишончлироқ ҳимоя йўқлигини яхши биларди. Зеро у шу лаҳзагача ана шу ҳимоя билангина ўзига йўл очиб келганди.

Аммо шунчалар зийрак ва устакор одам бўла туриб, сафар олдидан қалтис хатога йўл қўйганди. Эҳтиётсизлиги шу бўлдики, ўзи ёллаган анави икки қаллобнинг ҳар бирига қўшимча 5000 франкдан ваъ-

да қилиб юборди. Аслида бу пулни улар кейинроқ, арзирли хизмат кўрсатгачгина олиши керак эди. Бироқ вазият ўзгариб, воқеалар жадаллашиб кетганди.

Венд ҳисоб илмидан ҳарчанд оқсоқ эса-да, салгина бош қотиргач, ақли бинойидай етди: йўлга отланаётган «хаммол жуҳуд»нинг белида саккиз минг франк (балки яна ҳам кўпроқ) нақд тилла бефойда кетмоқда. У бундан бир наф чиқариш йўлида фикр юрита бошлади:

«Афсус! Қуролсиз ғаним қароқчизор йўллардан сафарга отланди. Сиёқидан уй-жойсиз бенаво, мискин, ғариб, ипирисқи ва сохта эскифуруш аслида бойлардан ҳам бойроқ. Бу сочлари селкиллаган, жулдур либоси исқирт, патаксоқол хаммол французлар томонга қуён бўлмоқда, аммо лаънатининг кармони тўла пул. Агар унга қўйиб берсангиз, етар жойига етгунча масхаралаб, кўксига уриб мақтанади: генералларни чув туширган, улар ўз мағлубиятига ўзи бармоқ босган, бирортасиям олис йўлда унга «тўхта-чи!» демаган. Ва шу зайлда у сотқинларни сотиб оладиган бисотини дахлсиз сақлаб қолаверадики, немисларга минбаъд думини ҳам тутқизмайди!»

Бу фикрлар соҳиби биз билган ўша Венд бўлса, бундай истиқболга индамай қараб қолавериши мумкинми? Ҳали Шульмейстер Ульмда экан чоғлари Венд уни фош этиши мумкин эди, лекин бунинг оқибати ўзи учун ажалга баробар-да. Аммо у шаҳарни тарк этаркан, вазият Венднинг фойдасига ўзгаради. Дейликки, қайсидир жар тубидан қандайдир ўлик топилди: увадафуруш яхудийнинг бежон жасадига термулиб, уни сохта Калькнер ё беозор қишлоқи Шульмейстерга ўхшатиб ўтирадиган бекорхўжа борми?

Гарчи у чўзилиб ётгани ҳолда чала ўлик бўлса-чи? Худо кўрсатмасин, у ҳушига келиб, оғзидан гуллаб қўйса нима бўлади? Чумчуқдан кўрққан тариқ экмай-

ди: модомики Шульмейстер французларнинг агенти эканлиги фош этиларкан, унинг гапига ким ҳам қулоқ соларди?

Венд икки кун давомида бу имкониятларнинг барини обдан тарозига солиб, уддабурон ганимга қўйиб берди: тузоғига илинди, сотилди. Энди унинг эси жойига тушган, маккорлик ва нафрат унинг қора кўнглида қаддини ростлаб олди.

Сафарга отланаётган Шульмейстер Венд ёрдамида анави бедаво уст-бошларни кийди, ана ўша лаҳзаларда сотқиннинг режаси ҳам етилди. У француз айғокчисининг пинҳоний сирларини билиб олиши, алалхусус, белидаги олтинни бой бериб қўймаслиги зарур, бунинг учун Венд ҳам изма-из йўлга тушади, вассалом!

Шульмейстер кўчага чиққанда, Венд олисдан кузатиб, у юрадиган йўлни хаёлан хомчўт қилиб кўрди-да, ўзи ундан барвақт етиб боражагига ишонч ҳосил қилди. Унинг омади чошиб, тун қоп-қоронғи. Венд шаҳарни тарк этишдан ва дарёдан ўтиб, Шульмейстерга тузоқ қўйишдан бурун Доротейани топмоқчи бўлди, негаки ундан бирор оҳорли янгилик чиқиб қолиши ҳам мумкин. Лекин китобхонга аёнки, аёлнинг уйи қулф, тақиллатганда ҳам ҳеч ким «ҳа» демайди.

Бу ҳолдан Венд баттарроқ тутоқди. У от чоптириб бораркан, гўё энди ватанига ҳалол хизмат қила бошлагани дилидан ўтди. (Айни чоғда очофат нафси ҳам ором олади, яъни киссасига тиллолар тўлади.)

Шульмейстернинг миясида унақанги чиркин ўйлар йўқ. Аксинча, ёруғ олам кўзларига жаннатдай зебо кўринади. Зиммасидаги махфий топшириқни адо этиб, юраги юксалиб борарди. Ҳатто бугун унинг бошига етаёзган корҳол ҳам аслида ўзи қўлга киритган ютуқнинг самараси, негаки душманни адаштира

олгани аниқ. Ахир кутилмаган ерда французларнинг пайдо бўлиши жосусни фош қилишига бир баҳя қолди-да!

Шульмейстернинг сўнгги фаолиятига ўн кун бўлди: Ульмга етиб келди, генераллар ҳарбий кенгашига кириб борди, Доротеянинг уйида яширинди, Кленаунинг ўқдай назари ва Йелашишнинг зилдай мушти остида имтиҳондан ҳам ўтди... Шу аснода Наполеон сафарбар этган 150000 аскар ўлжасига ташланмоқчи шердай шайланди.

Шульмейстер то эгаси келгунча ўлжани уясига қамаб турувчи този итга ўхшарди. Фарқи шуки, у қуён ёки тустовуқни эмас, бутун бир қўшинни битта жойга «михлаб» қўйди, найранглари иш берди.

Энди у югуриб-елмаслиги, ўрнида хода ютгандай қаққайиб туравериши мумкин, негаки махлуқ чангалига тушган. Чангалига тушган?.. Шундайликка шундай, бу тўғри, лекин ягона шарти бор-да: ов узил-кесил тамом бўлиши учун Шульмейстер раҳнамосига маълумот бермаса бўлмайди! (Агар шахсан ўзи етолмаса, хатни етказиши зарур!) Бусиз Наполеон тасодифларни табиий деб қабул қилаверадики, қўшинини тарқатиб юбориши, Ульм мудофаачиларининг хаёлида йўқ жойларга ҳам пистирма қўйиб ташлаши мумкин.

Айни шу боисдан шамолдай шошаётган Шульмейстер ўз муждасини хожасига топшириш учун ошиқиб борарди. Йўл нечоғли олис бўлмасин, вақти чоғ: ишончи комилки, бу хизмати бадалига афв этилади, тақдирланади, табрикланади, ўзгаларнинг ҳаваси келади, оз бўлса-да, иззат-ҳурмат топади.

Ажабо, курраи заминнинг у кўзлаган манзилига ёлғиз ўзимас, бир-бирини ардоқлаган ёки ёмон кўрган анчагина бошқа кишилар ҳам ошиқиб боришар-

ди. Бу Худонинг иродаси бўлса ажаб эмас. Уларнинг бари ўзаро учрашиш иштиёқида: ё топишадилар, ё урушадилар. Шульмейстер билан Берта, Венд билан Доротея, Ганс, Мюрат, Родек ва бошқалар – бари шу йўлда. Бугинамас, икки эл, Франция билан Германия, уларнинг фарзанди бўлмиш шонли ва ботир аскарлар, маълум ва машҳур саркардалар ўзаро юзлашиш қутқусида...

Империянинг тақдири уларнинг тўқнашувига боғлиқ. Энг қалтис ва хатарли жиҳати шундаки, ўн бир яшарлик битта болакайнинг азми ва матонати ҳаммасини ё остин, ё устун қилишга қодир. Шу норасида туфайли Наполеон бутун бошли армияни қамалга олиши ҳам, гафлатда қолиши ҳам ҳеч гапмас. Иккинчи ҳол рўй берса, императорнинг ҳамма режаси барбод бўлади!

УЧИНЧИ ҚИСМ

ШУЛЬМЕЙСТЕР ҚАТЛ АРАФАСИДА

Ўн бир яшар боланинг мурғак жуғрофий тасаввури мухтасар ва лўнда: қаерки унга нотаниш экан, ўша жой унга ватан эмас. Унинг стратегияси учун мантиқ тушунчаси ҳам ягона: ўзингга ёққан одамларни ёқмаганлар келаётганидан огоҳ этасан, зеро, ўша ёқмаган тараф енгилиши зарур-да.

Энди урушаётган икки миллат масаласига келсак, ёш қалблар учун улардан қай бири ҳақ ё айбдор экани аҳамиятсиз. Бир гуруҳ аскарларнинг уст-боши уларга хуш ёқса, бошқалари эса кўрингандаёқ таъби тирриқ бўлади. Улар англаган сиёсий қарашнинг бўлгани шуки, тушунтириб жагингиз чарчайди, холос. Болаларни инстинкт бошқаради ва бу ҳолни ёмонлашга ҳам асос йўқ, негаки инстинктнинг ақлдан тубан экани ҳали исботланган эмас...

Китобхондан аввалги қисмнинг 9-бобини эслашни сўраймиз: «ичкаридан у (Ганс) қарагани сайин, коридордаги мўйсафид ҳам (Родек) ундан кўз узгани йўқ. У нигоҳлар неларни деди? Буниси уни қандай тушунди? Биз бу сўзсиз «суҳбат»га кейинроқ қайтамиз,» – дегандик.

Родекнинг ўткир нигоҳига кўзи тушмагунча, Ганс вазият ҳақида ўзича мушоҳада қиларди. Унинг фикрича, манави қишлоқда император аскарларининг пайдо бўлиши «бошқа» ҳарбийлар ҳаётига хавф солади. Ганс билардики, ўша «бошқалар»нинг қўналғаси жуда яқиндаги дўнгликлар устида.

Кекса шуан Бертага французлар келаётганини айтди, буни Ганс ҳам эшитди. Эгнига мовий мундир, оёқларига оқ ё қора штиблет¹ кийган бежирим аскарлар унинг кўз олдига келди. Ганс уларни Страсбург кўчаларида кўп кўрган. Ўша огир ёки енгил, қудратли ва шиддатли эскадронлар хотирасида жонланди. Айтишларича, жанговар ҳаёт уларга аجدодларидан мерос бўлиб, бугунги аскарлар оталари матонатини улуглашмоқда.

Бу ерда-чи? Ганс бир ухлаб, аксинча қиёфадаги жангчилар орасида кўз очди. Уларнинг кучи – ранжитишдан, шон-шарафи – муштдан иборат, кўзларида гурурдан нишона йўқ, бирортаси кулмайди, қўшиқ айтишни ўрганган эмас.

Мовий мундир кийганларни Ганс дўст ҳисобласа-да, бунинг сабабини ўзи билмасди. Лекин айтинг-чи, бировни не учун яхши кўришини изоҳлай оладиган одам борми? Йўқ! Нега энди катталар билмаган нарсани болалар билиши керак?

Қанийди Ганснинг қўлидан келса, журъати етса: тепалик томонга учарди-да, уйқудаги мовий мундирли жангчиларга қичқирарди:

– Куролланинг!..

Айни ўша дақиқаларда тинка-мадори қолмаган Берта Лизбетани тиззасига олди. Ширин уйқу зўр чиқиб, аввал мудраётган қизчани, сўнг онасини ҳам ўз измига олди. Ганс аёлга сездирмай хонадан чиқиб кетса бўларди. У пайт пойлаб, эшик тирқишидан қараган маҳали унинг кўзлари Родекнинг нигоҳи билан тўқнашди. Ана шунда яшиндай тез ва сўзсиз суҳбат бошланди.

– Бу ердаги ҳарбийлар сенинг ва менинг ватанимга душман. Шуни биласанми? – дер эди кулранг кўзлар.

¹ Штиблет – ҳарбийча ботинка.

– Биламан, – жавоб қайтарди боланинг мовий кўзлари.

– Жудаям яқин жойда ватанимиз аскарлари ётибди, шуниям биласанми? Улар ҳозир хатардан беҳабар, душманни қўлга олиш учун келиб, ўзи қўлга тушади шекилли.

– Буниям биламан.

– Лекин дўстларни огоҳлантириш учун озгина абжирлик зарур, холос. Мен бу ишни уддалолмайман, чунки мендан кўз узишмаяпти, кузатиб туришибди. Агар енгилроқ, чаққонроқ, ихчамроқ бир киши... манави тош қотган махлуқлар ва соқчилар орасидан ўтиб, ўрмонга қочолса... Тушуняпсанми?

– Мен билдим, тушундим!

– Башарти бу ердан бир амаллаб қутулиб олсанг, дарёга оборадиган йўлни қандай топасан? Яхшилаб тушуниб ол: чиқишинг биланоқ ўнгга буриласан. Хўпми?

– Хўп!

– Жон болажоним! Билиб қўйгинки, бу юмушни бажариш билан сени суйган барча ўлигу тирикнинг, руҳларнинг дуосига қоласан. Мен сен билан фахрланаман! Ва лекин сендан буни талаб этишга юрагим бетламайди, агар сезиб қолишса, отиб ташлашлари мумкин... Буниям биласанми?

– Биламан!

– Бари бир сўзингдан қайтмайсанми?..

Кекса кўзларнинг сўзсиз бу саволига ёш кўзлардан жавоб бўлгани йўқ: ярим очиқ эшик ёпилди, болакай гойиб бўлди.

Ганс коридор бўйлаб ташқи эшик томонга бораркан, узала тушган аскарларнинг оёғига, милтиғи ё қопчиғига ҳеч туртинмай ўтди. Гафлатдаги жангчилар ҳатто унинг шамолини ҳам сезганлари йўқ. У ел-

дай чоғиб, йўлдан, дўнгликдан ва сайхонликдан ўтиб олди. Ваҳимада ва қилган ишидан пушаймонда безгак тутаётган Родек чол салдан сўнг енгил нафас олди: тун бағрини тилиб, олисдан ҳуштак овози эшитилди. Бу Ганснинг омон-эсон қутулганига далил бўлиб, бундай сигнални унга Родек ўзи ўргатганди.

Соқчилар сергак тортиб, зулмат бағрига олазарақ тикилиб қолишди, қуроллар шарақлади, салдан сўнг атрофга сув қуйгандай жимлик чўкди. Ганс уларга думини ҳам тутқазмайди энди!

Жажжи қаҳрамон! У дадил қадамлар билан илдам олға борарди. Олисдаги милтираётган шуъла у кўзлаган манзил.

Ганс тўсатдан таққа тўхтаб қолди.

Бехосдан кутилмаган жойда гулхан кўринди. Ганс ўша ердан дарёга ўтиши керак эди. Одамлар гивирлашмоқда. Улар қаёқдан келиб қолди? Кимлар ўзи?

Йигитча уларга кўринмаслик учун олдин энкайди, сўнгра ётиб олди-да, кузатгани хиёл бош кўтарди, эҳтиёткорлик билан шубҳали қўналга тарафга яқинлашаверди.

Салдан сўнг аён бўлдики, бу австрияликлар қароргоҳи бўсағасидаги отлиқ соқчилар отряди. Ганс ёмон кўрган аскарлар шу ерда! Улар қишлоқда дам олаётган қуролдошларини кўриқлаб, айна чоғда Ганс ўтмоқчи бўлган дарё тарафга ҳеч кимни қўйишмасди.

Нима қилса бўлади?

Гуриллаб ёнаётган гулхан ёнида икки зобит исиниб, гап билан овора. Қоровул у ёққа бориб, бу ёққа келиб турибди. Нарироқдаги яна бир соқчи хода ютгандай қаққайган. Икки зобит баралла ва бемалол сўзлашаётган бўлса-да, орадаги масофанинг анчалиги ҳисобига Ганснинг қулоғига келиб-келмаётганди.

– Уларнинг гапини эшитмасам бўлмайди!

Бунга қатъий жазм қилган Ганс ўша тарафга эмаклай бошлади. Гоҳо тўхтаб, йўлни чамаларди. Унинг гап пойлашга иштиёқи шунчалар эдики, қўрқувни ҳам, сезиб қолишлари мумкинлигини ҳам унутди. Йигирма қадамча берида тўхтаб, тупроқ уюми ортига беркиниб олди (каламуш уясидан чиқариб ташлаган бўлса керак). Ана энди зобитларнинг овози аниқ-тиник эшитилиб турарди.

– Ўзиям калласи хумдай экан-да.

– Одам деганиям шунчалар хунук бўладими, а?

– Унинг феъли афтидан ҳам совуққа ўхшайди. Қарда қўлга олдиларинг?

– Қоровулга чап бериб, дарё томонга ўтмоқчи бўпти. Бу тоифа одамлар аслида унақа қилмасди, улар ҳарбий қароргоҳни кўрди дегунча чопиб келади, олди-сотдисини бошлайди.

– Ё қарз беради.

– Йўқ. Улар уруш шароитида судхўрликни тўхта-тиб, ўликларни шип-шийдон қилишади, чўнтакларини қоқлашади. Бу эса орқа-олдига қарамай қочиб қолдики, чақириб, таҳдид қилиб базўр тўхтатилди. Бош штаб разведкачилари айнан мана шунақалардан огоҳлантириб, ҳазир бўлишни тайинлашганди. Афтидан, Аугсбург йўлидаги француз кавалериясининг ҳидини олган ҳамма чорбозорчилар ўшаққа чопмоқда, душман уларга яхши пул тўлайди-да.

– Тинтиб кўрдиларингми?

– Мутлақо йўқ. Постларни назорат қилиб қайта-диган полковникни кутмасак бўлмайди.

«Улар ким ҳақида гапиришяпти?» – ўйлаб қолди Ганс. У асирни кўриш учун бошини сал тиклади, манглайи ва кўзлари тупроқтепадан кўтарилди. Аммо ана шу дамда гулхан тўсатдан ловиллаб, зобитларни ҳам безовта қилдики, болакай дарров ерга ётиб, нафасини ичига ютди.

Гансга ўша лаҳзанинг ўзи кифоя қилди, у тутқунни кўриб олди. У соқчилар яқинида ўтирарди: селкиллаган сочларига тароқ тегмаган, патаксоқол киши бўлиб, бошига кийган қалпоғи алламбало, ҳатто кулгили кўринарди. Асир ҳадиксираган кўйи тиззасидаги чорқирра қутичани ушлаб олган ва чоғи атрофдагиларни зимдан кузатар эди.

Ганснинг кўнглидан ўтди: «Турқи бедаво экан!»

Ёш зобитлардан бири гўё унинг кўнглидаги саволни уққандай варанглади:

– Одам дегани бундан баттар иркит бўлмаса керак!

– Карл, унинг яқинига бора кўрманг! – ваҳима қилди нариги зобит. – Буларнинг анчасини асир олганларнинг айтишича, жуҳудга қўл тегизгач, ғусл лозим бўларкан. Агар буни тинтув қилсалар, мен биринчи бўлиб кетиб қоламан.

– Бунинг иложи йўқ, биродар! Биз бу ерда омонат одамлармиз, «кетаман» деманг. Уруш бари бир уруш экан-да, чидаймиз!

Бошидан мағзава ағдарилаётган шўрлик эса ҳеч нарсани эшитмаётгандай парвойи фалак. Ганс яширинган жойидан уни бемалол кузата оларди. Афтидан бояқиш шўр қисматга тан бериб, қўй оғзидан чўп олмаган мўмин-қобил қиёфага кирганди. Совуққон юзи ҳайкалдай ҳиссиз, жисми сокин, ақалли бирорта мускули қилт этмайди, аммо айни чоғда унинг қўллари гивирлаётганини Ганс аниқ кўрди.

Ҳалитдан бери атторқутини ушлаб турган бир қўли аста-аста кўтарилиб, кийимлари остига кирди: у сонларига туташ пинҳоний чўнтақдан ниманидар ахтарарди тоғи. Асир яна шундай эҳтиёткорлик билан қўлини чиқарди-да, оёқларини сийпалаб, этиги тарафга тушди, у тиззаси устидаги қутичани салгина очгандай бўлди.

Ана шу дамда муттасил юриб турган соқчи бу ёққа қайтди: тутқун ҳаракатдан таққа тўхтади. Қоровул ортига ўтирилган ондаёқ яна ғимирлаш бошланиб, почапўстиннинг ёқасидаги астар остига ниманидир яширгандай бўлди.

Шу зайлда бу одам то биров пайқамагунча ҳаракат қила оларди. Лекин текислик тарафдан туёқлар дупури эшитилиб, гулхан ёруғида қандайдир тахлитлар, соялар кўринди. Ғилофи олинган катта фонар нота ниш қиёфаларни ёритди, суворийлар отдан тушдилар. Гулхан теvaraги сув сепгандай жим бўлиб, шинелини бошига қўйиб ётган жангчилар саф тортишди. (Уларнинг майсазор устидан битта-битта туриб келаётгани худди ўликлар тирилаётганига ўхшарди.)

– Қани ўша одам? – сўради энг катта бошлиқ, унинг ташрифидан ҳамма потирлаб қолганди.

– Мана у, жаноб полковник.

– Бу ёққа оп келинг!

Ҳаммол бечорани тепки билан турғизиб, кўндоқ билан олға туртишди. Унинг юзига қон тепчиди, бели букчайди, мажбуран олдинга бораркан, олов қиёфасини ёритди.

Ганс уни жирканч, тубан ва чиндан ҳам шундай қўпол муносабаттагина лойиқ кимса ҳисоблади, ахир у инсоний ғурурини унутиб, кучуқдай писиб турарди-да.

– Мен отингизни сўраб ўтирмайман, – деди полковник. – Сиздақа саёқларда рост гап йўқ ва ўзингизга мингта исм қўйиб олгансиз. Аммо айтинг-чи, қайдан келдингиз, қаёққа кетяпсиз?

Асир шикоятомуз оҳангда, аммо ишонч билан жавоб қайтарди:

– Тирикчилик курсин, амал-тақал билан бола-чақа боқаман, аскарларга, зобит жанобларга майда-чуйда сотиб...

...қўйиб...

– Қайси аскарларга? Қайси зобитларга? Нега энди айнан душман тарафга кетаётувдингиз, хўш?

– Ахир полковник жаноблари, душман қайдалигини билмайман-да! Нон топишдан бошқаси хаёлимда-ям йўқ эди.

– Ульмдан келувдингизми?

– Ульм дейсизми? Дарҳақиқат, мен ўша жойдан ўтгандим. Чиройли шаҳар экан, ҳарбийлар жуда кўп... Ҳа, ҳа, у ерда савдойим бароридан келиб...

– Шаҳардан қачон жўнадингиз?..

Кутилмаганда нотаниш бир овоз орага тушди. Уни эшитган заҳотиёқ тутқуннинг сурати ва туриш-турмушида туйқус ўзгариш бўлиб, мутлақо бошқа одамга айланиб қолганди.

– Бу чувриндини тилга киритиш учун бошидан паригини ечиб, бетидан сохта соқол юлиб олинса бўлди! – деди ҳалиги овоз.

Командирнинг имоси билан икки аскар ҳаммолнинг ёнига келди: улар жуҳуддан жирканса-да, на чора, буйруқ – буйруқ-да. Лекин икковининг қўл чўзишига эҳтиёж бўлмади. Чунки асир бирдан ўзини ростлади, гўё унга гойибона куч-қудрат ва журъат ато этилганди.

– Ёпирай! – деди у. – Таниш товуш-ку! Жаноби Венд шу ерда эканлар-да! Тасанно, мана энди ҳамма гапга ақлим етди. Йўлимни тўсганларига, ушлаб олиб, сўроқ-савол қилаётганларига ҳайрон бўлиб ўтирибман, ваҳоланки, мендан бўлак шубҳали савдогарлар бу атрофда изғиб, ҳаммангизни алдаб кетяпти. Уларнинг мушугини «пишт» демасдан, битта менга ёпишиб олганларингнинг сабабини тушундим. Полковник жаноблари, менга савол бериб, азият чекманг. Ҳаммасини ўзим рўй-рост айта қоламан. Мен на жуҳуд, на ҳаммол эмасман, ё Аврам, ё Иаков, ё Симе-

нон деган исмим ҳам йўқ. Немис фуқаросиман, етти пуштим насроний динида ўтишган, бу ерга император армиясининг бош қўмондони берган буйруқ билан келиб қолдим. Номим – Карл Шультмейстер, генерал Мак хизматидаман.

Аввал сохта соқол, сўнг ясама соч ва қалпоқ ерга отилди. Гулхан атрофидагиларни чўққайганича кузатаётган болакайнинг кўз ўнгида рангпар, жонсарак ва мардона сиймо пайдо бўлди: бу зарринсоч киши унинг унинг отаси эди!

– У бари бир алдаяпти, полковник, – эътироз билдирди Венд ва гулхан ёруғига чиқиб келди. – Башарти тинтишни буюрсангиз, ёнида жуда катта пул бор, кумуш баҳосида неча ўн минг француз флорини бўлиши мумкин. Энг муҳими шундай бир хат топиладики, бу одам Бонапартнинг топширигини бажараётган воқеанавис экани фош бўлади-қолади.

– Аттанг! – унинг сўзини бўлди Шультмейстер. – Очиғини айтаверинг-да, ахир сизга менинг белимдаги бойлик керак-ку, шундай эмасми? Демак, мен тўлаган хизмат ҳақидан кўнглингиз тўлмабди-да. Бўпти, ола қолинг, савдолашиб ўтирмайман! Мени тинтув қилиб овора бўлмасинлар, мана ўша белимга боғланган ўн минг франк олтин!

Наполеоннинг айғоқчиси жаҳл билан почапўстинни ярим очди-да, нимчаси остидаги белбоғни ечиб олди: қимматбаҳо металл полковникнинг оёқлари остида «гуп» этди.

– Жаноби Венд ҳали атторқутимни тилга олганича йўқ, – давом этди Шультмейстер. – Аммо уни менга ўзи опкелганди, пулиниям ўзи тўлаган. Рост гап! Мен эса хизмат ҳақиға юз флорин, яъни икки минг франкни қўлига нақд бердим. Айтинг-чи, зобит жаноблари, шунинг ўзиям холис ва бегараз одамлигимни, унинг

эса жирканч ва диёнатсиз кимса эканини кўрсатм дими?

Тутқуннинг сўзларидаги истехзо шунчалар ишо ли эдики, гулхан теварагидагилар бир қалқиб ол беихтиёр Венддан ўзларини тортишди. Зеро, и йўқки, улар қўлга олган шахс душманнинг ода аммо ҳозир келган чақимчи ҳам шубҳали бўлиб сотқин бўлиши ҳам мумкин-да.

Бироқ ўзини галаба остонасида сезаётган Венд қалтис лаҳзада чекинишни хоҳламасдан бўш келмади

– Унинг ҳамма гапи сафсата, сувдан қуруқ чиқмоқ. Мен ўз бурчимни адо этиш учун ниқобланиб, хизма га гўё ёлланган бўлдим, билъакс, унинг асл башараси фош қилолмасдим. Гаров боғлашаманки, атторқути ги митти олтин идиш бир донадан ортиқ эмас.

– Тўғри гапиринг, – тутоқди Шмельмейстер, – ти эмас, тилла суви берилган қумуш экан. Уялмай-май шунгайм қилвирлик қилибсиз-да, тақсир, сс ман дегандим, уч пулгайм олишгани йўқ.

– Ие, сотиб юбордингизми?

– Ҳа.

– Нега сотасиз? – қўққисдан суриштириб қол полковник. – Эҳтимол ундаги бирон нима ўзингиз оқлашда қор келарди.

Венд кўзининг пахтасини чиқарди:

– У қутичани бировга сотолмасди, ёлғон гап япти. Шаҳардан қоронғида жўнаб, ҳеч қаерда тў гани йўқ. Бунга ўзим шоҳидман, негаки йўл бўйи и дан қолмай кузатиб келдим.

– Бўпти, керак бўлса, тинтий қолинглар!

– Ҳозир аниқлаймиз-да, – деди полковник.

Бу гал бўйсунмаса иложи йўқ Шмельмейстер б бир уларнинг кўзини шамғалат қилишга урин У шоша-пиша почапўстинни ечиб улоқтирди.

шими ва курткасидаги чўнтакларни тинтувчиларга хотиржам ҳавола этди. Бироқ Венд ошқора ирганиб бўлса-да, пўстинга ёпишди: у полиция хизматининг икир-чикирларини обдан яхши ўзлаштирганди ва сир шунда эканига ақли етиб бўлганди.

– Мен сизларга нима дегандим? – чинқирди ўша ондаёқ. – Мана қутича, пўстиннинг ёқасига яширилган, қўлимга билиниб турибди! Астар остига тиқибди-я, жин ургур! Ҳа-а, йиртиқ жойи... Топдим! Топилди-я!

Венд тантанали қиёфада қутичани полковникка кўрсатди. Шультмейстер эса шунинг учун жонидан кечишга ҳам ҳозир эди.

Энди ҳаммаси тамом! Умид косаси чил-чил синиб тўкилди. Ёв қўлига тушган уч пуллик матоҳ пинҳон сирларини фош этади. Унинг Ульмдаги «ҳунарлари»-дан ташқари барча орзулари ҳам барбод бўлиб, бахт ва шон-шараф хусусидаги ширин хаёллари батамом чиппакка чиқади. Қутичадаги бир парча қоғоз сабабкор бўлиб, ҳатто бутун бир урушнинг, катта империянинг тақдири ўзгариб кетиши ҳеч гап эмасди...

Бонбоньеркани очиб кўрган полковник қулочини ёзиб, бошини сарак-сарак қилди:

– Ичи бўм-бўш экан-ку!

Шультмейстер бошини кўтариб, қаддини тиклади, унинг бу ҳоли жаллод кундасига бош қўйган чоғи афв этилган маҳкумнинг ўзгинаси эди.

Ишончи комил Венд дарҳол луқма ташлади:

– Қутичанинг тубида хуфия таглиги бор!

– Йўғ-е! Шунақамикан?

– Менга беринг! Ўзим кўрсатаман!

Венд митти пружинага бармоғини босди. Қоғоз полковникнинг қўлига ўтди ва унинг шилдираши Шультмейстернинг қулоғига чалинди.

Энди Венднинг кўчасида байрам, ҳа-а!

Полковник «айбнома»ни чироққа солиб, ним-овозда ўқий бошлади. Елкаси ва бармоқларини икки аскар исканжага олган Шульмейстер рўпарасидаги зобитларнинг кўзига тик боқди. Ушбу таҳликали онларда унинг юзи ўзигагина хос мардона тус олиб, кулиб турарди. Бу асл инсоний ифодани ҳеч бир грим, ҳеч қандай муғомбирлик маҳв этолмайди. Энди ҳам ниқобланиш зарур келган эмас-да! Шахснинг истарали сурати пок сийратидан ҳам покизароқ бўлгач, уни яшириш не керак? Ўз ишига содиқлигидан мағрур Шульмейстернинг кўзлари фахр билан чақнарди. Унинг ақли етиб турибди: ҳализамон камида беш дона кўрғошин кўксини поралаши муқаррар. Ва лекин музаффар французлар жуда-жуда яқинда: ўзига ўқ отган ўша аскарларни мағлуб этадиларки, бу зафарда Шульмейстернинг хизмати беқиёс. Кун келиб, Наполеоннинг саркардалик даҳоси шон-шарафлар билан овоза қилинаркан, бу узил-кесил галабада Шульмейстер катта иш кўрсатгани ҳам эътироф этилса ажаб эмас!

Ундан кўз узмаётган навқирон зобитлар матонатли қиёфасидан донг қотишганди. Маълумотномани ўқиб бўлиб, рўпарасидаги «ҳаммол»нинг юзига назар солган полковник ҳам тушунди: бу жасур ва кўрқмас одам ҳазилакам душман эмас!

Бироқ ўша ондаёқ Шульмейстерни даҳшат босди, кўрқувдан афти гижимланиб кетди: зобитлар жон ширинлик қилиб, бари бир ўлимнинг ваҳимаси олдида иродаси ахийри букилди деб ўйлашди.

Йўқ, бунинг сабаби бошқа ёқда. У ҳеч кутилмаганда жажжи бир хилқатни кўриб қолди: ўзига қараган полковник, Венд ва аскарлар ортида кичкина, ранг-пар бир болакай пайдо бўлганди.

Ганс энди яширинишни ҳам тамоман унутиб, тик-ка туриб олди. Кўз олдидаги гап-сўзлардан жони ичига сиғмай қолганди. Шу билан бирга вужуди титрар, қўрқув ва ифтихор хуружидан ёш юраги кўксини ёргудай ларзага келганди.

Наҳотки шу одам ўзининг Карл дадаси бўлса, ахир у мулойим, соддагина эмасмиди? Ҳазил-ҳузулга суюги йўқ, ҳали унга, ҳали бунга тақлид қилиб, Лизбета икковни шу киши кулдирадди-ку! Ака-сингилни етаклаб, дала кезишдан ўзга машғулоти йўқ эди унинг. Ганс ҳақиқий Карл дадани мана шу тобда кашф этди: у бутун бир қўшинга қарши танҳо ўзи уруша олади! Тўғри, шундай баҳодир қўлга тушиб қолган, лекин шу ерда ҳам душмандан устун ва олий эди. Унга қандай жазо беришаркин? Анави қўлидан тутганлар тепиш ва дўппослаш билан кифояланадими? Аммо қийноққа солсалар-чи, башарти ўлдириб қўйсалар нима бўлади? Бечора Карл дада!

Болакай ҳарбийлар тўла уйдан не мақсадда қочиб чиққанини, онаси ва Родекни – ҳаммасини унутди. Унинг учун ёруғ дунёда биргина одам бор, фақат ўшани ўйлайди: қизил юзли, олтин сочли, паҳлавон келбат, жулдур либосли бу инсон икки душманнинг қўлида, улар икки жаллод мисоли маҳкам ушлаб турибди.

Шульмейстер эса кўзи аниқ кўрган нарсани доддирашга йўйди: жондай яқин болажони бу ерда нима қилсин? Мумкин эмас! Ахир оиласи жуда-жуда олисларда! Демак, ажал соати яқин, шу боис Худо ақлини олган, ана ундан кейин, қадрдон чеҳралардан бири хаёлида жонланган. Айтишларича, ўлим остонасида йўқ нарсалар намоён бўлармиш, бундан чиқадикки, Шульмейстер ўлибди-да!

Уни шунчалар ҳаяжон чулғаб олгандики, саволни ҳам англолмади. Нимадир қулоғига чалиниб, кейин эшитишга уринди. Полковник қайтадан сўради:

– Айтинг-чи, сиз хатни ўз қўлингиз билан ёзган-мисиз?

– Нимани сўраяпсиз, полковник? Нима ёзибман?

– Манави хатни-да. У атторкутига яширилган, почапўстиннинг ёқасидан топдик, сиз сотиб юборганман дегандай бўлувдингиз.

Шульмейстер гап нима ҳақдалигини англамаган қиёфада бақрайди. Полковник сўради:

– Қоғозга французча ёзилган. Сиз француз тилини яхши биласизми? Ёза оласизми?

– Тўғри, полковник. Башарти йўқ десам, ёлғончи бўламан. Хато қилиб бўлса-да, беш-олти қатор хатни бир амаллаб ёзаман, бироқ...

– Нега энди «бироқ»?

Шульмейстер узил-кесил жавоб беришдан олдин ўғли кўринган томонга кўрқа-писа яна бир қараб олди. Ҳа, болакай ҳамон ўша жойда, жони ачиб, зийрак кўзларини тикканича турарди.

– Демак, довдираганим йўқ, демак, у рўё эмас, – кўнглидан ўтказди Шульмейстер. Ҳа, бу ўз жигарбанди, орадаги масофа бир неча одим, холос. Аммо у қандай келиб қолди? Берта-чи? Лизбета-чи? Улар қаёқда?

Бечоранинг қалбидаги ирода юзига ниқоб тортиб, касб-кориға хос муғомбирлик уйғонди. Унинг кўзларида ноаниқ бир умид учкунлари чақнарди.

Полковник ўшқирди:

– Энди бас! Намунча имиллайсиз? Аниқ айтинг-да, французча ўқиш-ёзишни билишингизни тасдиқлайсизми?

– Тасдиқлайман. Аммо ўта ёмон биламан, билимим саёзлигидан болаларимгаям француз тилини ўргатолганим йўқ. Дейликки, бир ўғил, бир қизим бор, уларнинг билгани немисча холос-да.

Бу ёлгон эди, албатта. Ганснинг юзига қон тепди, қичқириб юбораёзди ва ўз норозилигини билдириб, бир қалқиб олди. «Ҳа, ҳа, бу чиндан ҳам Ганс!» – ишонч ҳосил қилди Карл дада. Отасининг мулойим нигоҳини, у кўзлари билан тасалли бераётганини англаган йигитча тинчиб қолди.

– Агар менга қандай айб қўйилаётганини билганимда, – дея баланд овозда эътироз қилди Шульмейстер, – аниқ жавоб берардим, аммо қоғозга нималар ёзилганидан хабарим йўқ-да.

– Ие! Ҳали билмайсизми? – кесатди полковник. – Жуда соз, ҳозироқ билдириб қўяман.

Полковник ҳалол одам бўлиб, жосус вақтни чўзаётганини сезиб турарди ва Шульмейстернинг айбдорлигига заррача шубҳаси қолмаганди. У фақат бу ишда Венднинг бор-йўқлигини аниқлаб олишни истарди. Қолаверса, маълумот оддий аскарлар англай олмайдиган услубда ёзилган бўлиб, уни шу ернинг ўзида муҳокама қилиш хавfli эмасди.

Полковник ҳужжатни баланд овозда ўқий кетди, бу ҳукм эълон қилишга ўхшарди.

Шульмейстер охирги жумлага етгач, яхши эшитмаганини ва тушуна олмаганини арз қилди. Унинг талаби билан ҳар бир сўзга алоҳида урғу берилди ва шошмасдан, дона-дона қилиб қайта ўқилди:

«Унинг тасарруфида 70000 аскар бор: бир қисми Иелашиш кўмондонлигида Тироль орқали, бошқа бўлаги эрцгерцог бошчилигида Богомея тарафга ўтиб кетиши мумкин. Қолган корпуслар бу ердан жилмайди. Шаҳар кўргони мустаҳкам, лекин Эльсинген қўлга киргач, у ҳам таслим бўлди деган сўз.»

Хуфянома ўқиб бўлингунча, Шульмейстер болага синчков боқиб, кўз узгани йўқ. Гўё унинг маъноли нигоҳи диққат билан тинглашни, ҳар бир калимани

ёдлаб олишни, керак бўлган жойда айтиб беришни тайинларди. «Манави гапларни яхши эшитяпсанми? Агар менинг ўғлим бўлсанг, бирор сўзни эсингдан чиқарма!»

Полковник ўқиб бўлди. Шультмейстер ҳам бола тарафга ортиқ назар солмай қўйди.

Ганснинг фаҳми етдики, сўзсиз берилган буйруққа бўйсунishi зарур ва бўйсунди. Унинг учун такрорланган мактуб сатрма-сатр миясига жойланди.

Аммо уни кимга айтиб бериши керак? «Карл дадам мен французчани билмаслигимни таъкидлагани ҳолда нега энди айнан шу тилдаги хатни ёд олишни буюрдийкан? Ҳа-а, афтидан қўлга тушгудай бўлсам, французчани тушунмайдигандай кўринишим зарур. Хўш, кимга... кимнинг олдида хат мазмунини такрорлайман?»

Ўша ондаёқ унинг болаларча зукко ва бегубор ақли жавоб топди: «Мен французларни қидириб топишим керак. Родек мени қаёққа жўнатган бўлса, Карл дадам ҳам ўша тарафга боришни буюрмоқда.»

Қаҳрамон бола дарё сари йўл олди.

Ганс кўринмай қолгач, Шультмейстер елкасидан тоғ ағдарилгандай енгиллаб, мутлақо хотиржам қиёфага кирди. У қўлидан келган ҳамма ишни қилди, энди виждони пок. Ҳатто асранди ўғлини ҳам ватан хизматига сафарбар этди. «Бу ёғига пешонамдан кўраман. Аммо душман билан ҳисоб-китоб қилмасдан армон ичра ўлиб кетавераманми?»

– Полковник жаноблари! – деди у овозини баралла қўйиб. – Кураш мени чарчатди, сизга ҳаммасини рўй-рост айта қоламан. Қўлингиздаги хатдан хабарим бор, уни ўзим ёзганман. Аммо ўйлаб кўринг, бунча маълумотни битта одам қаёқдан олади? Поручик Венд менга ёлланиб, энг махфий хабарларни топиб

берарди. Мен унга ўн минг франк ваъда қилгандим. Ҳозиргача етти минг наполеондорни жарақлатиб олди. Сўзим ростлигини текшириш осон. Сўнгги қирқ саккиз соат ичидаги бу зотнинг харажатларини қиморхонада ва бошқа жойларда совурган пулларини тафтиш қилинса бўлди...

– Ўзингизни ҳимоялаш ўрнига Вендни айблашингиз қанақа бўлди? – сўради полковник. – Бу ҳам сизни қутқаролмаслиги ўзингизги аён-ку... Қолаверса, сизни фош қилган одамдан ўч олмоқчи эканингизни шу тобда ҳамма пайқаб турибди.

– Нега ўзимни оқлаш ўрнига уни қоралаяпман? Сабаби жудаям оддий: бунақа ишларни қилолган одам ҳимоялангандан кўра фахрланса арзийди-да. Мен сизга ёвман, инчунун истаганимча зиён етказиб, истаганимча алдаш менинг вазифам. Агар сирим очилса, ҳаётим хавф остида эканини билардим, бу – аниқ! Мана энди қўлингиздаман, қатл этсангиз, интиқом оласиз – ҳисобимиз тўғриланади. Аммо менинг пулимга сотилган кимса сирларингизни очди, сизга хоинлик қилди. Эшитиб қўйинг, у хоин, хоин, хоин! У бу кеча мениям сотди, шунинг учун сотдики, яна пул олишга ортиқ умиди қолмаганди. Ўйлайманки, у мени тинтиш чоғи бор би-сотимни ўмармоқчи эканиям эҳтимолга яқин. Аниқки, бундай жинойтни кечириб бўлмайди ва мендай ёлловчи ҳам индамасдан, ёлғиз ўзи ўлиб кетавермайди. Гўсхўр эмасман! Венд жаноблари мен билан бирга қабрга киради! Полковник, на менга ва на унга шафқат қилишнинг иложи йўқ. Менга мутлақо ишонаверишингиз мумкин. Азроилнинг чангалидаги бандайи Худо ёлғон гапирмайди! Жосусни қатл этаркансиз, анави илонниям бошини мажақланг-да!..

Шульмейстернинг сўзларидан мутаассир полковник шаҳд билан Вендга ўтирилди ва сўради:

– Нима дейсиз, бу қанақаси?.. Ие, қайга гумдон бўлди?

Венд туёғини шиқиллатиб бўлганди..

ВЕНД ГАНСНИ АЗОБЛАМОҚЧИ

Венд аталмиш бу бадкирдорнинг фикри-зикри фақат ўлжада: ҳакамлар оёғи остига ташланган газна-белбоғни қандай қилиб қўлга киритса бўлади? Бироқ полковникнинг амирона сиёқи бунга йўл қўймасди, унга бўйсунмаслик эса ақлдан эмас, шунинг учун у ҳакалак отган нафсини тийишга, қилт этмасликка мажбур бўлди.

Хуллас, ўн минг франк мўмай даромад тупроқ устида қолаверди. Асир сўроқ қилиб бўлингач, тиллани маҳкум қатл этилгани хусусидаги рапортга қўшиб, соқчилар кузатуви остида бош штабга жўнатишлари мумкин.

Олтиндан буткул умиди узилган Венд ўша ондаёқ ётиб қолгунча отиб қолишга – қасд олишга маккорона бел боғлади ва Шульмейстернинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузата бошлади. Асирнинг нигоҳи мавҳум нуқтага қадалиб, номаълум даҳшатдан афти бужмайганда, Венд ҳам наригилар каби ҳайратга тушди, албатта. Лекин дафъатан содир бўлган бу ўзгаришни ўлим талвасасига йўймади. Бошқалардан фарқли ўлароқ, Венд бунинг сабаби руҳий эмас, моддий нимадир эканини фаҳмлаб, ўша нарсани кашф этишга уринди.

У оҳиста эгилиб, гулхан ёғдуси етган теваракни, ҳар бир нуқтани эринмай ва пинҳона кўздан кечирди-да, ахийри, нимани излаётган бўлса, ўшанга назари тушди. Бир болакай, юзи беғубор ва маъсум, тийрак кўзлари билан фақат Шульмейстерга боқиб турибди.

Венднинг полициячиларга хос топқир сезгиси дарҳол иш берди, бу ҳолда сабаб ва оқибат муштарак эканини аниқ англади. «Айбнома» муаллифи ўзи талаб қилгач, хат баланд овозда қайта ўқиларкан, шубҳали болакай уни жон қулоғи билан тинглади.

– Бу бежиз эмас! – хулоса қилди Венд.

Боланинг кимлигини, қаёқдан келганини аниқлаш зарур! Модомики бегоналар кўриши ва эшитиши мумкин бўлмаган сирга бу тирранча шоҳид бўлиб қолган экан, лоақал эҳтиёткорлик юзасидан уни қўлдан чиқармаслик шарт.

Венд даврадан киши билмас ғойиб бўлишга киришди. Унинг номи энди салкам қораланиб, шубҳа остида эдики, жиркана бошлаган зобит йигитлар Венднинг кўринмай қолганидан ҳатто суюнишди ҳам. Инчунин, уни қидиришга ва йўқлигини кимгадир айтишга ҳам уларнинг кўзи учиб турмаганди. Сотқин эса бир амаллаб четга ўтиб, қишлоқ томонга отланди. У хийла айланма йўллардан юриб, болани тўсиб чиқадиган панага жойланиб олди, бу ердан Ганснинг гулхан ёғдусидаги нозик тахлити бемалол кўриниб турарди...

Саноқли дақиқалар ўтиб, полковник айна Вендни суриштирган дамда даҳшатли чинқириқ янгради. Бу даҳшат ва газабга учраган иложсиз мазлумнинг жон аччиғидаги ночор нидоси эдики, Шультмейстернинг ранги кесакка айланиб бўлганди: бу Ганс эканига унинг қалбида гумон йўқ! Ҳамма ўша ёққа отилди. Сал наридан машмаша эшитилиб турарди: кимдир тепди, инграш, қаҳрли боланинг ноласи, унинг оғзига тушган гурзидай мушт... Кейин Венд кўринди, унинг ортида икки аскар асло хоҳламасалар-да, ўн бир яшарча болани қўлидан тутиб келардилар.

– Бу қанақаси? – норози бўлди полковник. – Бу бечорани нега судраб юрибсизлар? Мен сизни қидириб

овораман, сиз эса бир гўдакни қувлаб юрибсизми, поручик?

– Мени афв этинг, полковник, – ўзиникини маъқуллади Венд, – ҳазилакам ўлжани тузоққа туширганим йўқ! Ишончим комилки, анави асир ва манави болакайнинг ўзаро кўз уриштиришида ва имо-ишораларида ўзаро боғлиқ жиддий сир бор. Ваҳоланки, бу гўдакни мендан бўлак ҳеч ким пайқамовди. Иккови бир-бирини танишига шубҳам йўқ: сиз хатни ўқиётганингизда, мишиқи ҳаммасини ёдлаб бўлди. Мана, эҳтиёт шарт деб, ҳузурингизга тутиб келдим.

– Ие, ҳали болаларга қарши уруш очадиган бўп қолдикми? Сизнингча, ҳозир шу норасидани сўроқ қилишим керакми?

– Албатта унақамас, полковник! – илжайди Венд. – Бироқ сиз айтган мана шу «норасида» ўша хатнинг мазмунини душманга сўзма-сўз етказса-чи? Унда шўримизга шўрва тўкилиб қолмайдими? Ахир ўзингиз унгаям эшиттириб, баланд овозда ўқиб бердингиз-ку!

– Демак, мен у эшитсин учун товушимни баландлатганман, бу ишим ножўя эканлигига шама қил-япсизми?

– Йўғ-е, полковник, сиз менинг ниятим нималиги тушунмадингиз чоғи...

– Тақсир! Мен ҳеч нарсани тушунишни хоҳламайман! Сиз ўз касбингизни уддалаяпсиз, вассалом! Майли, шундай дея қоламиз-да. Мен эса ўз бурчимни адо этаман. Қани кичкинтой, берироқ кел-чи!

Ҳозиргина икки жангчининг темирдай қўлидан қутулган Ганс ҳамон титраб-қақшарди, асаби сирқираб, вужудини безгак тутаётган оғир лаҳзада полковникнинг ўктам овози қулогига оталарча ҳароратли туюлди. У томонга дадил бораркан, икки соқчи елкаси ва қўлидан тутган гулхан ёнидаги асирга лоақал

кўз қири билан қараб қўйгани йўқ. Аммо ўзига қолса, шу одамнинг бўйнига осилиб олгиси бор!.. Йўқ, Ганснинг нигоҳи фақат полковникда, ундан бошқа ҳеч кимни кўрмасди, кўришни хоҳламасди ҳам.

– Ярим кеча бўлса, бу ёқларда нима қилиб юрибсан? – сўради полковник.

– Адашиб қолдим. Оиламиз анави қишлоқда... отиниям билмайман. Кеча кечқурун келувдик. Биз ётган маҳалда аскарлар кириб, уйни эгаллашди. Уларнинг қўналғасини, чодирларини томоша қилгим келди... Сўнгра адашдим-да.

– Ундан кейин-чи?

– Кейин манави ёқда чироқлар кўринди. Ўша ерга бориб, йўлни сўрамоқчи бўлдим. Бироқ етиб келгач, аллақандай одамни турткилашаётгани учун мени ҳам қувиб солишади деб уйлаб изимга қайта қолдим. Шунда бу киши йўлимни тўсди.

– Отинг нима?

– Ганс.

– Бошқа исминг йўқми?

– Менимча, йўқ.

– Хўш, сенингча, отангнинг исми нимаиди?

– Отам ўлиб кетган, тақсир.

Жавоб шунчалар оғир ва ғуссага йўғрилган эдики, жангчиларнинг юрагида етимга нисбатан раҳм-шафқат уйғонди.

Шульмейстер эса оғиз очгани йўқ, у ҳеч нимани кўрмасди, билмасди. Унинг хаёли ҳам, ҳаёти ҳам болаларча ақлли сўзларда, гоҳ-гоҳ қалби қалқиб оларди.

Венд фақат унга бақадай бақрайиб олган. Унингча Шульмейстер кўз қири ё бир имо билан болага маслаҳат ё сигнал бериши мумкин эди. Лекин у исковучдай қанчалар разм солмасин, лоақал салгина шубҳали ишорани пайқай олмай армонда қовуриларди.

– Кулоқ сол, ўғлим, гапларингга ишонгим келади. Лекин менга ҳаммасини бошдан-оёқ очиқ-ойдин айтишинг керак-да, ахир ўзинг тўғрисиўз болага ўхшайсан... Хўпми?

– Хўп, тақсир!

– Бу ерга қаёқдан кеп қолдиларинг?

– Оффенбургдан.

– Ҳа-а, Қора ўрмон тарафда... чегарага яқин жойлар. Французларниям кўргандирсан?

Ганснинг юраги шувиллаб, юзи қизаргандай бўлди. Аммо у полковникнинг самимий чеҳрасига тикилганича, чақноқ кўзларини олиб қочгани йўқ. Шу тобда кипригининг ортиқча пирпираши ҳам ички тугёнини фош этиши ҳеч гап эмасди.

– Кўрсам-да, танишим қийинроқ.

– Сен уларни ажратолмайсанми?

– Шунақа, уларни кўргандирман, аммо танимайман-да.

– Олдингда французча гапирилса, тушунасанми?

– Қанақасига, тақсир?

– Мана қараб тур! Ҳозир сўзларимни диққат билан эшитсанг...

Ҳамманинг нигоҳи болакайнинг кўзларига қадалди: тушунган-тушунмаганини аниқлаш зарур! Шулмейстерни унутган Венд ҳам, Шулмейстер ўзи ҳам малласоч болага бақрайиб қолишганди.

Полковник дона-дона қилиб, ушбу сўзларни француз тилида айтди:

– Сен менга дадам ўлган дединг, тўғрими? Онанг ҳам вафот этган экан-да, а?

Ганс ўзини гангитадиган савол беришларига тайёр эди, бироқ унинг маъноси бунчалар шафқатсиз бўлажagini ўйламаганди. Лекин ёш бошига не кўргиликлар тушмаган бу хилқат ҳамма қийинчиликларни ен-

гиб ўтишга, бардош беришга ўзида куч ва ирода топа биларди. Қолаверса, валинеъмати, мададкори бўлмиш Карл дада ёнгинасида турибди ва шу тобда у ўзи валинеъматга, мададга муҳтож. Ганс полковникнинг юзига боқди-да, немисча жавоб берди:

– Жудаям ёқимли сўзлар экан, лекин уларнинг маъносини тушунолганим йўқ.

Жангчилар орасида пичир-пичир бўлиб ўтди. Норасида болани тергов қилганидан, бундаги ўзининг кўрслигидан хижолатда қолган полковник ноқулай аҳволда елкасини қисди ва зобитларга юзланди:

– Ўзингиз айтинг-чи, агар у гапларимни тушунган бўлса, бола боши билан шунчалар доғули ва маккор бўлиши мумкинми?

Лекин Венд бу хулосага тиш-тирноғи билан қарши эди! У Шульмейстернинг юзида пинҳоний тантана аломатини илғай олганди. Сотқин полковникка яқинлашаркан, бу азоб ҳали давом этажаги Шульмейстерга аниқ бўлди.

– Жаноб полковник, яна битта синовга ижозат этсангиз! – деди чақимчи.

– Нега энди? Бу болага берган азобимиз каммиди, тақсир?.. Сизга яна нима керак? Жонимга тегиб кетдингиз! Менда тариқчайм шубҳа қолгани йўқ, сиз эса билганингизни қилинг!..

Полковник «синовинг курсин» дегандай қўл силтади. Венд боланинг ёнига келиб, катта самимият билан французча сўзлади:

– Бўпти! Борақол, кичкинтой, кетишинг мумкин!

Ганс унга саволомуз боқди, киприклари пир-пирлади, бироқ ўрнидан жилгани йўқ. Полковникнинг жаҳли чиқди:

– Бунчалик тирғилавериш – болага бераҳмлик!

Лекин қўли остидаги зобитни хижолат қилмаслик учунгина ортиқ индамай кузатаверди.

Венд Ганснинг елкасига қўлини қўйди, бола силтаниб, ўзини четга олди. Яна французча савол:

– Мендан хафа бўляпсанми?

Жавоб эса ҳамон йўқ.

Венднинг имоси билан аскарлар Шульмейстерни нарироққа ҳайдаб, қуролдошлари панасига олиб ўтишди. Ганс уларга терс тургани боис буни кўргани йўқ. Унинг кўзи полковникда бўлиб, катта зобитнинг норози нигоҳидан ўзи учун қандайдир кўргилик ҳозирлашаётганини пайқади.

Лекин ўша ондаёқ мияси бир чарақлаб олди ва ҳаммасига ақли етди: ёруғ дунёда Ганс ҳимоялаши зарур одам Карл дада, модомики шундай экан, уни танимаслигига анавиларни ишонтиради, вассалом! Энг ашаддий душман Венд эдики, энг муҳими бу нусханинг на сўзига, на ишига ишонмаслик керак! Бошқа ҳеч нимага ўрин йўқ! Бундай жонфидаликни фақат меҳр-муҳаббат ва матонатга лиммо-лим юракларгина уддалайди!

– Бу ёққа қара! – буюрди Венд.

Ганс ортига ўгирилди: олисга чўзилган қорамтир водий, унга кўз тиккан аскарлар, қаққайган соқчилар, кип-қизил чўғлар устида липиллаётган гулхан алангаси, лекин...

Лекин Шульмейстер йўқ, ҳозиргина у турган жой бўм-бўш!

Бу янгиликни Ганс беҳаяжон қабул қилди ва немисчалаб сўради:

– Бояги одам қани?

– Уни ўлдиришди, – жавоб берди Венд, бу гал у ҳам немис тилида гапирганди.

Ганс йиғлаворгани йўқ. Ўзини тута билди. Лекин кўнглидан нелар ўтгани ёлғиз Худога аён. Болакай ахийри оғиз очди:

– Галати-ку! Аскарлар фақат ўқ отиб ўлдиришади деб ўйларканман! Ўқ овозини эса эшитганимча йўқ.

Дарғазаб полковник тутоқиб ўшқирди:

– Бас қилинг! Бегуноҳ болани қийнашингизга ортиқ бардошим етмайди! Поручик, буюринг, уни қўйиб юборишсин! Жаноблар, орангиздан бу ерларни яхши биладиган бир ишончли одам уни кузатиб борсин!

– Яхши қолинг! – деди Ганс полковникка қараб.
– Мана шунақа гапларни ёқтираман-да! Лоақал мен билган тилда сўзлашсалар...

У полковникнинг кўзларидаги намни ва мурувват учқунларини пайқади-да, унга дадил боқди:

– Анави ердаги... ҳалиги одамни ўлдиришгани ёлғон-да, а, тақсир?

– Шундай, ўғлим! Ёлғон гап, – деди кекса зобит хижолатомуз гўлдираб. – Тезроқ бор, болакай, ухла, дамингни ол!..

Гўё полковникнинг сўзларини қувватлагандай зобитлар ортидан титроқ бир садо эшитилди:

– Венд бориб турган аблаҳ экан-да!

Бу сўзлардан ўн бир яшар қаҳрамоннинг қалби илоҳий нурга тўлиб, яйраб-яшнаб кетди. Агар атроф мунаввар бўлганда эди, беномус жаллод Ганснинг кўзларида гилтиллаган ёшни кўрарди. Муқаддас томчилар...

Бироқ полковник ишонгани билан Вендни ишонтириш осон эмас...

Аммо полковникнинг буйруғи бари бир қатъий, ҳеч қандай эътирозга, ҳатто ижросини пайсалга солишга ўрин йўқ! Алалоқибат, Гансга бир жангчини қўшиб беришди, у Вертингенга элтувчи яқин сўқмоқ томонга бошлаб кетди. Қиличи синиб, қалқони тешилган Венд буни кўриб тургани холда огиз очишга журъат этолмасди.

Бола йўлбошловчи ҳамроҳлигида олислаб бораркан, бояги титроқ овоз яна нидо берди:

– Алвидо кичкинтой! Сенга тасанно, булоқ сувидай тоза қалбинг бор экан!

Қоронғилик қаъридан бўғиқ ғала-говур эшитилди, кимдир кимнингдир овозини ўчиришга мажбур қилаётганга ўхшарди. Сўнгра Шульмейстернинг тақдирини хусусида бир қарорга келишди: у кучли соқчилар кузатуви остида Гогенрейхенга – қўшни қишлоқчага жўнатилади. У ердаги алоҳида ҳибсхонада то қатл ҳукми ижро этилгунча сақланади.

Интиқоми пайсалга солинишидан феъли бузилган Венд сўрашга журъат этди:

– У ҳозир отилмайдими?

– Тақсир! – деди полковник қатъият билан. – Бу ишнинг энди сизга мутлақо дахли йўқ! Билиб турибман, сиз бу одамнинг ўлишини кўриб хумордан чиқмоқчисиз, негаки у сизнинг нозик, балки қалтис сирингиздан бохабар. Бироқ бу ерда командир фақат менман. Қолаверса, уни қатл этишдан бурун аниқлаб олмоқчиман, ҳалиги боладан тетикроқ ҳамтовоғиям борми-йўқми?

Венд артистона қулочини керди... Лекин полковник бу «пантомима» билан мот бўлиш ўрнига сотқиннинг думини тугадиган оҳангда деди:

– Менимча, бу ерда сизбоп юмуш қолгани йўқ. Мана бу постда мен тайинлаган зобитларгина қорувликда туриши мумкин, сиз дарҳол кетинг. Оқ йўл, тақсир!

Венд қўзғоларкан, ёш зобитлардан ҳеч бири ҳарбий эҳтиром билан кузатгани йўқ. Салдан сўнг унинг от чоптириб кетаётгани эшитилди.

У йўлга тушгачгина полковник тилини тишлади, чунки Венднинг қаёққа отланганини пайқаб, қўйиб юборганига афсуслана бошлаганди.

Бола ҳам айна йша йўлдан, фақат ўз қораловчиси ва жаллодидан бир неча дақиқа олдинроқ борарди, холос.

СОТҚИН ЎЗ БОШИНИ ЎЗИ ЕДИ

Биз Родекнинг аравасидаги Доротеяни Вертингендан чиқиш йўлида қолдиргандик. (У бундай «ша раф»га Венднинг ўртоғи бўлмиш ёш зобитнинг ҳақо ратли илтифоти билан мушарраф бўлгани ҳам китоб хонининг ёдидадир.) Бироқ у узоққа боролгани йўқ. Жиндайгина тўхтаб-тўхтамасданоқ йўлга чиқиш волисдан олис сафар туфайли тинка-мадори адоий тамом бўлган байтал ҳар қадамда қоқилиб, бетиним пишқирарди. Салдан сўнг ҳорғин жонивор таққа тўхтади-да, ҳеч бўйсунмай қўйди. Аскар зилдай қўлиги қамчини олиб, аёвсиз савалай кетди, оғриқ жонидаги ўтган шўрлик бия энг сўнгги кучи билан олға отилиб ўқдай учди. Кейин эса ҳаммаси тамом: тўртала оёғини узатиб, дабдала араванинг синган шотилари ўртасига ётиб олди.

Доротея сакраб ерга тушди. Унинг кузатувчиси бўлмиш жангчи ўтинди:

– Тўхтаб туринг, хоним, отни йўлга соламан, аравани тузатиб, обориб қўяман.

Аёл унга жавобан қаҳқаҳ уриб кулиб қўйди-да шаҳар томонга йўл олди: немислар тўлиб-тошган қишлоқнинг бети курсин! Шимол томондаги нишаб ўрмонга чодир тиккан французлар ҳужум фурсатини пойлаб ётишибди. Аммо Доротеяни улар эмас, уларнинг сирли айғоқчиси қизиқтирар, шаҳарга бориб уни топиши керак эди.

Бироқ унинг айна шу фикри янглиш эди. У талпинаётган ҳамкор ёнгинасида эканини қаёқдан ҳам

билсин? Шулмейстер жондан азиз яқинлари жамланган қишлоқни четлаб ўтгани ҳолда у ари уядай тўзғиётган отрядлардан қочиб, дўстлари жамулжам тоғ ён бағрига ошиқарди: зеро зиммасидаги бурчни бақадриҳол адо этди, энди францияликлар даврасига етиб олса бўлгани. Лекин унинг атрофида юрганларнинг ҳам йўли битта: хавф-хатардан огоҳлантирилган зобитлар ўз қисмига етиб олишга шошарди.

Суворийлардан бири Доротеянинг ёнгинасидан учиб ўтганидан унинг юзига отнинг шамоли урилди. Жувон таққа тўхтади: аввало, юраги бир нохушликни сезиб, ҳаприқиб олди, қолаверса, одам ҳам шунчалар ўхшаш бўладими? Кулранг от, оппоқ қашқаси бор, унинг устидаги чавандознинг ҳар бир чизгиси Доротеянинг шуурига ўрнаб қолган. Тўғри, у елдай ўтди, юзини кўролгани йўқ. Бироқ шакл-шамойили уст-боши, эгар-жабдуғига минг бор кўзи тушгандики, уни таниши учун юзига қарашга ҳам ҳожат йўқ эди. Доротея ўзига ўзи шивирлади:

– Бу – Венд! Шу бемаҳалда-я? Нега йўлга чиқдийкан? Қайга бормоқчи? Мақсади нима? Кимнинг изига тушган? Бунчалар ошиқиб, Вертингенга кетаётган бўлса-чи? У ерда нима иши бор?

Доротея туёқлар овозини аниқроқ эшитиш учун ерга энкайди. Чоғи от ортда қолган қишлоқ томонга бурилмасдан тўғрига – дарёнинг нишаб соҳили тарафга чопарди. Бу жумбоқни қандай ечиш мумкин?

Саволларига ақли жавоб топмасиданоқ аёлнинг сезгиси ҳаракатга келди. Мулоҳазадан абжирроқ туйғу уни олға бошлади: шамолдай елган чавандоз ортидан бориш зарур. Шоша-пиша ўша ёққа йўл олди.

Салдан сўнг бояги синган арава билан ҳаром қотган байталга йўлиқди. Солдат кўринмасди, у постига қайтган, албатта. Яна жиндай фурсатда чорраҳага

чиқди. Икки йўлдан бири Дунайга элтарди, Доротея от туёқлари давомли дупурлаган тарафни танлади. Ҳеч қанча юрмасидан олисдан қароргоҳ гулхани кўринди.

У тўхтаб қолди.

У ёқдаги қандайдир шарпалар ҳар замонда оловни тўсиб қоларди. Доротея уларнинг аскарлар бўлиб, ҳозиргина ўзи тарк этган ҳарбийларга ватандош эканликларини тушунди. Бироқ бунга ишонч ҳосил қилиш учун ортиқ яқинлашиши мумкинмас-да.

Венд ўшалар томонга кетмадимикан? Йўқ, у ўлса ҳам энг олдинги аванпостга қадам босадиган инсон эмас. Ширин жонини хатарга қўйиб ва ярим тунда иссиқ тўшакни тарк этиб, шахсан ўзи разведкага бориш Вендга зарур келибдими, бундай қилишнинг унга кераги йўқ. Башарти ҳасад ва разолати ўта хуружга келиб, қутуриб кетсагина танбаллик ва ҳузур-ҳаловатини тарк этиши мумкин, холос.

Доротея ана шу ўйлар билан гулхан сари одимлайверди. Орада йўл ёқасидаги харсанглардан бирига ўтириб, бир оз тин олди. Кейин яна ўрнидан қўзғолиб, олға интилди.

Тун оғиб борарди. Соат неча бўлдийкан? У вақтни ҳам унутганди. Тўсатдан ҳушёр тортиб, таққа тўхтади: қадам товушлари эшитиларди. Қоронгилик қаърида икки одамнинг паст-баланд тахлити пайдо бўлди: бири – катта киши, иккинчиси – ёш бола. Доротея ўт-ўланлар орасига эҳтиёткорлик билан яширинди. Бироқ қулоқлари динг эди.

– Энди қайтаверсангиз бўлади, – деди бола овози.
– Тоғ тарафдаги дастлабки уйлар кўриниб турибди.

– Тўғри, – деди аскарча дағал овоз, – аммо йўл хийла нарироқдан бурилади. Сен қаёққа юришни биласанми?

– Албатта, хотиржам бўлинг, энди адашмайман!
– Бўпти-да! Яхши бор, азамат бола! Сен довюрак-лигинг билан мақтансанг арзийди.

Бошқа гап-сўз эшитилмай қолди. Салдан сўнг қайтаётган аскарнинг залворли оёқ товушлари ҳам тинди. Бола қилт этмасди. У кузатувчининг кўздан ғойиб бўлишини кутаётганига шубҳа йўқ.

Доротея ўрнидан туриб, унга яқинлашаркан, Шульмейстернинг хипчагина ўгилчасини таниди ва таққа тўхтади. Яқингинада ҳам ҳарбийлар тўла уйда ухлаб ётган болани энди даланинг ўртасида ёлғиз кўргач, ҳайратдан довдираб қолганди.

Ундан сўнг ўша уйда бирор гап бўлдимикан? Лекин Доротеянинг бу саволга жавоб излашига бирор лаҳза фурсат бўлмади: дарё тарафдан бирданига шовқин кўтарилиб, яқинлаша бошлади. Аввалига у нималигига ақли етмади, салдан сўнг чопиб келаётган от туёқларининг дупурини фарқлади, овоз тобора аниқроқ эшитиларди. Қўққисдан қоронғилик қўйнида кулранг доғ пайдо бўлиб, катталашаверди, кейин аниқ кўриниб, қоп-қора шарпа намоён бўлди.

У олдинроқ ўша ёққа учиб ўтган суворий эди: Доротея Вендни таниди.

Аёл дарров Ганс томонга интилди, лекин ўша ондаёқ тўхтади.

Бола сўқмоқ ёқасига четланди холос: тун қоронғилигидан ўзга паноҳи йўқ-да.

Отлиқ Венд билан Ганснинг ораси ҳеч қанча эмас. Чамаси, сотқин йўлда қайтаётган жангчини учратиб, кичкина маҳбус қолган жойни билиб олган ва мўлжалдаги ўша манзилга етиб келиб, шу атрофни ахтара бошлаганди.

Ахийри болага назари тушди.

– Бу ерда нима қиляпсан? – сўради дағаллик билан.

– Сиз ўтиб олсангиз, кейин ўз йўлимга кетарман деб...

– Шунақа дегин! Мабодо мен кетгач, яна изингга қайтиб, айғоқчиликни давом эттириш ниятида эмасмисан?

– ...

– Нега индамайсан? Қани юр-чи! Сени бу ерда қолдириб бўлмайди. Олдимга туш, тезроқ бўл!

Венд жиловни силтаб, боланинг устига от солди.

Ганс қимирлагани йўқ, поручик қутуриб қичқирди:

– Эшитмаяпсанми, лаънати?

Йўлнинг қарши тарафидан аёл киши садо берди:

– Мен эшитяпман!

Венд таажуб ва даҳшатнинг зўридан бир сапчиб олди. Сирли овоз такрор жавоб қайтарди:

– Ҳа, мен эшитяпман! – луқмадаги беписандлик ва ошкора жирканиш Венднинг қулоқ чаккасига гўё шапалоқдай тушганди. – Аблах, бир бечора болани хўрлашингдан асло ҳайрон эмасман, ахир кечагина отасининг жонига қасд қилувдинг, бугун ўглиниям ўлдиришдан тоймайсан-да!

– Отасини? Ҳа, ҳа-а! – қутурган бўридай наъра тортди Венд, зотан, ана шу биттагина сўз унинг қора юрагидаги қўланса ярага малҳам қўйганди.

Зулмат тун бир зум сукутда қолди. Сўнг шодон қийқириқ бошланиб, яйраётган Венд хурсандчилигини тўкиб солаверди:

– Зў-ўр!.. Менинг ақлим етганди, бу иккисининг найрангбозликда тили битталигини айтувдим уларга! Энди бас, шўринг қургур Доротеягинам, нимаики билсанг, ҳаммасини менга айтиб берасан! Яширинсанг ҳам, кўзимга кўринсанг ҳам майли, билганингни қил! Ушбу сирни очсанг бўлди, ҳақоратларингни, дўқ-пўписангни – барини кечираман! Ҳа-а, дадажо-

ниси дегин! Демак, Шульмейстер – манави митти ярамаснинг отаси! Иккови ҳозиргина ҳаммага похол солди, гўё бир-бирини танимас эмиш! Бир қарич ҳийлагар қанча одамга панд берди-я! Сенга ташаккур, Доротея, мана энди газандаларнинг оилавий тўдаси кўлимга тушди! Қасос олмоғим энди муқаррар! Раҳмат, Доротея!

Бадкор сотқин Гансга ўшқирди:

– Қани, олдимга туш-чи, жосусвачча! Гулхан ёнига қайтиб бормасак бўлмайди, кўз бўямачи!.. Яна устимиздан куларсан...

Венд чаққонлик билан отдан тушиб, боланинг елкасига чанг солди. У жиловни қўйиб юбормасдан кўлига ўраб олганди.

Бироқ шу пайт қоронғилик қўйнидан Доротея чиқиб келди, унинг ранги ўчиб, чеҳраси қандайдир қатъиятдан мардона тус олганди.

– Унингни ўчир, кет бу ердан! – деди у. – Йўқол, ифлос хоин, дарҳол йўқол! Бу гапимни кулоғингга қўйиб ол! Ҳозирча вақт борида даф бўл!

– Хўш-хўш, яна нима дейсан? – Венд мазахлашга ўтди. – Намунча қитигинг келмаса? Сенга кетишим керакми? Бўпти, кетаман, тагин нима талабинг бор? Майли, сен айтгандай «дарҳол» йўқоламан... Фақат манави бола ўз падари билан кўришмоғи лозим. Мен шу эзгулик тарафдориман! Ҳамроҳим бўлишни хоҳламайсанми? Нега? Бу имконият-ку ахир азиз меҳмонингни сўнгги бор кўриб қолардинг, бундай ҳузур-ҳаловат сенга бошқа насиб этмайди!

– Эҳтиёт бўл, Венд!

– Эҳтиёт бўл? Қалбимда қайнаётган холис ниятимни амалга оширишга қаршимисан? Хонимча, дала-даштга тунги сайрга чиқаётиб, тўппончани олганмидилар?

– Йўқ! Қуролсизман! Аммо менга болани тин қўйишинг зарур!

– Войвўй! Сенга зарурми?

– Албатта!

– Кундошим, яъни мендан кейинги ўйнашинг жалғир чиқиб қопти-ку! Жигарингдан шунчалар уриб дики, ҳатто бола-чақасиниям ғамини еб юрибсан!

– Жим бўл!

– Яна ўша гапми? Тушунсанг-чи, ҳукм ижросиг чоғланган бир взвод аскар милтиқ ўқталади, маҳкум тиз чўқади, худди ўша лаҳзаларда Шульмейстер манав зумраша гувоҳнинг дийдорини кўриб турса дейман...

– Қулоғинг борми? Жим бўл!

– Ана ўшанда аввал ўғлини қамчилаб, қонга бе лайдилар, сўнгра отасини, яъни сенинг ўйна...

Венд сўнгги жумлани тугатишга улгургани йўл бир жуфт қўл унинг кекирдагига чирмашди.

У жон аччиғида қутулмоқчи бўлиб талпинди. Йўл иложи йўқ! Венд бўғаётган аёлнинг афтига муш солмоққа интилди, лекин бўйнини исқанжага олга муздай қўллар бунга имкон бермасди. У яна тўлғанди, қиличини олиб, ё тиғи, ё дастаси билан бирна ҳимояланмоқчи эди. Бироқ беҳуда, қўллари ҳавод муаллақ силкинарди, титроқ бармоқлари белидаг қуролга етолмасди.

Аёлнинг оғуши мудҳиш бўлиб, Венднинг бетағтиб талвасаларидан ҳеч наф йўқ... Зулмат бағридаг олишув ажал рақсидай машғум кўринарди! Шу тобд уйқашган икки навжувон ва кучли вужуднинг қий шанглаши даҳшатдан бошқа нарса эмас! Ваҳоланки гажишаётган бу эркак билан аёл кечагина оҳанрабодай бир-бирига интиларди, ошиқарди.

Бироқ Доротеянинг қаҳри қанчалар қайнаган бўлмасин, жон қайғусида ўзини ҳар ёққа ураётган Венд

нинг шиддатига зўр-базўр дош бериб турарди. Бўгилиб ўлаёзган аблаҳ бўйнидаги жонли сиртмоқдан қутулиш ҳаракатини бас қилди-да, бор кучини ишга солиб, аёлнинг белидан маҳкам қучоқлади ва омбирдай сиқа бошлади.

Доротеянинг ҳам тинка-мадори қуриб бўлганди. Венд энди елкасидан жони чиқиб, аъзойи бадани бўшашган Доротеянинг қўлларидан ушлаши ҳеч гапмас. Шундай бўлса-да, ноумидлик хуружидаги аёл бўғаверди.

Вендга нозик ва жаллод панжалар кекирдагини тешиб ўтгандай, нафас йўли таққа тўсилиб, ҳозир қон отиладигандай туюларди. Унинг кўкарган, доғ босиб, олачипор тус олган юзидаги қийшайган оғзи каппа-каппа очилар ва олайган кўзлари косасидан чиқар даражага етганди.

Бироқ Доротея ҳам силласи қуриб бўлганини сезиб, асаблари бардош беролмай қолганди. Йўқ! Мутлақо! Аёл қўллари бундан зиёда зўриқишга чидай олмайди!

Жирканч сотқин буни пайқади, бўйнидаги исканжа бўшашгани сайин, у икки ҳисса жазавага тушди. Бармоқлар жиндай сусайди, аммо батамом қўйиб юборгани йўқ.

Венднинг томоғидан салгина ҳаво ўтиб, яшаш ва нафас олиш умиди уйғонди-да, ҳайвонларча мамнун хириллаб олди.

Аммо бари бир унинг паймонаси тўлган экан!

Бир-бирига чирмашган икки одамзоднинг тумшуғидаги тизгинга ёпишганча потирлайвериши отнинг меъдасига тегиб бўлганди: Венднинг ҳайвоний бақирғи эса ўтакасини ёриб юборди. Жонивор ер тепиниб тисарилди-да, олд оёқларини баланд кўтариб, орқа оёқларида тик турди. Тонг шафағида унинг ростланган девдай сиёқи ваҳимали кўринарди.

Хоин чилвирни қўлига боглаб олган эмасми, тизгин таранг бўлиб, уни ҳам судраб кетди ва ерга юзтубан тушди. Унга илашган Доротея тиззаси билан ўтириб қолганди.

От гарчи ақли эса-да, бари бир инсон эмас-да арғамчисига илакишиб, тупроққа йиқилган икковнинг залвори билан мункиб кетди ва пўлат тақали зилдай туёғи Венднинг миясини мажақлаб ташлади.

Доротея бармоқларига қайноқ қон сачраганини пайқайди. Белига ёпишган қўллар энди оёғига сирпаниб тушди. Аёл унинг бўйнидаги қўлларини бўшатди. Қимирламай қолган Венднинг пажмурда танаси жон талвасасида қайта-қайта потирлаб, сўнгра батамом тинчиди.

Бу қандай содир бўлди, лаънати хоинни ким ўлдирди ўзи: Доротеями ёки шамшоддай тикланган жониворми? Хуркиб кетган арғумоқ адолатли қатлда курул вазифасини адо этганди.

Доротея тошдай қотиб қолган, ҳеч нарсани сезмасди, тушунолмасди, ақли етмасди.

Даҳшатдан карахт бўлиб қолган жувон бир амаллаб ўрнидан кўзгалди. Доротеянинг дабдаласи чиқиб қонга бўялган машъум башарадан кўз узишга ҳам ҳоли йўқ эди.

Аста-секин унинг эси ўзига келди, шундагина ҳаёт-момот олишувининг шиддатли ваҳимаси чекинди-да, қўрқувдан бир сакраб тушди: йўл узра аёл кинининг мудҳиш наъраси янгради.

Доротеянинг чинқириғи ҳарсиллаб турган жаллод-отга халачўп бўлди-қолди: ҳали ҳам хурковуҳ қолдаги ақлсиз махлуқ энди қутуриб кетди ва қоронғи даштга томон ўқдай учди, ортида тизгинга ўралган Венднинг мурдаси судралиб борарди. Ўлик ҳали туёқларга, ҳали узангига уриларкан, тупроқ юзида кераксиз агат очиб кетаверди.

Қонли бу манзарага қарашга ортиқ юраги бетламаган Доротея ўнг келган тарафга ура қочди, тонг ёришиб, дашт ва йўлларга илк қуёш нурлари тарала бошлаганди.

У танҳо. Уни ҳеч зоғ кўргани йўқ.

Афтидан, Шультейстернинг ўғли ҳам эсининг бо-рида этагини йиғиштирибди, чунки Доротеянинг кўзи иллаган кенгликларда одамзотнинг қораси кўринмасди.

Хайрият! Хайриятки, норасида манави хунрезлик-ни кўрмай қолди! Бу шерюрак, олтинсоч, рангпар, жажожигина болакай кўмакка етиб келган аёлнинг не иш қилиб қўйганини ҳеч қачон билолмайди – шуниси маъқул!

ЖОСУСНИНГ ЎҒЛИ НАПОЛЕОН ҲУЗУРИДА

Уруш даҳосининг мўлжаллари бирма-бир амалга ошмоқда эди. Еттинчи октябрь. Шварцвальд тоғлари ва унинг Вюртембергга туташ тизмалари ортидаги маълум ва машҳур водий. Худди шу жойга французларнинг олтига корпуси ҳар ёқдан етиб келиб, айни ўша кун режа бўйича учрашиб, бирлашди. Лекин улар тоғдан ошиб эмас, айланиб ўтишганди.

Наполеон стратегик муҳим ҳудудларни бирор дона ўқ отмасданоқ фатҳ этгандики, бу узил-кесил галаба-ни таъминловчи асосий омиллардан бири эди, албатта.

Мюратнинг кавалерияси императордан аввал етиб келди. У ўз ҳаракатларини ниқоблаб юриб, душман-ни чалғитиб бўлгач, ваниҳоят, жанговар одатига кўра фронтнинг олдинги маррасидан ўрин олишга эришганди. У ҳормай-толмай интилиши орқали Наполеон учун кўзланган мамлакатга йўлни очиб қўйганди.

Хуллас, 8 октябрь куни тонгда биттагина масала кўндаланг турарди: маршалнинг ҳарбий ҳийласи билан душманнинг чалгитилгани қай даражада ва шундан келиб чиққан ҳолда француз армияси илк ҳужумни қайси тарафга қаратиши керак? Буни аниқлаб олиш – галабанинг асосий гарови!

Шак-шубҳа йўқки, бутун ёки эртага қандай жанг қилиб, қандай зафар қозонишни Наполеон биларди. Лекин унинг тафаккурига бунинг ўзи кифоя эмас, у ана шу икки-уч кундан кейинги жанглари ҳам олдиндан кўришни, билишни истарди. Отряднинг етакчиси муайян жангни билса бўлди, аммо бош кўмондон ва миллат раҳнамоси бутун урушнинг яхлит тақдирини олдиндан кўра билиши шарт. Уруш – сахна асари, фожа: дастлабки сатрни битаётган драматургнинг хаёлида сўнгги сатр ҳам тайёр бўлиши керак. Муаллиф хотимага қадар давом этадиган ҳамма эпизодлардан бохабарлиги учун ҳам муаллиф-да!

Кўринишлар аниқ. Лекин томоша охиригача содир бўладиган эҳтимолларнинг бари ҳам кўзда тутилмаганди...

Мак нима қилмоқда экан? У ҳозир қаерда ўзи? Қайси маълумот унинг ишончини қозона олган? Мюратнинг чавандозлари Дунай соҳилида қандайдир қўшинни кўрибди, улар кўп эмас, лекин бари бир қай тарафнинг одами? Ўша дарё бўйидагилар кимга қарашли: Кинмейергами ё Ульм гарнизонигами? Бу пистирма кимнинг йўлини тўсмоқчи: Франциянинг иттифоқчиси бўлмиш бавариялик аскарларними ёки Баварияга дўст француз жангчилариними? Ваниҳоят, Наполеон қўлга олмоқчи бўлган душманнинг асосий қўналгаси аниқланганми? Улар қароргоҳидан кетиб қолган эмасми? Ёки у ерни тарк этиш ниятлари йўқми?

Наполеоннинг ушбу саволларини аниқ жавоб билан таъминлай оладиган ягона айғоқчи Шульмейстер эди. Аммо у Страсбургдан жўнаганича дом-дараксиз, на тириги ва на ўлигидан хат-хабар йўқ. Ё қўлга тушиб қолганми? Ўлдириб қўйишган бўлса-чи? Нима бўлса бўлгандирки, жосус ном-нишонсиз эди.

Шунинг учун 8 октябрь тонгида императорнинг таъби тирриқ эди. У Донаувертда тунаб, уйғонгач, қабулига кирган саркардаларнинг ахборотини ҳам ўта дилхиралик билан тинглади. Уларнинг бири-бирига зид маълумотларидан хулоса қилдики, ганимларининг ҳарбий режасидан ҳеч кимнинг аниқ хабари йўқ.

Император хузуридаги Ланн, Сульт ва Ней одатдагидай у савол бермагунча сукут сақлаб туришарди.

– Тақсирлар! – деди Наполеон нари-бери одимлаб, бу ер мўъжазгина мактаб бўлиб, император битта зални муваққат хосхона қилиб олганди. – Фараз қилинлар, биз бўрсиқ овига чиққанмиз. Унинг уясига оборадиган биргина лаҳм очдик, лекин унга сиғадиган энг хипча қўмондоним ҳам ўлжани гафлатда босдикми ё унинг бизни доғда қолдирадиган бошқа йўли борми-йўқми, буни айтолмайди. Сен айт-чи, Ланн, ушбу хусусда фикринг қанақа?

– Менимча, сенга куёв бўлмиш анави иблис... Афв этасиз, олампаноҳ... Менимча, шаҳзода Мюрат ҳазрати олийлари душманнинг жойлашуви борасида аниқ маълумот бермаган экан, бошқа ҳеч ким бунинг уддасидан чиқолмайди. Чунки тактика масаласида Мюрат дардисар бўлса-да, разведка бўйича устаси фаранг.

– Ҳой каллакесар, мен сендан Мюратнинг эмас, ўзингнинг мушоҳадангни сўрадим. Сенингча, австрияликлар Ульмда экани аниқми-йўқми?

– Ульмдами? Балки бордир, балки йўқдир. Бироқ фарқи нима? Ахир душман қаерда бўлмасин, бари бир мажақлаймиз, вассалом!

– Нормандияликка ўхшаб жавоб бердинг, гасконияликдай исботлаб қўя қолдинг. Сиз-чи, маршал Сульт, бу ҳақда сиз нима дейсиз?

Энг йирик корпус Сультнинг тасарруфида эди. У биркесар, ўта интизомли, иззатга лойиқ ва эҳтиёткор саркарда бўлиб, жавобни ҳам эҳтиёткорона айтди:

– Сиз ҳазрати олийлари билмаган нарсани мен қаёқдан ҳам билайин? Бироқ очигини айтадиган бўлсам, галабага эришамиз деган умиддаман. Бутун бир армия бошқасининг олдида чекиниб бораркан, бу ҳар қандай шароитда ҳам ҳужумимиз суръатини таъминлайди.

– Бағоят маъқул! – деди император. – Кей, сиз айтинг-чи?

Шерюрак маршал қачон Наполеон олдида сўзласа, албатта бир қизариб оларди. Бу гал у ўз нутқига шундай яқун ясади:

– Менимча, шаҳзода Мюрат имиллаб, бизни ишдан қўймоқда. Олампаноҳнинг саволларига ана шу одам жавоб бериши лозим эди. Жин ургур қаёққа қараяпти ўзи? У ганимни кузатиши, бу ерга барвақтроқ келиши ва ҳарбий вазият қандайлигини бизга айтиши зарур! Мен хомхаёллар устаси эмасман, душман қайдалигини айтиб юриш ҳам вазифамга кирмайди. Менга ёвларни кўрсатсангиз бас, абжағини чиқариб ташлайман! Бошқа иш қўлимдан келмайди!

Наполеон бу жанговар жазавадан кулгиси келганини яширолмади-да, Кейнинг елкасига бир туртиб қўйди:

– Тайинли бир мулоҳаза айтганларинг йўқ... Хайрият, кимдир келди шекилли, от туёқлари... Рустан, қарагин-чи, нима гап?

Дарҳақиқат, ташқаридан туёқлар дупури эшитилиб, боятдан бери ланг очиқ эшик ёнида қилт этмай

ўтирган мамлук¹ остонадан ўтиши биланоқ, бўсағада башанг ва жанговар қиёфадаги Мюратнинг келишган қомати кўринди.

– Ниҳоятда кечикдинг-ку! – деди император тан-беҳомуз. – Менга муждалар оп келдингми йўқми?

– Зоти олийлари! Ҳар ҳолда... бебаҳо ва тансиқ муждалар билан қалбингизга ором бағишлай олувчи болани оп келдим... Менимча, шундай...

– Бола?

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, марҳамат қилиб, анави манзарага бир назар солсангиз!

Маршалларини эргаштирган император эшикка қараб юрди.

Мюратнинг эгардаги соқчиларидан бири ухлаётган болани бағрига босиб ўтирарди.

– Бу нимаси? Сен уни қаёқдан топдинг? Ақлинг жойидами ўзи, шаҳзода Мюрат? Менга гўдакнинг тушига кирган алламбалолармас, ёвларим ҳақидаги маълумот керак.

¹ Мамлук (арабча – қул) – Мисрда қул жангчиларни ана шундай аташган. Мамлуклар таркиби турклардан, грузин, черкез каби кавказ халқларидан иборат бўлиб, Айюбийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1171–1250) улардан сарой гвардиячилари ташкил этилган. Ўшанда мамлуклар сони 9 мингдан 24 минггача экани тахмин қилинади. 1250 йили мамлуклар етакчиси Ойбек айюбийлардан тожу тахтни тортиб олгач, Миср то 1516 йилгача мамлуклар ҳукмронлиги остида бўлган. 1516–1517 йилларда турк султони Салим I Сурия, Миср ва Фаластинни истило қилгач, мамлуклар тахтдан четлатилган. Турклар империяси заифлашган 17-асрнинг охирида яна имконият туғилиб, мамлуклар ҳокимияти деярли қайта тикланади. Миср тахти Муҳаммад Али пошшо қўлига ўтгачгина (1805–1849) мамлуклар ва уларнинг беклари қувғин остига олиниб, дунё бўйлаб тирқираб кетди. Наполеон Мисрга юришидан ҳарбий ўлжалар қатори мамлукларни ҳам Францияга олиб кетгани ҳақида маълумотлар бор.

– Бу болани аввалдан танирдим, – мутлақо хотир-
жамлик билан жавоб қайтарди кавалерия кўмондони.
– Нима мақсадда оп келганимни исмиданоқ фаҳмлай
оласиз, офтоби олам.

– Хўш, исмини айт-чи?

– Ганс Шульмейстер!

– Шульмейстер? Шу гапинг аниқми?.. Айт, уни
тезроқ уйғотиб, зудлик билан бу ёққа оп киришсин!..

Водариг, шу тобда французлар императори бўл-
миш собиқ биринчи консулга болакайнинг асл исми-
ни айта оладиган мард топилсайди!

Ганс генераллар тўпланган оппоқ залга Наполеон-
нинг ортидан кўзларини ишқалаб кириб келди...

Бу тенги йўқ француз фитнагари оламни алғов-
далгов қилиб, шоҳлар таъзим бажо айлайдиган энг
юксак мақомларга етди ва зафар офтобининг нураф-
шон ёғдусида яна неча йиллаб давру даврон суриш
тақдирига битилган. Бироқ ҳузуридаги юпунгина
қишлоқ боласи аслида буюк сулоладан қолган сагир
қиролзода экани, унинг отаси бўлмиш дилбар шаҳ-
зодани эса ўзи қатл этиб, номини тириклар хатидан
мангу ўчиргани Наполеон етти ухласа ҳам тушига
кирмайдиган соқов тарих!

Учбурчак қалпоқчаси билан буюк бир инқилоб
рамзига айланиб қолганидан ҳаволанувчи бу голиб
саркарда кошкийди билса: ҳозир унга, яъни Наполе-
он Бонапартга зафарнинг тилло калитини келтирган
болакай Конденинг зурриёти бўлиб, унинг томирида
тождор Бурбонлар қони оқмоқда!

Бироқ бу ҳақиқат залдаги зобитларнинг барча-
сидан ҳам пинҳон эди. Мозийнинг синалган сабоғи
шундоқ: тақдир шахсларни келажакдаги тасодиф ва
қарама-қаршиликлардан кафолатлай олмайди. Қа-
ранг: ушбу дамда қотилнинг виждонида заррача азоб

йўқ, у етим қилган жафокашнинг қалбидан эса нафрат ва алам тополмайсиз.

Ганс рўпарасидаги басавлат зотларга болаларча ишонч ва дадиллик билан қараб олди. Хайрият, мовий мундирларни яна кўриб турибди. Ганс уларга бир қур назар солгач, Мюратга юзланди-да, миннатдор маънода жилмайиб қўйди.

Бироқ ўша дамдаёқ бошидан кечган мудҳиш кўргиликлар ёдига тушиб, юзига ғам-ғусса муҳри босилди...

Тонг чоғи эди. Француз соқчиси ўзи тарафга ошиқиб келаётган, олис йўл азоби тинкасини қуритган болани кўриб қолди. У одатий саволларга яккаш бир хилда жавоб бериб, ўжарлик билан битта гапни такрорлардики, қаттиқ саросимада экани билиниб турарди.

– Менга шаҳзода Мюратни топиб беринглар, у келганимни императорга етказиши зарур!

Болага жони ачиган жангчи кулиб қўя қолди. Ахир бу каби ҳолни биринчи кўриши эмас: қишлоқ болалари келиб, «маршал қабул қилсин, капрал бўламан» деб талаб қилишарди. Бироқ манави кичкинтой бошқача, биркесар ва тиришқоқ, гап-сўзи қандайдир фожиона. Соддадил соқчи унга яхши муомала қилди:

– Бўпти, йигитча, қани, бу ёққа ўтавер-чи! Чорак соатдан сўнг мени алмаштиргани келишади. Ўшанда пост бошлиғи сен билан шуғулланади, ҳал қилади.

Ганс ўт устига мунгайиб ўтириб олди. Бироқ соқчи унга милтиқ ўқталиб ўшқирди:

– Қоч бу ердан, ҳой тирранча! Бунчалик яқин туриш тақиқланади! Бор, анави ўнг тарафдаги тупроқ уюми устида кутақол!

«Тирранча» саркашлик қилгани йўқ, алпон-талпон юриб, ўша ёққа борди-да, нишабликда йиқилди. Унинг тинкаси қуриб, қўл-оёқлари, ҳатто қовоқла-

ри ҳам ўзига бўйсунмасди. Ҳордиқ учун жиндай кўз юмиб, кейин тошдай қотиб уйқуга кетди.

Соқчини алмаштирувчилар келганда ҳам мушти тугилган Ганс туш кўриб ётарди. Постни топширган аскар қўл-оёғидан кўтариб, бағрига олганда, у кўзини очгани ҳам йўқ. Қуролдошлари аския қилишди:

– Мана бола-чақаям оттирдинг. Кичкинтойнинг тарбияси оғирдир, а?

– Майли, кулаверинглар. Агар бу митти уйқучининг кўзларини кўрсаларинг эди... Унда ташлаб кетавериш шафқатсизлик деган бўлардингиз.

Соқчилар командири бўлмиш кекса ҳарбий зоҳиран қаттиққўл кўринса-да, аслида ҳалим инсон бўлиб, ҳатто ҳазиллашди:

– Қўналғага кўпайишиб бора қоламиз. Капитан йўлда шўхлик қилишибди деб ўйлайди, холос.

Ганс аскар қўлдан қўйгачгина уйғонди ва дарҳол рўпарасидаги зобитга болаларча беғубор, аммо қатъий овозда арз қилди:

– Мени маршал Мюрат ҳузурига бир топшириқ билан жўнатишган. У киши мени танийди. Мени маршалга оборинг, илтимос!

У французларни кўрибоқ қалпоғи жиғали кўмондон дўсти ҳам шу атрофда бўлса керак деб хаёл қилганди.

Соқчибоши сўради:

– Шаҳзода Мюратни қаёқдан танийсан?

– У Страсбургдаги уйимизга келган, кейин Оффенбургдаям учрашдик.

– Сен унга топширадиган қоғоз қани?

– Менда унақа нарса йўқ. Ҳаммасини ёдлаб олганман.

– Зўр-ку! Хўш, сени ким жўнатди?

– Дадам. Уни австрияликлар асир олишган, отиб ташлашлариям мумкин!

– Даданг ким эди?

– У ёлғиз ўзи императорга хизмат қиларди... Эндиликда отамга сизлардан ёрдам керак...

Бу ҳозиржавоблиги билан Ганс аскарлар наздида юксалиб борарди. Кўзларидаги ёлқин, овозида беғубор титроқ, куюнчак сўзлар ва ҳарорат савол бераётганлар дилида шубҳага ўрин қолдирмаганди.

Хуллас, ўз қисмига қайтаётган гусарлардан бири уни отига мингаштириб олди. Узоқ йўл босиб, манзилига етгач, Гансни бош штаб зобитларидан биттасига омон-эсон топширди. У ҳам «хўп» дея қолди ва Мюратни излаб йўлга тушди. Ахийри, Ганс ахтараётган одамни топиб беришди.

– Ё, Парвардигори олам! Сенмисан, миттивой? – қичқириб юборди шаҳзода, ундаги ҳайрат хуружидан ҳамма ҳайрон эди. – Бу ерда нима қилиб юрибсан?

Ганс имкон борича аниқ тушунтираркан, овозини пасайтириб, бегоналар эшитиб қолмаслигига ҳам уринарди. У шаҳзодага ахборот бериб, бир кун аввал ойиси, Родек, Лизбета ва ўзи юра-юра бир қишлоққа етиб келишганини, номини билмаса-да, топа олишини, ўша қишлоқ тунда гренадёрларга тўлиб-тошиб кетганини баён қилди. Болакай австрияликлар мундирини ўта аниқликда тасвирлаб, мовий мундир киядиганларни огоҳ этиш ва отасини учратиш муддаосида уйдан таваккалига қочиб чиққанини ҳам айтиб ўтди. Ундан сўнг отаси қўлга тушиб қолганига гал келди, қутичадан императорга аталган хуфя маълумот топилгач, душманлар отиб ташламоқчи бўлганларидан арз қилди. Ганс ўз ҳикояси якунида «ёвуз эмас» полковникни тилга олиб, хатни ўша киши баланд овозда ўқиб берганини таъкидлади.

У биргина тафсилотга тўхталгани йўқ: ўзини ҳам ушлаб олишгани, француз тилини билиш-билмасли-

гини, айбдорни таниш-танимаслигини тафтиш қилиб, руҳан азоблашгани ҳақида оғиз очмади.

Чинакам қаҳрамонлар, ҳатто ёши ўн бирда бўлса ҳам, ўз жасоратларини пайқамай қоладилар-да.

– Ўшанда ўқилган ҳамма гаплар ёдингдами? – сўради маршал.

– Албатта! Бирортаям сўзини қолдирмай айта оламан!

– Жуда соз, қани, айта қол!

Кучли сезги ва нозик одоб Ганснинг тилига ушбу жавобни келтирди:

– Ахир... Мактуб императорга эди-да!

– Мюрат ўзидаги оний норозиликни илтифотли табассум билан енга олди.

– Бўпти, кетдик императорнинг ҳузурига!

Ганс ўзининг сир сақлай олганидан бахтиёр эди. Уни шаҳзоданинг энг ёш ва абжир адъютанти минган баҳайбат аргумоққа ўтқизишди. (Наполеон болакайни худди ана шу вазиятда кўрганди.) Эгар гўё беланчак бўлиб, у тагин ухлаб қолганди. Бироқ уни оёққа турғизиб, оппоқ залга бошлаб киришгач, кўзлари чарқлаб, хотираси тўлиқ ишга тушди.

– Энди император Наполеон ҳузуридасан, – деди Мюрат. – Қани, гапир-чи!

Ганс болаларча самимият ва зийраклик билан атрофидагиларга бир сидра назар солди-да, кимга мурожаат этажagini осонгина топа билди: бу шахсда ўзгаларга мутлақо ўхшамайдиган нимадир бор эди.

– Тақсир, император деганлари ўзингизми?

– Худди ўзиман! Хавфсирамай гапиравер! Отанг қаёқда қолди?

Наполеон уни яхшироқ кўриш учун ўтириб олди ва хиёл эгилди.

Ганс Мюратга нима деган бўлса, ҳаммасини қайтадан айтиб берди. Айни чоғда у пайқадикки, император

билан гаплашиш оддий бир маршалга гап уқтиришга ўхшамас экан. Бола тинмай сўзлайверди, унга савол бераётган рангпар, қорасоч ва ихчамгина киши столдаги харитага қараб-қараб, Ганс тилга олган йўллардан гўё бармоқлари билан «юрарди».

– Қишлоқда гренадёрлар мўр-малахдай эканини айтдинг. Ўша қишлоқ Вертинген эмасмиди?

Наполеоннинг кўққис саволи Ганснинг хотирасини уйғотди: ҳа-а, австриялик полковник аскарга тайинлаётиб, шу номни тилга олганди.

– Ҳа, ўша. Вертинген эди.

– Дарёга қайси тарафдан келганингни эслай оласанми?.. Дейликки, мана отанг қўлга тушган жой: сен бу ёққа ўнг томондан келдингми, ё чапданми?

Ганс тўғри жавобга ҳозирланиб, юрган йўлини хаёлига келтирди-да, ўнг қўлини олға чўзди:

– Шу ёқдан.

– Яхши.

Наполеон Мюратга юзланди:

– Гогенрейхендан жанубга йўл очиқлигини эслаб қол!

У яна Гансга мурожаат қилди:

– Аммо нега дадамни ўлдиришмоқчи дейсан? Демак, Шульмейстерни яқиндан кўриб, ўша ердаги гап-сўзларни эшитиб турувдингми?

Энди ҳаммасини муфассал айтиб, оғзаки маълумотнинг кемтигини бутлаш зарур эди. Ганс буни ҳам аввалбошдаги каби мутлақо табиий ва жозибадор сўзлаб бердики, афтидан у хайрихоҳ саволлардан тобора жўшиб бораётганини ҳам сезмасди.

Наполеон хуштабассум билан сўради:

– Демак, французчани тушунмасликка олдингми?

– Ҳа, жаноб император.

– Қулоқларига обдан лағмон осибсан-да! Улар сени қай усулда синаб кўришди? Қанақа саволлар беришди?

– Полковник француз тилида гапириб, онани ўлди, деди. У мен қандай жавоб қайтаришимни билмоқчи эди-да.

– Бай-бай! – луқма солди Ланн.

– Сен сир бермадингми?

– Бермадим... Аммо ростини айтяпман сизга.

Ланн ва Нейнинг гулдурос овози эшитилди:

– Вой шумтака-ей!

– Гап қўшмасаларинг-чи, – деди Наполеон ўз саркардаларига хушнуд боқиб, – жудаям яхши қипсан-да ўғлим, энди қолган воқеаларни батафсил айтиб бер-чи

Ганс яна ҳам дадилланиб, асосий вазифанин ижросига ўзини чоғлади. У Наполеонга оловли кўзлари билан тик боқиб, титроқ овозда сўз бошлади:

– Бўпти, жаноб император. Гулхан ёнидаги кишилар қутичадан сизга ёзилган хатни топиб олишди. Дадам ундаги гапларни гўё билмаслигини айтди. Унинг айбини исботлаш учун мактубни ўқиб беришди. Полковник ўқиётган чоғи дадам менга жудаям галати қараб, ҳеч кўз узгани йўқ. Шунчалар қаттиқ тикилдики унинг нигоҳи гўё кўзларимга санчиларди... Сўнгра тушунолмаганини баҳона қилиб, полковникдан яна бир карра секинроқ ўқиб беришни сўради. Аввалда охиригача назари фақат менда бўлди. Ана шунда ақлим етдики, демак, мен ҳам диққат билан тинглашим айниқса, хатнинг ниҳоясига астойдил қулоқ солишим зарур. Бу пайтда мени дадамдан бўлак ҳеч ким кўрганча йўқ эди. Албатта, жуда яхши эшитиб олдим-да ўқиб бўлингач, ҳаммасини хаёлимда такрорлаб, ёдладим ва шунинг учун ҳам унутиб қўймадим... Хоҳласангиз, айтиб берардим, майлими?

– Майли, айта қол, қулоғим сенда.

– Хатнинг бошида Карл дадам Ульмда ортиқ қолишига ҳожат йўқлигини ёзганди. Негаки генерал.. Ўша генералнинг отигина эсимдан чиқиб...

– Макми?

– Ҳа-а, Мак... Гап йўқ, сиз ҳақиқий император эка сиз ўзиям, вой, ҳамма исмларни биларкансиз-а! Ген рал Мак сиз нимани хоҳласангиз, ўша ҳийлага лақ тушибди. Хатнинг бу ёғини сўзма-сўз ёддан билама «Унинг тасарруфида 70000 аскар бор: бир қисми И лашиш қўмондонлигида Тироль орқали, бошқа бўл ги эрцгерцог бошчилигида Богомея тарафга ўтиб к тиши мумкин. Қолган корпуслар бу ердан жилмайд Шаҳар қўргони мустаҳкам, лекин Эльсинген қўл киргач, у ҳам таслим бўлади деган сўз.» Бор гап шу!

Мутаассир Ланн тўлқинланиб, ўзини тия олма қолганди:

– Ажойиб бола! Бебаҳо!

– Қойил! – деди Наполеон қаддини тиклаб. – С бедалол айтишинг мумкинки, Ланн, бу ҳалол-п отанинг муносиб фарзанди, зеро у энг муҳим маъл мотни ол келди.

Ганс ҳикоясини давом эттирди ва ниҳоясида қ шиб қўйди:

– Ҳамонки, жаноб император, вақтингизни чоғла олган бўлсам, бечора Карл дадамни отиб ташлашл рига йўл қўймайсизми?

– Албатта! Албатта йўл қўймаймиз!

Наполеон дарҳол Мюратга юзланди-да, қатъи ҳатто қайғули оҳангда пичирлади:

– Қаттиқ, жуда қаттиқ киришасан!

МАРШАЛЛАР ОРАСИДАН ОЛА МУШУК ЎТДИ

Инсоннинг хоҳиш-иродаси ила узоқ вақт сув тўпл нади-да, тўғон очилган дамдаёқ шиддат билан ҳар катга келади. Наполеон армияси ҳам шундай эди: л вақтдан бери йўлларда сокин ғимирлаб, сабр-қано

жиловида куч-қудратини жамлади. Ваниҳоят, ўша тонг чоғи бош раҳнамо амр этди: поёнсиз ҳудуд бўйлаб тийиқсиз долға жунбушга келди. Жанговар полклар ҳамма ёқдан бирданига бош кўтариб, Леш, Иллер ва Дунайга элтувчи йўлларга ёпирилди. Французлар шу тарзда душманнинг Аугсбург ва Мюнхенга чекиниш йўлини тўсиб, айнаи чоғда Мейнинген ва Тироль тарафни ҳам беркитишганди. Ульм лашкаргоҳини қуршаган қамал ҳалқаси аста-секин торайиб борарди.

Бернадот, Мармон, Даву, Ней, Ланн, Сульт, Мюрат – бу атоқли саркардалар улкан шахмат тахтасидаги олтин фарзинлар бўлиб, ҳамиша музаффар устознинг зафар қуроли эдилар. Бири душман яширинган шаҳарга ҳамла қилса, бошқаси кўприкларни қўлга олиб, дўстни ўтказди, ёвга эса йўл бермайди...

Генерал Макнинг кўз олдига тортилган ҳар қаваат парда ортида тўсилган йўллар намоён бўлар, ҳар бир аниқ маълумот эса янги таҳликали хатарнинг хабарини берарди. Душманни маҳв этиш муддаосида ўжар хомхаёлга берилиб, биргина манзилга беҳуда тўпланган қудратли қўшин энди тарқатилаётган эди. Аммо кеч, жуда ҳам кеч.

Ана шунда ҳаёт-мамот жанглари бошланди.

Французларнинг йўлини тўсиш учун шошма-шошарлик билан тикланган Вертинген, Гюнсбург, Ландбер, Гальсбах ва Эльсингендаги тезпишар истехкомлар битта-биттадан яксон этилди. Бу зафар китобидан ўлмас саҳифалар бўлиб ўрин олди. Ушбу хусусда романнавис неларни ҳам ёза олсин? Бу зафарномалар тош лавҳаларга, тилларанг мисларга битилиб, француз аскарининг шон-шавкатини кўкларга кўтариб, авлодлар мулкига айланиб бўлган.

Буюк саркарданинг ўткир закоси муяссар этган шукуҳли кунлар ҳар бир жангчига руҳ бағишлаб, жа-

соратини жунбушга солганди. Уларнинг афсонавий зафарига ақл бовар қилмасди, урушга кирган бутун бир қўшин ҳарбий асирлар галасига айланарди. Французларнинг ўлжаси: олтмиш минг асир, йигирма генерал, бир ярим минг зобит, икки юзта замбарак, тўқсонга жанговар байроқ!..

Душманнинг орқа томонига айланиб ўтиши 8 ноябрда бошланиб, уч кун давом этди ва 11 ноябрда якунланди. Императорнинг амрини бажо қилиб, унинг номидан буйруқ бераётган маршаллар энди Эксельман, Лакюэ, Дюпон сингари жонфидо генералларни кашф этишганди. Ҳар бир учрашув хушбахт бўлиб, барча жанглар зафар билан ниҳояланарди ва олға босилган ҳар қандай қадам ғалаба келтираётганди.

Бироқ шундай бир лаҳза бўлдики, буларнинг бари энди чиппакка чиққанди гўё!

Наполеон Гюнсбург, Гогенрейхен, Вертинген томонларга Ней, Ланн ва Мюратни жўнатиб, бу билан ўз стратегияси самарадор бўлиши, ҳамда Шульмейстерни кутқаришни назарда тутганди. (Ахир унинг хизмати кичкина эмас-да!) У Аугсбург учун бообрў қўмондон ва кўп сонли қўшин зарур деб ҳисоблади-да, Сультни ўша ёққа юборди. Шундан сўнг императорнинг кўнгли яна бир заруратни ҳис этди: бўлак генералларга вазиятни шахсан ўзи шарҳлаб, муҳим буйруқларни ҳам шахсан бериши керак! У корпуслар суръатини жадаллатиш ва уларни ягона нуқтада сўзсиз бирлаштириш учун ҳаракатдаги қўшинлари сари отланди.

Пешқадам корпуслар эндиликда ёв билан тўқнаша бошлаган эдики, қароргоҳини тарк этишдан аввал бурчи ҳисоблаган муҳим бир масалани ҳал қилди: салоҳиятининг тафовути еру осмонча эса-да, унвони тенг саркардалардан бошлиқ ва унга бўйсунувчилар тайинлади.

Айни хусусда у сарой таомилига амал қилди-қўйди: Мюрат буйруқ беради, унга бўйсунувчи Ланн в Ней бажо айлайди... Ахир кимсан императорнинг куёви назарда бўлиб, нариги икковнинг назардан қолиши табиий ҳол эмасми?

Наполеоннинг сафдошлари орасида Ланн ўз ақл закоси, жасурлиги ва метиндай иродаси билан ажралиб турарди. У том маънодаги асл саркарда эди. Нейга келсак, аскарларини бошлаб, довулдай жангга киргудай бўлса, унга бас келадиган баҳодир йўқ: матонат шон-шавкат деган калималар унинг қахрамонлигини ифодалашга мутлақо ожиз! Лекин бу икки марша императорнинг тож-тахтига бегона, уларнинг «шаҳзода зоти олийлари» деган мақоми йўқ, Бонапарт оиласининг аъзоси эмас, инчунин, Мюрат сингари арзанда бўла олмайдилар ҳам.

Бу ўз шон-шуҳратига ортиқча бино қўйган закова соҳибининг калтабинлиги эди.

Фармонни эшитган Ланнинг ранги ўчди-да, дамини ичига ютди. Ней эса қизариб-бўзарди ва гулдира олди. Аммо улар ҳаёт-мамот жангига отланган саркардалар эдики, буйруққа бўйсуниб, ўз ҳарбий бурчларини адо этадилар.

Мюратнинг эса кўчасида байрам! Император душманни жиловлай оладиган олтмиш минг инсоннинг тақдирини унинг қўлига топшириб қўйганди. Бу маршал энди нариги икки маршалга қараб «Буюраман! дейишга мутлақо ваколатли.

Ва у ўша ондаёқ шундай деди:

— Азизим маршал! Мен Дунайнинг ўнг соҳилидан юқорилаб боравераман, маршал Ней тиккаси Гюнсбург томонга юриб, кўприкларни эгаллайди. Сиз эса битта дивизиянгиз билан чап соҳилдан ҳамла қилиб, рўпарангиздан чиққан ёвни тирқиратасиз.

– Жудаям соз-да, шахзода, – жавоб қайтарди Ланн сезиларли истехзо билан, – лекин дейлик, ғаним сон жиҳатидан менга нисбатан устун бўлса, мададни қа-ёқдан оламан, кимга суянаман?

– Мен қочиб кетмайман, ўша ерда бўламан-ку!

– Тўғри!.. Аммо сиз дарёнинг у бетида, орамизда кўприк бўлмаса...

– Нимадан кўрқасиз, ўзи?

– Ҳай-ҳай шахзода зоти олийлари! Менимча, Ланн ҳеч нарсадан кўрққан эмаслигини билардингиз ше-килли.

– Албатта! Бунга ишончим комил. Лекин мен ҳам бундай демоқчимасдим.

– Унда нима демоқчи эдингиз?

– Мен айтаётган гаплар императорнинг буйруғи, уни муҳокама қилиш бефойда!

– Ҳа-а, буйруқ эдими? Фармойиш денг?.. Бўпти-да! Мен уни бажараман! Фақат илтимос, шу буйруқ ёзма шаклда бўлса...

– Маъқул! Ҳозироқ...

– Тезлатинг-да! Дарҳол бирорта алоқачи аскарим келади, бериб юбора қоларсиз.

Эндиги навбат Нейники эди. Мюрат унга юзланди:

– Эшитдингизми, маршал, Ланн буйруқни ёзма равишда олмоқчи!

– Албатта!

– Сизгаям буйруқ қоғозда бўлсинми?

– Бари бефойда, шахзода!

– Нега?

– Менимча, буйруқларингиз мантиқсизликдан иборат, уни бутунлай ўзгартирмаса бўлмайди. Менга ижозат беринг, шароитга қараб эмин-эркин ҳаракат қилайин.

– Бундай қилишингизга сираям йўл қўймайман!

– Шунақами? Режаларингиз ақлга сиғмайди...

– Режаларим!.. Менинг режам душман билан юз лашган чоғдагина пишади. Бироқ мен қаёққа борип кераклигини биламан, сизга шуни айтишимнинг ўзи кифоя қилмоғи зарур!

– Ҳа, кифоя қилади, лекин ягона шарт билан: мен билан бундай оҳангда сўзлашмасликни талаб этаман Билиб қўйинг, мен сизга кеча погон таққан тирранч эмасман! Мени маршал Ней дейишади!

– Сизга яхши гап тўғри келмас экан! – хитоб қилди Мюрат.

Қаҳри қайнаган икки инсон урушқоқ хўроздай бир-бирининг устига бостириб келар, кўзлари ет қўйгудай чақчайган эди. Яна бир оғиз сўз айтилса тамом, Нейнинг тугилган мушти ишга тушади! Ан унда шармисорликни кўрасиз: аскарлар кўз ўнгид уларни ёвга томон бошлаб борадиган икки саркард бир-бирининг гўштини ейди! Юрак ютган зобитлар нинг бирортаси уларни ажратишга ботина олмай топ қотганди.

Тасодифгина ўта қалтис бу вазиятга нуқта қўйди икковнинг қулоғи остида норасиданинг овози қўнғи роқдай жаранглади. Ҳа, бу ўша бола: муҳим хабарни шу келтирди, шунчалар муҳимки, император ҳам ре жасини ўзгартирди.

Ганс Мюратнинг тезроқ йўлга чиқишига ва ўзини бирга ола кетишига мунтазир эса-да, Удино гренадёр лари сафини кўрди-ю, ҳаммасини унутди. Буларни Страсбургда – араваларда қийқириб куйлаб ўтганла рида кўрган ва ҳавас қилганди. Ўшанда Карл дада ва Лизбета ёнгинасида турганларини эслади, йўлдаги азоб-уқубатлар, кечаги машъум кўргиликлар ёдиг келди. Ганс қалбини ўртаган ғам-ғуссалар чекинган дай бўлиб, беихтиёр аскарлар қўшиғини пичирлаи

бошлади. Салдан сўнг унинг беғубор ва хийла ийманган товушида жанговар нақорат баралла жаранглай кетди.

Таажокубдаги икки маршал эшикка ўтирилиб, ўтиб бораётган аскарларни кўришди ва ўша ондаёқ ҳовурдан тушдилар.

– Буйруғингиз бажарилади! – деди Ней аразли оҳангда. – Шу ерда ва шу бугун аламдан чиқишнинг мавриди эмас.

Ўзини ҳамон қўлга ололмаган Мюрат эса кечирим сўрашни асло истамаса-да, илиқроқ ёки мулойимроқ бир сўз айтмоқчи бўлди, аммо ўша сўзни тополмади-да, безрайган ва кеккайган қиёфада қолди. Соқоли ўсган, юзига қон тепган, кўзлари газаб оловини сочаётган Ней шитоб билан чиқиб кетди.

Унга ҳайрат ва даҳшат билан боқиб қолган Ганс хиргойисини бас қилди.

СОҚЧИНИНГ ЖОСУС БИЛАН УЛФАТЧИЛИК ҚИЛГАНИ

Шульмейстер қаттиқ сиқилиб, изтиробда қолди: Венднинг хиёнати зиммасидаги вазифа ижросини барбод қилди. Ўзи эса жондай азиз яқинларини – заифа аёли ва икки норасидани ҳам балога қўйди. Боз устига тарбиялаши, улғайтириши лозим бўлган ўн бир яшар болачани сарсон-саргардонликка йўллаб, ўз вазифасини унга юклади ва қийнади...

Уни Гогенрейхендаги махсус ҳибсхонага ҳайдаб боришаркан, паришон ва беқарор хаёлида ана шу ўйлар бўрондай тугён урарди. Шульмейстерни саккиз кишилиқ қўриқчилар отряди ўртага олди. Унтер-зобит уларга командир, икки соқчи орқасига боғланган қўлларидаги чилвирнинг учларидан тутиб, иккитаси

отишга тайёр милтиқни ўқталганича борарди. Сўқмоқнинг икки ёқасидан кузатувчи тўрт аскар ҳам йўлга тушди.

Бу қадар ўта эҳтиёткорликнинг сабаби аён: ҳазилакам душман бўлмаган маҳбус, қочиб кетиши мумкин Инчунин, ҳушёрликни ошириб, бунга йўл қўймаслик керак. Хўш, Шульмейстернинг хаёлида шундай фикр бормиди ўзи? У каби уддабурон одам учун ҳар қандай тўсиқ уч пул: фақат йилт этган умид учқуни бўлса бас Бироқ ўша учқун қани? Лекин излаган топади-да.

Ҳибсхона деворлари қалин, мўъжаз деразаси иккита темир косов билан тўсилган, бақувват эшиги қулф ташқарида турки илондай совуқ соқчилар...

Эшик беркилиши биланоқ маҳбус қалбида умид учқуни пайдо бўлиши мумкинми? Ақл бовар қилмаса-да, бўлиши мумкин экан. Шульмейстер гарибона каталакда ёлғиз қолгандаёқ озодликнинг лоақал ярми ўз қўлида эканини ҳис этди. У кирмасидан бурун ҳужрадаги темир-терсақларни, арқон-чилвир ва тахта-тараша бўлақларини, яъни қочиш учун қуроқ бўлишга ярайдиган ҳамма нарсани ташқарига чиқариб ташлашди.

Ягона мебель лақилдоқ курси бўлиб, Шульмейстер ўшанга ўтирди-да, ақлини пешлай бошлади. Аввал ихтиёрида қанча вақт борлигини чамалаб кўрди. Илдам отдаги суворий Вертингендан Ульмга бир ярим соатдагина етиб боради. Бош кўмондон ҳузурида (генераллар иштирокида) кенгаш бўлади, чавандоз буйруқни олиб қайтишига камида икки соат керак. Жами – уч ярим соат. Лоақал шу муддат мобайнида Шульмейстернинг жонига кўз тиккан балойи ногаҳоний йўқ.

Ҳавонинг авзойига қараганда, чамаси тонгги бешлар бор эди. Шульмейстер ўз-ўзи билан суҳбат бошлади:

– Соат бешни бояги уч яримга қўшсак, саккиз ярим бўлади. Агар саккиз яримгача бу ердан қуён бўлмасам, қатл этишади, демак, ўламан. Ҳа-а, баъзан одам ўз тақдирини олдиндан аниқлашиям мумкин. Аммо менга жиндай ҳордиқ лозим, билъакс, ақлли фикрлар тутқич бермайди. Қани, бемалол оёқ узатайин-чи!..

У курткасининг тутмаларини бўшатиб, аввал чап этигини, сўнгра ўнг...

– Ёпирай! – тош қотди у. – Бу нимаиди?

Ўнг пой этигининг қўнжи гулчинидан то тиззасигача чокидан сўкилди-да, қўлига қаттиқ бир нима урилди.

– Э-э, эсим курсин! Ҳалиям хийлагина давлатим бор, ахир. Минг франк... Тежоғлининг иши – бежолли! Ақлимдан ўргилай, жаноб Вендни доғда қўйиш учун харажат катта бўлишини сезувдим-да. Қора кунга атаб тишимнинг кавагида (аслида этик ичида) яширган бойлик мана энди асқатади. Минг франк соат мили уч карра айлангунча етиб ортади. Банкир Уврар ҳам бунақа катта чиқимга ярамайди. Бунча пулни бошқа нимаям қилардим? Ўлгудай очман, бироқ қорнимнинг ўзига бунинг ҳаммасини сарфлаб бўлармиди? Итдай ташнаман, лекин бу ерда ичкилик қани, омборхона қаёқда?

Ҳа-а, «омборхона»! Шу биргина калима чақмоқ бўлди-да, унинг ақл-идроки ёришиб кетди: Шультмейстер «пардоз-андоз»ини тузатиб, дарчанинг олдига борди. Башарти деразанинг ихотаси бўлмаганда, Шультмейстер ундан бемалол чиқиб кетарди. Бинобарин, бунақа орзуга йўл йўқ. Бари бир икки темир орасига бошини суқиб кўрди, юзининг ярми сиғди, бурни гиштга тегди, кўзлари очиқ ҳавога чиқди. Калласини у ёқ бу ёққа айлангириб, кулба атрофини «текширган» бўлди. Шультмейстер ўзининг бу ҳаракатини мантиқан танқидий баҳолади, албатта.

– Тирик жондан ном-нишон йўқ. Лақма одамгина бу ерда фақат соқчи ва ўзимгина борман деб ўйлайди... Ҳай, шошган қиз – эрга ёлчимас, жин урсин, ахир биз ёш бола эмасмиз!..

У бир дақиқа обдан ўйлади ва деразадан пойгак сари йўл олди. Манзилга етиш учун икки одимгина «сафар қилди» ва эшикни муштлайверди.

Бунга жавобан ташқаридан кимдир ўдағайлади:

– Хўш! Нима гап?

– Гап шундаки, биродар, очлик ва ташналикнинг зўридан ўлиб қоламан. Соқчибошига айтинг, илтимос, менга у-бу берсин...

– Бошлиқ йўқ.

– Наҳотки?

– ...

– Биладан, оғайни! Австрия қуролли кучларига гап йўқ, Европа бўйича интизомда ҳеч бир қўшин унга тенг келолмайди. Менга қўриқчилар тайин қилинган, уларнинг командири хабар олгани бир марта ўрнига икки марта келиб, текшириб кетса керак.

– Зобит йўқ! – такрорлади ташқаридаги соқчи қўрслик билан.

Шульмейстер ўзича пичирлади: – Айни муддао-ку!

– Агар, зобит бўлмаса, – деди у овозини чиқариб, – сержантга айтолмайсизми?

– Ухлапти.

– Келадими?

– Йўқ!

– Қанақасига? Мени ёлғиз ўзингиз муттасил қўриқлайверасизми, сизни алмаштиришмайдими?

– Бунинг сизга дахли йўқ! Мен сиз билан гаплашмаслигим ва сизниям гапиртирмаслигим зарур, тақиқланган. Жим бўлинг, акс ҳолда чақираман.

– Кимни?

— Сержантни-да!

— Яхши, дарров чақиринг, худди шуни сўраяпман-ку!

Шульмейстер кулги овозини эшитди ва синов учун сукут сақлаб турди-да, ўзича гапирган бўлди, аммо атайин шундай қилаётганини сездиргани йўқ:

— Бари бир акашак бўлиб ўламан шекилли! Жиндай ароқ топилса, катта пул тўлардим-да!

Кўриқчи индамаса-да, ерга қўйилган милтиқнинг шиқирлагани эшитилди, демак, эрталабда томоқни ҳўллаб олиш ғаразидаги соқчининг нафси ҳакалак ота бошлади. Шульмейстернинг зийрак сезгиси панд бермаганди: посбоннинг томоғи тақиллагани аниқ. Қоровул ана шу ширин хаёл орзусида обдан лаззатлансин учун жосус яна синовчан сукутга чўмди. Сўзсиз кечган дақиқалар соқчининг иштаҳасини балойи нафсга айлантирганига ишончи комил бўлгач, янгидан қармоқ ташлашга саъй қилди.

— Каллам курсин! — деди у жўрттага овозини кўтариб. — Каллайи саҳарда ичкилик топиб бўладими? Ҳали ҳеч ким уйғонган эмас-ку. Сабрдан бошқа чора йўқ!

Оғир қадамлар эшик яқинига келди, ичкаридан тирқишга қадалган кулоқлар динг бўлди. Посбоннинг овози бағоят мулойим тортгандики, Шульмейстер мастона ҳузур билан унинг ушбу илтифотини тинглади:

— Мабодо пулингиз бўлса, ароқ топишнинг йўлини қилардим, уй эгаси ҳозиргина уйғонди.

— Ташаккур ошна! — деди маҳбус қувлигини пардалаб. — Мен тақдирга тан бердим, жиндай кута тураман энди. Сизга гап тегиб қолмасин тагин.

Бу саркашлик шайтоннинг жиловидаги соқчининг умидларини барбод қилаёзди.

— Ҳеч кимга билдирмайман. Хиҷолат чекманг.

– Башарти сизни алмаштиргани кеп қолишса-чи?
– Унгача камида бир соат бор. Хавотирланманг.
– Бўпти! Азамат йигит экансиз-да! Энди диққат қилинг, мен эшик тагидан тангани тиқаман. Сиз унга мезбоннинг бисотидаги ҳамма аъло нарсаларнинг ҳам энг аълосини сотиб олинг, қайтими ўзингизга сийлов.

Деворнинг қулоғи бор. Бу тўғри, аммо ҳибсхонада деворнинг кўзиям борки, у ҳатто бурганинг.. бурганинг оғзини ҳам кўради. Аслида девормас маҳбус кўради, бу – аниқ. Шульмейстернинг нигоҳи тирқишда: қоровул остонага эгилди, мазахўракли билан ҳаловат тангасини излади, аммо ҳарчанд уринмасин, тополмади.

– Қани ўзи? – тўнғиллади. – Бўла қолинг.
– Тош бор экан, остона остидан ўтмаяпти. Кулбани бир айланиб, дарчага кела қолинг.
– Иложи йўқ. Бурчакда девор бор.

Шульмейстер бунга боя кўрганди, мақсадга етиш йўлида сипоришлаб гапирди:

– Бўлмаса эшикни қия очинг. Қўлингизда милтиқ бор, қиличнингиз турибди, сиздан қочиб қаёққаям борардим? Хавотир олманг.

Ташқарида сокинлик. Соқчининг кўнгил кўчасида хизмат бурчи ва балойи нафс ўзаро жангга киришганга ўхшарди. Эшикни очиш – қалтис, ичкилик ичмаслик – чатоқ. Дарвоқе, қамоқдаги жин ургурнинг афт-ангори беозоргина кўринади. Қолаверса, қочиб қутулмоққа урингудай бўлса, беҳуда овора бўлади соқчининг оёқ-қўли бақувват, абжир, тутуди, додини беради.

Валинеъматига айланаёзган қўриқчини нафс бари бир енгажигига ишонган Шульмейстер унинг тафаккур онларига халақит бермади. Аксинча, суҳбатдоши-

ни кўндиролмагани учун надомат билан оҳ урди ва гурс-гурс қадамлаб курсига қайтганини ҳам эшиттириб қўйди.

У ўтириши билан эшикка калит солинди ва зангланган қулфнинг тили гижирлади.

Бу нима деган гап ахир маҳбус бўлса-ю, очилган эшик томонга отилиш ўрнига шунчаки ёвқараш билан кифояланса! Шу мумкинми? Шульмейстер ана шу «номумкин»га бардош топа билди. Аслида қўлидан нима ҳам келарди? Қочмоққа уринса, остонада қаққайиб бир дев турибди, боз устига тиш-тирноғигача қуролланганки, дарҳол маҳбуснинг танобини тортади. Жосус бепарвогина деди:

– Ие, ўзларими?

У қўлидаги олтинни аскарга тутди.

– Менга ишониб, заб иш қилдингиз-да!.. Энди тезроқ бора қолинг, эшик қулфлангач, сиз у ёқда, мен бу ёқда туриб, улфатчилик қилолмаймизки, яхшиси икки шиша оп келаверинг. Мана, тангаям биттамас, иккита: киссамдаги бор бисотим шу, уни асраб нимаям қилардим?.. Эртагача не гап, не сўз...

Аскар яйраб кулиб олди, бу гапни ҳазил деб тушунганди. У пулни олиб, ташқарига йўналган чоғи Шульмейстер яна чақирди:

– Менга қарагин! Стакан оп келсанг яхши бўларди, шишадан ичишга тоб-тоқатим йўқ.

– Жуфтлаб оп келаман: сен ичкарида, мен ташқарида... эшикка уриштириб ичамиз-да.

У кетди, қулф-калит яна шиқирлади. Соқчи милтиқни кесакига суюгани ҳам эшитилди. Кейин ҳамма ёққа жимжитлик чўкди.

Шульмейстер курсидан турди, адёл ўрнида устига ёпинаётган почалўстинни ерга солиб ёнбошлади-да, қилт этмай ётаверди.

Санокли дақиқалардан сўнг эшик очилиб, бошиг стакан «кийдирилган» шиша билан соқчи кириб келди. Маҳбуснинг аҳволдан ҳайратга тушди:

– Мазангиз қочдими?

– Ҳа, сал-пал. Афтидан чарчоқ ва совуқ дард қилди шекилли. Аммо анави зормондадан қуйиб берсангиз малҳам бўлса ажабмас.

– Юрагингизга қил ҳам сизмайди, ҳа-а... Бай-бай Юзингиз ёруғ, номарднинг ишини қилганингиз йўқу! Мана, ичиб олинг-чи!

– Сиз-чи!

– Мендан ташвишланманг! Шишанинг биттасин бурчакка яшириб кирдим.

– Ёлғиз ўзим ичгим келмаяпти-да!..

Соқчи ялинтириб ўтиргани йўқ. У чиқиб, стака билан қайтиб кирди ва илтимосга илтифот кўрсатиб маҳбус улфатининг шишасидан ўзига тўлдириб қўйди-да, шартта сипқорди. Шмельмайстер эса ўз ризқин ерга тўкди ва қадаҳни узатди:

– Яна битта оламан, тўлдириб қуяверинг!

У ичса, соқчининг ҳам ичмоғи муқаррарки, жс сусга худди шу керак...

Чорак соатда аскар оёғида турмайдиган даражада «пишди» ва иккинчи ароқдан ҳам ўз насибасини нўй этмоққа ғайрат қилди. Аммо шишадаги сокин суюқликнинг тўртдан бир қисми унга буюрмаган эка стаканга ортиқ даҳл қилолмади, негаки бир қоп гўшдай чўзилиб қолди. Энди Шмельмайстер унга «гамхўрлик» қилмаса одамгарчиликдан бўлмасди, «улфат»нинг белидаги камарини бўшатиб, мундирини ечи олди. Сўнгра яхшироқ ҳордиқ олсин учун тумшугин деворга ўтириб ётқизди-да, устига ўз почапўстинин ёпиб қўйди – шамоллаб қолмасин учун эҳтиёт шартида.

Шундан кейин Шультмейстер Оффенбург полкининг гренадёрига айланди, фақат панталонни алмаштиришга улгургани йўқ. У ана шу қиёфада бошига шапка кийиб, елкасига соқчининг ўқланган милтиғини (ўқдони билан) осди. Эшикнинг қулфини икки марта бураб, калитини девордан у ёққа улоқтирди.

Ҳеч қанча юрмасдан айгоқчининг хаёлига бир фикр келди. У изига қайтиб, ўзи кетадиган томонга эмас, унинг тескарисига беш-олтита тилла тангани сочиб юборди: ҳам «нўхат полвон»дан эсдалик, ҳам соқчилар янглишиб, бу ёқ қолиб, у ёқдан излашаверади.

Шультмейстер шундан сўнг шоша-пиша водий сари йўл олди.

ГАНС СОГИНТИРИБ ҚЎЙДИ

Родек анча вақтгача ўғлининг нега йўқлигини аёлга билдирмади. Тонг отди. Уйда чумолидай уймалашган жангчилар яна аввалгидай махфий буйруқ олдилар-да, яшин тезлигида ғойиб бўлишди. Айтишлари-ча, жойини ўзгартирган душман томонга бостириб боришармиш...

Бу аснода олис йўлда уриниб қолган аёл ҳамон ухлаб ётарди. Аскарлар жўнаб кетгачгина кўзларини очди ва мутлақо хотиржам кўнгилда ҳар нарсага қизиқувчан Ганс томошалаб юргандир деган хаёлга борди. Родекка ҳам шу хулоса айни муддао эди, албатта.

Лизбета ўз навбатида бунга ҳисса қўшиб, ширин тил билан бетиним бижирлардики, она қалбига хавотир ва ғам-қайғу дахл қилолмасди.

Тонг ҳам «қартайди»: Ганснинг ҳамон дарағи йўқ. Шаҳарга эса у келмагунча жўнай олмайдилар. Берта Родекка шуни айтаркан, боланинг хаяллашига нисбатан унинг парвойи фалак туришидан ҳайрон эди. Қол-

ган-қутган егуликлар билан тамадди қилиб олишга у Лизбетани кундузги уйқуга ётқизди.

Ана шундагина Бертанинг қалбини шафқатси ваҳима босди. Айтиш мумкинки, берубор қизалонинг ширин сўзлари онанинг ҳаловатини ҳимояла турганди. Лизбетанинг кўзлари юмилгач эса унинг кўнглида матонат қолмади. Родек ҳам энди изтиро чека бошлаганди, Бертага тасалли бергудай сўзни а тарардики, тополмасди. Вақт ўтгани сайин ғам-ғусса зўрайиб, у илк бор виждон азоби деган оғир қийноққа учраб борарди.

Гансни не балойи азимга гирифтор қилганини қатил билан айтсин? Ўн бир яшаргина ёлғиз болакай заифгина норасида, хавф-хатар тўла йўл, зим-зим тун... Бу кўргиликка шу гўдакни кўпни кўрган Роде жўнатди-да, ачинмади, аямади...

Бир-бирининг пайига тушган икки мамлакат, икки қудратли қўшин, олов сочган икки аждаҳо ва улар ғажигаётган майдондаги жажжи бола. Тамоман танҳо ҳеч бир нажоткори йўқ, мавҳум манзил сари дўстларни излаб боради... Ҳа, Родек ўша онда эсини еб қўйга экан шекилли, тентакларча жинойт содир этди.

Модомики манави онаизор билан икки гўдакнинг хавфсизлиги ва ҳимоясига кафил экан, шу аҳдин бузганига, ўзининг ўрнига муштдай болани жўнатганига иқрор бўлиб, жавобини берсин-да!

Родек аввалига Ганснинг ҳеч кимни тополмай теда қайта қолишига умид сақлаб, шу билан виждон олдида ўзини оқлаб олишга кўз тутганди. Бироқ энд кеч, бола ё ўзича, ё кимнингдир зўри билан оли олисларга кетганки, қачон қайтиши ёлғиз Парвадигорга аён.

Родек эрталабдан бери бир неча бор у ёқ бу ёқни беҳуда айланиб, ахтариб кўрди. Аммо беҳосият жим

житлик ва ташландиқ қишлоқнинг нохуш сукунати-дан довдираб қайтди, холос. Унда Бертани овунтиргудай заррача мадор қолмагандики, ҳатто сўзлашгани ботина олмаётганди.

Ахийри Родекнинг юзига ҳам ошкора саросима соя солиб, бу Бертанинг ташвишини даҳшатга айлантирди. Ҳозиргача бирнав ўзини тутиб, сабр қилган бўлса, энди мудҳиш бир васвасанинг чўриси эди.

Ўша ондаёқ машъум хаёл миясини чулғаб олди: Ганс қайтмадими, демак, уни ўлдириб қўйишган!

У ўзини ўша болага жон риштаси билан боғланиб қолганини чуқур англади.

– Болажоним, қайлардасан? Нима қилиб юрибсан? Родек, айтинг, жигаргўшам қани?..

Онаизорнинг кўз ёшлари, оху-ноласи қариянинг бағрини ўртади ва кўнглида борини тўкиб солди. У аскарлар хўрлаганини, оппоқ сочлари билан оёқости бўлганини, қалби интиқомга тўлганини айтди. Ва ўзининг аҳмоқона фикрига, ўта енгилтаклик билан, ўйлаб-нетмай бир лаҳзада ножўя қарорга келиб, бола бечорани французларга йўллаш қутқусида кўзлари билан сўзлашганига иқроп бўлди.

– Жажжи Жанингизни жонимдан ортиқ кўришимни билардингизку! – деди у армон билан. – Икки марҳумга уни кўз қорачиғидай асрашга ваъда бериб, буни ҳар ҳолда бажара олганимни ҳам билардингиз. Шу боис уни ўша ёққа юбораётиб, қандай аҳмоқлик қилганимни ёки мени жин чалиб кетганини баҳолаш ўзингизга ҳавола. Демак, эсим ўзимда бўлмаган, ваҳоланки, бу юмушга у мажбур эмасди. Тўғриси, бу аҳмоқликка қандай йўл қўйганимниям билмайман. Унинг кетиши менга зурур келган эдимиз? Мана энди ақлим етяптики, ўшандаги кўз меники эмасди, Жан кўринмай, билинмай, сездирмай эсон-омон қутулган-

да ва ҳуштак чалиб белги берганда, бундан суюнган одам ҳам мен эмасдим. Ҳа, шунақа эди...

Берта йиғлашни бас қилди. У қишлоқ томонга аз-мойиш назари билан тикилиб қолдики, гўё хавф-хатарга ўзини урган ўғилчасининг новдадай сиймоси намоён бўларди. У мўйсафид оғасига қўл чўзди.

– Сиз ҳақсиз, оқкўнгил Родек. Худо хоҳласа, кичкинтойимиз қайтиб келади, албатта. Аммо уни йўлга отлантирган сиз эмас. Руҳлар ҳамиша барҳаёт, уларни фоний дунёда биз кўрмасак-да, жондан азиз жигарбандларини боқий дунёда ўзлари кўриб турадилар! Эҳтимол, шундай бўлишини унинг падари хоҳлагандир, ахир унинг руҳи биз билмаганни билади, кўрмаганимизни кўради-да... Ўша руҳ сизнинг кўзларингиз ёрдамида ўғли билан гаплашган бўлса ажаб эмаски, бу ҳам фикримнинг исботи-да. Ганс бизни бунчалар ҳалак қилган бўлса-да, унинг мақсад йўлида жонини тика олувчи баҳодир ўғлон бўлаётганидан отасининг арвоҳи шодмон эмас дейсизми? Биз боятдан бери Жан деб атаётганимиз-чи? Ҳолбуки, кечагина Ганс демасмидик? Буларда сир-синоат йўқми?

Тақводор бретониялик бу олийжаноб мантиқдан бир тўлганиб қўйди. Бертанинг ўта бамаъни хулосаси унга тасалли берганди: қайғуси ўша-ўша бўлса-да, виждони хийла ором олганди. Дарҳақиқат, ҳозирги кўргиликда у сира ҳам айбдор эмасдир. Негаки хотирамиздаги барҳаёт ва ҳур аждодлар то тирик эканмиз, ҳамиша ҳамроҳимиз бўлгани ҳолда бизнинг тутқиндаги жисмимиз билан гоҳо сўзлашмоққа йўл тополмайдилар. Ҳўш, бунинг аксини ким исботлай олади?..

Бертани ортиқ ғамга ботирган ҳол шу эдики, энди ўзини ўққа-чўққа урувчи бир жони иккита бўлди, азоби ҳам икки ҳисса ортди. У уйқудаги Лизбетанинг тўшагига яқин борди. Қизалоқ кўзларини очди. Уй

тинч ва сокин, тунги ғала-ғовур йўқ, гўё дилхоҳ янги вазият унинг уйғонишини табрик этарди. У мовий осмонни деразадан кўриб, қия эшикдан қушлар чуғури-ни эшитди-да, беғубор ва бахтиёр жилмайди. Қизча Бертанинг бўйнига осилиб, пинжигга тиқилди.

– Акам қани, Берта она?

Шўрлик аёл ўз ғамини яширди:

– Уни бутун кўролмайсан, асалим. Ҳалигача қайтгани йўқ.

– Қайда ўзи?

– Аскарларни томошалаб юрибди шекилли.

– Зўр-ку! Ганс мазза қиларкан-да!..

Акасининг ҳузур-ҳаловати учун қувонган сингилча қарсак урди. Сўнг каравотга ўтириб олди-да, жиддий қиёфада сўради:

– Ўғил болалар жа-а ҳарбийларни яхши кўради, а, тўғрими?

– Лекин... ҳа, миттивой.

– Ҳамма болалар шунақамикан?

– Буни нега сўраяпсан, қизим?

– Менимча, аскарларга ҳеч бир бола Гансчалик қизиқмайди-да.

– Шундай деб ўйлайсанми?

– Бўлмаса-чи! У доимо ўшалардай бўлишни хоҳлайди. Аммо милтиқ кўтаришга ҳали кичкина-да, а?

– Албатта, жудаям ёшлиқ қилади.

Лизбета бир лаҳзагина ўйлаб (у ҳеч қачон узоқ ўйлаган эмас), дарҳол ўта беғараз маслаҳат берди:

– Бу гапни ўзига айтиш ярамайди. Жудаям кичкинасан дейилса, хафа бўп қолади, Берта она!

– Хавотир олма, оҳугинам! – деди аёл ва ўзини тутолмай йиғлаб юборди. – Афсуски, энди мен у билан гаплаша олармиканман ўзи?

Лизбета бу ташвишга ақли етмай бир довдираб олди ва ўша ондаёқ ўчган рангига тагин қон югурди.

– Лекин... ҳа-я, Берта она, нима гапинг бўлса ҳозирроқ айта қоласан! Қара, ана Ганс, ўзи!

Берта ўгирилди ва жигаргўшасини ўз кўзлари билан кўрди: у эшикка суянганича кулиб турарди. Онаи зор унининг борича чинқириб юборди, бу қувончдан кўра кўрқувга ўхшарди:

– Жа-ан!

У дарҳол олға отилиб, боланинг рўпарасида тичкўкди-да, чўлпиллатиб ўпаверди.

Бехосдан бўғиқ отишма овози эшитилиб қолди. Деразалар зириллаб, уй силкиनावерди, кўрқиб кетган Лизбета йиғлаб Бертанинг оғушига отилди. Ганс эса мағрур ҳолда эшикка суянганича бошланаётган жангни баҳодирона қиёфада кузатарди.

РОДЕК МАРШАЛ МЮРАТНИНГ ЙЎЛИНИ ТЎСДИ

Уруш деганлари шугина экан-да! Наҳотки?

Боланинг хаёлий тасаввуридаги даҳшатли манзарага нисбатан мавжуд жанглارнинг кўламидаги тафовут еру осмонча эди. Поёнсиз кенгликлардаги ҳарбий ҳаракатлар болалар ўйинидай арзимас ва шунчаки туюларди унга.

Ганс Мюратнинг бош штабидаги зобитлардан бирининг отига мингашган ҳолда совут-қалқону қурол-аслаҳаларга ҳайрат ва ҳавас билан боқиб борарди. Вертинген энг тепада жойлашган бўлиб, ташландиқ қишлоқларнинг қоқ марказида эди. Ана шу кимсасиз манзилга яқинлашиб боришаркан, Ганс суворийда илтимос қилди:

– Тўхтаганимизда мени отдан тушириб қўйинг бир оёғимнинг чигалини ёзиб олай.

Ерга тушгач эса унинг ортиқ сабри қолмаганди олисдаги таниш уйни зобитга кўрсатди-да, дала ошқ

ўша ёққа ўқдай учди. Ганс кеча ўз кушандаларидан қочган бўлса, бугун дўстларидан қочиб борарди.

Ана шу югуришида немис соқчилар отрядининг отларига икки марта кўзи тушди, улар узун чилвир билан боғлаб қўйилганди: олдиндагиси ҳашакка анқайганича бош эгган бўлса, яна бир гала аргумоқ девор ортида турарди. Совут кийган суворийлар тўда-тўда ҳолда ўтириб, индамай кавшанишмоқда. Нарироқдаги дўнглик ёндамасида эса оппоқ мундирдаги пиёдалар гуруҳи кўринди. Чоғи улар ҳужум ниҳоясида шу ерга кўтарилиб, кўринмас ёвдан ўзларини панага тортишган эди.

Буларнинг бари бўлғуси «гўзал» ҳужумнинг, «қиқиқарли» штурмнинг ва «чиройли» хунрезликнинг аломати эдики, бола минглаб «актёр» иштирокидаги гаройиб «томоша»ни ҳалитдан тасаввур қила бошлаганди.

Аммо остонада кузатиб турган боланинг кўз ўнгида бўлак бир «саҳна» намоён бўлди: – ердан бир ҳовучгина булут кўтарилди-да, унинг ёнидан пайдар-пай ўшанақа булут чиқаверди ва ўзаро туташиб, оппоқ ва узун ҳошия тусини олди. Водийнинг ўртасидан бошланган бу чизиқ Ганс ўтиб келган қишлоқлардан бирига уланди. Бошқа бир тутун отнинг жиғасига ўхшаб кетарди: у ҳужум қилинаётган яқин ферма ва боғлардан кўтарилиб, тезгинада ҳавога сингиб кетаётганди.

Бу «беозор» булутлар ажал уруғи эканини Ганс қаёқдан ҳам билсин? Уларнинг ҳар бири биттадан қонли белги бўлиб, аскарларни тутдай тўкаётганини ҳам у билмасди, албатта.

Ҳозиргача муттасил олға босаётган қоп-қора ҳошия эса тараддудланиб, тўхтади-да, хийла орқароққа гисарилди. Сўнгра бир ёйилгандай туюлиб, тартиб билан сафланди. Лочинкўз Ганс кузатаётган бу оний

ҳолат француз қўшинини шон-шарафларга бурковчи жанговар қадам эди. Эскадрон командири ҳозиргина икки юз нафар драгунга шундай буйруқ берганди:

– Ҳамма отдан тушиб, менинг ортимдан олға! Қишлоқни қўлга оламиз!

Бу Мюратнинг ишончли адъютантларидан бири бўлиб, Гансни Наполеон штабига олиб борган Эксельманнинг ўзгинаси эди. Драгунлар ҳужумга отилишдан аввал ўқ ёғдириб, пистирмада писиб ётган австриялик суворийларнинг жонини олиб бўлишганди.

Ана ундан сўнг французлар қишлоқдаги уйларни бирма-бир ишғол қила бошлашди. Агар тешиктуйнуклардан йўл топиб, орқа-олдига қарамай ўзи томонга қочиб келаётганлар кўринмаса эди, Ганс ватандошларининг марди майдонлигига шоҳид бўлолмай қоларди. Эгасиз отлар ўнг келган тарафга ўқдай отилар, тизгинига оёғи илиниб, ағдарилиб тушарди. Мюрат қўл остидаги икки эскадрон герцог Альбертнинг икки эскадрон кирасирларини ва Латур қўмондонлигидаги икки эскадрондан иборат енгил кавалерияни батамом қириб ташлади...

Ганснинг саргузаштга ташна кўнгли энди ўрнига тушди: жанг дегани ана шунақа бўлса-да! Ҳалиги тунлар ортидан замбараклар гумбури эшитиларди. Ие, анави аскарлар жа-а тоғни талқон этгудай эди-ку, нега энди думини хода қилган бузоқдай қочмоқда? Анавилар-чи? Бошқалар ҳужумга ўтса-да, нима учун ерда узайганича ётибди?

Ўзи ландовур ва қуёнюрак деб ўйлаган бу жангчилар тирик эмас, ўлик экани Ганснинг хаёлига ҳам келмасди!

Жажжи ҳакамнинг назарида инфантериянинг¹ ҳамласи ҳам мақтовга арзигулик кўринмади. Битта

¹ Инфантерия – пиёда аскарлар.

карега¹ уюшган тўққизта австрияликлар батальонини минг кишилик суворийлар отряди бутун бир соат мобайнида исканжага олиб, тўхтамай ўққа тутди. Четдан қараган одамга бу ёш болаларнинг беозор ўйини эди: бир қатор пиёдалар таслим бўлиб, уларнинг олдидан қилич силтаган чавандозлар у ердан бу ерга ўтиш билан овора...

Дам-бадам француз драгунлари ўз жонлари қасдидаги душман найзалари томон отилардилар-да, даядил олға ўтолмасдан парокандаликда чекинишарди. Сийраклашган сафларни тартибга солиб, яна ва яна ёв устига ташланардилар. Бу ҳужумларнинг барига ягона зобит раҳнамолик қилаётганини жиғасидан сезиш мумкин, лекин у ҳар гал отини янгилаб жангга кирарди. Бунни қотиб кузатаётган Ганс ўша чавандоз Эксельман эканидан, ҳар сафар оти нобуд бўлиб, бошқасини минишга мажбур бўлаётганидан беҳабар эди.

Француз кавалеристларининг сиқуви шунчалик зўрайдики, енгилмасдай кўринган беш минг кишилик зич ва мустаҳкам каре тумтарақай бўлиб кетди. Замбаракларини ташлаб, ҳалок бўлган ва ярадор курулдошларини ҳам унутган икки минг душман қўл кўтарди... Боиси маршал Ланн майдонга кириб, жонли қалъа ортига Удино гренадёрларини сафарбар этиб, чекиниш йўлини тўсиб қўйганди.

Қути учган ёвнинг қолган-қутгани ҳеч нарсага қарамай қуён бўларкан, тўғри Ганс томонга ёпирилиб келарди. Қочоқлар сони дақиқа сайин ортиб, ё боланинг ёнидан ўтиб кетиши, ёки жонини сақлаш учун уйга кириб олиши ҳам мумкин. Ганс шу лаҳзадагина урушнинг нималигини англади, негаки у энди қўрқа бошлаганди.

¹ Каре – ҳамма томондан бўладиган ҳужумни қайтариш учун тузилган пиёдаларнинг гужланган сафи.

Ана, қочоқлар овози, юзлари ҳам аниқ кўринмоқда чарчоқ, ғазаб ва даҳшатдан бу чеҳраларда ранг қолмаган. Анча-мунчаси қуролини ташлаб, командирларга бўйсунитни бас қилган ва дуч келган тарафга ўзини урмоқда. Аксариятнинг милтиғи қўлида, йўл-йўлакай ўқлаб боради. Агар уларнинг нияти қишлоққа кириш бўлса, демак, яшириниб олиб, сўнгги томчи қон қолгунча жанг қилишдан тоймайди.

Ганснинг бунга ақли етиб турарди. Лекин унинг яқинида «томоша»ни кузатаётган яна бир «мухлис» борки болани эҳтиётлаш бирор дақиқа хаёлидан чиққан эмас. Душман қишлоқ остонасига етиб келгач, кекса шуаннинг забардаст қўли Гансни ичкарига тортиб олди. Ўшамда дамдаёқ эшик зич ёпилиб, ортидан темир тамба қўйилди. Деразалар мустаҳкамланди, йўлақларга рўзгор анжомлари ва мебеллардан «баррикада» кўтарилиб, орқаси эшикларгача очилмайдиган қилинди. Берта ва Лизбетани пастки хонага киритиб, устидан қулф солишди: ўл тегмайди, биров очолмайди...

Ганс нимқоронғилик тутқунига айланганди. Ташқарида душман сурони, ўнгда, сўлда – ҳамма ёқда ноинсоний бақир-чақир. Милтиқ қўндоғи зарби, синаётган ойналар, томдаги ғалва, черепицанин қарсиллаши, хирқиллаган чинқириқлар, шошилини буйруқлар, ур-йиқит – буларнинг бари дўзахни ёдга соларди.

Сўнгра жимжитлик чўкди!.. Демак, жангга орзу манда душман қулай маррага ўрнашди ва ҳимояланган ҳолда француз сафларини қаршилашга шай, милтиқлар ўқланган.

Французлар узоқ куттиришгани йўқ.

Тиш-тирноғигача қуролланган «соққабош» гренадёрлар қишлоққа ҳамма ёқдан ёпирилиб, аёвсиз киргин бошлашди. Ҳеч бир ғов уларга писанд эмас

таслим бўлмаган душман фақат ўлиб қутулади, қўл кўтарганларгина афв этилади.

Улар бир йўла йигирмата уйни беаёв исканжага олишди. Нисбатан сокин қўшни уйдаги оффенбурглик ўн икки нафар гренадёр сўнгги имкониятга қадар қаршилик кўрсатиб, охирида ёлғиз ўзи остона ҳатлаган пастаккина бир поручикка таслим бўлишди. Поручикнинг тўрт қуролдошидан учтаси душман ўқидан йиқилди. Тўртинчиси найза ўқталиб, олға отилмоқчи эди, поручик унга имо қилди: «шошмай тур!» Ўзи қиличини қўлтиғига қисди-да, қўли етадиган немислардан бирининг елкасига туртди: «бу ёққа чиқ!» Ана шунда ўн кишининг ҳаммаси портупеясини бўшатиб, қуролини деворга суяди ва қўлини кўтарди. Поручикнинг шериги эса асирлар қаторлашиб бўлгач, ўлжа қуролларни қўлга олди. Поручик зинада ётган уч ярадор шеригини асирларнинг гарданига юклади.

Энди душман қаршилик кўрсатишни бас қилди. Французлар узил-кесил галаба қозонди. Шульмейстернинг маълумотларига чув тушган генерал Мак мутлақо доғда қолганди. У ишонган дивизияларни французларнинг авангард қўшиниёқ яксонлаб, омон қолган ва ярадор бўлган австрияликлар асир олинганди. Дунай соҳилидаги қишлоқлар ҳам биринкетин французлар қўлига ўтди, ҳамма уйлар тинтиб чиқилди.

Вертингенда биргина уй дахлсиз ва бетараф қолди. Барча деразалардан милтиқлар олов пуркади, фақат шу уйнинг деразаси очилгани йўқ, бу хонадондан кўчага бирор дона ўқ узилмади. Қишлоққа яширинган австрияликлар қўндоқлар билан эшикни бузмоққа беҳуда уриниб кўришди, французларга эса жанг-жадал чоғи бу бинога киришнинг асло зарурати йўқ эди. Зеро, бошқа иморатларни мажбуран тинчлан-

тирган бўлсалар, бунинг ўзи кўнгилли равишда сукут сақлайверганди.

Асирларни аввал Донаувертга, ундан Франция чегарасига жўнатишмоқчи эди. Улар сафланар экан, зобитлар жимжит уйга ҳайратангиз қизиқиб қолишди.

– Ичкарида ҳеч ким йўқмикан?

– Қараб кўриш керак.

– Бирор ўлка бизни кутиб тургандир?

– Балки кирармиз...

– Нега? – эътироз билдирди биров. – Кириб кимни кўрамиз? Ўтакаси ёрилиб, ертўлага бекиниб ётган бир тўда хотин-халажними?

Шунинг устига генерал Эксельман келиб қолди ва уни ҳам бу гапдан огоҳ этишди.

– Эътиборли бўлиш керак! – деди у. – Бирортаям кулба тинтувдан мустасно эмас! Қани, кўрайлик-чи.

Генерал дарҳол отдан тушиб, қиличнинг дастаси билан эшикнинг лўкидонини тақиллатди.

Ўша лаҳзадаёқ оғир темир тамба даранглади, гўё уйдагилар фақат шу сигнални кутиб туришганди. Қалит шиқирлаб, эшик оҳиста очиларкан, ичкаридан бўладиган ҳужум эҳтимолига қарши бир завод жангчи милтиқларини шайлашди.

Остонадаги сочлари оппоқ мўйсафид билан жажоки бола пайдо бўлди.

– Ие, ие! Ўзимизнинг болакай-ку! – жонланди Эксельман. – Ҳой, ўзингмисан?.. Хайрият, топиб олдим сени! Бизни бошлаб қўйдинг-ку! Нега қочиб кетдинг, йигитча?

Ўзига шунча одамнинг тикилиб туришидан Ганс бир эсанкираб олди.

– Мени шу уйда кутишаётганди-да.

– Ким кутарди? Манави одамми?

– Албатта! – у мўйсафид дўстини хафа қилмаслик-лари учун алоҳида таъкидлади: – Албатта! Маршал ҳузурига мени шу киши юборувди-да.

– Азизим, бу фикр миянгизга қандай келди, а?

– Ўзим бора олмасдим, командир, – деди Родек жиддий қиёфада, – қўл-оёғим кишанбанд эди.

У кўчада тўпланган оқ мундирли асирларга бир сидра назар солди.

– Анавилар мени зинапоянинг темир тўсинига боғлаб қўйишганди.

– Биродар, уларнинг додини бериб, ўчингизни олдик.

– Албатта! – деди Родек.

Ганс гапга қўшилди:

– Онам ва кичкина синглим ҳам шу ерда бўлиб, мендан хавотир олишаётганди.

– Жуда соз! Айни муддао! Қара-я, бошқа уйлар бизни қийнаб турган мушкул дамларда манави уй мустаҳкам француз истехкоми бўпти-да. Ижозат беринг, дўстларим, мен бир кириб кўрайин. Ҳамманинг номидан матонатли мададингиз учун бу кичик гарнизон аҳлига миннатдорчилик айтишга бурчлиман ахир.

Родек ва бола четга ўтиб, Эксельманга йўл бўшатишди. Шу пайт чошиб келаётган отлар дупури эшитилиб, еру кўкни титратувчи олқишлар, «ура» садолари янгради. Йўлда уймалашган асирлар ўзлари хоҳламаган ҳолда икки ёққа терилиб, суворийларга йўл очиб, эҳтиром кўрсатдилар. Ўз штаби ва шотирлари билан маршал Мюрат пайдо бўлди. Зафар қувончи ва ифтихордан юз-кўзи ял-ял ёнаётган маршалнинг мундири ҳам юлдуздай чарақлаб, от устидаги беқиёс қомати қиличга ўхшарди. Унинг ортидаги маршал Ланнинг юзи тунд ва жиддий.

Гренадёрлар қичқириб олқишлашди:

– Яшасин император!

Мюрат уларга хуштабассум билан бош ирғади:

– Император номидан ҳаммаларингизга ташаккурлар! Зоти олийлари сизлардан хурсанд!

Маршал очиқ эшик олдидаги Эксельманни кўриб қолди. Шердил зобит қаддини гозлаб, ҳарбий эҳтиром бажо қилди. Мюрат отини у томонга бурди.

– Командир, ҳамманинг оғзида бир гап: бугун барча хужумкорлар аввалида фақат сизни кўришибди, – деди Мюрат барчага эшиттириб. – Мен карени яксон қилганингизда иштирок этдим, холос. Маршал Ланнини айтишича, эрталабдан буён йигирма карра ўлимнинг юзига тик боқибсиз. Бунинг учун энг олий мукофотга муносибсиз, инчунин, ўлка байроқларни императорнинг оёқлари остига ўзингиз ташлаб, зоти олийларига зафар муждасини ҳам ўзингиз топширасиз. Зеро бундай шараф ҳеч бир мукофотдан кам эмас!

Ғурур ва ифтихор тўлкинидан Эксельманнинг юзи дувва қизарди. Ланн эса табрик ўрнида унга оталарча меҳр билан боқиб, қўлларини самимий илтифот билан маҳкам қисди.

– Ие, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? – сўради Мюрат ҳайратангиз. – Кўзларимга ишонмайман! Ахир бу йигитча менинг жажжи қадрдоним-ку!.. Ана холос, Оффенбургдаги мезбоним ҳам биргами? Хайрли тонг, Родек жаноблари! Ўшанда – икки ҳафта бурун – жудаям шошилишч кетиб қопсизлар-да. Сиз билан айнан ғалаба айёмида яна топишамиз деб ўйлаган ҳам эмасдим.

Кекса шуан гулдираб қўйди:

– Баъзан хоҳламаган ишингни қилишга ям мажбур бўларкансан-да!

Шунинг устига ичкаридан Берта чиқиб келди.

– Ажабо! Ўзингизми, хоним?! – ҳаяжон аралаш хитоб қилди Мюрат.

Ўша дақиқада Франция маршали ўзининг кимлигини тамомила унутганди: биров жиловдан тутгунича ҳам тоқати етмай шартта отдан тушди. У сочлари олтин мисол нотаниш паривашнинг истиқболига беҳад эъзозу эҳтиром билан ошиқардики, бундан ҳамма чексиз таажжубда эди. Остонада ҳайкалдай Берта ва унга ёпишган жажжи Лизбета: аёл шу туришида муқаддас она сиймосининг ўзгинаси эди!

Маршалга йўл бериб, барча ўзини четга олди.

Мюратнинг шу маъсума аёлни ёқтириб қолгани рост ва маршал Бертага бу кунги галабанинг раҳнамоси бўлиб кўриниши ҳам ҳақиқат. У беқиёс шодликка ёки қалб сирларига уйғун голиблик ифтихоридан масрур эдики, ақлини олган гўзалга қўлларини чўзиб, олға ошиқди.

Аммо унинг йўлини Родек тўсиб чиқди: юзи қатъий, нигоҳи жиддий эди, афтига қараганда, у шу тобда болтадан ҳам тоймасди. Кекса шуан шаҳзоданинг кўзларига тик боқди ва секингина таъкидлади:

– Маршал жаноблари, мени афв этасиз, аммо бу уй ажалдан жон сақлаган шўрликларнинг бошпанаси, илтимос, кирманг!

Ҳайратдан кўзлари чарақлаб кетган Ганс оқсоч дўстига анқайиб қолганди. Ранг-рўйи бўзарган Берта ўзини ичкарига олди. Қаҳри қайнай бошлаган Мюрат хижолатини яшириш учунгина хохолаб кулди.

– Бу нима деганингиз, азизим?

– Демоқчиманки, жаноби маршал, кунлардан бир куни бировларга меҳмондўстлик билан бағримни очгандим ва улар тузлигимги туфламоқчи бўлишди.

Шу-шу Парвардигори оламни ўртага солиб онт ичдимки, модомики мен манави заиф бандаларнинг

дахлисизлигига кафил эканман, минбаъд ҳеч бир инсонга меҳмоннавозлик қилмаганим бўлсин!

– Сиз шу гапларни обдан ўйлаб гапирялсизми? Дарҳол ҳибсга олдириб, турмага тиқишга қодирлигимни ва бу оиладаги ўрнингизни эгаллашим мумкинлигини билмайсизми?

– Биладан. Сиз маршалсиз, мени йўқ қилиб юбориш сиз учун пашша ўлдиришдан ҳам осон!.. Аммо мен нодон уруш тугади деб ўйловдим-да!

– Хуллас, ичкарига киролмайман, сиз бунга йўл қўймайсиз, шундайми?

– Мутлақо шундай!

Эксельман олға чиқиб, қўмондонга нимадир деди ва маршал Родекка ўдағайлади:

– Манави зобитнинг айтишича, мен келгунимча уни ичкарига таклиф этибсиз, демак, бошқаларга мумкин, фақат менга мумкин эмасми?

Жавоб қайтаришни лозим кўрмаган Родек бош ирғаб қўя қолди.

– Бунга чидаш мумкин эмас!

Тутоққан Мюрат «мени ҳақоратлашганини кўриб ҳам индамай тураверасизларми?» дегандай зобитларга термудди. Бироқ улар Мюратни ҳайрон қолдириб ўзларини четга олишарди. Ланн Удино гренадёрларининг командирини чақириб, асирларни сафлантириш ва жўнатиш ҳақида буйруқ берарди. Эшик олдида соқчилик қилаётган адъютантлар қўмондон ўз танишлари билан суҳбат бошлаганини кўрдилар, бинобарин, улар постни ҳам, иккала маршални ҳам тарк этишди... Эксельман ҳам нарироққа бориб олганди.

Бу билан Мюратнинг иззат нафси топталмаган бўлса-да, ғурури азият чекканди. У Родек томон ўгирилиб, амирона оҳангда савол берди:

– Булар ҳазилингиз эдими? Хўш, энди бас қиларсиз, а?

Унга жавобан вандейлик қария қулочини маънодор кериш билан кифояланди.

Бироқ Мюратнинг кўз ўнгида бу қалтис вазият дарҳол ўзгариб кетди. Ҳалитдан бери бир сўз демаган Ганс тилга кирди:

– Эсинг жойидами, Франц тоға? Нима деяпсан ўзи?

У мўйсафидга шундай қаттиқ тикилдиги, боланинг кўзларидаги теран маъно ва сўзсиз танбеҳ ҳар қандай эътироздан, ҳатто фармондан қудратлироқ эди. Гўё ғойибдан пинҳоний буйруқ келиб, Родек қулочини йиғди ва деворга суяниб, йўл бўшатди.

Ҳеч шубҳа йўқки, болакай ҳайратини изҳор этмоқчи бўлганди, холос. (Ахир кечагина ўзи шу басавлат арбобнинг мададига муҳтож эдики, бугун унга беиззат муомала қилиш мумкин эмас-да.) Бироқ боланинг отасига мулозим бўлган қария унинг талабини бўлакча тушунди. Унингча, шу биттагина жумла аслида илоҳий ироданинг изҳори бўлиб, ҳамма гина-қудуратни, кекни унутишга чорлардики, меҳмондўстликка, ҳатто маршалга қучоқ очишга буюрарди! Родекка қолса, бу қачонлардир ўзи сўз берган хожасининг, яъни энг одамий бир инсоннинг ғойибона амри эдики, шу тобда боламас, ўша валинеъматининг барҳаёт кўзи кўриб, тили сўзлаб тургани аниқ!

Родек аждодлари руҳи мужассам жажжи хилқатга бош эгди, унинг талабига бўйсунди ва йўлни бўшатди. Оний машмашани қамал саросимаси оқибатидаги руҳий довдирашга йўйган Мюрат тезда ҳовридан тушиб, мийиғида кулиб қўя қолди ва остонадан ўтди. Родек болакайга ўртаниб ва орзиқиб тикилганича, ичкарига кирган маршални ҳатто кўргани ҳам йўқ.

Лизбетани бағрига босган Берта ерга боқиб, тек қотди. Мюрат оҳиста савол берди:

– Демак, хоним, мени кўргани кўзингиз йўқ экан-да, шундайми?

– Албатта шундай! Ҳа, жаноб маршал, сизни кўраман деб, кўзим учиб тургани йўқ эди! Дарвозабонликни зиммасига олган покдомон инсон сизга нисбатан ноҳақлик қилди, у йўлингизни тўсишдан олдин менга лоақал бир оғиз индамаганди. Лекин сизнинг келишингизни олдинроқ билганимда, бу ерлардан аллақачон бош олиб кетган бўлардим.

Аёл маршалнинг кўзларига тик боқди. Шаҳзода гўё эркалагандай уни бағрига босаркан, ўзига мутлақ ишонч билан сўради:

– Бу гапингизга қараганда, мендан жудаям ўпкалаб қолганга ўхшайсиз.

– Сиздан? Кечириб қўясиз, шаҳзода, аммо мен фақат жондай азиз яқинларимнинг – эрим ва манави гўдакларнинг тақдирини ўйлайман, холос. Ёруғ дунёда бошқа бирор инсоннинг менга сираям қизиги йўқ.

– Биламан, бу ҳақда айтгансиз. Билардим... Бунга шубҳам йўқ.

– Энди бас, шаҳзода, ортиқ чакагингизни чарчатаверманг! Сизнинг бурчингиз – аскарларни олға бошлаш, менинг бурчим – эримни севиш ва олдингиздаги икки болани тарбиялаш! Келинг, бурчларимизга садоқатда собит бўлайлик!

Аёл Наполеоннинг ноибига астойдил таъзим бажо қилиб, кетишга чоғланди. Берта қадам босар-босмас Мюрат яна сўз очди.

– Эрингизнинг ҳаётини сақлаб қолишни император менга буюрганини биласизми?

– Сизга? Эримнинг ҳаётини-я? У ўзи ҳозир қаерда?

– Ие, хабарингиз йўқмиди?.. Мен ўғлингиз айтгандир дегандим!

Ҳамма ҳаяжондан юзи бугриққан болакайга қаради. Ганс индамай Берта онанинг ёнига келди, у кўз

ёшларини зўрга тийиб турарди, аммо бир амаллаб ўзини тутди.

– Мени кечиринг! Бу ердан қуён бўлгач, тунда Карл дадамни кўрганимни айтишга тилим бормади, сени хафа қилгим келмади-да, онажон. Қолаверса, император уни қутқаришга аскарларини жўнатди ва бундан бир иш чиқадими-йўқми, буниям билмайман! Мен уни дарё бўйида кўрганимда асирликда эди, ўзимни танимаганликка олдим. Негаки мени тутиб, у билан юзлаштиришганди, Карл дадам агар таниш эканимиз аён бўлса, оқибати жуда ёмон бўлажагини англади...

– У сен билан сўзлашдим, ўғлим?

– Энг охирида сўзлашди. Аммо аввалига кўзлари билан... Сен ўша онда уни кўрсайдинг, унинг кўзлари меҳр булоғи эди, Берта она! Мутлақо хотиржам! Чехрасида кўрқувнинг зарраси ҳам йўқ. Қойилман! Сираям кўрққани йўқ... Кейин, император Наполеон билан кўришганимда, отамни австрияликлардан қутқаришни сўрадим. Унинг ҳузурига мени шаҳзода Мюрат олиб борди-да. Ахир Карл дадам ёнимиздамас, душман қўлида бўлиши армон эмасми? Ўшанда император елкамга қоқди ва «хўп» деб ваъда қилди...

Берта Ганснинг ҳикоясини охиригача эшитиш учун ўкраб юборишдан базўр тийилди. Болакай гапириб бўлгач, уни бағрига босди-да, Мюратга юзланди:

– Ахийри нима бўлди? Эримнинг тақдири сизнинг измингизда экан, маршал, императорнинг буйруғини адо этдингизми?

– Бурчимни бажардим, хоним, бор имкониятни сафарбар этдим. Онт ичиб айтаманки...

– Демак, дадам қаерда эканини биларкансиз-да? – унинг сўзини бўлди Ганс.

Бу кўндаланг савол бошқа ҳар қандай одамни додиратиб қўярди, фақат маршал Мюратни эмас.

– Шошмай турасиз! – деди ва эшик томонга юзланиб чақирди: – Командир Эксельман! Сизга австрияликлар қўлидаги бир асир, императорнинг Шульмейстер номли махфий жосуси ҳақида топшириқ берувдим. Хўш, уни бугун ахтардингизми? Нимаики билсангиз, биздан яширманг, барини рўй-рост айтинг! Хўш?

– Маъзур тутасиз, маршал, – деди Эксельман. – Мен асирнинг Гогенрейхенга жўнатилаганини, ўша қишлоқда кучайтирилган соқчилар назорати остида қаттиқ қўриқланишини аниқлаган эдим. Қўлимдаги ҳарбий асирлар орасида уни танийдиганлар «одам қиёфасидаги иблиснинг ўзгинаси» деб таърифлашди. Эмишки, Шульмейстер ўткир соқчилардан бирининг мундирини кийиб, ҳибсхонани тарк этган. Қандай чиққанига, қаёққа кетганига ҳеч кимнинг ақли етмаяпти.

– Шу гапларингиз ҳақиқат эканига ишончингиз комилми?

– Шак-шубҳа йўқ, маршал жаноблари! Ўша соқчилардан бири қўлимда: мен уни ўзим уйғотдим, Ҳа, ҳа уйғотдим! Негаки у ўлгудай бадмаст эди, Шульмейстер шу қоровулнинг мундирини ечиб олган, милтиғиниям ўмарган ва қўли билан олган.

Ганс терисига сизмай қарсак урди ва сакрайверди.

– Билардим! У тутқич бермаслигини аниқ билардим! – хитоб қилди у.

– Аммо кейин-чи? Бу душман мамлакат бўлса, ҳамма ёқда ёв қўшинлари тўлиб-тошиб ётибди, йўллар тирбанд, ўта олдимикан? – сўради Мюрат.

– Албатта ўтган, жаноб маршал. Негаки мен ўз кўзим билан кўрган ўшандоқ мустаҳкам ҳибсхонадан қочишни, озодликка чиқишни эплабдим, энди тамом, юлдузниям бенарвон ура олади!

Мюрат Бертага юзланди:

– Мана эшитдингиз, хоним, мендаги маълумотлар ана шулардан иборат. Энди айтинг-чи, императорнинг амрини бажарибмизми-йўқми?

– Гап йўқ! – деди аёл. – Эрим озодликка чиққанига шубҳам қолмади. Аммо... у тирикмикан?..

Мюратнинг кўнглидан кечди: «Ношукур аёл! Хизматимизга раҳматниям лозим кўрмади-я!»

Маршал худбинлик билан ўзига қанчалар бино қўйган бўлмасин, шу тобда батамом енгилганига иқрор эди: на куч-қудратнинг нуфузи ва на саркардалик шон-шуҳрати номусли аёлнинг вафо қўрғонини забт этолмади.

Оффенбургда икков ёлғиз эдилар, бу ерда эса қайсар хотиннинг болалари ҳам ёнида. Энди ҳарчанд ҳужумга зўр бергани билан галабадан асло умид йўқ: унга бутун бошли оила қарши турибди. Жўяли биргина йўл қолдики, ими-жимиди этагини ёпгани маъқул: қулай вазият ёки воқеалар ривожини йўл берса, обрўсининг борида кетиб олиши керак.

Остонада Ланн кўринди. Унинг истарали, шижоатли ва тўпори қиёфаси дилхоҳ бўлиб, Мюратнинг девдай гавдаси бошидаги жиға-пиғалари бачкана, ҳатто кулгили туюларди. Бу одми матонат соҳиби жанговар кийимда, жигарсўхта маршал эса ясан-тусан қилиб олган: бири – урушда, бошқаси – томошада гўё.

– Шаҳзода! – мурожаат қилди Ланн ҳурмат юзасидан қўлини чаккасига тегизиб. – Менимча, вақтимиз беҳуда кетяпти. Башарти сиз бу ерда қолмоқчи бўлсангаз, мен бари бир кетишим керакка ўхшайди. Негаки биринчи дивизионим хийла олисга бориб қолди, унга мадад кучларини обормасам иложи йўқ.

– Албатта!.. Албатта! – маъқуллади Мюрат. – Бораверинг, мухтарам маршал, сиз алақачон кетиб бўлгансиз деб ўйловдим.

– Мен-а? Сизга индамасдан кета оламанми?

– Сафсатани кўйинг! Келишувимиз эсингизда йўқми: ахир мендан сўраб-нетмай ҳаракат қилаверадиган бўлгансиз-ку!.. Дарвоқе, кўнглингиз тўқ бўлсин, мен ҳам ҳозир йўлга тушаман.

Унга жавоб беришни лозим кўрмаган Ланн аёлга юзланди:

– Хоним, яхши қолинг!

У боланинг юзига енгил шапатилаб, елкасига қоқди-да, чиқиб кетди. Ланн индамагани билан ниҳоят-да даргазаб эди.

ГЕНЕРАЛ МАК СЎНГГИ ТАЛВАСАДА

Берта билан хайрлашадиган сўнги дамдагина Мюрат ўзини қўлга олиб, хотиржам кайфиятга қайтди. У ақлини олган одми, мағрур ва ориятли жувон билан самимий ва мулойим хайр-хўш қилди. Аниқки, маршал жанг майдонида голиб бўлса-да, бу аёл қошида мағлуб эди.

Берта ва Родек болалар билан ёлғиз қолишгач, ягона савол кўндаланг бўлди:

– Модомики Шультмейстер Ульмда йўқ экан, шаҳарга қайтиб нима қиламиз?

Бироқ шаҳарга боришмаса, жанг-жадал тинчигунча қаерда туришади? Францнинг ўйлашича, Оффенбургга қайтганлари дурустроқ эди. Аёл эса Вертингенда қолмоқчи, чунки бу ерда озми-кўпми дунёнинг ишларидан хабардор бўлишга имкон бор. Ганснинг фикрини биров сўрагани йўқ, лекин у ҳам ўзиникини маъқуллади:

– Берта она, Карл дадам французлар томонга бориши аниқ экан, биз ҳам уларнинг ортидан кетаверайлик.

Булар ана шу уч маслаҳат устида иккиланаркан, кўққисдан эшик тақиллади. Родек меҳмонни кўрди-да, қаҳрли овозда бақирди:

– Сиз! Сизмисиз? Бу ерда сизга пишириб қўйибдими?

Ичкаридагилар ҳайрон: бобой нега захрини сочяпти? Келган киши ким бўлди ўзи?

Ганс коридордан ўтиб, қария «сийлаётган» хотинга кўзи тушар-тушмас суюниб кетди:

– Франц тоға, уни ичкарига олайлик, – деди у. – Сен билмайсан-да! Мени мана шу аёл қутқариб қолган! Карл дадамни отмоқчи бўлган одамни қуролсиз қўллари билан бўғиб... У кекирдагидан бўғиб турганда, мен қочиб қутулганман. Билиб қўй, ўша ёмон кишининг қиличига қарши қуруқ қўл билан жанг қилган. Қўя қол, йўлни оч, ичкарига кирсин! Хуш кепсиз, Доротея хоним, марҳамат, Берта онам сизга раҳматини айтиб олсин!

Родек ҳеч нарсага ақли етмаса-да, кичкина хожасининг амрига яна бўйсунди! Ахир бутун бир оилага хиёнат қилган сотқин аёл Шультмейстер билан Гансни қутқарган эмиш! Ё Парвардигори олам, нималар бўляпти ўзи?..

Ўта изтиробдаги Доротея бояқишнинг инон-ихтиёри қўлидан тутган болакайда бўлиб, ўтган тундаги таниш хонага кириб бораркан, ўша зулмат кечани эслатувчи буюмларни кўриб, юрагидаги машъум яра-лар янгиланди. У Ганс қўйиб берган стулга ўтириш ўрнига, Бертанинг қошига бориб, икки оёқлаб тиз чўқди. Берта унга мутлақо беадоват боққанча, ҳайратда эди. Доротея ҳорғин овозда арзи ҳолини бошлади:

– Хоним, мени танидингиз, а? Ўғлингиз ҳам, қувиб солмоқчи бўлган мўйсафид ҳам мени таниди... Лекин ишонтириб айтаманки, эрингизнинг дўсти менга

нисбатан ноҳақлик қилди! Мен маккорамас, бахтиқаро бир қизман. Авваламбор, ҳузурингизга не мақсадда келганимни айта қолайин. Олдинига юрагим дов бермади, бироқ танамга обдан ўйлаб кўрдимки, келмаслигим мумкин эмас! Ёлвораман, гапимга қулоқ солинг, негаки гапиришнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Муҳим хабарни етказишим зарурлигини биламан, лекин оғиз очишга ям мадорим етмай турибди-да! Ахир кечаси билан йўл юриб чиқдим ва туз тотганим йўқки, ўлгудай очман!

Бертанинг юраги ачишиб кетди:

– Шунчаликкаям борасизми, а?! Ганс, тез чиқиб, бир бурда...

– Йўқ, хоним, йўқ! Ташаккур! Шу тобда томоғимдан увоқ ҳам ўтмайди, овқат кўнглимга сизмайди! Фақат қулоқ солинг, сўзлашимга изн беринг! Сизга бўлак ўтинчим йўқ!..

– Аммо... Родек, сиз холис одамсиз, бечоранинг аҳволини кўринг! – ён бермади Берта. – Ҳозир, шу тобдаёқ очликдан сулайиб йиқилади-ку!

– Гапимни айтиб олай! – деди Доротея ва гўё қуватини кўрсатиб қўймоқчидай қаддини жиндайгина тиклади. – Ахир биргина лаҳзаям ғанимат-да. Карл Шультмайстернинг топшириғи билан келувдим... Сиз унинг хотинисиз-ку, шундай эмасми?

– Ҳа, албатта! – ўша онда рўпарасидаги очликдан силласи қуриган аёлни ҳам, унга жони ачиётганини ҳам унутди. – Айтинг, тезроқ айта қолинг! Сиз уни кўрдингизми?

– Сизни кўриб тургандай кўрдим: эгнига немис гренадёрлари кийимини кийиб олганди, менга айтишича, тезроқ чопиш учун милтиқниям ташлаб юборибди. Тинка-мадорим қуриб йиқилиб ётгандим, шунда кеп қолди ва мени таниди. Иккимиз Ульмда

тасодифан кўришган эдик. Раҳми келиб, ўрнимдан туришга ёрдамлашди. Шунда сизни кўрганимни, болаларингиз билан қайда эканингизни айтиб бердим. Афтидан, бу ҳақда эшитган шекилли, ҳайрон бўлгани йўқ. У киши ўша ондаёқ бу ёққа келмоқчи эди, аммо ортида аскарлар тургани боис бунинг иложини қилолмади. Шунда у ўйлаб кўриб, мана шу гапларни сизга етказишни қаттиқ тайинлади...

Доротея худди шу нуқтада ўз ҳикоясини тўхтатишга мажбур бўлди: жажоки бир қўл унинг енгидан тортиди. У ўтирилиб Лизбетани кўрди, юзлари лола тусини олган қизалоқ қўлчалари билан бир тўғрам нонни узатиб турарди. Айтиш жоизки, уч энлиқкина шу егулик унинг ўзига эҳтиётлаб қўйилган сўнгги захира эди.

Қизчанинг кўзлари жиққа ёш. Доротея бир сўз демасдан, бош букди, бўзарган лабларида аянчли табасум кўриндики, бу билан гўё ташаккур изҳор этарди. Бироқ уни оғзига солмади-да, кафтига олиб, илоҳий мўъжизага боққандай ихлос билан тикилиб тураверди. Унинг бу қиёфаси дуо теккан табаррук насибадан улуш олган тақводор аёлга ўхшарди.

Ганс хайрихоҳлик билан қараб турганини кўргач, Доротея ўзини янада бардам ҳис этди. Кўнглида шундай бир эзгу истак жўш урдик, ҳозир ва ҳамиша фидойилликка қодир эди. Ундаги бу матонат ва жонфидолик фақат ўзига яхшилик қилган одамгагина эмас, ўша кишининг азизлари саодатига ҳам бахшида этилгусидир. (Аввал уларга Доротеянинг тоб-тоқати йўқ эди.)

– Жаноб Шмельмейстер менга тушунтирдик, – яна тилга кирди аёл, – у зиммасидаги вазифа тақазосига кўра, шу яқин орадаги Эльсинген қишлоғига зудлик билан етиб бориши зарур экан...

– Эльсинген!.. Жудаям тўғри, мен императорга етказган хабарда худди ана шу жой бор эди.

Боланинг луқмасидан тагин ҳам руҳланиб, мулойим тортган Доротея майин жилмайиб қўйди. Ўзига нисбатан бу ишонч ва илтифот муҳитидан дадиллашиб, бамайлихотир давом этди:

– У менга: «Аёлим мени топиш учун йўлга чиқиб аҳмоқлик қилибди. – Кечирасиз, хоним, эрингиз айнан шундай деганди-да. – Унинг кўнглини тинчитиб мени ўша ердан (Эльсингендан) топиши мумкинлигини етказиб қўя оласизми? Ана шу жой тинч ва хавфсизроқ» деди. Ҳақиқатан ҳам бехатар жой... Шундан сўнг мен бу ёққа отландим, хоним, агар хоҳласангиз сизни ва манави норасидаларни Эльсингенга бошлаб борардим...

У сўнги жумлани ирод қиларкан, ҳатто ёлворарди Доротея ҳалим ва муте қиёфада гўё садақа сўрамоқда фақат ваъдага вафо қилиш ҳуқуқини эҳсон қилсалар бўлди!

Берта ўрнидан қўзғолиб, ўзига пешвоз чиққач, Доротеянинг юзи кўклам чечагидай яшнаб кетди. Шулмейстернинг рафиқаси уни ҳам турғазини учун қўл чўзган лаҳзада эса кўзлари ёшга тўлди. Сўнгра бахтиёрлигидан беҳуш йиқилаёзди, негаки Бертанинг қўйидаги самимий сўзлари тоза қалбнинг ишонч сандоси бўлиб қулоқларига қўйилди:

– Таклифингиз учун минг-минг раҳмат, уни чин кўнглимдан қабул қиламан ва дарҳол йўлга отланаман.

Шундай қилиб, жанг-жадал сахнасига уйғунлаштирилган кенг кўламли ва зукко ҳарбий ҳийлалар ҳар томонлама хотималаниб борарди.

Наполеонга қолса, қўшиннинг яқдил ҳаракати ва уруш тасодифларига таяниб, бу уддабуронлигини ҳали давом эттириши мумкин. Негаки ўзи ҳужум қилгани сайин у томоннинг хом-хатала режалари пучга чиқаётгани аниқ кўриниб турарди.

Йўллар тирбанд: ҳарбий сафлар олдинма-кейин олга борар ёки бир-бирига қарши юриб қирғин бошлади. Французларнинг ҳаракатини тушунолмасдан Ульмдаги қўмондонлар саросимага тушиб қолишди ва энди ишлар пачава эканига ҳам ақллари етди. Урушдан олдинги маълумотларни уруш кўламига таққослаб кўришди: бири – боғдан, бири – тоғдан.

Эҳтиёт шарт деб, душман ўтиши кутилган манзилларга Ульмдан бир неча дивизияни жўнатиш лозим кўрилди. Эндиликда фронт чизигига айланиб бўлган ушбу мудофаа марраларига ҳар куни янги ва янги полклар юбориларди. Лекин бу оҳорли кучлар ҳам французларнинг сон жиҳатидан устун қўшини домига илинардди ёки зўрға қочиб қутуларди.

Фурсатни бой бериб бўлган австрияликлар қаёққа бош урмасин, отни қамчилаган душман улардан барвақт етиб бориб оларди. Октябрнинг ўн биринчисида Гаслахда генерал Макнинг қиличини синдирган жанглардан бири бўлди.

Ўша куни эрцгерцог Фердинанд қўмондонлигидаги йигирма беш минг аскар генерал Дюпоннинг олти минг кишилиқ дивизияси билан «сузишди». Дюпон дивизияси Ней бошлиқ корпус таркибига кирарди ва Дунайнинг сўл соҳилида асосий француз кучларидан ажралиб, ҳеч қандай мададсиз қолганди. Агар австрияликлар дадил бўлиб, шунчаки ҳужумга ўтсалар ҳам уларни дарёга улоқтириб ташлашлари ҳеч гап эмасди. Бироқ амалда бунинг акси бўлиб чиқди: Дюпон ёв ҳужумини кутгани йўқ, шартта ўзи бостириб бораверди. Қишлоқ ва ўрмонлар неча бор душман қўлига ўтмасин, қайтариб олаверди: ҳужумга ўтди, чекинди, яна ҳамла қилди. Бу тактикани у шунчалар ҳарбий санъат билан ишга солдики, кечки пайт майдонда галаба билан қолди. Музаффар генерал кўлида қанча

аскари бўлса, ўшанча асир олди: беш минг австриялик қўл кўтариб, таслим бўлганди!

Дюпон қанчалик шерюрак бўлмасин 12 октябрь куни кечаги зафар маррасини тарк этди. Бу оқилона қарор эди, негаки оз сонли жангчи билан кўп сонли қўшиқга қарши яна бир бор таваккал қилиш хавфли. Йигирма беш минг кишининг фожиаси ҳақида генерал Мак хабардор этилди, албатта. Ахийри унга ҳам Худо ақл бериб, узоқни кўра биладиган генералларнинг сўзига кирди ва французлар очиқ қўйган йўлдан (Мюратнинг хатоси туфайли) фойдаланиш ҳаракатига тушди.

Мак генерал Ризени махсус буйруқ билан Эльсингенни фатҳ этишга юборди. Икки кундирки, округнинг тинч аҳолиси олдинги жанглардан ва бўлажак қирғинбаротлардан қўрқиб, шу ерда жон сақлаб ётарди. Ризе баландликларга келувчи йўлни мудофаа истехкомига айлантирди, чунки тепаликлар бой берилса, Михельсберг воҳасига йўл очилади, у ёғи Ульмгача бир қадам қолади, холос. Генерал устунли ёғоч кўприкни бузиб ташлади. У французлар учун Дунайдан ўтишнинг ягона воситаси эди. Ризе бу тайёргарликларни яқунлагач, тасарруфидаги қисмлардан энг лочинкўз жангчиларни саралаб олди. Сўнгра улар дарёнинг австрияликлар қўлидаги соҳилига терилиб, мерганлар чизиғи пайдо бўлди, орқадаги артиллерия ҳам мададга шай эди.

Ана шу ҳолда улар душманни кута бошладилар.

ЖОСУСНИНГ ҒОЙИБ БЎЛИШИ

Наполеон Аугсбургдан қайтган заҳотиёқ Мюратнинг манёврлари самараси ҳақида алоҳида ҳисобот талаб қилди. Ва ўша ондаёқ душманни қуршовга олган занжирнинг битта ҳалқаси айнан куёвининг айби

билан узилганини кўрди! У гапни чўзмади, иккитагина сўз айтди:

– Бу – аҳмоқлик!

Сўнгра у топқирлигини ишга солди: айбдорни уриб-сўккунча, бировлар бузган ўз режасини тузатиш ҳаракатига тушди. Муродини ҳосил этувчи кўприк йўқ экан, демак, янгисини қуриш зарур.

– Ёки эскисини таъмирлаймиз, олампаноҳ! – деди Ней.

– У қайси экан?

– Рўпарамиздаги кўприк-да, олампаноҳ, ҳайтовур унчалик бузилган ҳам эмас.

– Шуни-я, маршал? Ҳали шуни унчалик бузилган эмас деяпсизми?

– Албатта, зоти олийлари! Ана, ўзингиз аниқ кўришингиз мумкин, сувдаги устунлар бут-бутун!

Император Нейга юзланди, унинг кўзларига синовчан боқиб, жилмайди. Нейнинг эса юзига қон тепди.

– Агарда шу юмушнинг уддасидан чиқа олсангиз, ёруғ дунёда сизга тенг келадиган инсон йўқ деган бўлур эдим, – кейин унинг елкасига қоқди-да, илтифот билан таъкидлади: – Айтишларича, Эльсингенни қўлга олсак, Ульм ҳам таслим бўлармиш. Жуда соз, биродарим, ўша Эльсингенни сизга топширдим! Башарти уни фатҳ этаркансиз, сизни герцогликдан юксакроқ шундай мақомга муяссар қилайинки, бунақаси ҳеч кимда бўлган эмас!..

Ней мағрур қоматини ғоз тутиб, устидаги оғир жанговар чакмонини улоқтирди: саф-саф аскарлар кўз олдида байрамона мундир кийиб, орденлар тўла кўксини керган Франциянинг асл маршали намоён бўлди. У олға чиқиб, оғзаки буйругини эълон қилди:

– Кўприк тузатилиши билан, интизом ва тартибга биноан нариги соҳилга ёриб ўтамиз! Биринчи бўлиб ўтиш шарафига муҳандислар мушарраф бўладилар!

Зобитлар бир нарсадан қуруқ қоладигандай говур-говурга тушдилар. У бардам ва қувноқ овозда хитоб қилди:

– Хотиржам бўлинг! Иш ҳаммага топилади.

Сўнгра у тап тортмай дарё ёқасига яқинлашди.

Ўша ондаёқ душман мерганлари ишга тушди.

Наполеон ҳайратда: маршал ўзининг асл муддаосини ёв кўзидан жиндайгина ниқоблаш ўрнига даб-дурустдан вазифанинг бошини тута қолди. Шу боис император қаттиқ безовталаниб, ташвишини ошкора изҳор қилди.

Ней ҳозиргина кўприксоzларнинг пешқадам сафидаги жангчиларини йўқотди: улар Дунай соҳилидаги дастлабки устунлар ёнига борган заҳоти дарёга фарқ бўлди. У бошқаларни чақириш учун ўгирилганда олисдан кўзи тушди: император ординарецларидан бирига топшириқ бериб, ўзи томонга жўнатарди.

Наҳотки қандай қилишни ўргатишмоқчи? Ўз билганича иш тутгани қўймайдиларми?

У дарҳол буйруқ берди: ҳамма ҳаракатлар таққа тўхтади, кўприксоz сапёрлар бир амаллаб сафланиб олишди. У қаҳр билан отга минди ва император томонга учди, у шу дамда довулнинг ўзгинаси эди.

Йўлда ўзи томон келаётган адъютант билан тўқнашди ва сўради:

– Императордан буйруқ борми?

– Ҳа, маршал жаноблари!

– Жуда соз!

У бошқа гап сўрагани йўқ, тулпорига устма-уст қамчи босди, чопар зобит норози ҳолида қолаверди.

Ней яқинлашгани сайин ола-қуруқ киборлар давраси тобора яққолроқ кўринаркан, унинг кўзи илган биринчи одам Мюрат бўлди. У аниқ ҳис этди: ҳаммадан ажралиб турган, ўзи учун бадхоҳ бу кимсанинг

яқиндаги ҳақоратидан алами зўрайиб борарди. Кеккайган олифтага қарши маршал қалбидаги газабнинг таърифига тил ожиз ва бу нафратни остидаги отнинг ҳар бир одими янада улғайтираётганди. Шу тобда аскарлар айнан Мюратнинг хатосини тузатишмоқда, у эса афтидан, ўз нодонлигининг қурбонларини томоша қилиб ҳузурланиш билан андармон!

Ней маршаллар ва шотирларидан олдинроқдаги Наполеон турган тепалик бўсағасига етиб борди: у ичидаги бор захрини оловга айлантиришга, куйдиришга шай эди. У овоз эшитилгудай масофага борганда, Наполеон қичқирди:

– Нега келдингиз, маршал?

– Менинг ҳаракатларим сизни қониқтиролмаганини кўриб турувдим, олампаноҳ. Бироқ менинг қисматим аслида шунақа: ҳамсоям қилган хатонинг касрига ҳужум боши берк кўчага кириб қолгач, жонимдан кечиб бўлса-да, қўшинга йўл очаман, ўша хатони тузатишнинг бундан ўзга чорасини билмайман!

– Бўпти!.. Майли!.. Мен сизни тўхтатмоқчи эмас, огоҳлантирмоқчи эдим, маршал! Ахир менга ҳали шунчалар кераксизки, сизни асрамасам, кимни асрайман, менинг маршалим?!

Икковнинг ораси уч қадам холос. Ней унинг қошида отдан ҳам, жаҳлидан ҳам тушгани йўқ.

– Сизни ўтказмаслик қасдида ўт очаётган душман мудофаа чизигидагилар, менимча, камида ўн саккиз минг кишига боради. Михельсбергдаги захира қисмлар бу ҳисобда йўқ. Улар қирқ мингдан кам эмасдир.

– Айтаверинг-чи, офтоби олам!

– Кўприксоз сапёрларингиз етарлими?

– Менимча, етарли! Агар камлик қилса, гренадёрлар бор.

– Гренадёрларингиз ҳам ҳалок бўлса-чи?

... – Драгунларни сафарбар қиламан-да!

– Қанақасига? – пўк сўзлаб қўйди маршал Мюрат!

– Кавалеристларни сувга туширасизми?

– Ҳа, шаҳзода! – момақалди роқдай гулдиради тутуққан Нейнинг захарли овози. – На чора, командири кўприкни бой бергач, аскарларини сувга ташлаймиз-да! Камина қалпоғига жига боғлаб, катта йўлда от чоштириб мактанган олифталардан эмасман! Бугун мана бу орденларимни кўксимга қараб отаверсинлар деб тақдим! Булар ярақласин, душман нишонга олсин, аскаримнинг юрагига санчиладиган ўқнинг адади камайсин!.. Сўнгра, ҳай майли...

Унинг рангида қон қолмагани, маршал ҳамма гапни эшитиб турган валинеъматига юзланди:

– Ҳазрати олийлари менга кўприк ишини тўхта-тиб, орқага қайтишимни буюрадиларми?

– Йўқ, маршал! Буюраман, қандай хоҳласангиз, ўшандай йўл тутинг!

– Миннатдорман, олампаноҳ! – бош эгди Ней.

У шундай деб, шпори билан отнинг биқинига урди-да, бир зумда Мюратнинг қошида пайдо бўлди. Эгардаги Ней императорнинг куёви томон эгилиб, унинг биллагидан тутди: ҳамма генералларнинг, шотирларнинг кўзи унда эди.

– Томоша қилгани боринг, шаҳзодам! – деди у аччиқ киноя билан. – Агар бетингиз чидаса, боравринг! Ўшанда кўрасиз, маршал Ней душманнинг кўзини бақрайтириб не ишлар қила олишини!

У бошқа бир сўз дегани йўқ.

Ҳамманинг юраги увишиб қолганди.

Ахир император кўриб турибди-я! Унинг кўз ўнгида шаҳзода зоти олийларининг қўлидан тутиш, дўқ қилиш, ҳақоратлаш қанақаси? Шунча одам олдида беҳурмат бўлиш, Мюрат учун тарсакидай гап эди!

Мюратга кўрқув деган туйғу бегона экани барчага аён, лекин шу тобда ранги бўзариб, мурда тусига кирганди. У ер остидан император қайноғасига назар солди. Унинг бу нигоҳидан шуни уқиш мумкин эдики, гўё у ўзигагинамас, олампаноҳга ҳам содир этилган беандишаллик учун ўч олишга ва қиличини қинидан сугуриб, Нейни тавбасига таянтиришга ижозат сўрарди.

Наполеон буни тақиқлагандай кўлини кўтарди ва Нейга қатъий танбеҳ берди:

– Сиз каби матонат соҳиблари ноҳақлик учун фақат душмандан қасос оладилар. Иш тўхтаб қолмасин, маршал, боринг, қандай хоҳласангиз, ўшандоқ қилаверинг. Менинг кўзим сизда бўлади.

Ней императорга сидқидилдан бош эгиб, таъзим бажо этди. У жонига кўз тиккан ақл бовар қилмас балло-қазодан қутулгандай шодмон руҳ билан отига қамчи босди. Маҳрам зобитлари кузатувидаги маршал ўз жангчилари ва душманлари сари лочиндай учиб борарди.

Император, Мюрат, Ланн ва бошқалар қонли қирғингагина эмас, мана бундай ажабтовур сахналарга ҳам гувоҳ эдилар...

Бу ерда Дунайнинг кенглиги олтмиш метрга бориб-бормасди, ана шу ораликда жуфт-жуфт устунлар сувдан чиқиб турарди. Уларни ўзаро туташтирувчи тўсинлар ниҳоятда узун ва йўғон бўлмоғи лозимки, ўша харилар тиш-тирноғигача қуролланган кўшин ва оғир артиллериянинг залворига дош берсин.

Кўприксоз муҳандисларга керакли ходалар дарё яқинидаги дўнгликлар ортида ҳозирланиб, тупроқтепа бу жараённи ёв кўзидан тўсиб турарди.

Ней сал ичкаридаги устунларга яқинроқ бориб, бақирди:

– Юрагида ўти бор битта зобит ва битта сержант олдимга келсин-чи!

Отилиб чиққан талабгорлар кўп эди. Маршал капитан Куазель ва номи тарих китобларида қайд этилмаган бир унтер-зобитни танлади.

Ней отини шиғаб, Дунайга тушди, сув узангисигача чиқди, атрофига ўқ ёмғирдай ёғилиб кетди. Душман замбараклари ҳам гумбурлай бошлади, орқа тарафда снарядлар портлаб, маршалнинг бошига тупроқ сочилди.

Шунда ҳамманинг кўз ўнгида Куазель ва кичик зобит биринчи оралиққа яқинлашдилар: икков елкасидаги узун ходанинг икки учини устунларга қўймоқчи эди. Улар пайдо бўлиши билан даҳшатли портлаш гумбури эшитилиб, орқада бораётган кичик зобитнинг бел суяги парчаланиб йиқилди.

Бошқа бир шерюрак унинг ўрнини эгаллади, у сафдан чиқиши билан учинчи азамат олға отилди, ва ниҳоят, тўсин устунлар устига ўрнатилди.

Ней бир қадам ҳам орқага чекингани йўқ, от устида ғоз туриб, буйруқбардорликни давом эттирарди. Унинг зарбоф уқали мундири, кўксида товланаётган олтинранг орденлар немис ўқчиларига осонгина нишон бўлиб, мерганлар фақат уни кўзлаб отишарди. Чиллаки чиллакини кўриб, чумак урармиш деганларидай, қаҳрамонликда ҳам ана шу ёзилмаган қоида бор: маршалнинг теварагида ўлимдан қўрқмай, жонини сўнгги гаровга тикканлар адади тобора ортиб борарди. Бамисоли чумоли уясидай тинимсиз ғимирлаб, ёғоч кўтариб келаётганлар ва уни қўйиб қайтаётганлар ғужғон ўйнарди.

Бироқ жанговар қурилиш силжигани сайин мушкуллашиб, ахийри ўта хавfli тус олдики, тепадаги сапёрлар тахталарни ололмай каловланиб қолишди.

Чунки аввалда сув кечаётган жангчилар тўсинни юқоридаги қуролдошлари қўлига бемалол узатардилар. Лекин дарёнинг ўртаси чуқур экани энди бунга монелик қилаётганди.

Боз устига ёв томондаги мерганлар хуружга келиб, муттасил ўққа тутар, ўтюрак сапёрларнинг қанчаси Дунай сувларига гарқ бўларди.

Энди нима қилса бўлади?

Кўприкни битказмасликнинг эса мутлақо иложи йўқ! Боши қотган маршал Ней бирданига таажубда қолди: бунга ақл бовар қилмаса-да, юқоридан зилдай ёғоч оқиб келарди. У биттагина бўлиб, гўё гойибона қудрат соҳиби имконсиз юмушга имкон яратиб қўйганди. Маршалнинг сапёрлари ҳам уни кўришди ва ўқ етмас масофага келгач, чангак билан тутиб олдилар-да, тепадаги ўртоқларига узатдилар.

Уни кўприк тўшамасига ўрнатиб бўлдилар ҳамки, сув бетида яна бир тўсин лопиллай бошлади, уни кимдир абжирлик билан оқизаётганди. Сўнгра яна битта, иккита, учта...

Буни ўйлаб топган маршал Ней қўл остидаги зобит хатто оқимни ҳам ҳарбий кўприксозликка сафарбар этганди гўё. Бироқ бундай бўлиши мантиқан мумкин эмас! Негаки юқорида дарёнинг шундай эгирими борки, оқизилган ёғоч-тахта кўприкка етиб келишининг шарти оғир: у фақат австрияликлар қўлидаги қарши соҳилдан сувга туширилиши зарур.

Хўш, нариги қирғоқдаги жанговар қуролдош ким бўлди?

Салдан сўнг бу саволнинг аниқ жавоби топилди. Афсуски, француз сапёрларига катта мадад йўллаётган кишини ёв ҳам пайқаб қолганди. Немис ўқчилари ўша нуқтани нишонга олиб, қўрғошин ёмғирини ёғдира кетди. Нейга ўхшаш малласоч одамни ана шу

дамда кўришди. У нафақат зобит, ҳатто оддий аскар ҳам эмасдики, эғнига оқ кўйлак ва тўқ жигарранг иштон кийиб олганди. Кейин ўзи яширинган бегона соҳилни тарк этди ва бир-бирига боғланган учта тахта устида тик туриб, инон-ихтиёрини азим дарёга топширди. Нотаниш баҳодирни бу ёқдагилар қийқириб, завқ-шавқ билан олқишлай бошладилар, нариги қирғоқдан эса энди ўқ ёмғир эмас, жала бўлиб ёғиларди.

У эса душман томонга беписанд ва мағрур боқиб келар, кўлларини кўкси устига чалиштириб олган ялангтўш баҳодирнинг олтин сочлари дарё шамолида қилпирарди.

Тўсатдан у ортига қалқди ва тиз чўкиб ўтириб қолди: манглайига мерган ўқи тегди... Йўқ, кўрғошин фақат терисига ботган бўлиб, зарбнинг зўридан бир лаҳза гангиди, холос. У кўзига оқиб тушаётган қонни енгининг жияги билан сидирди-да, уни кутиб турган французлар қошига етиб, кўприк устунига тирмашиб олди.

Сапёрлардан бири уни ва маршал Нейни кўрсатиб, шундай луқма солди:

– Башарти омон-эсон битказолсак, унга «Икки зарринсоч кўприги» деган ном беришимиз мумкин!..

Чиндан ҳам кўприк битди! Аммо унинг ҳар бир ёғоч-тахтаси инсон қони билан ювилди, қоқилган ҳар бир мих аскар жисмини поралаган ўққа баробар эди. Икки соҳил туташиб, душман томонга йўл очилиши биланоқ пиёдалар тўлқини долғадай ёпирилди. Ана шунда кўтарилган ур-тўполонни кўриб, ганим кўприк ҳали ҳам ўз қўлида эканидан бир қувониб олган бўлса ажабмас. Негаки ҳамма ёпирилиб жангга ошиқарди, қуроолларнинг бари урушга ташна. Француз қўмондонлари уларни сафга тизишни, қалбида фидойилик ва матонат жўш урган шерюракларни тартибга солишни қийналиб бўлса-да, уддалашди. Гуж-гуж

французларга қарши отилган душман ўқи ҳам «яй-раб» олди: қўрғошиннинг зирапчадай парчаси бекор кетгани йўқ, инсон кўксига бехато қадалди.

На чора, уруш – уруш-да! Лекин кўприкка ёв дахл қилолгани йўқ. Тутдай тўкилган роталар, сафлари сийраклашган батальонлар бари бир қаддини ростлади, омон қолган шунқорлар қарши соҳил тупроғига қадам қўйдилар. Мустаҳкам душман қўрғонидан йўл очилиб, улугвор қўшин ёпласига ташланди.

Қирлар, қишлоқлар бирма-бир забт этилиб, ахийри монастир ҳам эгалланди.

«Иккинчи зарринсоч», яъни бизнинг Шульмейстер ўз хизмати билан битказилган кўприкдан кўнгли тингач, милтиқ, ўқдон ва найзани олди-да, биринчилар қатори ҳужумга ўтди. Ҳамма унинг юрагига қойил қолиб, абжирлигига ҳавасда эди. Олдинги сафлардаги гренадёрлар Шульмейстерни танимасалар-да, уни мутлақо ўзлариники қилиб олгандиларки, уни тутунлар орасидан излашиб, чорлашар, унга етишга, ўзиб кетишга интилардилар.

Ҳеч кутилмаганда у кўздан ғойиб бўлди.

Шульмейстерга етолмай доғда қолган ёш бир поручик ёмғир сувлари ювиб кетган сўқмоқдан бораётиб, унинг ўқдони ва найзасини топиб олди. «Зарринсоч»нинг ўзи қани? Унинг ном-нишони йўқ. Ҳалок бўлдимми? Жароҳатландими? Асирга тушиб қолдимми? Буни ҳеч ким билолмасди.

Жанг барҳам топди. Туннинг қора пардаси дўстудушманга баробар: ғолиблар шон-шавкати, аёвсиз ўлим, зафар ва мағлубият – ҳаммаси тонггача пинҳон. Музаффар аскарлар хунрезлик лавҳаларини орзиқиб сўзлашар экан, ўз матонати билан ҳаммани қойил қолдирган, қони ва жонини бебадал бахш этган сирли шунқорни топа олмаётган эдилар.

Шульмейстер кўшиннинг оғирини енгил, мушкулени осон қилгач, муҳим фикрга келди: энди у ўз жонажонлари, хотини ва болалари ҳақида ўйлашга ҳақли, албатта.

Афсус! У бошбошдоқлик ҳукм сураётган қишлоққа умид билан кириб борди, бироқ на Бертани, на Ганс ва Лизбетани тополгани йўқ!

АЛҚИССА, ҲАММА МУРОДУ МАҚСАДИГА ЕТДИ

Орадан тўрт кун ўтди. Генерал Мак енгилганига иқрор эса-да, Наполеоннинг таклифига жавобан узил-кесил таслим бўлиш учун муҳлат сўради.

Мюрат австриялик қочоқларнинг изидан тушди Эрцгерцог Фердинанд бошчилигидаги бу тўда қуршов ҳалқасини ёриб чиққани билан ортидан қувиб бораётган Франция маршалидан тепки еб, кунпаякун бўлди. Мюрат стратегия бобидаги ўз айбини суворийларининг матонати билан батамом ювганди: у катта «ҳосил» кўтариб, ўлжа олинган байроқ ва замбараклардан «хирмонлар» уйди.

Маршал Ней энди ҳовридан тушганди. Император эса Вена устига кўшин тортиш тадоригида: «ўроқчи» легионлар шай, олисроқдаги «ҳосил» майдонига етиб олсалар бас, «хирмон» чакана бўлмайди!

Шульмейстер императорга ҳазилакам хизмат қилмаган бўлса-да, унга кўриниш бериб, суюнчи олишга шошмасди, гир айланиб оиласини, фақат оиласини изларди. Улар шу яқин атрофда бўлишса-да, ҳеч-ҳеч топиша олмасдилар. Уни гоҳо ваҳима босади: уруш дегани тасодифларга бой, Худо кўрсатмасин, асирга тушган бўлсалар-чи?!

У Эльсинген атрофидаги ҳамма қишлоқларни кезиб чиқди. Вертинген орқали ортига қайтаркан

француз зобитларига ўзини танитмасликка жуда қаттиқ уринди.

Аёли ва кичкинтойларнинг лоақал изи топилса-чи? Доротея унинг топшириғини бажарганми – йўқми? Сўраб-суриштириб кўрди, шунга дахлдор бир оғиз сўз эшитгани йўқ. У Бертанинг олдига бордимикан? Эльсингенга кузатиб қўймоқчи бўлдимикан? Берта унинг таклифини қабул қилдимикан?..

Шульмейстер энди васвасага туша бошлаган, ўз иштирокидаги катта ғалабанинг лаззати ҳам тати-маётганди. Австрия қўшини батамом таслим бўлган лаҳзаларда урушнинг бу сирли қаҳрамони узлатга чекиниб, Михельсберг тоғ ён бағридаги ташландиқ чайлада ёш болалардай ҳўнграб йиғлаб ётарди...

Ўша куни тонгда Ульм шаҳри рўпарасидаги тепалик ёндамасига ўрнашган Наполеон турнақатор ўтаётган қирқ минг ҳарбий асирни кўздан кечирди. Атрофини бош штаб зобитлари ўраб олишганди. Француз пиёдалари тоғ ёнбағрига ярим доира шаклида сафланиб, суворийлар қуйидаги сайхонликда бир чизиққа терилиб туришибди.

Асирларнинг энг аввалидаги генерал Мак қиличини узатди, Наполеон олиб, яна ўзига қайтариб берди. Ундан сўнг генералларнинг, кейин аскарларнинг гали келди. Улар белгиланган жойга қурол-аслаҳаларини ташлаб ўтишарди, ахийри катта «хирмон» яралди.

Мағлублар музаффар саркардага қараб-қараб қўйсалар, зобитлар ундан кўзларини яширишарди.

Асирлар ўтиб бўлишди, ҳеч ким қолгани йўқ. Улардан кейин уруш шароитида «нонхўр оғизлар» аталувчи ҳарбийларнинг хизматкорлари, қариндошлари, хотин ва бола-чақалари ҳам бор эди. Ана шунда Наполеон кетишга чоғланди, аммо бу аянчли оломон орасидан бақир-чақир эшитилиб, қандайдир саросима

бошланди. Тутқунлар галаён кўтарди деган хаёлдаги император ўша тарафга синчиклаб нигоҳ ташлади ва бир гала одамлар ўзи томонга келаётганига кўзи тушди. Оралиқ хийлагина бўлиб, бирор кимнинг афт-ангорини аниқ кўриб бўлмасди, бироқ улардан бир бола олға отилиб чиқди. У Наполеон сари чопиб келди-да отдан икки қадам нарида айюҳаннос солди:

– Жаноби олийлари! Анави ерда дадам бор!

Наполеон болани таниди ва жилмайди:

– Ёпирай! Яна сенми, шумтакавой! Дадам бор дейсанми? Хайрият! У тирикми? Нега ҳузуримга келмайди? Бориб айт, мен уни қачондан буён кутаман ахир.

Асирлардан сўнг Наполеон қошида икки бола орага олган бир киши ҳозир бўлганини энди ҳамма кўриб турарди. Ганс уни шитоб билан судраб келарди, орқада қолмаслик учун пилдираётган Лизбета эса югуришга мажбур эди. Ҳам ийманган, ҳам ял-ял ёнган Берта уларнинг ортида, Родекнинг қўлига суяниб олганди. Наригилар хийла олдинлаб кетган, сиёҳпўш бу нозанин эса уларнинг изидан ҳадиксираб қадам ташларди. Уларни то сулҳ тузилгунча ўз уйида яширган Доротея бояқиш энди бу манзилга бошлаб келганди. Алқисса, у ўз бурчини адо этди ва орзуларига ҳам нуқта қўйди. Манави тўрт беозор инсон тўрт кун мобайнида унга гўё оилавий бахт ҳадя этишган бўлса шу тобда ундаги қалб ардоғи ва садоқатни етим қилиб айрилмоқда эдилар. Мана, ўзини четга тортадиган лаҳзалар етди...

– Ана холос! Ахир мен берган топшириқнинг ижроси ҳақида ҳисобот ол келиш ўрнига нега қочиб кетдинг? – дея дағдаға билан сўз бошлади Наполеон бироқ юзи сўзининг акси бўлиб, кулиб турарди. – Ҳузуримга ўғлингни юборибсан, ўзинг қаёқларда юрибсан?

– Асирликда эдим, офтоби олам!

– Биламан. Хўш, кейин-чи?

– Қутулдим.

– Оқилона иш! Хўш, ундан кейин-чи?

Императорнинг ўнг тарафида турган Нейнинг овози сўнгги саволга жавобан гулдиради:

– Кейин бу тақсир кўприксозлик қилди-да!

– Кўприксозлик? Тушунолмадим, маршал.

– Демоқчиманки, ҳазрати олийлари, Эльсингенга ўтиладиган кўприкни битказишда унинг хизмати катта. У бизга ниҳоятда зарур охирги тўсинлар билан сузиб келди. Бу билан қўшиннинг дарёдан ўтишига беқиёс наф келтиргани устига, ўзи яраланган бўлса-да, ёнимизда баробар ҳужумга отилди.

– Ўжар экансан-ку! – деди Наполеон Шульмейстерга. – Страсбургда менга жанг қиламан дегандинг, сўзингнинг устидан чиқиб, муродингга етибсан-да!

– Ўтмасам бўлмасди, зоти олийлари, хотинимни, болаларни қидириб топишим зарур эди.

– Ўзинг айтгандинг: ўглинг асранди экани ростми?

– Рост, олампаноҳ!

– Маъқул, сен шу боланинг ихтиёрини менга топширасан! У жуда уддабурон ва довюрак экан, бир куни матонатли зобит қилиб етиштирамиз. Унинг тарбияси билан шахсан ўзим шугулланаман. Ўғлим, айт-чи, ҳарбийлар мактабида ўқишни, йиллар ўтиб, полковникка, генералга, ҳатто маршалга айланишни хоҳлармидинг?

Ёноқлари оловланиб, кўзлари чарақлаётган Ганс «ҳа» деворишга тайёр эди, лекин Родекнинг қўллари унинг елкасидан босди.

– Ҳазрати олийлари! – дея орага тушди кекса шуан.

– Менинг бир қошиқ қонимдан кечсангиз!

– Бу ким ўзи? – сўради император.

– Холис бир дўст, олампаноҳ, – жавоб қайтарди Шульмейстер. – Миллати – француз, бретониялик, иккала норасидани туғилган кунидан бери эҳтиётлаб юрибди.

– Яқинроқ келинг-чи! – амр қилди Наполеон.

– Бу боланинг император зоти олийлари томонидан тарбияланиши жоиз бўлармикан? – паст овозда сўз бошлади жуда яқин борган Родек. – Олампаноҳ, у душманингизнинг ўғли. Шундай душман эдики, мард ва ҳалол... энди ёруғ оламда йўқ. Агар болакай аждодлари номини олмаган экан, бунинг сабаби оддий: ногоҳоний қазойи қадар уни гўдак чоғиёқ етимликка маҳкум этган. Агар шу кулфат содир бўлмаганда эди, қошингизда ҳозир Жан Бурбон-Конде, яъни герцог Ангиенский турган бўларди.

Наполеоннинг рангпар юзи лола тусига кирди, қошлари чимирилди, у бўғилиб сўради:

– Рост гапни айтяпсизми?

Родек марҳумлар руҳини ёдга олиб, маъсум қиёфада бош эгди ва индамади...

Цезарнинг¹ қалбида қарама-қарши туйғулар тугён урарди. Салгинадан сўнг юзи асл ҳолига қайтди, кўзлари мамнунлик ила чўғланди.

– Шульмейстер! – деди у. – Билмайсанми, Страсбург атрофида яхшироқ бир қаср бормикан. Агар бўлса, Эльзас томонларга келганимда, дам олиб кетардим. Жуда катта бўлсин демайман, ҳатто қошона бўлмасаям майли. Кенг ва қулай бўлиб, теварагида экинзор ва боғ-роғлар бўлса кифоя.

¹ Цезарь Гай Юлий (эр. ав. 100 ёки 102 – эр. ав. 44) – қадимги Римнинг давлат ва сиёсат арбоби, саркарда ва ёзувчи. Ҳатто XIX асрда қўмондонлар Цезарнинг ҳарбий санъатини алоҳида ўрганишарди. Айниқса А. Суворов ва Наполеон унинг асарларини ҳар бир зобитга мажбурий қўлланма ҳисоблашган. Айни ўринда Наполеонни ўша Цезарга ўхшатилмоқда.

– Мейнау, олампа ноҳ.
– Мейнау? Сотиладиганми ўзи?
– Сотилади.
– Бўпти-да, огайни, Мейнауни олганим бўлсин. Бугуноқ фармон қиламан, ўша сарой сотиб олинади, уни дарҳол асранди ўглинг ва унинг синглисига ҳада этаман. Истайманки, улар у ерда униб-ўсиб, рафиқанг ва бретониялик кекса дўстинг қаноти остида тинч-осойишта яшасинлар. Бу қилган хизматларинг учун сенга аталган мукофотимдир.

Император Родек томонга ўтирилди:

– Шундай қилишга ҳаққим борми? Сиз ушбу хусусда нима дейсиз?

– Мен... – сўз бошлади қария. – Менимча, олампа ноҳ, бугун шунчалар шоҳона мурувват қилдингизки, бу билан сизни кечириш...

– Мен-чи? – дарҳол орага суқилди Шульмейстер, у Родекнинг миннатдорчилиги қовун туширишга айланиб кетишидан қаттиқ чўчиб, унинг сўзини бўлганди.
– Мен Мейнауда яшамайманми?

– Сен? Ҳозирча йўқ. Ўзимга ёрдамчи қилиб олам...

Эртаси куни Шульмейстер оиласи билан хайрлашди. Император адъютантликка олиб, вақтинчалик штаб хизматига тайинланган собиқ жосус Наполеон билан кетиши лозим эди. У Бертани сафар олдидан сўнгги бор бағрига босди. Кўнгли батамом тинчиган ва эртанги саодатли турмушга ишонган аёл гулдай яшнаб турар, эшик рўпарасидаги Ганс эса ўтиб бораётган ҳарбийларга маҳлиё эди.

Шульмейстер хайрлашиш учун Лизбетани излаб қолди. Аммо ширин қизалоқ анчагача топилмади. У уйнинг шундоққина биқинидаги саройнинг тўрида экан. Аскарларни томоша қилавериш жонига теккач,

ахийри бу машгулотни бас қилган қизалоқ ўз «кашфиёти» билан машгул эди: у мушукларнинг бутун бир оиласини топиб олганди. Шўрлик ҳайвон қиргинбарот кунларида болалаб, мушукчаларини чордоқнинг бир бурчида боқаётган экан...

Лизбета ҳаяжонланиб кетганди. Лекин унингча, бундай «кашфиёт» устида ўзининг шунчаки ҳаяжонланиши камлик қиларди. Қизча қалбидан тошаётган туйғуларини кимгадир тўкиб солмаса иложи йўқ. У ёлғиз бўлса-да, хаёлида гўё сирдош дугона яратиб олди: ҳам ўзидан кичкина, ҳам камсухангина. Лизбета катталардай, балки оналардай ролга кирди ва ўзи сўраб, ўзи айтиб бижиллайверди:

- Мушукчамиз болалади!
- Шунақами? Зўй-ку! – деди хаёлий жажжи дугона.
- Ҳа-да!
- Ў - Болалайи нешта?
- £ - Тўртта.
- .N - Зўй-ку!
- Д - Зўр-да!
- 6 - Оқми, қойами?
- Биттаси – оқ, бошқаси – кулранг, иккитаси худди онасига тортган.
- Зўй-ку!..

«Сухбат» шу нуқтага етганда, Шмельмейстер кириб келди ва Лизбетани суюб оғушига олди. Бахтиёр ота-болага қараб, қалби ийиган Бертанинг кўзларидан дувва-дувва ёш қуйиларди...

ТАРЖИМОНДАН

Шарль Лоран «Наполеоннинг жосуси»да қаламга олган давр тарихий хронология бўйича 1805 йилнинг кузига тўғри келади. Илк саҳифадаёқ бош қаҳрамон – разведкачи Карл Шульмейстерни, унинг ёнидаги икки норасидани кўрамиз. Улар ака-сингил Ганс ва Лизбета: болакай ўн бир яшар, қизалоқ ундан уч ёш кичкина. Асар бобдан-бобга ўтгани сайин Ганс гўё кўз ўнгимизда улғайиб бораётганга ўхшайди. Шульмейстернинг ўта хатарли курашидаги энг яқин ва энг ишончли ёрдамчиси, ҳатто халоскори ҳам ана шу кичкинтой бўлиб, у китобхон қалбидан тобора чуқур ўрин олаверади. Бола шердил, аждодлари шаън-шавкатига муносиб, унга қўрқув бегона, ажалнинг кўзига тик боқа олади, ҳеч тараддудланмайди. Ганснинг жажжи қалбида баҳодирлик ва матонат чашмаси жўшиб турибди, қарчиғайдай зобитлар соясига салом берадиган саркардалардан ҳам ҳайқииб ўтирмайди. Гўдак боши билан Наполеон Бонапартнинг ҳузуригача дадил кириб бора олади. Шульмейстернинг зиммасидаги жанговар топшириқни бенуқсон бажаргани устига, ҳатто дадасининг жонига ҳам оро киради.

Мутолаа асносида китобхонга маълум бўладикки, кичкина қаҳрамонимизнинг исми аслида Ганс эмас, Жан. Карл дада ва Берта она уни сақлаб олишган. Боланинг туғилиши ортида ҳам сирли тарих бор: воқеалар ривожига жараёнида парда кўтарилиб, ўша сир очилади.

Лекин сир очилган эса-да, унинг остида ҳар ёққа томир ёйган илдизи йўқ дейсизми? Бизнингча, Шарль Лоран Ганс-Жан ва унинг синглиси образини роман-

га бежиз олиб кирмаган, бунинг замирида муаллиф кўзлаган жиддий мақсад бор.

Бинобарин, асарда тилга олинмаган, лекин роман мавзусига бевосита дахлдор айрим тарихий воқеаларга бир сидра назар солиш билангина муаллифнинг муддасини яхшироқ тушуниш мумкин бўлади. Бунинг учун Наполеоннинг ҳали император бўлмаган даврига қайтамиз. Кези келгани учун эслатиб ўтамизки, Бонапарт 1804 йилнинг декабрь ойида тож кийган...

Наполеоннинг ғалабалари бутун Европани Франциянинг душманига айлантириб қўйганди. Мамлакат ҳудуди унга тиш қайраган коалиция давлатларининг жосусларига тўлиб кетганди. Уларга берилган энг муҳим топшириқ эса Бонапартни йўқ қилиш эди, албатта.

Дастлабки суиқасдлардан бири 1800 йил 10 октябрь кунини содир бўлган, ундан кейингиларининг эса ҳисоби йўқ. Вазият шунчалик қалтис тус олдики, бугун ё эртага, исталган жойда Бонапартни ўлдириб кетишларига гўё шак-шубҳа қолмаганди. Айниқса Англияда айни хусусдаги «хушxabар»ни интиқлик билан кутишарди, ҳатто «иш битди» деворишди: «Наполеон ўлдирилди» деган хабар Лондон биржасини остин-устун қилаёзди. Париждаги суиқасднинг муроди ҳосил бўлмаса-да, бари бир Англиянинг бош биржасида 1-рақамли француз ҳалок бўлгани икки ҳафтагача ҳар тонг муттасил суюнчилаб турилди.

Деярли ҳамма ўлдига чиқараёзган Наполеон ўзи хавфсирамасинми? Албатта хавфсирайди ва албатта буни сездирмасликка уринади. Айниқса 1804 йил бошидаги аҳвол жуда таҳликали тус олди. Наполеоннинг буйруғига биноан террор ва суиқасдларга қарши энг кескин чоралар кўрилди. Аввало, ташқи ва ички агентура – жосуслик тизимига алоҳида эътибор

берилди. Мамлакат ичкараси ва хорижий давлатларга Наполеоннинг юзлаб айғоқчилари йўл олишди. Генерал Мюрат Париж ҳарбий губернатори, Реаль эса пойтахт полициясининг бошлиғи вазифасига тайинланди. Шаҳар ағдар-тўнтар қилиниб, тинтилмаган жой қолгани йўқ, суиқасд ва исёнда гумондор кўплаб одамлар (Пишегрю, Кадудаль, генерал Моро ва бошқалар) ҳибсга олинди.

Полиция тергов жараёнида мухолифлар монархия режимини тиклаш ниятида эканликларини аниқлади. Улар қатл этилган марҳум қиролнинг укаси д'Артуани ёхуд шаҳзода Кондени, хуллас, Бурбонлар сулоласидан бирор талабгорни тахтга ўтқизишни хоҳлайдилар. Аён бўлдики, бу ҳаракатлар Англия расмий доиралари томонидан уюштирилиб, тахт даъвогари бўлмиш муҳожир шаҳзода ҳам айнан ўша ердан жўнатилади.

Наполеон ўша тарафни сергаклик билан кузатарди. Бироқ қироликка номзоднинг шимолдан эмас, шарқдан дарағи чиқиб қолди. Герцог Ангиенский (Энгиенский), яъни Луи-Антуан де Бурбон-Конде кунчиқар томондаги жон қўшни Баден герцоглигида экан. У қироллар наслидан бўлиб, Бурбонларга яқин қариндош Конделар сулоласига мансуб сўнгги шаҳзода эди. Герцог Ангиенский Буюк Француз инқилобидан сўнг отаси ва бобоси билан Англияга кетиб қолди. Люневиль сулҳ шартномаси (1801 йил 9 февраль) имзолангач, шаҳзода қитъага қайтди, Баденда яшаб, Англия ҳукумати ажратган нафақага тирикчилик қилар ва биров билан иши йўқ эди. У Франция республикасининг зарарига нима қилмоқчи, Наполеонга қарши шахсий хусумати ёхуд тахтни эгаллаш қутқуси борми, Париждаги ғаламислар билан алоқаси қанчалик? Бундай шубҳалар аслида қироллар авлодининг қонига ташналикдан бўлак нарса эмасди.

Кейинчалик, Наполеон Бонапарт ўз мемуарларида токи Талейран қайрамагунча, герцог Ангиенский унинг хаёлига ҳам келмаганига иқрор бўлди. Талейранга қолса, шаҳзодани зиндонбанд қилиш кам, унинг бу дунёда яшашга ҳаққи йўқ! Лекин Баден герцоглиги Францияга қарам бўлмаган бетараф ҳудуд бўлиб, чегарадан ўтишни у ёқда суверенитетга тажовуз ҳисоблашлари мумкин эди.

Кейинроқ ўз таклифида мустаҳкам Талейранга (ташқи ишлар вазири) эса ўз таклифида Фуше (полиция вазири) ҳам қўшилди. Наполеоннинг боши қотди ва бир неча кун ўйлаб кўрди-да, ўзидаги ботиний зиддиятни енгди. 10 мартда (1804) тор доирада кенгаш ўтказиб, энг яқин ва олий мартабали ёрдамчиларининг фикрини олгач, герцог Ангиенский тақдирини ҳал этувчи муҳим ва қатъий тўхтамга келди. Шунингдек, ўша йиғилишда операцияни ўта махфий ва тезкорлик билан амалга ошириш режаси белгиланиб, умумий раҳбарлик Коленкурга юкланди.

Шунга асосан 1804 йил 14 мартдан 15 мартга ўтар кечаси француз драгунлари ва бошқа отрядлардан иборат қуролланган алоҳида гуруҳ Баден ҳудудига бостириб кириб, герцог Ангиенскийни қўлга олди. Асир 20 мартга қадар Венсендаги ҳибсхонада сақланди. Тергов жараёнида герцог Ангиенский Париждаги суиқасдларга, Пишегрю ва Кадудаллар фитнасига алоқадор эмаслиги аниқланди. Бироқ уни Наполеонга қарши исён уюштириш учун Англиядан пул олганликда айблашди. Бу шаҳзодага туҳмат эди, албатта. Полковник Юлен раислигида 20 март куни бўлиб ўтган суд мажлиси герцог Ангиенскийни олий жазога ҳукм қилди.

Шаҳзода Конде ўзига муносабат бунчалар қаттиқ ва беаёв бўлишига, ҳукм ижро этилишига ишонмасди.

У ўз аъмолини шарҳлаб, Наполеоннинг номига ариза ёзди ва қабул қилишини сўради. Бонапарт маҳкумнинг мурожаати билан танишгач, Реални чақириб, Венсенга бориб масалани ўрганиб келишни буюрди. Реаль буйруқни бажарди, лекин эрталаб ухлаб қолганлиги учун (шу гапга ким ишонади?) Венсенга етиб борганда, ҳукм ижро этиб бўлинган экан.

Герцог Ангиенский қатл этилгани ҳақидаги расмий баёнот 21 март куни эълон қилинди. Луи-Антуан де Бурбон-Конде фожиасидан Европагинамас, бутун дунё ларзага келганди. Бу таъкиднинг муболағаси йўқ. Аввало, у бегуноҳ ва жуда ёш эди. Қолаверса, шаҳзода Конде бағоят келишган, қарчиғайдай йигит бўлиб, холис ва сермулоҳаза давлат арбобига, шерюрак қўмондонга хос ноёб фазилатлари билан Франциядан олисларда ҳам оғизга тушган, халқаро майдонда катта шон-шухрат, ҳурмат-эҳтиром қозонганди.

Шу қатлнинг сиёсий оқибати боис Наполеон жиддий маломатга қолди. Париж кўчаларида уни қораловчи шиорлар пайдо бўлганди: «Келгинди, корсикалик, узурпатор, жаллод...»

Шаҳзода олийнасаб қиролзодалар хонадонига мансуб бўлгани ҳолда бетайин бир ўғри ёки томтешар қароқчидай қатл этилганди. Уни Франция шаҳзодаси Конденинг ватанининг ёвлари эмас, бир взвод француз аскарлари, яъни ўз ватандошлари отган ўқ ўлдиргани унинг шаън-шавкатига мутлақо номуносиб эди. У Бонапартдан уч ёш кичкина бўлиб, бор йўғи 32 йил умр кўрганди...

Алқисса, «Наполеоннинг жосуси»даги Жан ва Елизавета ана шу жувонмарг қиролзоданинг етим фарзандлари эканини муаллиф китобнинг бир неча ўрнида билдиради. Биз уларнинг отаси гирифтор

этилган қонли фожиа тафсилотлари билан ўқувчини бир қадар таништириб ўтдик. Ўйлаймизки, Наполеоннинг фаол иштирокидаги ушбу асар воқеалари ва қаҳрамонлари силсиласида романнависнинг ҳақли имо-ишораси, мантиқий бир рамз ҳам мавжуд. Ахир Шультмейстер ва уни «Карл дада» атовчи икки гўдак нимаси биландир Бонапартнинг ўз оиласини эслатмаяптими? Чунки Наполеоннинг ҳам икки асранди фарзанди бор, уларнинг ҳам тўнғичи – ўғил, кенжаси – қиз: Евгений (Эжен) ва Гортензия.

Энди рамзга келсак, йиллар ўтади: Наполеонни оиласидан, ўғлидан зулм ва зугум билан айирадилар. Унинг валиаҳди ҳам шаҳзода Конденинг қисматига учрайди. Тўғри, уни отиб ўлдирмайдилар, лекин заррача айби йўқ бўлса-да, ҳамиша ҳар қадами тазйиқ остида бўлган йигит, ахийри бедаво хасталик билан ғариблиқда вафот этади. У ёғидан келсангиз, Наполеон Бонапарт ўзи ҳам олис Муқаддас Елена оролида кимсасиз ғариб ва қувғинди мусофир бўлмаса, ким эди?..

Бевафо дунё деганлари рост.

Аммо қасосли дунё деганлари ҳам ёлғон эмас-да!..

Рустамжон УММАТОВ

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ

Жосус қўлга тушди.....	3
Бертанинг хавотири, маршалнинг таҳдиди	14
Эр ва хотин.....	23
Наполеон билан юзма-юз.....	31
Жосус жанг қилиш иштиёқида.....	38
Императорнинг қаҳри келди	44
Жосус икки аскарни доғда қолдирди	53
Маршал Мюрат – жигарсўхта	66
Бегуноҳ шаҳзоданинг қонли қисмати.....	80

ИККИНЧИ ҚИСМ

Айғоқчи душман ўрдасида	91
Генераллар чув тушди.....	101
Нотаниш аёл жосусга ўз хизматини таклиф этди.....	109
Сотқин бари бир сотқин-да!	117
Сотқин жосусдан кўрқиб кетди	122
Сарсонлик – саргардонлик.....	130
Берта ва Доротея	138
Родекни хўрлашди, Ганс қочиб қутулди	149
Жосус қалтис синовда.....	153
Шульмейстер Наполеонни излаб боради	163

УЧИНЧИ ҚИСМ

Шульмейстер қатл арафасида	172
Венд Гансни азобламоқчи.....	189
Сотқин ўз бошини ўзи еди	198
Жосуснинг ўғли Наполеон ҳузурида	207
Маршаллар орасидан ола мушук ўтди	219
Соқчининг жосус билан улфатчилик қилгани	225
Ганс соғинтириб қўйди.....	233
Родек маршал Мюратнинг йўлини тўсди.....	238
Генерал Мак сўнгги талвасада	254
Жосуснинг гойиб бўлиши	260
Алқисса, ҳамма муроду мақсадига етди.....	270

Таржимондан.....	277
------------------	-----

Қўшма 1-қисм.....	277
Қўшма 2-қисм.....	277
Қўшма 3-қисм.....	277
Қўшма 4-қисм.....	277
Қўшма 5-қисм.....	277
Қўшма 6-қисм.....	277
Қўшма 7-қисм.....	277
Қўшма 8-қисм.....	277
Қўшма 9-қисм.....	277
Қўшма 10-қисм.....	277
Қўшма 11-қисм.....	277
Қўшма 12-қисм.....	277
Қўшма 13-қисм.....	277
Қўшма 14-қисм.....	277
Қўшма 15-қисм.....	277
Қўшма 16-қисм.....	277
Қўшма 17-қисм.....	277
Қўшма 18-қисм.....	277
Қўшма 19-қисм.....	277
Қўшма 20-қисм.....	277
Қўшма 21-қисм.....	277
Қўшма 22-қисм.....	277
Қўшма 23-қисм.....	277
Қўшма 24-қисм.....	277
Қўшма 25-қисм.....	277
Қўшма 26-қисм.....	277
Қўшма 27-қисм.....	277
Қўшма 28-қисм.....	277
Қўшма 29-қисм.....	277
Қўшма 30-қисм.....	277
Қўшма 31-қисм.....	277
Қўшма 32-қисм.....	277
Қўшма 33-қисм.....	277
Қўшма 34-қисм.....	277
Қўшма 35-қисм.....	277
Қўшма 36-қисм.....	277
Қўшма 37-қисм.....	277
Қўшма 38-қисм.....	277
Қўшма 39-қисм.....	277
Қўшма 40-қисм.....	277
Қўшма 41-қисм.....	277
Қўшма 42-қисм.....	277
Қўшма 43-қисм.....	277
Қўшма 44-қисм.....	277
Қўшма 45-қисм.....	277
Қўшма 46-қисм.....	277
Қўшма 47-қисм.....	277
Қўшма 48-қисм.....	277
Қўшма 49-қисм.....	277
Қўшма 50-қисм.....	277
Қўшма 51-қисм.....	277
Қўшма 52-қисм.....	277
Қўшма 53-қисм.....	277
Қўшма 54-қисм.....	277
Қўшма 55-қисм.....	277
Қўшма 56-қисм.....	277
Қўшма 57-қисм.....	277
Қўшма 58-қисм.....	277
Қўшма 59-қисм.....	277
Қўшма 60-қисм.....	277
Қўшма 61-қисм.....	277
Қўшма 62-қисм.....	277
Қўшма 63-қисм.....	277
Қўшма 64-қисм.....	277
Қўшма 65-қисм.....	277
Қўшма 66-қисм.....	277
Қўшма 67-қисм.....	277
Қўшма 68-қисм.....	277
Қўшма 69-қисм.....	277
Қўшма 70-қисм.....	277
Қўшма 71-қисм.....	277
Қўшма 72-қисм.....	277
Қўшма 73-қисм.....	277
Қўшма 74-қисм.....	277
Қўшма 75-қисм.....	277
Қўшма 76-қисм.....	277
Қўшма 77-қисм.....	277
Қўшма 78-қисм.....	277
Қўшма 79-қисм.....	277
Қўшма 80-қисм.....	277
Қўшма 81-қисм.....	277
Қўшма 82-қисм.....	277
Қўшма 83-қисм.....	277
Қўшма 84-қисм.....	277
Қўшма 85-қисм.....	277
Қўшма 86-қисм.....	277
Қўшма 87-қисм.....	277
Қўшма 88-қисм.....	277
Қўшма 89-қисм.....	277
Қўшма 90-қисм.....	277
Қўшма 91-қисм.....	277
Қўшма 92-қисм.....	277
Қўшма 93-қисм.....	277
Қўшма 94-қисм.....	277
Қўшма 95-қисм.....	277
Қўшма 96-қисм.....	277
Қўшма 97-қисм.....	277
Қўшма 98-қисм.....	277
Қўшма 99-қисм.....	277
Қўшма 100-қисм.....	277

Адабий-бадший нашр

**ШАРЛЬ ЛОРАН
НАПОЛЕОННИНГ ЖОСУСИ**

Муҳаррир
Жаҳонгир ЖҶРАЕВ

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2016 йил 30.06да рухсат этилди.

Бичими 84x108^{1/32}.

Босма табағи 9,5. Шартли босма табағи 15,96.

Гарнитура «Constantia». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 224.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

10013. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ
қуйидаги янги китобларни нашр этди:**

Лев Толстой

«УРУШ ВА ТИНЧЛИК» 1-2-китоблар

Бичими 84x108 1/32, 976 бет

Қаттиқ муқова

Бу китоб фақат уруш ёхуд тинчлик ҳақида эмас. Унда мавзулар қамрови – одамлар қисмати, уларнинг тақдири, ўйлари, қарашлари ва айни пайтда бўлаётган жараёнга муносабати китобхон эътиборидан четда қолмайди. Қолаверса, мутолаа жараёнида қалбингизга яқин бўлиб қолган ёхуд жамиятда қандай мавқега эга бўлишдан қатъи назар урушни ўзининг тақдири билан боғлаган ва бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдираётган қаҳрамонлар қисмати сизга фавқулодда ҳодиса эмас, балки ўз эрки, ўз номуси учун курашаётган тимсол сифатида гавдаланади.

Андрей Болконский, Пьер Безухов, Николай Ростов, Наташа, Соня, Мари – улар билан узоқ муддат ўзингизни ҳамфикр, йўлдош, ҳамсуҳбатдек ҳис қиласиз...

Теодор Драйзер

«АМЕРИКА ФОЖИАСИ» 1-2-китоблар

Бичими 84x108 1/32,

1-китоб – 624 ва 2-китоб 688 бет

Қаттиқ муқова

Теодор Драйзернинг эътиборингизга ҳавола этилаётган икки қисмдан иборат йирик «Америка фожиаси» романи ҳамиша бутун дунёни ўз гоёлари атрофида бирлаштиришга уринган гигант давлат – Америкада ўша вақтларда юз берган воқеликни кенг қамраб олганлиги, воқеаларнинг изчиллиги билан ҳамиша китобхонлар эътиборини ўзига жалб этиб келган.

Асарнинг бош қаҳрамони Клайд Гриффитс камбағал оилада туғилиб-ўсган йигит. Унинг бойлик орттириш йўлида қилган ножўя хатти-ҳаракатлари, бу йўлда ҳеч қандай қинғир ишлардан қайтмаслиги ва уни шундай ишларни қилишга қўйиб берган табиати – юзсизлиги, шафқатсизлиги кабилар бир қаҳрамон тимсоли орқали ўша давр Америка муҳити ҳақида ўқувчида яхлит тасаввур пайдо қилади.

Юлиан Семёнов ДРБ
 «ТИРИК ҚОЛИШ БУЮРИЛГАН» 7.5X
 84x108 1/32, 480 бет 9.5X
 Қаттиқ муқова

Муаллиф «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» романининг узвий давоми бўлган ўзининг янги «Тирик қолиш буюрилган» деб номланувчи асарида гитлерчилар рейхининг ўлим олдидаги талвасасини, фашизм пешволарининг ўз ҳаётларини сақлаб қолиш йўлида ҳар қандай қабихликдан ҳам тоймай қилган беҳуда уринишларини тасвирлайди.

Генри Райдер Хаггард. ДРБ
 «ҚАСОС ВА МУҲАББАТ» 7.5X
 84x108 1/32, 512 бет 9.5X
 Қаттиқ муқова

Адибнинг сара асарларидан саналмиш «Қасос ва муҳаббат» романида Мексика ҳиндуларининг 4-5 аср бурунги миллий озодлик ҳаракати хайрихоҳлик билан қаламга олинган. Асардаги Томас Вингфилд, Фонсека, де Гарсиа, Лили каби бош қаҳрамонлар муаллиф фантазиясининг маҳсулидир. Шу билан бирга Кортес (Малинцин), Берналь Диас, Монтесума, Куаутемок, Марина сингари тарихий шахслар ҳам бор.

Райдер Хаггард «Қасос ва муҳаббат»га материал тўплар экан, тарихий манбалар билангина кифояланган эмас. У ўрта асрларда истилочи конкистадорлар ўтган йўллардан юриб, Мексикани кезиб чиқади. Ўшанда адиб тўплаган маълумотлар, жуғрофий, биологик, этнографик кузатишлар қаҳрамонлар тақдирига уйғунлашиб кетган. Бинобарин, китобхон аянчли тақдирлар ва қонли фожиалар ёнида Мексика табиатини ва манзараларини, ҳиндулар тарихи ва ҳаёт тарзини ҳам ўз кўзи билан кўргандай бўлади.

«Қасос ва муҳаббат» жаҳон мумтоз адабиётида тарихий-жуғрофий ва саргузашт жанрининг дурдоналаридан бири сифатида эътироф этилган.

Оноре де Бальзак

«ДАҲРИЙНИНГ ИБОДАТИ»

84x108 1/32, 208 бет

Юмшоқ муқова

Оноре де Бальзак асарлари Европа адабиётининг гултожи саналади. Гобсек, Деплен, Горио Ота, Луи Ламбер – уларнинг ҳеч бири бир-бирини такрорламайди, улар қалбидаги муштарак мақсад, ички зиддиятлар, орзулар, борингки, адабиётнинг инсониятга кўрсатадиган хизмати нуқтаи назаридан бир-бирига жуда яқин. Мана шу ички кечинмаларни юракдан ҳис этган Бальзак ўз асарларидан бирида шундай ёзади: «Киши ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин лоақал унинг фикр-асрори, унинг бахтсизлиги, унинг ҳаяжонига шерик бўлиш керак».

Қадрли китобхон! Агар Бальзак қаҳрамонларининг ички кечинмаларини тушунмоқчи бўлсангиз, албатта ушбу асар мутолаасига шошилинг.

Ўзбекистон Республикаси Олий вақфлари қўмитаси ташаббуси билан


10800-00

84(49p)

1780

Шарль ЛОРАН

НАПОЛЕОННИНГ
ЖОСУСИ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-27-801-1



9 789943 278011